

ТИББИЁТ ОЛИЙ БИЛЛАМГОХЛАРИ  
ТАЛАБАЛАРИ УЧУН  
**ҮКҮВ АДАБИЁТИ**

**ФИЗИОЛОГИЯДАН  
АМАЛЖИЙ  
МАШГУЛОТЛАР  
УЧУН  
КҮЛЛАНМА**

1880

612


Ф 58

ТИББИЁТ ОЛИЙ БИЛИМГОҲЛАРИ  
ТАЛАБАЛАРИ УЧУН  
ЎҚУВ АДАБИЁТИ

# ФИЗИОЛОГИЯДАН АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР УЧУН ҚЎЛЛАНМА

Россия МФА нинг муҳбир-аъзоси,  
профессор Г. И. КОСИЦКИЙ ва профессор  
В. А. ПОЛЯНЦЕВлар таҳрири остида

Россия Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ўқув юртлари Бош  
бошқармаси томонидан тиббиёт олий билимгоҳлари талабалари  
учун ўқув қўлланмаси сифатида тавсия этилган



ТОШКЕНТ  
ИБН СИНО НОМИДАГИ  
НАШРИЁТ-МАТБАА БИРЛАШМАСИ  
1995

28.903  
УДК 612(075.8)

Таржиманинг маҳсус муҳаррири — тиббиёт фанлари доктори, профессор Умид Зуфарович Қодиров.  
Узбуқ қўлланманга Наманганд вилояти оналарни соғломлаштириш маркази булим муддери, олий тоифадаги жарроҳ Мирабдуллаев Олимжон Боймирзаевич ҳомийлик қилган.

Таҳризчилар: И. М. Сеченов номидаги I-МТИ нормал физиология кафедрасининг профессори, тиббиёт фанлари доктори Ю. В. Уриваев, Чернович шахар тиббиёт институти нормал физиология кафедрасининг муддери, тиббиёт фанлари номзоди Г. И. Ходоровский.

Таржимонлар:

Дадамирзаев Жўрахон Дадамирзаевич,  
тиббиёт фанлари номзоди, доцент.

Қодиров Шокир Қодирович, тиббиёт фанлари номзоди, доцент,  
Орипов Абдулла Насридинович, биология фанлари номзоди, доцент,  
Үринбоеев Баҳодир, физика-техника фанлари номзоди, доцент

Ф 58 Физиологиядан амалий машғулотлар учун қўлланма: Тиббиёт олий билимгоҳлари талабалари учун ўқув қўлланма / Дегтярёв В. П., Кушнарёва Г. В., Фенькина Р. П. ва бошқ./, Г. И. Косицкий ва В. А. Полянцев таҳририда.— Т.: Ибн Сино номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1995.—288 б.— (Тиббиёт олий билимгоҳлари талабалари учун ўқув адабиёти).

1. Дегтярёв В. П. ва бошқ.

Қўлланма физиологик функцияларни текширишга багишланган амалий ишларни ўз ичига олади. Китобда одамдаги физиологик функцияларни бевосита мавжуд бўлган усуслар ёрдамида текширишга, шунингдек меҳнат, спорт физиологияси вазифаларига, одамнинг мақсадга йўналтирилган фаолияти натижаларини тўгри баҳолашга катта аҳамият берилган.

28.903-73

ISBN 5—638—01127—7

© Ибн Сино номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1995.  
Ўзбекчага таржима.

## ЎЗБЕКЧА НАШР ҲАҚИДА СҮЗ

Бўлажак мутахассисларга тақдим қилинаётган ушбу қўлланма таржимонлар, олимлар ва ноширлар жамоасининг Сиз учун қилинган беминнат тухфасидир.

Ўзбек тилида яратилган ва ёзилаётган дарсликлар, ўқув қўлланмалари танқис, эҳтиёжларимиздан жуда ортда қолаётган бир пайтда мазкур қўлланма таржимасининг Сизга ва бизга дастёрик қилишига ишонамиз.

Қўлланма таржимонлари ва муҳаррири унинг асл матнида мавжуд бўлган афзалликларини, чунончи, машғулотларнинг изчил ҳамда энг зарур ва мақбул қисобланган ўқув ва тажриба қуроллари, замонавий ва анъанавий физиологик техника, электрон-ҳисоблаш техникаси ёрдамида, илфор услублар асосида ўтказилишини таъминловчи барча йўл-йўриқ ва тартибни ўзбек тилида тўла ифодалаб беришга ҳаракат қилишди.

Ушбу қўлланмани ўзбекча нашрга тайёрлаган таржимонларнинг фикрича, бу китобдан тиббиёт олий билимгоҳлари ва доришунослик, педагогика олий ўқув юртлари ва дорилфунунларнинг биология, жисмоний тарбия факультетлари талабалари, асаб касалликларини даволовчи шифокорлар, тиббиёт билим юртлари ўқувчилари, шунингдек рентгенологлар, радиологлар ва ички касалликлар бўйича мутахассислар ҳам фойдаланишлари мумкин.

Қўлланманинг сифатини оширишга хизмат қилувчи барча таклиф ва мулоҳазаларни қўйидаги манзилгоҳга юборишингиз мумкин:

Андижон тиббиёт олий билимгоҳи

## СҮЗ БОШИ

Нормал физиологияга доир бундан аввалги амалий қўлланманинг нашр қилинганидан бўён анча вақт ўтди. Бу давр ичидаги физиология бир қатор янги услублар билан бойиди. Ўқитиш жараёнини ҳам бўлғуси шифокорларни тайёрлаш вазифаларига мувофиқлашиб борди. Физиологик функцияларнинг бевосита одамда ўтказилувчи бир қатор текшириш услублари киритилди. Кибернетика соҳасидаги ютуқлардан ўқитиш ишларида кенг фойдаланишдек муҳим мақсадлар қўйилди. Одам физиологияси курсини ўқитишнинг асосий вазифасига анча яқин бўлган мазмундаги дарсликнинг янги нашри юзага келди. Буларнинг ҳаммаси муаллифлар олдига қўлланмани мукаммаллаштириш, одам вужудидаги физиологик жараёнларни тадқиқ қилишнинг янги, айниқса, ҳисоблаш машиналарини қўллаш билан боғлиқ усусларни баён қилиб бериш вазифасини қўйди.

Муаллифлар ҳозирча барча кафедралар етарли даражада техник асбоблар ва жиҳозлар билан таъминланмаганлигини ҳисобга олганлар. Бундай шароитда юксак техникага асосланган машғулотларнинг қўлланмада ёритилиши кафедраларни техник нуқтаи назардан қайта таъминлаш учун турткি бўлди. Талабалар клиникага келиб, одамдаги физиологик жараёнларнинг замонавий функционал текшириш усуслари ҳақида тушунчалар олишлари мумкин. Айрим ҳолларда эса янги вазифалар ҳозирча намойиш тарзида қўйилиши мумкин.

Физиология дарсларида янги асбоб ва усуслар билан бир қаторда замонавий илмий текширишларда қўлланилмайдиган, бироқ дарс бериш учун ниҳоятда зарур бўлган усул ва асбоблардан фойдаланилади. Талабалар бир йиллик машғулотлар жараёнида ўз вақтида ҳар бири фан ривожланишида катта аҳамият касб этган классик тажрибаларни ўз қўли билан бажариб, фанимиз бораётган ва уч ярим асрдан зисд вақт давомида ривожланиб келган йўлнинг асосий поғоналарини босиб ўтади. Бу эса асосий

физиологик қонуниятларни пухта ўзлаштиришга ундаиди.  
Шу сабабли мазкур қўлланмага, замонавий усуllар билан  
бир қаторда, анъанавий, классик усуllар ҳам киритилган.

Қўлланма мамлакатимизнинг кўплаб тиббиёт олий би-  
лимгоҳларининг физиология кафедралари ходимлари тай-  
ёrlаган материаллар асосида тузилган.

Биз барча китобхонларга танқидий мулоҳазалар ва ис-  
таклари учун чиндилдан миннатдорчиллик билдирамиз.

Россия МФА нинг мухбир-аъзоси,  
проф. Г. И. Косицкий, проф. В. А. Полянцев

I бўлим

ОРГАНИЗМ (ВУЖУД)НИНГ ФИЗИОЛОГИК  
ФУНКЦИЯЛАРИНИ ТЕКШИРИШ

ВУЖУД ФУНКЦИЯЛАРИНИ ТЕКШИРИШ УСУЛЛАРИ

Тадқиқот ва клиник физиология вужуд функциясини ўрганувчи кўп усулларга эга. Ҳозирги вақтда классик усул билан бир қаторда электрофизиологик ва бошқа замонавий усуллар кенг қўлланилмоқда.

Бу усулларнинг юзага келиши физика, кимё, электро-  
ника ва ҳисоблаш техникасининг ривожланиши натижасида  
кучли кучайтирувчи ва аниқ қайд қилувчи аппаратларнинг  
яратилиши билан боғлиқ. Мавжуд усулларнинг комплекс  
ҳолда қўлланилиши вужуд фаолиятининг асосий қонуни-  
ятларини ҳам, вужуд системаларининг ўзига хос хусусият-  
лари ва бу системаларнинг алоҳида таркибий қисмларини  
ҳам ўрганиш имконини беради.

Физиология тадқиқот фани сифатида пайдо бўлди. Ти-  
рик организмлар ҳаёт фаолиятини ўрганиш натижасида  
кўплаб маълумотлар олинди. Физиология фани ривожла-  
нишининг дастлабки босқичида текширишнинг асосий усу-  
ли кузатиш усули бўлиб, табиатшунослик ва техника ри-  
вожланишининг ўша даврдаги паст даражаси вужуд фун-  
кцияларини ўрганиш учун кенг имкониятлар бермади.  
Шундай бўлса ҳам, кузатиш усули билан умумий қон  
айланишининг умумий схемаси (У. Гарвей), капиллярлар (Г.  
М. Мальпиги), рефлектор фаолият принципи (Р. Декарт),  
материянинг сақланиш қонуни (М. Ломоносов), "ҳайвонот  
токи" (Л. Гальвани) кабилар очилган эди.

Кузатиш усули ҳозирда ҳам, айниқса, вужуднинг яхлит  
намёён бўлувчи хатти-ҳаракат ҳолатларини ўрганишда ўз  
аҳамиятини йўқотгани йўқ. Шундай бўлса-да, кузатиш  
усули субъективидир ва оз миқдордаги (1—3) секин  
ўзгарувчи кўрсаткичларни қайд этиб, ҳодисаларнинг фақат  
сифат томонини аниқлаб беради, холос.

Бугунги кунда одам ва ҳайвонларни текшириш жараё-  
нида кўплаб кўрсаткичларнинг миқдор ўзгаришларини аниқ

сезувчи ва қайд этувчи мураккаб асбоблардан фойдаланилмоқда. Бу ўз навбатида, вужуд функциялари динамикаси, ўзаро боғлиқлиги ва таъсири, шунингдек маълум шароитга мослашишда уларнинг бирлашиши ҳақида яхши тасаввурга эга бўлиш имкониятини яратади.

Таъсирлаш усули турли аъзоларнинг функционал аҳамиятини ўрганиш имконини беради. Бу усулнинг моҳияти бирор аъзо ёки тузилмага турли (кимёвий, механик, электрик ва бошқ.) таъсирлашлар орқали организм аъзолари ва системаларининг жавоб реакциясини, уларнинг ҳосил бўлишини ва асаб жараёнларининг тарқалиши характеристерини кузатишдан иборат.

Ҳозирги вақтда электр токи билан таъсирлаш кенг қўлланилади. Таъсирловчи сифатида электр токидан фойдаланишнинг афзаллиги шундаки, у тўқималарни жароҳатламайди, таъсирлаш учун етарли ва унинг маълум катталигини осонгина топиш мумкин бўлади. Таъсирлаш усули орқали физиологияда муҳим янгиликлар яратилди ва у ҳозирги нейрофизиологияда кенг қўлланилмоқда.

Ажратиш усули. Физиологиянинг дастлабки ривожланиш босқичларида организм фаолиятидаги айрим органларнинг роли, хусусиятлари ва уларнинг функциялари қонун-қоидаларини билаш муҳим ҳисобланган бўлиб, бундай мақсадлар учун аъзоларни тўлиқ ва қисман ажратиш усули хизмат қиласди. Аъзоларни қисман ажратиш уларни асаб-сизлантириш орқали, яъни вужуднинг бирор аъзосини унинг бошқа аъзо ва системалари билан алоқасини узиш орқали амалга оширилади. Бу аъзоларнинг ҳаётий хоссалари сақлаб қолинган қон томирлар орқали боғланиш туфайли бузилмайди ва гуморал алоқа қилиш ўз кучини сақлайди.

Асабсизлантириш асосий усули барча кўзга ташланадиган асабларни кесишидир. Кесишда асаб толаларининг бир қисми қон томирларнинг юза адвентициал қаватларидан ҳамда фиброз капсулалари ичидаги қон томир деворларининг ички қаватларидан ўтиши каби ҳолатларни эсда тутиш зарур. Ажратишни тўлиқ бажариш учун томир, аъзо капсулалари, оқсил компонентлари асаб элементлари билан биргаликда қайтмас ҳаётсизлантиришга (табиий тузилишнинг бузилиши) олиб келадиган 5—10% ли фенол эритмаси ёрдамида ишланади. Бундай усулларга, масалан, буйрак, талоқ ва бошқаларни қисман ажратишга ҳам мурожаат қилинади. Ажратишнинг энг ишончли усулларидан бири вужуддан аъзони ажратиб олиш ва унинг яшashi учун

шароит яратишидир. У айрим органларнинг функционал хосадарини аниқлаш учун уларнинг биохимик (секреция) фолиятини текшириш учун кимёвий моддаларга бўлган реакциясини аниқлаш ва бошқалар учун вужуддаги кўпгина кераксиз кўрсаткичлардан ҳоли бўлиш ниятида қўлланилади.

Яашаш учун шароит объект (мушак, пойкилотерм ҳайвонлар мушаги асаби)ни нам камерага жойлаштириш ёки  $37^{\circ}\text{C}$  гача иситилган қон ёки қон ўрнини босувчи эритмалар билан аъзони перфузия қилиш орқали яратилади. Унумли перфузиянинг мажбурий шарти кичик томирларнинг тромбозидан сақланиш мақсадида аъзони қондан ҳалос қилишидир.

Перфузиянинг энг содда вариантида аъзо артериясига канюля киритилиб, эритмада керакли босим яратилади. Перфузат аъзо томирлардан ўтгач, кесилган веналардан оқиб чиқади. Баъзи ҳолларда оксигенлаш, муайян ҳарорат, ион алмашиниш ҳосил қилувчи ва бошқа турдаги қурилмалари бўлган ёпиқ циклнинг мураккаб системаси яратилади. Ифода этилган бу усувлардан гомонотерм ҳайвонларнинг аъзолари (мушак, буйрак, талоқ, жигар, юрак ва ҳ.к.) тўлиқ ажратилган ҳолларда фойдаланилади.

Бузиш усули. МАСнинг (марказий асаб системаси) бўлимини экстирпация (олиб ташлаш) қилиш, ажратиш ва турли аъзоларни олиб ташлаш усули, бу аъзо ва бўлимларнинг функционал аҳамияти ва ўзаро таъсир характеристери ҳақида аҳборот беради. МАС даги у ёки бу бўлимни, марказни, ўtkазувчи йўл ва ҳоказоларни олиб ташлаш каби жарроҳлик ишлари вужуддаги айрим функцияларнинг йўқолиши ёки пасайиши каби оқибатларга олиб келиши мумкин.

МАС тузилмасини бузиш қўйидаги усувлар билан амалга оширилади: механик (игна, скальпель билан), термик (музлатиш ёки асаб тўқимасининг термоагуляцияси), электрик (МАС бўлимларининг айрим қисмларини шу қисмларга киритилган электродлар орқали ток юбориш нўли билан), рентген ва лазер нурлари, ультратовуш билан ва ҳоказо. Бу усувларнинг камчилиги тажрибадаги ҳайвоннинг чуқур, қайтмас, кейинчалик ногиронлашишига олиб келувчи, вужуддаги асаб системаси бутунлигининг қўпол равишда бузилишида намоён бўлади. Барча ёзилган усувлар наркоз ва мураккаб хирурик аралашувларни талаб этувчи, ўткир деб аталувчи тажрибаларда қўлланилади. Мана шундай ҳар бир тажриба одатда нормал физиологик жараён-


ларнинг ўтиши билан бирдан бузилиши, вужудга булган қўпоп таъсир натижасида тажрибадаги ҳайвоннинг азобланниши, ўлиши билан тугайди. Шу сабабли физиологияда И. П. Павловнинг яшашнинг табиий шароитларида жарроҳатланмаган бутун бир организмнинг физиологик жараёнлари характеристикини ўрганишга имконият берувчи сурункали деб аталувчи тажрибалари мұхим аҳамият касб этади. Агар Павловгача булган физиология вужудни алоҳида тузилема, аъзолар ва жараёнларга бўлувчи аналитик фан булган бўлса, И. П. Павлов янги — медицинанинг назарий асоси булган ва атроф-муҳит билан чамбарчас боғланган бир бутун вужуд физиологиясини яратди. И. П. Павлов бу соҳада маҳсус методик усуllibарни, масалан, маҳсус жарроҳлик тайёргарлик (физиологик жарроҳлик) ёрдамида олдиндан фистула қўйиш, безнинг чиқарув наиларини ажратиш ва ҳоказоларни таклиф этди.

Бугунги кунда шу мақсадларда замонавий радиослектроника, ядро физикаси, оптика, акустика ва бошқа фанларнинг эришган ютуқларига асосланган бошқа методик усуllibардан ҳам фойдаланилади. Бу методик усуllibар бутун организмдаги физиологик жараёнларни олдиндан буладиган жарроҳлик тайёргарликларисиз ўрганишга имкон беради, шунинг учун улар одамдаги бевосита физиологик жараёнларни ўрганиш учун клиникада функционал диагностика деб аталувчи соҳада кенг қўлланилмоқда. Бундай янги усуllibарнинг кўпчилиги ушбу қўлланмада ёритилган.

## ФИЗИОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР УЧУН КЕРАКЛИ АППАРАТЛАР

Юқорида кўрсатилган классик тадқиқот усуllibари жарроҳлик аралашуви, обьектга таъсир кўрсатиш ва унинг жавоб реакциясини қайд қилиш учун зарур булган асбоб-ускуналар яратишни талаб қиласиди.


Препаровка учун зарур асбоблар туркумига, асосан, катта ва кичик қайчилар, анатомик ва жарроҳлик пинцетлари, қон оқишини тухтатиш учун қисқичлар, препаровка учун игналар ва илмоқлар, скальпеллар, укол игналар, тўғноғичлар, иплар ва бошқалар киради. Қўйилган вазифа ва тадқиқотнинг мураккаблигига қараб, жарроҳлик асбобларининг туркуми ҳар хил булиши мумкин. Талабаларнинг амалий машғулотларида қўлланиладиган асбоблар туркуми I-расмда кўрсатилган.



1-расм. Препаровка учун асбоблар.  
а) катта қайчи; б) кичик қайчи (күз учун); в) наштар; г) препаратовка иғаси; д) пинцетлар; е) қисқычлар; ж) тұғногиңчалар; з) ипакли риши.

Текшириладиган объекттега таъсир күрсатыш учун күпроқ электр токи құлланилып, ток манбалари сифатыда аккумулятор ва электрон стимуляторлардан фойдаланилади. Улар түрли шакл ва мураккаблікка зәг булып, таъсирловчи сигнал частотасини, амплитудасини ва давомийлігіни бошқаришга имкон беради. Таъсир құлувчи сигналлар акустик (фоностимулятор), ёруғлик (фотостимулятор), электрик (электростимулятор) ва бошқалар күренишларыда булиши мүмкін.

Электростимуляторларни объекттега улаш учун электродлардан фойдаланилади (2-расм). Электродлар махсус шаклдаги үтказгычлар булып, улар ёрдамида таъсир құлувчи ёки үлчов асбоблари объекттега уланади. Электродлар қуидеги шарттарни қаноатлантириши керак: улар объекттега осонлик билан құйилиши, мақкамланиши ва олиниши, электрик ғараметрлари юқори даражада барқарор булиши, объектдан чиқадиган сигналларни бузмасылығы, электрик токи үтганды үз хоссаларини үзгартырмасылығы, шунингдек, үзіде электрик зарядларни түпламасылығы керак. Электродларнинг тирик тұқымага тегіб туришини яхшилаш мақсадыда таркибида электролитлар бұлған махсус қоришмалардан фойдаланилади.



2-расм. Ҳар хил турдаги электродларнинг ташқи кўриниши ва схемаси.

а) ҳар хил турдаги микроэлектродлар; б) сиртқи электрод; в) ютблан-майдиган электродлар; г, д, е, ж, з) биполяр электродларнинг ҳар хил турлари; и, к) ботирилувчи биполяр электродлар; л, м) монополяр ботирилувчи электродлар; н) индифферент (фарқсиз) электрод.

Электродлар құлланилишига қараб қүйидаги түркүмларға бўлинади: 1) кисқа муддатда қўллаш учун; 2) узоқ муддатга организм тўқималарига киритиб қўйиладиган; 3) узоқ муддатга тана сиртига қўйиб фойдаланилади (ҳаракатдаги объектларда, масалан, спорт, меҳнат ва космик медицинада, шошилинч медицина ёрдами ва қайта тирилтириш ҳолларида қўлланилади).

Электродлар тузилишига кўра жуфт қутбли (биполяр) ва якка қутбли (униполяр) бўлиши мумкин.

Актив электродлар таъсир кўрсатувчи ёки сигнал олинидиган жойга, пассив (индифферент) электродлар актив электроддан маълум масофада, хусусий биоэлектрик активлиги паст бўлган тўқималарга қўйилади. Унинг тўқимага тегиб турадиган юзаси катта булиши керак. Пассив электродлар кўп ҳолларда кумуш, қалайи вабошқа металлардан тайёрланган пластинка кўринишида бўлади.

Жуфт қутбли электродларнинг ўлчамлари ва контакт хоссалари бир хил бўлади. Иккала электрод тўқиманинг физиологик хоссаларига боғлиқ бўлган актив соҳага электродлараро масофанинг барқарорлиги сақланган ҳолда жойлаштирилади.

Якка қутбли электродлар бир нуқтадаги маҳаллий электрик активликнинг ўзгаришларини қайда қилиш имкониятига эга, жуфт қутблilари эса тўқималарнинг қушни нуқталаридаги потенциаллар фарқини ўлчашга имкон беради.

Таъсирланувчи обьектни унинг атрофидаги тўқималардан ажратиш мумкин бўлган ҳолларда сиртли электродлардан фойдаланилади, обьектни ажратиш қийин бўлган ҳолларда эса ток ўтказувчи қисми атрофидаги тўқималарга тегмайдиган ботирилувчи электродлар қўлланилади.

Миянинг алоҳида ҳужайраларига таъсир кўрсатиш учун учининг диаметри 0,5—3 мкм бўлган металл ёки шиша микроелектродлардан фойдаланилади. Бу электродларда ток ўтказувчи муҳит вазифасини калийли, натрийли ва бошқа тузларнинг эритмалари бажаради. Сурункали экспериментларда учидан бошқа жойлари ажратилган (изоляцияланган) киритиб ўрнатиладиган электродларни обьектга ўрнатиш усули қўлланилади.

Кўп ҳолларда, айниқса, таъсирловчи сифатида ўзгармас ток турткиларидан фойдаланилганда, қутбланмайлигиган электродлардан фойдаланилади. Улар электролитик усулда кумуш хлориднинг юпқа қатлами билан қопланган кумуш пластинка ёки кумуш симлардан иборат бўлади. Бундай

электрод объектга теккана, кумуш — кумуш хлорид — туқымалараро суюқлик күринишидаги контактлар түркүмні ҳосил қиласы ва бунда оз миқдорда қутбланиш токи ҳосил бұлади. Қутбланмайдынгы электродларнинг яна бошқа бир тури: тубига Рингер эритмаси билан құлланған пахта пилик жойлаштирилған шиша найчадан иборат. Найча 0,5 см қалинликта Рингер эритмасыда тайёрланған гилватта (каолин) билан тұлдырилади. Найчанинг қолған қисми рух сульфат тузининг түйинган эритмаси, билан тұлдырилади. Эритмага амальгама билан қопланған рух пластишка туширилади. Бундай электродлар амалда қутбланиш токларини ҳосил қилмайды.


Аниқ мақсад ва тадқиқот усулларининг талабига күра, таъсираш учун ишлатиладынгы электродларнинг ҳар хил тузилишдеги турлари мавжуд.

Қайд қилиш учун ишлатиладынгы электродлар принципиал жиҳатдан таъсировчи электродлардан фарқ қилмайды. Уларнинг тузилиши, шакт күрсаткичлари ўрганилаётган масалага боғлиқ булиб, электрик жараёнларни ёзиб олувчи (электромиограф, электроэнцефалограф, электрокардиограф ва башқалар) асбобларнинг құлланмасыда тушунтирилади.

Ноэлектрик жараёнларни қайд қилиш учун махсус ўзгартырувчи үлчагич датчиклардан фойдаланилади. Датчиклар деб, үлчанаётган ёки назорат қилинаётган катталыкни узатишга, қайта ўзгартыришга ёки ёзиб олишта қулай күринишдеги сигналларга айлантириб берувчи қурилмаларга айтилади.

Датчиклар классик вариантда механик силжишларни (скелет ёки юрак мушакларининг қисқариши, қон томирлардаги пульсни, күкрак қафасининг, құл, оёқларнинг ҳаракатини ва ҳ.к.) ёзиб олишда қулланилади. Бу асбобларда ричаглар асосий датчиклар булиб хизмат қиласы. Улар текширилаётган объектта бевосита (миограф, Энгельман ричаги) ҳаво камераси орқали (Марей капсуласи) ёки симобли манометр орқали уланади (артериал босимни тұғридан-тұғри ёзиб олиш). Бу хилдаги датчиклар сигнални ёзиб олувчи қурилма билан таъминланған булиб, сигнал кимограф барабанында ёзиб олинади (З-расм).

Кейинги ўн йилліктер мобайніда физиологик жараёнларни қайд қилишда ноэлектрик жараёнларни электрик сигналларга айлантириб берувчи датчиклар құлланылғанда. Ишлаш принципіне қараб бу датчиклар генераторлық параметрик датчикларга булинади. Генераторлық датчиклар



3-расм. Баčа юрагининг қисқаришларини чизиқли қайд қилиш учун курилма.


а) кимограф; б) Энгельман дастати; в) электромагнитли вақт белгилагич.

Үлчанаётган сигнал таъсирида кучланиш ёки ток ҳосил қиласи (пьезоэлектрик, термоэлектрик, индукцион, фотоэлектрик датчиклар). Параметрик датчиклар үлчанаётган сигнал таъсирида хусусий параметрларини ўзгартиради (сигимли, реостатли, индуктив ва ҳ.к. датчиклар). Датчиклар ёрдамида эквивалент электр сигналларига айлантирилган маълумотларни кучайтириш, үлчаш ва ёзиб олиш қулай бўлади. Мослаштирилган датчикларнинг яратилиши, мушаклар қисқариши, қон тақсимотининг ўзгариши билан боғлиқ равишда тана оғирлик марказининг ўзгариши, қон босими ва унинг кислородга тўйиниш даражаси, томирлардаги қоннинг тўлалиги, юракдаги тонлар ва шовқинлар, ҳарорат каби функционал кўрсаткичларни ўрганишга имкон берди (4-расм).

Кўп ҳолларда ўзгартириладиган энергия турига қараб датчиклар қўйидаги турларга бўлинади: механоэлектрик, фотоэлектрик, термоэлектрик ва ҳ.к.

Механоэлектрик датчиклар механик ҳодисаларни (босим, силжиш, пульс ва ҳ.к.) электрик сигналларга айлантириб беради. Пьезоэлектрик датчикларда маҳсус кристаллар (титанат барий, сегнет тузи ва бошқа)нинг механик деформацияси натижасида деформацияланиш даражасига

пропорционал равища электрик потенциаллар ҳосил бўлади.



4-расм. Бази датчикларнинг тузилиш принципи ва уларнинг электрик схемаларга уланиши.

- берkituvchi қатламли селендан тайёргантигани фотозлемент;
- термо-жумфтинг ўлчов схемасига уланиши;
- датчикларни уловчи ўлчов (д);
- индуктив датчик ва унинг уланиш принципи (д);
- тэнзометрик датчик;
- сиғимли датчикният электрик схемаси;
- механоэлектрон датчик (механотрон) ва унинг уланиш принципи (л);
- $R_1$ - $R_3$ ) қаршиликлар,  $R_d$ ) датчиклар.

Тензометрик датчикларда эластик таглика үралган сим ўрами электрик қаршилигининг ўзгариши ҳисобига меканик деформация электрик жараёнга айлантирилади. Бундай датчиклар ўзгармас токни ўлчовчи кўприк схема диагоналига уланганда ишлайди.

Индуктив датчикларда очиқ магнит занжири магниттак индуктивлигининг магнит майдонида ўзгариши ҳисобига меканик ҳодиса электрик ҳодисага айлантирилади.

Сигимли датчиклар конденсатор пластинкаларидан бирининг иккинчисига нисбатан силжиши ҳисобига меканик ҳодисани электрик ҳодисага айлантириб беради. Конденсатор электр сигимининг ўзгаришларини аниқ ўлчаш ва ёзib олиш мумкин.

Механотрон (ҳаракатчан аноди бўлган уч электродли электрон лампа)лар электродлароро масофанинг ўзгаришига мувофиқ анод токининг ўзгариши ҳисобига меканик силжини электрик ҳодисаларга айлантириб беради.

Фотоэлектрик датчикларда ёруғлик энергиясининг таъсири электрик жараёнларга айлантирилади. Фотоэлектрик датчикларнинг 3 хил тури мавжуд: ташқи фотоэффектга асосланган, беркитувчи қатлами (фотодиод) ва ички фотоэффектга асосланган (фоторезисторлар) бўлиши мумкин.

Ташқи фотоэффектга асосланган фотоэлементлар ёруғлик таъсирида сиртидан электронлар чиқарадиган металл (цеций, суръма) билан қопланган, катод ва аноддан иборат бўлган вакуумли асбобидир. Фотоэлемент ўзгармас ток занжирига уланганда ёруғлик таъсирида катоддан электронларнинг учиб чиқиши ҳисобига занжирда ток пайдо бўлади.

Беркитувчи қатлами фотоэлементлар эса фотодиодлардир. Фотодиод ёруғлик квенти билан ёритилганда, ярим ўтказгич қатламида электронлар эмиссияси юз беради. Электронлар беркитилган қатлам орқали ўтиб, электронларнинг бирини манфий қутблайди, электрон йўқотган эса мусбат зарядланади. Фотодиод ўзгармас ток занжирга уланганда фототок сезиларли даражада ортади.

Фоторезисторлар ёруғлик оқими таъсирида қаршилигини ўзгарирадиган ярим ўтказгичли асбоблардир. Фоторезисторлар қаршилигини ўлчаш учун улар ўзгармас ток кўприги схемасининг диагоналларидан бирига уланади.

Термоэлектрик датчикларга термопаралар ва терморезисторлар киради. Улар электротермометрларда қон ва газ оқимлари тезлигини, муҳитдаги газлар таркибини ва бошқаларни аниқлаш учун ишлатилиади.

Термопаралар иккита ҳар хил метални (мис — константан, платина — иридий ва ҳоказо) бир-бирига пайвандлаш иши билан ҳосил қилинган датчиклардир. Агар ўтказгичларнинг пайвандланган жойлари температураси ҳар хил бўлса, температура фарқига пропорционал равишда потенциаллар айирмаси ҳосил бўлади. Термопаралар улчов купригининг елкаларидан бирига уланади.

Терморезисторлар қиздирилганда электрик қаршилиги ўзгарадиган ярим ўтказгичли асбоблардир. Улар ўзгармас ток қўпrik схемасининг диагоналларидан бирига уланади.

Электродинамик датчиклар (микрофонлар) акустик ҳодисаларни электрик ҳодисаларга айлантирадиган асбоблардир. Улардан фонокардиографияда фойдаланилади. Уларнинг ишлаш принципи ўтказгичли галтакнинг доимий магнит майдонда кўчиши натижасида унда электр юритувчи куч (ЭЮК) ҳосил бўлишига асосланган.

Кучайтиргичлар. Тирик туқималарнинг ҳаёт фаолиятида ҳосил бўладиган оз миқдордаги токни ёзиб олишда датчиклардан чиқадиган сигналларни кучайтириш учун қўлланилади. Биологик кучайтиргичларга қўйиладиган асосий талаблар: юқори кучайтириш коэффиценти, характеристикаларнинг чизиқли бўлиши, катта кириш қаршилигига эга бўлиш, вақт доимийлигининг кичиклиги, асосий сигнални бузувчи таъсирлардан яхши ҳимояланиши ва ниҳоят, хусусий шовқинлар даражасининг паст бўлишидан иборат. Айрим ҳолларда ўзгармас ток кучайтиргичларидан фойдаланиш керак бўлади.

Текширилаётган физиологик параметрларни ўзgartирувчи техник системаларнинг охирги звеносини акс эттириш қурилмасидир. Акс эттириш қурилмалари ичida медицинада кенг тарқалганлари регистраторлар бўлиб, улар аналогли, дискрет ва комбинацион регистраторларга бўлинади.

Регистраторлар датчиклар ва кучайтиргичлардан олинган электр сигналларини бизнинг сезги органларимиз сеза оладиган сигналларга айлантириб бериш учун хизмат қилали. Кўп ҳолларда электр сигналларини кириш органлари, баъзан эса оштиш органлари сеза оладиган кўринишга келтирилади.

Регистраторларнинг кенг тарқалган турлари физиологик жараёнларни қоғозга ёзиб оловчи асбоблар ҳисобланади. Бу универсал қурилмалардан турли жараёнларни ёзиб олишда фойдаланиш мумкин. Улар хусусий кучайтиргичларга (аттеньюаторларга), кучайтириш ва вакт калибраторига, қоғозни тортувчи ва ёзувчи **ФУЗИЯРГДПГ**га

булиб, бир неча (1 дан 16 тагача) ёзувчи каналларга эга бўлади.

Регистраторларнинг тузилиши жиҳатидан ўзига хослиги регистрация қурилмасининг чиқарувчи қисмининг тузилиши билан аниқланади. Медицина асбобсолигида кенг тарқалган чиқарувчи қурилмалар, асосан қўйидаги учта физик принципга (электромагнит индукция, электронлар оқимининг электр ва магнит майдонларида оғиши, ферромагнетик материалларнинг магнит майдонида магнитланиши) асосланган.

Мустақил қўлланиладиган стрелкали (милли) шлейфли ва сиёҳли ёзувчи регистраторларининг чиқариш қурилмаларида индикатор сифатида ишлатиладиган турли системадаги гальванометрлар электромагнит индукция принципига асосланиб тайёрланади. Гальванометрлар магнитоэлектрик ёки электромагнит системада бўлиши мумкин. Магнитоэлектрик системадаги асбобларда механик ҳаракат қайд қилиниши керак бўлган ток ўтказгичнинг магнит майдонидаги ҳолатининг ўзгариши ҳисобга олинади. Бу турдаги гальванометрларнинг тузилиши тайёрланадиган ўтказгичнинг шакли билан фарқ қиласди. Улар ток, сиртмоёки кўп ўрамли рамка шаклида бўлиши мумкин (кузгул гальванометрлар, стрелкали индикаторлар).

Электромагнит системадаги гальванометрларда қайд қилинадиган ток ўтадиган ўтказгич кўп ўрамли фалтак кўринишида бўлиб, у бевосита доимий магнитнинг қутблари орасига жойлаштирилади. Бу фалтак орқали ўтувчи ток ўзгарганда, доимий магнит майдонининг конфигурацияси ўзгаради, натижада магнит қутблари орасига ўрнатилган ўзгаради. Бу турдаги гальванометрлар фақат ёзиш усуллари билан фарқ қиласди сиёҳли, оқимли, иссиқлик, нусха кўчирувчи ва бошқа регистраторларда кенг қўлланилади.

Энг кўп тарқалган регистраторлар сиёҳ билан ёзувчи пероли регистраторлар бўлиб, уларда гальванометр олек тромагнитининг якорини ҳаракати сиёҳли резервуар уланган перога узатилади. Перо текширилаётган жараён ҳаракатланувчи қофозга ёzádi. Баъзи асбобларда ўрнига қофоз билан мос равишда ҳаракатланадиган нусха кўчирувчи (копировка) қофоздан фойдаланилади. Ёзги нусха кўчирувчи лента устида ҳаракатланганда, қофозда унинг изи қолади. Электрокардиографларда, троэнцефалографларда ва бошқа махсус регистраторлар кўзга кўринадиган ёзув ҳосил қиласди чиқариш ёзув шу усулда ҳосил қилинади.

Кейинги пайтларда ёзишда иссиқлик усули кенг қўлланимоқдаки, бунда гальванометр якорига ток билан қиздириладиган махсус перо ўрнатилади. Қиздирилган перо ҳаракатланганда махсус иссиқ сезгич қофозда из қолдиради. Бу усул кучириб юриладиган ва стационар кардиографларда кенг қўлланимоқда. Юқорида келтирилган регистраторлар 150 Гц гача бўлган максимал частотада ёзиш имконини беради.

Регистраторларнинг айрим турларида гальванометрнинг якорига диаметри бир неча микрон бўлган махсус капиллярлар ўрнатилади. Бу капиллярларга катта босим билан сиёҳ берилади ва ёзув ингичка сиёҳ оқими ёрдамида ҳосил қилинади. Бу турдаги регистраторлар электромиографларда, полиграфларда ва кардиографларда қўлланилади. Бунда ёзиш частотасининг чегараси анча ўқори бўлиб, 500 Гц гача етади.

Пероли ёзиш усулидан фойдаланиладиган регистраторларнинг камчилклари жараёнларни ёзиш частотасининг пастилигидан ташқари, перо учининг ёйсимон ҳаракати натижасида ҳосил бўладиган радиал бузилиш ва қофознинг ҳаракат тезлигининг секунлиги (150 мм/с) киради.

Тез содир бўладиган жараёнларни (асабнинг потенциалларни ўтказиш тезлиги ва бошқ.) сифатли ёзиб олиш учун ўқори тезликдаги разверткалар талаб қилинади.

Инерциясиз регистраторларга кенг оралиқдаги частотали биологик жараёнларни ёзиб олишга имкон берадиган, электронлар оқимининг электр майдонида оғишига асосланиб ишлайдиган электрон нурли осциллографлар киради. Бундай осциллографларнинг ишлаш принципи ҳаммага яхши маълум. Охирги ўн йилларда осциллографларни яратишда анча ютуқларга эришилди: кўп нурли, развертка тезлиги кенг диапозонли асбоблар пайдо бўлди. Сонли ҳисоблаш техникасининг қўлланилиши натижасида ёзиб олинаётган жараён турли шаклдаги информация кўринишида берилганда, уни чекланмаган вақт мобайнида хотирада сақлаш ва қайта тиклаш имконини берувчи дисплейлар яратилганки, улар ёрдамида иккى ёки ундан ортиқ элементлар устидаги операциялар, яъни қўшиш ва айриш натижалари ва бошқаларнинг тасвирини экранда ҳосил қилиб турish мумкин. Дисплей экранидаги тасвирининг фотосуратини олиш ёки тасвирининг электрик эквивалентини мумкин.

Ферромагнитик материаларнинг магнит майдонида магнитланиш хоссасидан магниторегистраторлар тайёрлашда фойдаланилади. Биологик жараёнларни магнит усули билан ёзib олиш усули маълумотни сақлаш ва қайта ишлашга қулайдир. Биологик жараёнлар учун қўлланиладиган мавжуд магниторегистраторлар икки асосий принципга: частота бўйича модуллаштириш ва сонли ўзгартаришга асосланган. Частота бўйича модулловчи асбобларда максус генератор ёрдамида юқори (15—18 кГц) частота ҳосил қилинади. Генератор иши секин юз берадиган биоэлектрик жараён билан бошқарилади. Натижада частотаси биологик сигнал амплитудасига пропорционал бўлган сигнал магнит лентасига ёзилади. Сигнални қайта тиклашда тескари кетма-кетликда ўзгартирилади. Бу усул 0 дан 10 кГц гача оралиқдаги частотали биологик жараёнларни ёзib олишга имкон беради.

Сонли ўзгартиргичли магниторегистраторларда узлуксиз (аналогли) сигнал узлукли (дискрет) сонли иккиланган кодларга айлантирилади ва импульслар тўплами кўринишида магнит лентасига ёзib олинади. Сигнални қайта тиклашда тескари йўналишда сонли-аналог ўзгартариш амалга оширилади. Ёзib олинадиган частоталар кенглиқ қабул қўлиувчи аналог-сонли ўзгартиргичнинг имкониятлари билан чекланган бўлиб, замонавий асбобларда 50—100 кГц ни ташкил қиласи ва бу кўрсаткич биологик тадқиқотлар талабидан анча юқоридир.

Сонли ёзиш усули регистрация қилинадиган частоталар диапазонининг кенглигидан ташқари унинг сифати, шовқиндан ҳимояланганлиги, каналларга электрон коммуникация қурилмасининг киритилиши ҳисобига магнитофоннинг 1—2 та йўлида бир неча (16-тагача) жараёнларни ёзиш ва сигналларни қайта тиклаш имконини беради.

Айрим биологик жараёнларни динамик диапозони 40—2000 гц бўлган оддий, хўжаликда ишлатиладиган магнитофонларга бевосита ёзib олиш мумкин. Бунда мураккаб биоэлектрик жараёнларнинг секинлик билан содир буладиган куринишлари ёзувда акс этмаслиги ёки бузилиши мумкинлигини эътиборга олиш зарур.

Магниторегистратордаги биологик жараёнларни адекват қайд қилиш қурилмалари ёрдамида қайта тиклаш мумкин

#### ФИЗИОЛОГИК ЖАРАЁНЛАРНИ ҚАЙД ҚИЛИШ УСУЛЛАРИ

Электроэнцефалография. Марказий асаб системасиниң электрик активлигини биринчи бўлиб В. Я. Данилевский

(1876 й.) ва Р. Катон (1875 й.) аниқлашган. И. М. Сеченов бақанинг узунчоқ миясини гальванометр ёрдамида текшириб, миянинг ритмик электр активликка эга эканлигини аниқлаган. Бу кашфиётни 1884 йили Н. Е. Введенский томонидан бош мия пўстлогининг электр активликка эга эканлигини исботлаш орқали тасдиқланган. 1913 йили В. В. Правдич — Неминский ботириувчи электродлар ва торти гальванометр ёрдамида бош мия пўстлогининг электр активлигини ёзib олишга эриши ва "Электроцереброграмма" терминини киритди. Кейинчалик мия потенциалини бош суюгининг сиртидан ҳам қайд қилиш мумкинлиги аниқланди (Бергер В., 1924 й.). В. Бергер мия потенциалининг тебранишлари ёзувини электроэнцефалограмма (ЭЭГ) деб атади. ЭЭГ ритмлари одамнинг ҳолатига (ўйғоқлик, уйқу ва ҳ. к.), унга кўрсатиладиган таъсирга ҳамда таъсири кучига боғлиқ равишда ўзгаради. Тебраниш частотаси герцининг ўндан бир улушларидан 50—70 Гц гача ва ундан ортиқ қўйматларгача ўзгариши мумкин. Тебраниш амплитудалари 5 дан 300 мкВ оралигига ўзгаради, лекин ЭЭГда вактнинг ҳар бир моментидаги махлум ритмлар устунроқ булади ва уларни альфа, бета, гамма ва дельта-ритмлар деб аталади. Тебраниш частотаси 8—13 Гц ва амплитудаси 50 мкВ бўлган альфа-ритм пўстлоқнинг энса ва тепа соҳаларида яхшироқ ифодаланган. Альфа-ритм тинчликда — куз юмуқ бўлган ҳолда қайд қилинади. Агар куз очиқ булса, альфа-ритм йўқолади ва унинг ўрнида ундан тезроқ бетта-ритмлар пайдо булади.

Бета-ритм 25 мкВ гача амплитудали ва 14—10 Гц частотали тебранишга эга. Баъзи одамларда альфа-ритм бўлмайди, тинчликда ҳам уларда бета-ритм қайд қилинади, шунинг учун бета-ритм икки турга: бетта-ритм I ва бета-ритм II га бўлинади. Бета-ритм I 16—20 Гц частота оралигига бўлиб, тинчлик ҳолатига мос келади ва у пешона, тепа соҳаларида қайд қилинади. Бета-ритм II 20—50 Гц частотага эга бўлиб, миянинг интенсив-актив ҳолатига характерлидир.

Тебраниш частотаси 4—7 Гц ва амплитудаси 100—150 мкВ гача бўлган тета-ритм чакка ва тепа соҳаларига характеристли булади. У уйқуда, баъзи касалликлар пайтида ва стресс ҳолатларида кузатилади.

Чуқур уйқуда ҳамда наркоз таъсирида 0,5—0,8 Гц частотали секин тебранишли дельта-ритм пайдо булади. Бундай ритм катта ёшдаги одамлар ухлаганда пайдо булади.

5 ёшгача булган болаларда эса уйғоқ ҳолда ҳам қайд қилиниши мүмкін.

Үзгармас ток кучайтиргичлари ёрдамида ўта секин ритмлар деб аталаған тебранишларни ҳам қайд қилиш мүмкін (Аладжалова Н. А., 1962 й.).

ЭЭГ нинг табиати. ЭЭГ юз минглаб нейронлар активигининг йиғиндицидан иборат (Эхтимол, глиаллар).

Маълумки, марказий асаб системаси (МАС) кўп сонли қўзғатувчи ва тормозловчи синапсларга эга. Нейронга келувчи қўзғатувчилар таъсири натижасида унинг мембраналарида мос равишда, қўзғатувчи постсинаптик потенциал (ҚПСП) ёки тормозловчи постсинаптик потенциал (ТПСП) куринишидаги айрим локал, маҳаллий жараёнлар вужудга келади. ҚПСПнинг давомийлиги орқа мия мотонейронларида б 6 миллисекунддан ортмайди, бош мия пўстлоги нейронларида эса үларнинг давомийлиги ўн ва юз миллисекундга етиши мүмкін. ТПСП ҳам ҚПСП каби үларнинг давомийлиги орқа мия ҳужайраларида озроқ ва бош мия пўстлогининг ҳужайраларида каттароқ бўлади. ЭЭГ уртача 100 мс (альфа-ритм), 20 мс (бетта-ритм), 200 мс (тета-ритм) ва 1000 мс (дельта-ритм) давом этадиган тебранишлардан иборат бўлиб, эхтимол, мембрана потенциалининг секин тебранишлари натижасида вужудга келар, деб фарз қилинади. Постсинаптик потенциаллар (ҚПСП ва ТПСП) ҳам худди шундай йўл билан пайдо бўлади. Улар электр потенциалининг шундай тебранишлариди, улар қўшилиб, альфа, бета, тета, дельта ЭЭГ тўлқинларини ҳосил қиласди (Г. Грундфест ва Д. Пурпур). Бундан ташқари, ЭЭГ тўлқин генезига нейронларнинг пайвандланиш активиги ҳам маълум даражада ҳиссасини қўшади. Миянинг айрим соҳаларидаги потенциалларнинг тебранишлари қўшилиб электр майдонини ҳосил қиласди ва у ўз навбатида бош суюгининг турли жойларида потенциаллар фарқини вужудга келтиради.

ЭЭГнинг ўзига хослиги кўп жиҳатдан таъсирловчининг характеристикасига bogлиq бўлади. Одам миясининг пўстлоқ қисми ЭЭГ сидаги альфа-ритмнинг устунлиги, ирситим билан изохланувчи таламо-пўстлоқ реверберацияси туфайли содир бўлади.

ЭЭГ клиникада диагностик мақсадларда кенг қўллашади. Айниқса, бу усул нейрохирургияда миядаги ўсмаларнинг жойланишини ўрганишда, неврологияда Эпилептизм учоқларни аниқлашда, психиатрияда психиканинг бузилишини аниқлашда яхши самара беради. Хирургияда

усули наркознинг таъсир даражасини аниқлашда кенг қўлланилади.


Одамнинг ЭЭГсини ёзиб олиш учун бошнинг терисига маҳсус ток ўтказувчи паста ёки хлорид натрий эритмаси шимдирилган салфетка қўйилди, унга электрод ўрнатилиди. Электродларни ўтказиладиган тадқиқот олдига қўйилган мақсад ва вазифага қараб ихтиёрий жойлаштириш мумкин. Лекин кўпроқ 10—20 деб аталадиган система (Jasper H. N., 1954) кенг тарқалган. Бу системада бошланғич нуқта сифатида қаншар ва энса дўмбоқчаси қабул қилинган. Уларни боғловчи шартли чизиқ бўйлама ўқни ҳосил қиласди. Ташки эшитиш йўлларини туташтирувчи тепадаги нуқта орқали утувчи бўйлама ўқни тенг бўлакларга бўлувчи шартли чизиқ кўндаланг ўқни ҳосил қиласди. Бўйлама ўқ қаншардан энса дўмбоқчасигача бўлган чизиқнинг умумий узунлигини процентларда ифодаланадиган бўлакларга бўлади. Биринчи ва охирги электродлар бошланғич нуқтадан бошлаб бу чизиқнинг умумий узунлигини 10% га тенг бўлган оралигига ўрнатилиди. Бошқа электродлар эса бўйлама ўқ узунлигининг 20% га тенг бўлган масофадаги оралиқларга ўрнатилиди. Жами бўйлама ўқ бўйлаб 5 та электрод жойланади. Кўндаланг ўқ бўйлаб электродларнинг жойланishi ҳам худди шу йўл билан аниқланади. Бошқа электродлар эса асосий ўқ чизиқларининг бўлинишига мослаб бир қатор жойлаштирилади.

Электродларнинг бундай стандарт равишда жойланishi турли одамлардан олинган маълумотларни солиштириш имкониятини яратадики, бу ўз навбатида системанинг анча қулаи эканлигини кўрсатади.

ЭЭГ ўзгаришининг асосий кўринишлари ва унинг босқичлари. Электроэнцефалограмма ритмларининг яхши ифодаланиши миянинг активлик даражасини акс эттиради. Таъсировчи таъсирида миянинг ЭЭГсида унинг ўзгаришлари кўринишида маълум реакция вужудга келади. Унинг характеристи таъсиrlагичнинг кучи, давомийлиги, биологик моҳияти ва ЭЭГнинг босқичига боғлиқ бўлади.

Одамнинг ЭЭГ сини 6 та босқичга: а, А, В, С, D, Е га ажратиш мумкин (Кратин Ю. Т., Гусельников В. И., 1971 й.) (5-расм). А-босқич одам миясининг қўзғалган, фол ҳолатида кузатилади ва кичик амплитудали бета-ритмларнинг устунлиги билан ифодаланади. Бу босқичда таъсир кучи ЭЭГ тўлқинида акс этмайди.

А-босқич одамнинг хотиржам, эркин кўзи юмуқ ҳолатидаги ёки қоронғилик шароитидаги ЭЭГни ифодалай-



5-расм. ЭЭГнинг босқичлари. Изохи матнда берилган.


ди. Күпчилик одамларда бу босқич барқарор альфа-ритмлар мавжудлиги билан характерланади. Таъсираш альфа-ритмлар мавжудлиги билан характерланади. Таъсираш альфа-ритм депрессия (сусайиш)сининг юзага чиқишига сабабчи булади ва унинг давомийлиги таъсирагичнинг кучи ва характерига боғлиқ булади. Такрорий таъсираш альфа-ритм депрессиясининг сўнишига олиб келади.

В-босқич сингил уйқусираш ҳолатига қайд қилинади. Бу босқичда ЭЭГ да альфа-ритмларнинг йўқолиши ва ҳар хил частотали нотекис тебранишларнинг пайдо бўлиши. Баъзи ҳолларда анча юқори частотали тебранишлар билан алмашиниб келувчи дельта ва тета-тўлқинлар мавжудлиги билан характерланади. Баъзан бу босқичда тургун тета-ритм кузатилади. Таъсираш натижасида альфа-ритм чақнаши пайдо бўлиши ва А-босқичга ўтиш кузатилади. Бунда ўтиш вақти таъсирагич интенсивлиги билан аниқланади.

С-босқич бошлангич уйқу фазасида қайд қилинади ва ЭЭГда катта амплитудали дельта-активлик пайдо бўлиши билан характерланади. Бунда дельта-активлик орасида вақти-вақти билан дуксимон ритмли ( $13,5-14$  Гц) ҳамда турли частотали тартибсиз тебранишлар пайдо булади. Етарли даражадаги кучли таъсираш натижасида К-комплекс деб аталадиган, катта амплитудали, икки-уч фазали тебранишлар ва унинг кетидан келадиган дуксимон ритмлардан иборат реакция пайдо булади. Яна ҳам кучлирек таъсири натижасида альфа-ритм чақнашлари пайдо бўлиб, одамнинг уйғонганлиги ва ЭЭГнинг А-босқичга ўтган лигини билдиради (6-расм).

Д-босқич анча чуқур уйқу ҳолатига мос келади. Бу ҳолда ЭЭГ да бошқа нотўғри шаклли ноаниқ частотали

6-расм. Одам миясининг электрик реакцияларига мисоллар.  
а) алфа-ритминиг ёзилиши; б) иккизамчи реакция; в) алфа-ритм чакнашлари; г) К-комплексе.  
Юқоридаги чизик таъсирлазигин (төвуш) белгиси.



секин тебранишлар билан алмашиниб турувчи дельтатүлқинлар қайд қилинади. Бунда ЭЭГнинг ўзгариши фақат ЭЭГ ни С-босқичга ўтказувчи ёки одамни уйғатувчи ўта күчли таъсирлаш натижасида содир булиши мумкин.


Е-босқич яна ҳам чуқурроқ уйқу ҳолатига алоқадор булиб, у Д-босқичдан амплитудаси бирмунча кичик бўлган янада секин тебранишлари билан фарқ қиллади. Бунда таъсирловчилар одамнинг ЭЭГини ўзгартирмайди ва уйғота олмайди.

Парадоксал босқич деб аталадиган паст амплитудали активлиги билан характерланадиган босқич алоҳида ажралиб турди. Бунда кўз оғимасининг ҳаракатланиб туриши кузатилади. Бу фаза уйқунинг секин тулқинли босқичи билан алмашиниб турди.

ЭЭГни ритмик таъсирлашга нисбатан ўзига хос ўзгариши сифатида ритмларни ўзлашириш реакциясини куриши мумкин. У ЭЭГда таъсирловчи ритмидаги ёки унга каралти бўлган тебранишлар пайдо булиши билан ифодалана-ди.

Юқорида келтирилган босқичлар ва ЭЭГ реакциялари асосий "классик" босқичлардир. Ҳар бир муайян ҳолларда ўзинча ўзгаришлар мумкин, уларни таққослаш, анализ қилиш алоҳида мустақил вазифадир.

Чақирилган потенциаллар (ЧП) усули. Чакирилган потенциаллар усули ЭЭГ-усулининг кўринишларидан бири ҳисобланади. ЧП таъсирловчининг экстрос-ёки интерорецепторлар қисқа муддатли таъсирига уларнинг жавоб реакцияси натижасига ЭЭГнинг ўзгаришидир. ЧП мия структурасини қисқа муддатли электр токи билан таъсирлаш натижасида бу структура билан функционал боғланган миянинг ЧП ёзиб олинадиган соҳаларида ҳам ҳосил бўлади. ЧП кўпроқ ўзаро бир-бирига алмашинувчи уч фазали по-



7-расм. Бош мия пўстлогининг чақирилган потенциаллари.  
а) қўёни тишининг пульпасига берилган таъсирга нисбатан бирламчи жавоб  
(10 жавоблар суперпозицияси); б) одаминг бош мия пўстлогида эшити-  
ладиган таъсирилашга нисбатан чақирилган жавоб (қарийб 30 жавоб), 1)  
таъсирилаш белгиси; 2) мусбат тўлқин, 3) мағний тўлқин, 4) иккиламчи  
мусбат тўлқин, 5) кечиккан манфий ва мусбат тўлқинлар; 6) калибронка  
сигналлари.

зитив, негатив, иккинчи (кечроқ) позитив тебранишлар кўринишида булиши мумкин, лекин кўп компонентли ха-  
рактерга ҳам эга бўлиши мумкин. ЧПнинг шакли элек-  
тродларнинг жойланишига ва МАСнинг функционал  
ҳолатига боғлиқ бўлади (7-расм).

ЧП сенсор стимуляция пайтида ёзиб олинган ЭЭГ бўлагидан иборат. Шунинг учун улар мембрана потенциа-  
лининг постсинаптик тебранишлари ва юзлаб, минглаб ней-  
ронлар боғлами активлиги томонидан ҳосил қилинади  
ҳамда бу активлик шу электрод ёрдамида узатилади.  
Чақирилган потенциалнинг кўп компонентлиги қўзғалиш  
үтишининг кўп каналлилиги (масалан, сенсорлик) ва по-  
тенциал олинадиган мия соҳасига келадиган қўзға-  
лишларнинг гетерохронлигидир (ҳар хил вақтда келиши).  
ЧПни бош миянинг исталган структураларидан қайд қилиш  
мумкин. Мия пўстлогининг кўрув зонасида ёргулик чақна-  
шлари ҳисобига пайдо бўладиган қўзғалишлар олдинги ик-  
ки тепалик, ташқи тиззасимон таналар орқали, ретикуляр  
формация структуралари, гипоталамусга эса кўриш  
йўллари аксонининг коллатераллари орқали ўtkазилади.

Бош мия пўстлоғига қўзниңг тўр пардасидан борадиган импульсларнинг ҳар бир канали турли миқдордаги оралиқ улагичларга эга бўлганлиги сабабли қўзғалишлар муайян соҳанинг ўзига турлича вақтларда стиб келади.

Ҳар бир юборилган қўзғалишлар бир-биридан фарқ қўйувчи йўллар орқали стиб келганлиги сабабли шаклан турлича компонентларга эга бўлган ЧП ҳосил қилади.


Агар ЧП бош мия пўстлоғида қайд қилинаётган бўлса, у ҳолда жавоб сигналинг эртароқ (позитив) компонентлари кўриш системасининг асосий афферент толалари жойлашган пўстлоқнинг донадор қавати (IV) нейронларида вужудга келади. Жавоб реакциясининг янада кечроқ негатив компонентлари пўстлоқнинг турли қаватларининг нейронларида вужудга келади (I—V).

ЧП усули нейрофизиология ва неврологияда кенг қўлланилмоқда. ЧП ёрдамида миянинг турли бўлимлари орасидаги ўзаро алоқа ва ўзаро таъсиrlарни, миянинг ўтказувчи йўлларини онтогенетик ривожланишини кузатиш, сенсор функциялар вакилининг жойланишини анализ қилиш, миянинг турли тузилмалари ўртасидаги боғланишларни, қўзғалишнинг тарқалиш йўлидаги синаптик уланишлар сонини кўрсатиш (латент даври бўйича), синаптик узатишларнинг кимёвий табиатини ўрганиш, эволюцион, филогенетик пландаги тадқиқотларни ўtkазиш, миянинг шартли рефлектор фаолияти ва бошқаларни ўрганиш мумкин.

ЧП ни анализ қилиш учун ЧП нинг ўртача қийматларини (баъзан 3 мингача) топиш усулидан фойдаланилади. У катта аниқлик билан ЧПнинг катталиги, латент даври ва давомийлиги ҳақида хулоса чиқариш имконини беради. Уларни ўлчаш учун маҳсус сонли ҳисоблаш машиналари базасида ишлайдиган, ўртача қийматни топадиган асбоблардан фойдаланилади.


ЧП ва ЭЭГ билан бир қаторда замонавий тадқиқотларда микроэлектрод техникаси усулидан ҳам кенг фойдаланилади.

Ҳужайра активлигини қайд қилишнинг микроэлектрол усули. Турли органлар ва тўқималар ҳужайраларининг активлигини ўрганишга қизиқиш катта, чунки шу йўл билан ҳужайралардаги қўзғалиш ва тормозланишнинг келиб чиқиши, ўзига хослиги, уларнинг маълум мосланиш реакциялари системасига қўшилишининг қонуниятлари, сифат жиҳатидан фарқланадиган қўзғатишларга нисбатан жавоб реакцияларининг характеристи, марказий асаб системаси



(МАС) ва бошқалтарда информацияларны кодлаш принциплари ҳақида маълумот олиш мумкин.

Хужайраларнинг активлигини қайд қилишда 2 та-хужайра ичидан ва сиртидан қайд қилиш усулларидан фойдаланилади. Активликни ҳужайра сиртидан қайд қилиш методик жиҳатдан осонроқ, чунки бунда нисбатан йүгонроқ (50—100 мкм) шиша ёки металл электродлардан фойдаланиш мумкин. Одатда бундай электродлар ёрдамида бир неча үзаро яқин жойишган хужайралар активлиги қайд қилинади. Металл электродлар тайёрлаш учун электролитик усулдан фойдаланилади. Бунда тайёрланган металл секин-асталик билан кислота эритмасига тушириб, чиқарип турилади. Электрод учининг ўлчамлари микроскоп остида назорат қилиб борилади.



8-расм. Стереотаксик техника.

а) ҳайвонлар учун стереотаксик асбоб; б) одам миясиди нейрохирургик операция утказиш учун құлланиладиган стереотаксик асбоб; 1) қулоқтұтқыч; 2) қуйи орбита фиксатори; 3) юқори жағ фиксатори.

Бунда металл электродларнинг учидан бошқа қисмларини изоляциялаш керак бўлади.

Хужайраларнинг ичидаги активликни қайд қилиш учун кўпроқ шишадан тайёрланган, ичи электролит билан тўлдирилган, учининг диаметри 0,55—1,0 мкм бўлган микропипеткалар ишлатилади. Бундай электродларни тайёрлашда ярим маҳсулотни (заготовкани) қиздириб, чўзиша механик зўриқиши ҳосил қилиш йўли билан, ярим маҳсулотни чўзишининг аниқ бир пайтида узадиган ярим автомат қурилмалардан фойдаланилади.

Кейинги пайтларда микронофорез усули — якка хужайрага кўп каналли микроДлектрод (3—7 каналли) орқали турли химиявий моддалар киритиш кенг құлланилмоқда. Бундай электродларни қайд қилувчи каналдан ташқари озгинча (наоампер миқдорда) мусбат ёки манфий қутбли ток таъсирида атроф-муҳитга "итарив чиқариладиган" биологик актив моддаси бор каналлари бўлади. Микронофорез усу-

ли құзғалиш узатилишининг химиявий табиатини анализ қилиш, турлы биологик хусусиятта эга бүлган маълумоттарнинг қайта ишланиши, хужайраларни интеграциялаш (умумлаштириш) механизмлари ва бошқаларни үрганиша, құлланилади.

Бош мияннинг турлы ички структураларини аниқ жойланишини аниқлашда ва уларга турлы макро- ва микронинструментлар (электродлар, терможуфтлар, микропипеткалар ва бошқалар)ни киритишда, электрофизиологик экспериментларда ва клиник нейрохирургияда стереотаксик усул көнг урин әгаллады.

Бу усул биринчи бұлиб анатом Д. Н. Зернов томонидан 1889 йили таклиф қилинган ("мия топографи") ва В. Хорслей ва Р. Х. Кларк томонидан 1908 йили такомиллаштирилган.

Стереотаксик асбоб (унинг турлы конструкциялари мавжуд), тағлик ва унга маҳкамланған бош ушлагич ҳамда бир ёки иккита координатлы микрометрик каллак (головка) дан иборат. Координаталы каллакка экспериментал ҳайвон миясиннинг керакли чуқурулғига киритиладиган электрод маҳкамланған электрод тутқыч үрнатилади (8-расм). Электродни киритишдан олдин бош сұяғида парма билан тешік очилади, кейин электродни маҳкамлаш учун бош сұяғига маҳкамловчи втулка, унга эса электродни киритиш учун киритувчи — йұналтирувчи яна бир втулка киритилади. Втулкалар ва унинг атрофи тез қотувчи қоришка билан тұлдрилади.

Электродни текширилаётган мия структурасига аниқ тушириш учун тажриба үтказилаётган ҳайвоннинг боши стереотаксик асбобни бош ушлагичида доим аниқ бир ҳолатда маҳкамланиб құйилиши керак.

Масалан, қуёнда горизонтал текислиқка үрнатиш ва координата нүлинин аниқлаш бош сұяқ чоклари орқали амалға оширилади. Сагиттал ва коронар чоклар (брегма)нинг кесишиш нұқтаси сагиттал ва ламбдасимон чоклар кесишиш нұқтаси (ламбда)дан 1,5 мм юқорида етиши керак.

Ҳайвон ва одам мияси турлы тузилмаларининг координаталари тажриба йұли билан аниқланиб, махсус стереотаксик атласларға йигилган. Стереотаксик усул нейрохирургик операция қилишда ҳам құлланилади. Стереотаксик асбоблар ёрдамида мия тузилмаларига турлы электродлар (қайд қылувчи, мия тұқымаларини таъсирловчы), канюлялар, турлы кимёвий актив суюқликлар киритиш учун ми-

ропипеткалар, изотоплар, капсулалар ва бошқаларни киритиш мумкин.

Стереотаксик опсрацияларда қисқа муддатли ва узоқ муддатга ўрнатилувчи электродлар киритиш усуулларидан фойдаланилади. Электродларни узоқ муддатга киритишда миянинг пўстлоғи ва унинг чуқур тузилмаларига электродлар дастаси киритилади ва улар бир неча ҳафта ёки ойлар давомида қолдирилади. Электродлар дастаси бир-биридан фторопласт билан изоляцияланган, ҳар бирининг диаметри 100 мкм бўлган 6—10 дона олтин ўтказгичлар бойламидан иборат булади. Электродларнинг узунлиги, 1,5—4 мм ли изоляцияланмаган очиқ учлари турли баландликка 3—4 мм интервал билан жойлашган бўлиб, турли тузилмаларни битта тузилманинг турли соҳаларидағи активликларини қайд қилишга имкон беради. Одатда, бундай электродлар дастасидан 6—8 таси киритилади.

Даволаш курси тугагач, электродлар чиқариб олинади ва улар одатда, касалнинг ҳолатини оғирлаштирумайди. Одам миясига даволаш мақсадида кўп миқдорда электродлар дастасининг киритилиши бир вақтда физиологларга одам миясининг структураларини нормал хулқ-автор шароитларида ва ҳар хил фаолияти мобайнода мия активликларини қайд қилиш ва шу билан бирга бу тузилмаларнинг функцияси ҳақида муҳим маълумотлар олиш имконини яратади (Н. П. Бектерева).

**Миография.** Одам мушагининг фаолиятини ўрганиш турли механик ва электрик жараёнларни қайд қилиш билан боғлиқ бўлган методик усуулларнинг қўлланилишини талаб қиласи. Қадимдан одам ҳаракатини тадқиқ қилиш усули мушак фаолиятининг турли хил механик кўринишларини ўлчаш ва қайд қилишдан иборат бўлган. Бу усууллар ичida динамометрия ва эргометрия кенг тарқалган.

Динамометрия турли мушаклар гуруҳининг қисқариш кучини ўлчаш имконини беради; эргография — мушак ҳаракатининг динамик ҳолда бажариладиган ишини ҳисобга олган ҳолда қайд қилиш имконини беради. Кейинги пайтда физиологик машғулотларда ва клиник текширишларда жисмоний зўриқиши даражасини аниқ белгилашга имкон берадиган велоэргометрия усули қўлланилмоқда.

Динамометриянинг турли кўринишларидан бири динамография бўлиб, бу усул турли ҳаракатлардаги зўриқишиларни қайд қилиш имконини беради.

Юқоридаги усуулларда механик энергияни электр энергияга айлантирувчи маҳсус датчикларнинг қўлланилиши

автоматик гониометрия усулининг яратилишига олиб келди. Бу усулдан фойдаланилганда, бутун бир ҳаракат иккитари бажарилган вақтда бўғимлар бурчагини қайд қўлувчи датчиклар бўғимларга ўрнатилади. Тензодатчикларнинг қўлланилиши бу усулининг сезгиригигини янада оширади уни позани сақлашни ўрганишда қўллаш имконини беради.


Бутун бир ҳаракат актларини ўрганишда циклография усулидан фойдаланилади. Бу усулда одамнинг ҳаракатланувчи жойларига ёруғлик манбалари ўрнатилади ва одамнинг спортдаги ёки иш жараёнидаги ҳаракати тасвирга ёки кинога олинади. Бу эса вақтнинг микроинтервали ичидаги ҳаракат қилаётган тана қисмларининг вазиятини, унинг ҳаракат траекторияси, тезланишини ва малака ҳосил қилиш жараёнини анализ қилишга имкон беради. Циклография, ҳаракатланаётган тана қисмларининг массасини аниқлаш билан бир қаторда, тана қисмларидағи оғирлик марказларига қўйилган кучларнинг тенг таъсир этувчисини ҳисоблаш имконини беради.

Тана вазиятини (позасини) тутиб тuriш механизмини ўрганиш учун стабилография усули қўлланилади. Бу усул платформада турган одамнинг оғирлик маркази ўзгарганда, платформанинг силжиши тензодатчиклар ёрдамида ёзиб олишга асосланган.

Электрик сигналларни автоматик дифференциаллаш усулининг қўлланилиши силжишининг механограммасинигина эмас, балки бир вақтнинг ўзида силжишнинг биринчи ва иккинчи тартибли ҳосилаларини, яъни тезлиги ва тезланишининг узлуксиз ёзувини ҳам олиш мумкин.

**Электромиография.** Мушак толалари қўзғалганда уларда ҳаракат потенциали (ХП) ҳосил бўлади. ХП ни мушак устидаги терига қўйилган электродлар ёрдамида электромиография (ЭМГ) кўринишида қайд қилиш мумкин. Мушакнинг кучсиз қўзғалишида оз миқдордаги ҳаракат бирлиги (ХБ) қўзғалади. Бу пайтда уларнинг электрик активлигини қайд қилиш мумкин. Алоҳида бирликларига тааллуқли ХПларининг ўзига хослиги шундан иборатки, уларнинг шакли ва амплитудаси ўзгармас бўлади. Ҳаракат бирлиги қанча кўп мушак толаларидан ташкил топган бўлса, ҳаракат потенциалининг суммар (йигинди) амплитудаси шунча катта бўлади.

Мушакнинг қисқариш кучи ортиб бориши билан бу жаёнга янги ХБ жалб қилинади ва қўзғалиш импульсининг частотаси ортади. Бунда ХПларининг бир-бирининг устига тушиши натижасида қўшилиши (интерференция) юз бера-



9-расм. Электромиограмма (ЭМГ).


а) битта ҳаракат бирлигининг учта кетма-кет ҳаракат потенциали; б) кўп ҳаракат бирликлари ҳаракат потенциалларининг алгебраик йигинидиси (интерференцион ЭМГ).

ди. Натижада ЭМГ интерференцион ЭМГга айланади ва ундан ҲБнинг алоҳида ҳаракат потенциалларини ажратиб олиш мумкин бўлмай қолади. ҲБ активлигининг миқдори ва импульсация частотасининг ўсиб бориши билан қисқарётган мушакнинг электр активлиги ҳам ортиб боради (9-расм).

Алоҳида ҳаракат бирлигининг активлигини қайд қилиш учун инвазив (ботириувчи ва киритилувчи) монови биполяр электродлар қўлланилади. Кўп ҳолларда улар учидан ташқари ҳамма томони изоляцияланган битта ёки иккита электрод ўтказилган инъекцион (укол қиладиган) игна кўринишида бўлади. Игна корпусини бошқа кўп миқдордаги ҳаракат бирлиги потенциалларидан ажратиш учун уни асбоб корпусига уланади.

Ҳаракат бирлигининг ЭМГ сини миқдорий баҳолашда мушакнинг бир марта қисқаришидаги ҲПни санаш, разряд частотасини аниқлаш ва бу разрядлар мавжуд бўладиган вақтни ҳисоблаш кўзда тутилади.

ЭМГни миқдорий баҳолаш учун интерференцион ЭМГ интегралланади, яъни ЭМГнинг маълум нуқталари остидаги умумий майдон аниқланади. Интегралланган ЭМГнинг катталиги мушак қисқариши кучига боғлиқ бўлган омилларга: ҲБларининг активлик сони, уларнинг қўзғалиш частотаси ва қўзғалишларнинг синхронлик даражасига боғлиқ бўлади. Мушакнинг механик ва электрик активлигининг тўла мувафиқлигини ана шундан билса бўлади. Мушакнинг жами электрик активлиги (интеграл ЭМГнинг катталиги) изометрик қисқаришга эга, ўзгармас тезлик билан ҳаракатла-



10-расм. Электрокардиограмма. Изохи матнда берилган.


нишда — ўсіб борувчи зўриқиши (динамометрик күч)га тезланувчан ҳаракатланишда эса күч импульсига тұғыр пропорционал бұлади.

Чарчаş жараёнининг ривожланишида ҲБнинг қисқа-рувчанлик қобилияты сусаяди ва шу сабабли интегралланған ЭМГнинг катталиги билан мушак күчланиши орасидаги муносабат үзгәради. Бу ҳодисаны мувозанатлаш учун янып бошқа ҲБлари жалб этилади ва бу үз навбатида, ЭМГ параметрларининг ортишига олиб келади. Шу сабабли мушакнинг ЭМГ күрсаткичларини унинг күчланишига нисбатиниң миқдорий муносабатлари ишлап жараёнида ортиб боради.


Электромиография усулидан спорт медицинасида, одан-ни текширишда, медицинада ҳаракат аппаратининг ҳолатини баҳолашда фойдаланилади.

**Электрокардиография.** Электрокардиография юрак мушакларининг құзғалишида ҳосил бұладиган электрик потенциалларни ёзіб олиш усулидир. Юрак күкрак қафасын асимметрик жойлашған бұлыб, бундан ташқари, унинг анатомик ва электрик үқлары фронтал текисликка нисбатан бурчак ҳосил қилиб жойлашған. Шу сабабли юракнан құзғалған ва құзғалмаган бүлімлары орасыда потенциалдар ғарқи ҳосил бўлганда тананинг түрли жойларда потенциаллар ҳосил қиласидиган электр майдони пайдо бўлади. Таныртига маълум тартибида электродлар жойлаштириб, бу потенциалларни — электрокардиограммани (ЭКГ) ёзіб олиш мүмкін (10- расм).


Бу усул В. Эйнховен томонидан (1903 й) кашф қилылдан буён ЭКГ учта стандарт биполяр тармоқларда үнг ва чап құлдан, II үнг құл ва чап оёқдан, III чап (жильсоннинг күчайтирилган бир күтбілі тармоқлары; г) күкрак тармоқлары ва чап оёқдан) ёзіб олинади.




a



b



c



11-расм. Электрокардиографиядаги тармоқларнинг схемаси ва бунда олинган эгри чизикларнинг характеристи.  
a) стандарт тармоқлар; b) учта стандарт тармоқдан олинган ЭКГ ёзуви; в)  
жильсоннинг күчайтирилган бир күтбілі тармоқлары; г) күкрак тармоқлары  
ва бу тармоқлардан өзилган ЭКГ.

Бундан ташқари, бир қанча униполяр тармоклардан: ўң қўлдан (aVR), чап қўлдан (aVL), чап оёқ (aVF) лардаға фойдаланилади (11- расм).

Юрак атрофидан ЭКГни монополяр электрод усул б  
лан ҳам қайд қилиш мүмкін. Актив электрод қойылған  
харфлар билан белгиланған нұқталарға:  $V_1$  түш сұяғидан  
(грудина) үнгіт томон 1 см масофадаги түртінчи  
ғалар оралиғига,  $V_2$  түш сұяғидан чапға томон 1 см  
фадаги түртінчи қовурғалар оралиғига,  $V_3$  ўрта ўмров  
зифи бүйлаб бешинчи қовурғалар оралиғига,  $V_4 - V_3$  ва  $V_1$   
ўртасыга  $M_5$  олдигі аксиляр чизиқ бүйлаб 5-қовурғалар  
оралиғига,  $V_6$  ва  $V_7$  ўрта ва орқа аксиляр чизиқ бүйлаб  
бешинчи қовурғалар оралиғига құйилади. Монополяр тар-  
моқларда индиферент (пассив) электрод сифатида умуми  
үтказғыч билан уланған ва құл оёқларда жойлаштирилген  
электродлар хизмат килағы.


ЭКГни ёзив олишда түзилиши ҳар хил бўлган бир кални кучириб юриладиганидан тортиб, то кўп канади стационар ҳолатда олинган натижаларга автоматик ишга берувчи системаларга эга бўлган электрокардиографлар фойдаланилади.

Электрокардиография клиникада ва соглом одамдар диспансер құрығидан үтказиш даврида көнг құлланила

Ишлаб чиқариш фаолиятида, физкультура машқлар бажарилиши мобайнида юрак ритмининг динамикасын ўрганишда ва бундан ташқари, оғир касалларнинг юрак фаолиятини узлуксиз кузатиб бориш учун ЭКГни олиди туриб ёзиб олиш системалари яратилган. Юракни телезис трокардиография қилишда потенциаллар одамга ўрнатилишичам кучайтиргичлар ёрдамида оширилиб, частота ва плитуда бўйича модуллаштирилиб, передатчик ёрдами (тўлқин кўринишида) узатилади. Қабул қиливчи қурилмас ЭКГ сигнали ажралиб, мониторда индукцияланади, зарур туғилганда эса ёзиб олувчи қурилмага уланиб, ёзиб ол нади. Клиникада касалнинг ЭКГсини ёзишда бу қурилмас ЭКГ бир неча секунд йўқолганда ишлаб кетадиган трек сигнали (бирор хавф ҳақида сигнал берадиган) билан тозилсанган бўлади.

ЭКГни узоқ муддат давомида (сутка давомида) олиш зарур бўлган ҳолларда юрак фаолиятининг диванда касини сутка давомида ёзиб бориш учун текширилурга одам чўнгтагида олиб юрадиган ихчам магнитофондан ФР даланилади. Унинг анализи ёзувни тезкорлик билан тиклаш йўли билан амалга оширилади.

12-расм. Векторэлектрокардиограмма. X-XI вертикаль ўз; Y-YI горизонтал ўз; 1) QRS сиртмоқ; 2) Т сиртмоқ; 3) Р сиртмоқ; 4) QRS сиртмоқнинг тўғри бурчакли координатна системасида жойланшини аниқловчи бурчак; 5) QRS ва Т сиртмоқларнинг максимал векторлари орасидаги ва Т сиртмоқларни қайд қилинча ишурининг ҳаракат йўналишини ўз чизигулар билан соат мисллари йўналишини га қарама-қарши кўрсатилган.



Хозирги пайтда ЭКГни консультацион марказга телефон орқали узатиш усули ҳам ишлаб чиқарилган бўлиб, у ерда ҳисоблаш техникаси ёрдамида мутахассислар касалга диагноз қўйиши мумкин.

Электрокардиография фактат клиникада эмас, балки иш фаолиётида ҳамда экстремал қолатларда одамнинг ўзини тутишини ўрганишда ҳам кенг кўлланилади.

**Векторэлектрокардиография.** Минкардинг қўзғалиши натижасида юракнинг турли соҳаларида ҳосил бўладиган деполяризация ва реполяризация жараёнлари бир пайтда юз бермайди, шу сабабли юракнинг бу соҳалари орасидаги потенциаллар фарқи ҳам микдор, ҳам йўналиши жиҳатидан доим ўзгариб туради. Бу потенциаллар фарқи вектор катталикдир. Юракнинг ҳамма мушакларини бир вақтда қўзғалишга жалб қилинмаганлиги ва қўзғалишининг турли йўналишлар бўйича ҳар хил тарқалганлиги сабабли потенциаллар айрмаси вектори ўз йўналишини ўзгартиради. Векторэлектрокардиография бу ўзгаришни илгашга имкон беради. Бунинг мазмуни шуки, бир вақтнинг ўзида ўзаро параллел бўлмаган текисликлардаги потенциаллар айрмасини ёзиб олишга олиб келади. Бунинг учун 4 та электрод кўкрак қафасининг олд томонидаги юсага ва бир электрод кўкрак четига жойлаштириллади (И. Т. Акулиничев). Иккى жуфт электролдан ёнубарди.

арқи күчтірилгандан сүнг осциллографнинг вертикаль аша горизонтал пластинкаларига берилади. Осциллограф экз- анида бир қатор сиртмоқлар шакли чизилди, улар P, Q, ва T ҳарфлари билан белгиланади (12-расм). Узатиш- арни комбинациялаш орқали турли текисликлардаги век- орэлектрокардиограмма (ВЭКГ) олинади ва сиртмоқлар-

нинг шакли, сиртмоқ кенглиги бўйича максимал вектор юзаси, йўналиши, сиртмоқ чегарасининг ортиги бор ёки йўқлиги таҳлил қилинади.

**Реография.** Реография усули организм тўқималаридан ўтаётган электр токига нисбатан уларнинг электр қаршилигининг қон томирларнинг қонга тўлиш даражасини боғлиқлигига асосланган. Қон томирнинг қонга тўлиш даражасининг ортиши унинг электр қаршилигининг камайшига, қонга тўлиш даражасининг камайиши эса қаршилигининг ортишига олиб келади.

Реография усули билан мия гемодинамикаси (реэнцефалография), юрак (реокардиография), органлар (корпорал ёки орган реография), қўл, оёқлар ва бошқа органларнинг ўзига хос ҳусусиятлари текширилади. Тананинг маълум жойларига ўрнатилган электродлар орқали юқори частотада электр токи ўтказиш йўли билан унинг қаршилигининг ўлчанади.


Реография усули билан олинадиган маълумот (информация)нинг сифатли чиқиши учун ёзиб олишда қўлланиладиган токнинг оптималь частотасини тўғри танлаш мухим аҳамиятга эга. Қўйида келтирилган 1-жадвал тўқималарнинг электр ўтказувчанилигини қўлланиладиган токнинг частотасига боғлиқлиги ифодаланган.

1-жадвал. Баъзи тўқималар, қон, бош ва орқа мия суюқлигиниш электр ўтказувчанилиги


Текширилаётган объект	Турли частоталардаги электр ўтказувчанилик, Ом /см	
	1000 Гц	10 000 Гц
Мушак тўқимаси	700—1300	600—1200
Жигар тўқимаси	800—950	700—800
Қон	125—190	120—180
Бош ва орқа мия суюқлиги	60—80	60—70

Реографик ўлчашларда қўлланиладиган токнинг частотаси паст бўлганда олинадиган натижаларга тери шохсимов қатламларининг электрик қаршиликлари ҳам таъсир қилиди. Шу сабабли тери орқали реографик ўлчашларда частотаси 80—120 кГц бўлган токлардан фойдаланилади.

Реография учун ишлатиладиган асборлар юқори частотали генератор, кучайтиргич ва киритиш блокидан ибора бўлади. Киритиш блокини потенциометрик, кўприкли тетраполяр кўрининишида тайёрлаш мумкин (13-расм).




13-расм. Реограф киритиш қурилмасининг схемаси.  
а) кўприкли; б) потенциометрик; в) тўртэлектродли (тетраполяр);  
1) кучайтиргичча; 2) обьектта; 3) генераторга.



14-расм. Реэнцефалограммани қайд қилишнинг монополяр усули схемаси.  
1) индифферент (фарқсиз) электрод; 2) генератор; 3) актив электродлар; 4) кучайтиргичлар.

Реограммани қайд қилишнинг биполяр усулида қўлланиладиган электродлар жуфти бир пайтда организмга юқори частотали токни киритишида ва организм тўқималари қаршилигининг ўзгариши ҳисобига ҳосил бўладиган токнинг паст частотали ташкил этувчисини қайд қилишга ҳам хизмат қиласи.

Тетраполяр реография усулида обьектга икки жуфт электродлар ўрнатилади: обьектга ток ўтказиш ва қарши-



15-расм. Реоэнцефалограмма.

A, B, C ларнинг амплитудавий характеристикалари; a, b, c, d) вақт оралылары, S) реоэнцефалограмма чизиги остидаги юза, QRS) электрокардиограмма тишлари.

ликнинг ўзгаришини қайд қилиш учун алоҳида-алоҳида электродлар жуфтидан фойдаланилади. Шу йўл билан турли мураккаб киритиш қурилмаларидан қутулиш, ани ўлчашларга таъсир қилувчи электродлар остидаги сирт тўқималарнинг ўтиш қаршилигининг таъсирини йўқоти мумкин.

Кейинги пайтда бир вақтнинг ўзида иккى қўши соҳадаги қон айланишининг характеристини назорат қилиш имкон берадиган реографиянинг монополяр усули риволланмоқда. Бу усулда обьектга учта электрод жойланади улардан иккитаси ток ўтказувчи вазифасини бажаради учинчи электрод эса ўзи билан ток ўтказувчи электролардан бири орасидаги кучланишини ўлчашга хизмат қиласи (14-расм). Бунда электродлар жойланишининг энг информатив варианти (масалан, реоэнцефалографияда) то ўтказувчилар учун симметрик-фронтал, қайд қилувчи учун эса окципитал (энса) жойланиши қисобланади. Бундай усмиядаги қон оқимининг асиметриясини баҳолашга қулади.

Қайд қилинадиган сигналларнинг қуйи чегараси кириш даги кучайтиргичларнинг муҳим характеристикаси ҳисобланади. Қуйи чегараси 0,4 Гц бўлган асбоблар фақат мурларни қон билан тўлишининг ўзгаришига боғлиқ бўлса пульс ўзгаришларини қайд қилиш имконини беради. Чек тотовий характеристикаси 0 Гц дан бошланадиган асбоб пульс ўзгаришлари гемодинамикасинигина эмас, балки қон оқимининг ҳажмий тезликларини ҳам қайд қилишга имкон яратади.

Реография натижаларини баҳолаш бир қатор таянч катталикларини ўлчаш асосида амалга оширилади. 15-расмда реоэнцефалограмма (РЕГ) ёзуви информатив параметрларни белгилаган ҳолда кўрсатилган. Одатда миядаги қон айланишини тадқиқ қилиш жараёнида бир неча параметрлар аниқланади:

1) мия қелидиган қон оқими билан аниқ корреляцияланувчи, қон томирларнинг қон билан тўлиш даражасига мос келувчи максимал пульс тебранишларининг кўрсаткичи сифатида Омнинг улушларида инфодаланадиган РЕГ (A) тўлқинининг максимал амплитудасини ўлчаш;

2) максимал пульс тўлқинларини ва мия қон томирларнинг ўтказувчалик даражасини акс эттирувчи реографик индекс  $I = \frac{S}{E}$  ни аниқлаш;

3) қон оқимига кўрсатиладиган гидродинамик қаршиликни характерловчи РЕГ тўлқинларининг алоҳида фазалари юзаларнинг нисбати  $\frac{S}{S_b + C} : \frac{S}{S_d}$  ни аниқлаш;

4) мия қон томирларини эластиклик (қовушқоқлик) хоссаларни характерловчи вақт муносабатлари — "юрак-мия" вақти: (a+b); (b+c+d); b (b+c+d); a+b ва бошқаларни аниқлаш;

5) қон оқимининг ҳажмий тезлиги S/T ни билвосита баҳолаш учун унинг кўрсаткичи сифатида қон томирларнинг қон билан тўлишининг ўртacha тебранишларини аниқлаш мумкин.

**Термовизиометрия.** Термовизиометрия (иссиқликни кўриш) — одам танаси чиқараётган инфрақизил нурларни қайд қилиш усулидир. Одам танасида қон асосий иссиқлик ташувчи бўлиб хизмат қиласи. Иссиқлик ҳосил бўлган жойидан қон орқали бутун организмга тарқалади. Шунга кўра, тана сиртининг инфрақизил нурланишларининг ўзига хослигини ўрганиш орқали одам танасининг текширилаётган соҳасидаги қон оқими катталағи ҳақида холоса чиқариш мумкин.

**Термографик тадқиқотлар** тепловизор ёрдамида амалга оширилади. Оптик-механик ёйгичли тепловизорнинг асосий қисми обьект ҳосил қиласидан тасвир текислигига ўрнатилган инфрақизил нурланишларга нисбатан юқори даражадаги сезгирилликка эга бўлган приёмникдир. Приёмник тананинг қиздирилган қисмидан нурланаётган энергияни асбобнинг кўриш майдони деб аталаған кичик фазовий бурчак ичидаги қисмини ушлаб қолади. Асбоб кўзгусининг

ҳаракатланиши ҳисобига унинг оний кўриш майдони кўчирилиб, кўриш майдони кетма-кет анализ қилиб борилади. Агар асбобнинг кўриш майдони нотекис ҳароратли таркибга эга бўлган соқага йўналтирилса, у ҳолда кўриш майдонининг муайян оний ҳолатида приёмникка тушаётган нур оқими ўзгаради. Приёмник бу ўзгаришларни электр сигналларига айлантиради ва улар кучайтирилиб, бу мавзара ЭХМ дисплейида қайта тикланади, ўлчаш натижалари эса сонли таблога чиқарилади. Иссиклик тасвирни фотоплёнкага ҳам тушириш мумкин ва ҳ.к.

Одам танасининг айрим қисмларини текшириш ҳавонинг ҳарорати доимий ( $21-22^{\circ}\text{C}$ ) бўлган шароитда, 15 минутлик иссиқлик мослашувидан кейин оширилади.


Софлом одамларда тана ҳарорати маълум ўзига хос симметрик тақсимотга эга бўлиб, биринчи навбатда, тананинг у ёки бу қисмининг ваксуляризация даражасига боғлиқ бўлади. Жумладан, кўз атрофи, юз қисми, лаблар ва бўйин, одатда, анча иссиқроқ (бу соқалар ёрқинроқ кўринади) бўлади. Бурун, юзнинг юқори қисми, юзнинг ташқи сегментлари анча совуқроқ (қоронғи соҳа) бўлади. Кўкрак қафасининг юқориги учдан бир қисмининг иссиқлик манзараси бир текис, ўртача интенсивликдаги нурланиш, ўрта чизиқча ва бўйин асосига яқин соқаларда биророз кучаючи нурланиш кўринишида бўлади. Оёқларнинг нормал термограммалари лонгитудинал ингредиент деб атадиган, дистал бўлимларнинг (айниқса, товон ости ахили пайларида) проксимал бўлимларга нисбатан анча кичик кўрсаткичли инфрақизил нурланишлари билан ажralиб турди. Қон айланиш ўзгарганда, тананинг иссиқлик манзараси сезиларли даражада ўзгаради.

Акустик текшириш усуллари. Акустик текширишларнинг энг кўп тарқалган усулларидан бири аускультация бўлиб, бунда органларнинг иш фаолиятида юз берадиган товуш ҳодисалари тингланади. Кўпроқ аускультация усулидан кардиологлар юрак тонларини текширишда фойдаланадилар.

Юракни аускультация қилишда иккита тон фарқланади. Биринчи тон систоланинг бошида пайдо бўлиб, у юксаклиги анча паст ва давомлироқ бўлади. Биринчи тон систолик тон деб ном олган, чунки унинг келиб чиқишини қоринчалар систоласидан келиб чиқадиган комплекс ҳодисаларга боғлашади (бўлмача-қоринча клапанлари ва сўрғичсимон ипларининг титраши, қоринчалар миокардининг таранглариши). Иккинчи тон анча юксак ва қисқадир. У ярим

16-расм. Юрак клапанлари-нинг проекциялари схемаси ва юрак тонларини эшитиш жойлари.

(I-6)—қовурғаларо оравлилар, I) ўпка артериаси, II) аорта; III) чап бўлмача-қоринча клапани; IV) ўнг бўлмача-қоринча клапани.



ойсимон клапанларнинг диастола даврида, ёпилишидаги титрашидан пайдо бўлади. Шунинг учун у диастолик тон деган ном олган.

Биринчи тон, одатда, чапдан бешинчи қовурғалараро ўмров чизигида эшитилади. Бу нуқтадаги систолик тон, асосан, юракнинг чап бўлими ва чап бўлма-қоринча клапан фаолияти билан боғлиқ. Юракнинг ўнг бўлими ва ўнг бўлмача-қоринча клапанининг ишлаши натижасида пайдо бўладиган худди шундай тонни тўртинчи қовурғалар оравлигидаги тўш соҳасида ҳам эшитиш мумкин.

Иккинчи тон иккинчи қовурғалар оравлигидага яхши эшитилади. Бунда тўшдан ўнг томонда аортал клапанлар, чапда — ўпка артерия клапанлари эшитилади (16-расм).

Юракда ҳосил бўладиган товуш ҳодисаларини ёзиб олиш усули мавжуд бўлиб, уни фонокардиография деб зталади (ФКГ). Бу усууда ёзув кучайтиргич ва регистраторга уланган юқори сезгирилкка эга бўлган микрофон ёрдамида амалга оширилади. Одатда, фонокардиограмма ЭКГ билан бирга қайд қилинади. Чунки бу жараёнлар орасида вақт бўйича аниқ ўзаро боғлиқлик мавжуддир. Фонокардиографияда юракнинг 2 та эмас, балки 4 та тони қайд қилинади. Биринчи тон ЭКГнинг R тишлари билан қарийб мос тушади, иккинчи тон T тишласидан кейиноқ пайдо бўлади. Учинчи тон қоринчанинг тез тұлиши даврида унинг деворларининг титраши билан боғлиқ бўлиб, иккинчи тондан кейин ЭКГнинг T тишлари орқасида жойлашади. Тўртинчи тон бўлмачаларнинг систола ва диастоласининг бошланиши билан боғланган бўлиб, у ЭКГнинг R тишларидан кейин, бевосита биринчи тондан олдин жойлашади.

Коротков усули билан артериал босимни ўлчашда артерияни аускультация қилиш асосий йўл ҳисобланади. Артериал босимни ўлчашда ишлатиладиган замонавий автоматик ва ярим автоматик асбобларнинг ишлаши Коротков тонларини махсус датчиклар (микрофонлар) ёрдамида электрик жараёнларга айлантириб, ўлчаш ва индикация қилишга асосланган.

Клиник тадқиқотларда аудиометрия деб аталадиган усул кенг тарқалмоқда. Бу усул эшитиш анализаторининг турли юксакликдаги тонларни сезиш бўсағасини аниқлашга асосланган бўлиб, у турли юксакликдаги товушларни ҳисоблашадиган тонларни аниқлашга имкон беради.

Тадқиқотларнинг акустик усулларидан бири ультратовуш усулидир. Ультратовуш юқори частотали эластик хусусиятга эга бўлган ( $2 \cdot 10^4$ — $1 \cdot 10^9$  Гц) механик тебранишларнинг муҳитда тарқалишидир. Бунда муҳитнинг зарралари тўлқин тарқалиш йўналишида кўчмайди, балки ўзининг мувозанат вазияти атрофида тебранади. Тўлқин ҳаракат тебраниш жараёни бўлиб, бувда тебраниш энергияси тўлқин тарқалиши йўналишида кўчади. Вақтнинг берилган пайтида тебраниш жараёни етиб келган нуқталарнинг геометрик ўрни тўлқин фронти дейилади. Бу жараёни тарқалаётган йўналишни эса нур деб аталади.

Эластик тўлқинларнинг муҳитда тарқалиши фазовий характеристерга эгадир. Тўлқин фронтининг шаклига қараб у яssi, сферик ва цилиндрик бўлиши мумкин. Агар муҳит зарраларининг тебраниш йўналиши тўлқиннинг тарқалиши йўналишига мос тушса, бундай тўлқин бўйлама тўлқин дейилади ва у қаттиқ, суюқ, газсимон муҳитларда тарқалиши мумкин. Бўйлама эластик тўлқинларнинг тарқалишида муҳит зарраларининг нур йўналишида тебраниши натижасида муҳитда сийраклашган ва зичлашган зоналар тақрорланиб келади.

Агар муҳит зарраларининг тебраниши тўлқин тарқалиши йўналишига перпендикуляр бўлса, бундай тўлқин кўндаланг ёки силжиш тўлқини дейилади. Газлар ва суюқликлар силжиш эластиклигига эга эмас, шунинг учун газларда ва кўпчилик суюқликларда силжиш тўлқинлари тарқалмайди.

Тўлқиннинг турли биологик тўқималардаги тарқалиши тезлигини билиш катта амалий аҳамиятга эга, чунки шу йўл билан тўлқин босиб ўтган йўлнинг узунлигини катта аниқлик билан ўлчаш мумкин. Масалан, текширилаётган объектнинг бир четидан иккинчи четигача бўлган масофа

ўлчаб, түқима ва органларнинг ўлчамларини аниқлаш мумкин.

Турли юмшоқ түқималарда ультратовушнинг тарқалиш тезлиги амалда ўзгармас катталик булиб, унинг ўртача қиймати 1550 м/с га teng. Одатда бу катталикдан медицинада ультратовуш аппаратларини калибропка қилишда фойдаланилади.


Одагда ультратовуш тебранишларини узатиш ва қабул қалиш учун пъезоэлектрик ўзгартиргичлардан (пъезоэлементлардан) фойдаланилади. Агар пъезоэлемент (ПЭ) маълум йўналишда сиқилса ёки чўзилса у қутбланади, яъни унинг сиртида ишораси деформациянинг йўналишига, миқдори эса кўйилган босимга боғлиқ бўлган зарядлар тўпландади. Агар ПЭ электр майдонига жойлаштирилса, унда майдон йўналишига боғлиқ равишда, миқдори майдон кучланишига пропорционал бўлган механик зўриқиши пайдо булиб, натижада ПЭ деформацияланади. Бу ҳодиса тескари пъезоэлектрик эффект деб аталади.

Медицина асбобларида қўлланиладиган ультратовуш частоталарининг диапазони одатда жуда кенг бўлиб, 0,5—1,5 мГц оралиқда ётади.

Асбобларнинг сезгирилигини орттириш ва ультратовуш тўлқинларининг объектга кириш чуқурлигини ошириш учун унинг интенсивлиги орттирилади. Бироқ, ультратовушнинг интенсивлиги етарли даражада ортиб кетганда биологик структуралар қизиб кетиш ва ҳатто емирилиши мумкин. Шу сабабли медицина асбобларида ҳосил қилинадиган ультратовушнинг интенсивлиги  $1+10$  милливатт/ $\text{см}^2$  дан оширилмайди. Илмий адабиётлардаги маълумотларга кўра, ультратовуш интенсивлигининг тўла ҳавфсизлик таъминланадиган дозаси 100 Мвт/ $\text{см}^2$  тартибида бўлади.

Ультратовушдан фойдаланиш ғояси шундан иборатки, бунда текшириладиган органга ультратовуш нури билан таъсир кўрсатилади. Ультратовуш бир турдаги соғлом тўқимадан ўтаётib ўз йўлида түқима ва органлар четига етганда тўсиққа учрайди. Бу чегарадан ультратовуш қисман ёки тўла қайтади ва бу қайтган ультратовуш тўлқинларини электрон асбоблар ёрдамида қабул қилиб олиш мумкин.

Бу усул билан орган ва тўқималарнинг чегаралари координаталарини, ўлчамларини ва шаклини аниқлаш мумкин. Бундан ташқари, одам танасининг катта соқаларини текширишда ультратовушни қайтарувчи структуралар манзарасининг икки ўлчамли тақсимотини олиш мумкин.



17-расм. ЭХО-импульсли диагностика асбобининг блок схемаси.  
Изохи матнда берилган.

Одам органлари кесимининг бундай икки ўлчамли манзараси рентген томограмма манзарасига ўхшайди. Бу хилдаги бир неча тасвирлар (эхограмма) ёрдамида ультратовушни ички қайтарувчи объектларнинг ҳажмий тақсимот қақида маълумот олиш мумкин. Ўта кичик масофа фарқларига эга бўлган тўқималардан қайтган ультратовушни қаён қилиш имкониятига асосланган ультратовуш диагностикаси усули кўп ҳолларда (масалан, юмшоқ тўқималарни текширишда) рентген усулидан кўра кўпроқ маълумот бериш мумкин.

Одамнинг тўқима ва органларини кўришда энг кенг тарқалган ультратовуш усули импульсли ультратовуш эхолокацияси бўлиб, унинг моҳияти шундан иборатки, текшириётган органга қисқа ультратовуш импульси юборилади. Бу импульсъ объектдан қисман қайтиб, приёмникка тушади ва унинг кўрсаткичларининг ўзгаришига қараб органини хусусияти ва тузилиши ҳақида хулоса чиқарилади.

Эхо-импульсли ва диагностик асбобининг умумлашган структуравий схемаси 17-расмда берилган. Датчик (1) электромагнит тебранишларни ультратовуш тебранишларига айлантириш, уни объектга йўналтириш, органнинг чегараси ва ҳар хил турдаги объектдан (нобиржинсликлардан) қайтгай ультратовуш нурларини қабул қилиш ва ультратовушни қайтадан электромагнит тебранишларига айлантиришга хизмат қилади. Импульсларни йўналтирувчи генератор (2) датчикнинг ўзгартиригичини қўзгатувчи юқори частоталик электромагнит тебранишлар импульсларини ишлаб чиқаради. Кучайтиргич (3) қабул қилинган сигнални кучайтириш

ва детекторлаш учун хизмат қилади; қайд қилувчи қурилма (4) қайтган ва қабул қилинган сигналларни вақт ва амплитуда бўйича ажратади, уларни электрон-нурли трубди. Синхронизатор (6) асбобнинг ҳамма қисмларини мослашган ҳолда (синхрон) ишлашини таъминлайди. Вақт ўлчагич (7) ультратовуш тебранишларини биологик түқималардаги тарқалиш тезлигини сезган ҳолда, тебранишларни қайтарувчи структуранинг жойлашиш чурулигини ўлчаш учун импульснинг объектига бориб қайтиши учун кетган вақтни ўлчайди. Сезирликни вақт бўйича бошқаргич (8) турли чуқурликда ётган структурапардан қайтган сигналларнинг амплитудасини тенглаштириш учун хизмат қилади. Ёйиш генератори (9) қайд қилинувчи кучланишини шакллантиришга мўлжалланган.

Ультратовушни текширилаётган танага киритишининг 2 та: иммерсион ва контакт усули мавжуд.

Иммерсион kontakt сувли муҳит орқали амалга оширилади. Бунда текширилаётган объект датчик ўрнатилган сувли ваянага туширилади ёки ультратовуш учун шаффофт материалдан тайёрланган, унча катта бўлмаган кюветага ўрнатилиб, у текширилаётган объект ичига жойланади.

Ҳозирги пайтда чиқарилаётган кўпгина асбобларда kontakt усули қўлланилмоқда. Ультратовуш кириш чуқурлигининг катталиги, фронтал ажрата олиш қобилияти оперативлигининг яхшилиги ва керакли юза кесимини танлашнинг эркинлиги бу усулнинг афзалликлариdir.

Кейинги пайтларда ультратовуш асбобларида сигналларни йиғиш ва тасвири хотирада сақлаш учун сонли хотира системаларидан фойдаланилмоқда. Бу асбобларда ЭХМдан тасвири синтез қилиш, унинг сифатига ишлов бериш (сифатини яхшилаш, контураларини аниқлаштириш, бир хил ёрқинлилик чизиқларини ҳосил қилиш ва ҳ. к.), шу жумладан, олинган натижаларни анализ қилишда фойдаланиш мумкин.

Допплеросонография одам танасидаги қон томирларда қон оқимининг чизиқли тезлигини ва йўналишини қайд қилишга имкон берувчи ультратовуш усулидир. Бу ноинвизив, оғриқсиз, тез амалга ошириладиган, кам чиқим усул бўлиб, анча сермаҳсулдир. Бу усул фақат артериялардагина эмас, балки катта вена томирларидаги қон оқимларини ҳам текширишга имкон беради.

Бу асбобларнинг ишлаш принципи Допpler эффектига (1842) асосланган бўлиб, бунда тўлқин манбаидан чиқаёт-


ган түлкін үни қабул қылувчи бир-бирига ~~нисбетті~~  
харакатланғанда қабул қилинаётган түлкін төбранышлары  
нинг частотаси ўзгаратылады. Бу эффект объектлардан ~~факт~~  
бири харакатланғанда ҳам намоён болады.

Генератор ишлаб чиқарадиган юқори частотали тебранишлар ультратовуш датчигининг узатувчи элементида товуш тебранишларига айлантирилади ва у одам танасиимирлари ўрганиладиган жойга маҳсус товуш ўтказувгель (ивиқ) орқали йўналтирилади. Қон оқимидан қайтсан сигнал ультратовуш датчигининг қабул қилувчи элемент тушади ва унда электр сигналига айлантирилади. Каб қилинган сигналнинг частотаси киритилган сигналга нисбатан Допплеровий силжишга эга бўлади.

Бу асбобларда ультратовуш датчилари иккى элементтесистемадан иборат бўлиб, улардан бири қабул қиливчи иккинчиси эса тарқатувчи бўлади. Бу элементлар диаметри 5—20 мм ли ярим диск шаклида бўлиб, улар горизонталасатҳга нисбатан  $5^{\circ}$  бурчак остида ўрнатилган бўлади. Асбоб ва датчикларнинг тури конструкцияларига кўра, частоталари 10,5,3, ва 2,6 МГц бўлган ультратовушдан фойдаланилади. Допплеровий частота силжишлари спектри 300-30000 Гц оралигига ётганлиги сабабли, у эшитиш ҳисобчегарасида бўлади, шунинг учун циркуляция (айланиш) ҳолатини баҳолаш стрелкали (милли) индикатордар аудиометрия орқали амалга оширилади.

Сонли ҳисоблаш техникасининг ривожланиши тадқиқларнинг бу усулига ҳам таъсир қилди ("Вазоскан" асбоби Сонли хотирадан фойдаланиш қоннинг оқиш тезлигини қоннинг ҳаракат йўналишини, қон томирлар деворларини қалинлигини ва уларнинг фазовий жойлашуви ва бошқал түғрисидаги маълумотларни тезкорлик билан тұплашга ишкон беради. Бу асбобларда аудиометрик индикация билік бир қаторда, текширилаётган қон томирларнинг рангли дисплей экраныда ясси тасвирларини хосил қилиш, қон оқишини ва томирларнинг функционал ҳолатини текширишни зиларлы даражада енгиллаштиради.

Тадқықотларнинг рентгенологик усуллари. Рентгенологик усуллари 1885 йили немис физиги В. К. Рентген томидан очилган кашфиётга асосланган бўлиб, бунга кўра сийраклашган газлардан юқори кучланиши ток ўтиши нурланиш пайдо бўлиб, бу нур платина-синеродит билан қопланган флюоресцент экранга туштандади. Ҳосил бўлади. Бу нурлар кўзга кўринадиган нурлар ўтказмайдиган буюм ва жисмлардан ўтиш хусусиятига эътиди.



терли томография принципининг схематик тасвири. даги кесим профили; 2) кесим; 3) рентген трубкаси; 4) таянч чизиги; 5) детекторлар.

Кейинроқ, 1912 йили И. Лауж рентген нурлари тұлқин зүнлигі 725 дан 0,1 А° оралығыда ётувчи электромагниттің тұлқинларидан иборат эканлигини аникладаған.

Рентген нурланишлари ионлаштирувчи нурлар ҳисоб-  
анады ва түқималардан мәйлум дозада нур үтганда, уларга  
арзарлы тәсір қиласы. Шунинг учун рентген аппаратлари  
білән ишләганды маҳсус ҳимоя воситалари (экранлаш) за-  
рпра ва унга маҳсус тайёргарликдан үтган (рентгенологлар)  
ишиларгина күйилади. Бу аппаратлар билән ишләш йүл-  
риқлари фақат маҳсус рентгенология курсларида бері-  
ли да уни үрганиш физиологик амалий машғулот вази-  
сига кирмайды.

Шу билан бир қаторда, ҳозирғы пайтда оддий физиологик аныкталарда құлланилиши мүмкін бўлган хавфсиз ва аниқ антигенологик усуулар пайдо бўлди. Ушбу китоб ҳажмининг гараланғанлигини ҳисобга олиб, фақат компьютерли томография деб аталувчи усул билан танишиб чиқамиз.

Компьютерли томографияда  
түкималыгынан түрбаси да детекторлар текширилаётган түкима-  
лыштардан махсус мослама системасини 18-расмда күрсатылған чи-  
ншылдырылған түрбаси да детекторлар текширилаётган түкима-  
лыштардан махсус мослама системасини 18-расмда күрсатылған чи-  
ншылдырылған түрбаси да детекторлар текширилаётган түкима-  
лыштардан махсус мослама системасини 18-расмда күрсатылған чи-



19-расм. Айланувчи детекторли майдонга эга бүлгөн компьютерлык мографияда ёйилувчи нурлар билан ёритиш принципи. 1) рентген трубкасы; 2) объект; 3) 520 та детектордан иборат линзали майдон.

Шундай қилиб, қатлам сифатида текширилаётган қатлам системаси (1) нинг ичидаги жойлашган декарт координата системаси нисбатан  $\theta$  бурчак остидаги унинг проекцияси ёки профил олинади. Трансляция тутагандан сўнг, трубка детектори стемаси  $\Delta\theta$  бурчакка бурилади (ротация) ва ҳамма жаҳон қайтадан такрорланади. Бунинг натижасида  $\theta + \Delta\theta$  бурчак остида объектнинг проекцияси олинади. Ротация жараёвдан текширилаётган қатламнинг 0 дан  $180^\circ$  гача бурчак лигидаги проекцияси ўлчанади.

Хисоблаш қурилмаси датчиклардан маълуматаматрицасининг ҳар бир нуқтасига тушгалирнинг юритилиш коэффициентларини ҳисобвирнинг тескари проекциясини (конволюция) усули билан тасвири реконструкциялади.

Сифатли тасвир олиш учун ёритишида айланувчи дастасидан фойдаланиладиган, айланувчи детекторлардони билан тъминланган системалар (500 дан ортигинальдиккада) яратилган (19-расм). Бу системалар тескинланишининг импульсли режимларидан фойдаланишига беради. Компьютерли томограф ёрдамида олинган ода-

куллаалганг "кесими нинг тасвири Пироговнинг классик кесимига ушайди ва органлар, шунингдек, уларнинг қисм-тагографиясини яхши акс эттиради.

Тадқиқотларнинг радионуклид усули. Тадқиқотларнинг радионуклид усули физиологик шаронтларда ҳаёт фаолиятинг молокуляр даражадан бир бутун организмгача бўлган энг нозик механизмларини ўрганишга имкон беради.

Талқықотлар радионуклид усулининг принципи организмга белгиланган радиоактив нуклиидларни (индикаторларни) киритиб, унинг организмдаги ҳаракат динамикасини қайд қилиб боришга асосланган.

Тадқиқотларнинг 4 та асосий гуруҳи:

1. Радиометрия : а) клиник; б) *in vitro*—лаборатория радиоиммунологик анализ (РИА). 2. Радиография. 3. Сканерлыш (нурни йигиб йұналтириш). 4. Сцинтиграфия турлари мавжуд.

Хөзүртгі замонавий тадқылтарда 60 та радионуклиидлар ва 100 та белгіли бирикмалар — радиофармацевтик препараллар (РФП) дан фойдаланилади.

Күпроқ РФП ларинг таркибидагы  $\frac{32}{15}P$  (фосфор);  $\frac{99m}{43}Tc$  (техниций),  $\frac{111}{49}In$  (индий),  $\frac{131}{53}I$  (йод),  $\frac{133}{54}Xe$  (ксенон),  $\frac{198}{79}Au$  (олтин);  $\frac{197}{80}Hg$  (симвоб) бұлған турларыңдашқа препараттардан фойдаланилади.

Кирииш йүлларидан: перорал, парентерал, ингаляцион, интракраниал, усуллари мавжуд.

Радиометрия — ионлаштирувчи нурланишлар оқими-  
нинг вақт бирлигидаги интенсивигини ўлчаш (импульс/с)  
дан иборат.

Одам организимига киритилган РФП (МБк/кг)ни аниклаш учун бутуң тана ёки айрим органлар радиометрия килинади. Радиометр маълумотни сонли ифода кўринишида габлога беради. Масалан, қалқонсизмон безнинг функцияларини текширишда йод алмашинуви ички тиреоид босқичида йод алманинишининг активлиги  $0,8-1,9$  МБк бўлган на- йодиднинг сувдаги эритмасидан иборат РФП ни пе- орал киритишида қалқонсизмон безнинг йодни ушлаб қоли- гига қараб аникланади.

Жигар (гепатоцитларни ютиш ва ажратиш функциясини никлаш)нинг, буйрак (паренхималарнинг функциясини баҳолашда)нинг ва бошқа органларнинг функцияларини текширишда радиометрия усули қўлланилади.

**Радиоиммунологик анализ (РИА) in vitro.** Радиоиммунологик усул боғланиш (бирикиш) усулидир. Боғланиши фазаларини (антigen-антитело комплекси) миқдорий аниқлашучун радиоактив препаратлар билан нишонланган антигендөрлөлар қўлланилади. Радиоиммунологик тадқиқотларда РИА инкорпорация қилиш талаб қилинмайди, шунинг учун касал нурланишдан мустасно бўлади. РИА усули билан биологик суюқликлардаги гормонлар, ферментлар, доризор препаратлар миқдори аниқланади, шу жумладан текширилаётган модданинг физиологик хоссаларини, масалав, и munoreaktivlik ва биологик активлигини ўрганиш мумкин.

**Радиография.** Бу усул текширилаётган органда радионуклиидларнинг тўпланиши ва унинг органдан чиқарилади (РФП нинг транспорти) қайд қилишга асосланган. Қайд қурилма жараённи ўзи ёзувчи мослама (самопечец) ёрдамида қоғоз лентага ёзиб боради.

Радиография усули буйрак (радиоренография), жига (радиогепатография), ўпка (радиопульмонография) ва юра (радиокардиография) нинг функцияларини ўрганишда ишлатилади.

**Сканирлаш.** Бу усул организмда ёки текширилаётган органларда РФПнинг ҳажмий тақсимотининг яси мавзусини кўриш имкониятини яратади (орган топография). Сканер гамма-квантларни қайд қилиб, уларни электрик импульсларга айлантиради. Ёзувчи қурилма нуқта штрихлар ёрдамида электрик импульсларни тасвирга (сигнограммага) айлантириб беради. Сканограмма ёрдамида РФП тўпланган соҳанинг жойланишини, шаклини ўлчамларини аниқлаш, яъни текширилаётган органни шакли ва каттатилигини аниқлаш мумкин.

Текширилаётган обьектда РФП бир текисда тақсимоланда, сканограмма тасвири бир текисда бўлади. Радионуклиидларнинг концентрацияси ортиб кетган жойларни "қайноқ" тугунлар, РФПнинг концентрацияси камайган тўпламаган жойларни эса "совуқ" тугунлар деб атади.

РФПларнинг маълум органотропик хоссаларидан фойдаланиб, амалда барча органларни ва системаларни сканирлаш мумкин.

**Сцинтиграфия** — гамма-нурланишлар чиқарува. РФПнинг организмдаги тақсимотини ва кўчиш тезлосиги қўзғалмас, катта ўлчамли (монохристалли) детекторларидамида қайд қилиш усулидир.

Бу мақсадларда гамма-камералардан фойдаланади. Текшириш натижалари ЭХМ ёрдамида жадвал, графика

манзара кўринишига келтирилади. Компьютер "қайноқ" ва "совуқ" тугунларни аниқлаш ва уларни миқдорий баҳолаш, симметрик органлар функцияларидаги фарҳларга баҳо бернишга имкон беради.

**ЭХМли гамма-камераларнинг қўлланилиши** ёдлий физиологик шароитларда динамик тадқиқотлар ўтказиш, уларни миқдорий баҳолашга ва тез содир бўладиган жараёнларни кузата олишга имкон беради. Компьютерли сцинтиграфия системалар ички органларнинг анатомо-топографик хоссаларини билиш билан бир қаторда уларнинг функционал ҳолатини баҳолашга ҳам имкон беради.

**Эндоскопия.** Эндоскопия — организм ва органларнинг ички кисмларини оптик ёритгич асбоблар ёрдамида тадқиқот қилиш усулидир. Бу усулда асбоблар органлар ва бўшлиқларга табиий тешиклар орқали ёки орган деворларини кичикроқ кесиб очиш ўюли билан киритилади.

Эндоскопик усул ошқозон-ичак трактини, қорин бўшлигини, нафас олиш ва сийдик чиқариш йўлларини текшириша қўлланилади.

**Эндоскопик усуллар XIX** асрданоқ қўлланила бошлаган. 1958 йилдан бошлаб эндоскопия амалиётида ажратади олиш имконияти ва эластиклиги анча яхши бўлган, эгилувчан фибрископлар қўлланилмоқда. Уларни катта бурчакка эмилган анатомик каналлардан ҳам ўтказиш мумкин бўллиб, текширулувчидаги катта нохушликлар ҳосил қилмайди ва ҳозирги пайтда эндоскопия барча соҳаларда кенг қўлланилмоқда.

Фибрископларда ёруғликни узатувчи система сифатида элементар световодлар (ёруғлик узатувчи) дастасидан иборат бўлган толали-оптик системадан фойдаланилади. Элементар световод синдириш кўрсаткичи катта бўлган шиша толадан иборат булиб, у синдириш кўрсаткичи кичик бўлган шиша қобиқ билан уралган бўлади. Ёруғлик нури катта синдириш кўрсаткичига эга бўлган муҳитдан синдириш кўрсаткичи кичик муҳитга ўтишида синиб, икки муҳит чегарасида тўла ички қайтиш ҳодисаси (ёруғлик яна биринчи муҳитга қайтади) юз беради. Световодга тушган ёруғлик нури кўп марта тўла ички қайтиш ҳисобига световоднинг иккичи учидан чиқиб, обьектни ёритади. Световоднинг эгилган жойларидан ёруғликнинг ўтиши ҳам худди шундай содир бўлади.

Эгилувчан фибрископлар билан текшириш текширулувчиларга сезиларли нохушлик ҳосил қилмаганилиги сабабли

бу усулдан оммавий текширишлар үтказиша фойдаланып мүмкін.

**Психофизиологик текшириш усуллари.** Классик психофизиологик текшириш усуллари булиб, кузатиш үзини кузатиш ҳамда психологик экспериментлар собланади. Бу усулларнинг асосий вазифаси психик саларни сифатли анализ қилиш эди.

Кейинчалик эса психологик эксперимент амалдашынан психик функцияларнинг динамикасини миқдорий баҳолар усуулари киритилганды. Бундай экспериментал усуулар психометрия, ментиметрик, проектив усуулар ва функционал синовлар тегишилдирир. **Психометрик** усуулдан резултаттың реакциянинг кучи, тезлиги ва бошқа күрсаткичларни зерттеп, вомийлигини анықлашда фойдаланилади. Ментиметрик усул стандарт топшириқ (тест) түплами ёки шкала ёднөвли мида текширилувчи одам мәжнати натижаларини миқдор баҳолаш имконини беради. Проекттив усул шахсий хусусиятларни бошқа объектга проекцияси мобайнида қарастырып, этишининг шахсий сифат хусусиятларини текширишга жетканган. Функционал синовлар усули маълум системада ёки руҳий функцияларга нисбатан тозаланган функцияларни ўзинигина олади.

Юкорида санаб ўтилган усуллар олинган натижалар оммавий текширишлар орқали олинган ёки шу шароқ кўпчилик (камида 95%) текширилган шахсларга бўлган стандартлар билан тақъослашга асослангандингиз (тистик норма").

Маълумки, инсоннинг психик функциялари трофи нафас, қон билан таъминлаш, ҳимоя синтези ва организмни бошқа ҳолатларини таъминлаб берувчи зиологик жараёнлар билан ўзаро узвий боғланган. Шундай бабли психологик текшириш кўпинча вегетатив күрекчилар (АБ, пульс, нафас, миянинг чақирилган потенциаллар сони, ЭЭГ ва ҳ. к.) ни қайд қилиш билан би олиб борилади. Бундай текшириш маълум психик рещ яларда вегетатив фон ўзгаришини аниқлашга ёрдам беради. Психофизиология деб аталади. Психофизиологик тарзиш психик функциялар вегетатив корреляцияларни пишга, фаолиятнинг маълум турларида организмни зўриқиши даражасини аниқлашга имкон беради.

Бегетатив күрсаткычлар билан комплекс ҳолатта бор, хотира, фикрлаш, эмоциялар, интеллект ва х. ширилади.

Эътибор — индивидга маълум аҳамиятини берадиган, объектга қаратилган психик фаолиятдир. Онгли бошқариладиган ва бир меъёрда ушлаб туриладиган бундай фаолият иктиёрий эътиборни характерлайди. Ихтиёсиз эътибор онда, эътиборнинг ҳажми, турғуллiği, тақсимланиши ва бошқа ҳолатта ўтиши баҳоланади. Эътиборнинг ҳар бир сифати бир бўнин психик фаолиятда маълум ролни бажаради.

Этъебор ұажми чекланған вақт шароитларида текширилувчи томонидан бир вақтда қабул қилинаётган объектлар тапшының баҳолаш орқали текширилади.

Этаборнинг турғуллиги, текширилувчи томонидан монотонли (бир хил, зериктирувчи) узоқ давом этувчи ишни бажарашни таклиф этиш билан ўрганилади, бунинг натижасида эса йўл қўйилган хатоларнинг сони ва ишнинг бажарилishi вақти қайд қилинади. Бундай ишнинг мисоли бўлиб корректор иши хизмат қиласди. Унинг модели бўлиб эса корректура матн (текст)лари ҳисобланади. Бундай матнларнинг бир неча варианти таклиф этилган. Ишнинг муваффақияти ушбу формула бўйича аниқаланади:

$$B-S \quad (C-W) \quad / \quad (C+O).$$

бұнда, С—текширилувчи белгиланған элементларнинг умумий міндері, W—нотуғри белгилаган элементларнинг міндері, О—тушириб қолдирилған элементлар міндері, S—масаладағы барча элементларнинг міндері.

Эътиборнинг тақсимланиши бир вақтнинг ўзида икки ёки бир неча ҳаракатни бажариш мумкинligини баҳолашга имкон берувчи усуllар билан текширилади. Масалан, маъносига кўра яқин сигналлар билан маскировкалаш (тусланиш) қилиган маълум сигналларнинг пайдо булишидаёқ тегисли квонкани босиш.

Эътиборниң ўзгартырилыш текширилувчининг бир фалолиятдан иккинчисига тез ўта олиш қобилятига қарабашағаннади. Бунта қизил-қора рақамлы жадвал билан ишлеш мисол бұла олади, бунда текширилувчи маълум тартибда аввал қора рақамларни, кейин эса қизилларини тошиши керак. Эътиборниң ўзгартырилишини текшириш учун корректура матннда маълум ҳарфдан аввал ёки кейин изланаттган ҳарфни ўчириш таклиф этилади.

Хотира индивиднинг ахборотни ёд олиши, ёдда сақлаши уни қайта тиклай олиш қобилятидири. Кисқа муддатли узоқ муддатли хотиралар тавофут қилинади. Кисқа муд-

датли хотира (ҚХ) ахборотларнинг миядаги қисқа қабул қилиш пайтидан то хотира изларининг қисқасигача (бирлаштириш) сақланишини таъминланади. Қисқа муддатли хотира бевосита ва оперативга бўлсин.

Бевосита хотира. (БХ) маълум символлар кўрсатгандан сўнг уни дарҳол қайта тиклаб қобилиятидир. БХ, рақамлар, ҳарфлар ва бошқа бўлар нинг хотира бўйича ортиб борувчи тарздаги бўйича ёзиши таклиф этиш орқали ўрганилади. То риш бир неча бор ўтказилади ва БХ ҳажми қўйилади. Мула орқали ҳисобланади:

$$V = A + m/n + K/2$$

Бунда А-барча тажрибаларда тўғри ишлаб чиқарилган катта қаторнинг узунлиги, п-тажрибаларнинг сонги А га нисбатан миқдор бўйича катта белгиларнинг чиқарилган қаторлар миқдори, К-қаторлар ўртасидаги терваллар.

Бевосита хотира ҳажми конкрет борлиқдан ташқада стракт потенциал қобилиятининг ахборотларни вақтда ёд олишини акс эттиради.

Оператив хотира (ОХ) маълум ахборот ҳажмини сақлаб қолиш ва бир қанча вақтдан сўнг қайта п олиш қобилиятидир. Масалан, текширилувчига иккита хил сонни қўшиш таклиф қилинади, улар йиғиндиндабо лаб қолиш ва қайта тиклаб олиш эса қўшиш жараёнда бажарилиши кетма-кетлигига бўлсин. Бир неча тақорурдан сўнг оператив хотира ҳажми қўйидагича ҳисобланади:

$$V = A + m / n + K / 2.$$

Оператив хотира ҳажми текширилувчининг маълум олият жараёнида қисқа вақтли хотирасини ишлатади. Қобилиятынини, ахборотларни қисқа вақтда ёдлашади.

ОХ нинг БХ га муносабати бевосита ёд олини тўлалигини характерлайди. Текширилувчининг вақтли хотирасига якуний миқдорий характеристикаси чи қисқа муддатли хотира индекси ҚМХИ ҳисобланади.

$$\text{ҚМХИ} = (BХ + OХ) \cdot OХ / BХ$$

Бу кўрсаткич қанчалик катта бўлса, текширилувчининг ҚХ даражаси шунчалик юқори бўлади.

Узоқ вақтли хотиранинг бошланғич босқичини ўрганиш усулларидан бири бўлиб — хотира излари фиксацияси — ўзаро логикавий алоқаси бўлмаган сўзини ёд олиш ҳисобланади, ҳар бир 10 сўз кўрсатилгандан сўнг текширилувчи уларни ихтиёрий тарзда такрорлади. Беш минутлик кўрсатилган сўзларни яна қайтариш таклиф этилади. Одатда 3 марта такрорлашдан сўнг соғлом одам 9—10 сўзни қайта тиклай олади ва уларни хотирасида сақлаб олади.

Фикрлаш — билимларга таянган идрокдир.

Фикрлашни текшириш учун бир неча гуруҳ усуллардан фойдаланилади: классификациялашга бўлган қобилиятни баҳолаш, умумлаштириш қобилиятлари ва бошқалар.

Биринчи гуруҳ усуллари ёрдамида текширилувчининг обьектларни уларнинг кейинги гуруҳланиши билан биргаликда белгиларини ажратиш имкониятлари баҳоланади.

Умумлаштириш қобилияти конкрет берилган вазиятларни бошқа шароитларга ўтказувчи операцияни характерлайдиган тестлар ёрдамида текширилади.

Фикрлашнинг аналитик аспектларини текшириш учун алоҳида компонентларни ажратиш ва уларни кейинги ягона логик якунланган системага бирлаштиришга имкон берувчи тестлардан фойдаланилади (синтез).

Қонуниятлар ва экстраполяцияларни ажратиш қобилияти турли тестлар ёрдамида ўтказилади (етишмайдиган сонни исташ, "домино" шкаласи, лабиринт ва шахмат масалалари).

Эмоциялар одамнинг унга аҳамиятли бўлган обьектларга, жараёнларга бўлган муносабатини акс эттиради. Уларни ўрганиш учун эмоционал бўлган воқеалар изларини фикран қайта тиклай олиш усулидан фойдаланилади.

Бундан ташқари, "баҳолаш" сўzlари усулидан фойдаланиб, унда 15—20 "индифферент" (фарқсиз) ва "эмоционал" сўз-таъсирловчилари ишлатилади. Текширилувчи аввал бу сўзларни фақатгина эшитади. Улар такрор эшиттирилганда, текширилувчи ўзининг ҳар бир сўз учун муносабатини бирорта баҳоловчи сўз орқали билдириши керак ("ёқимли, ёқимсиз, яхши, ёмон, бефарқ"). Кейинги сўз-таъсирловчилари эшиттирилганда, текширилувчининг "баҳоловчи" сўзларига мос келадиган ёки келмайдиган "баҳоловчи" сўзлардан бирин қўшиб олинади. Текширилувчи бундай ортиқча баҳолашга ўзининг муносабатини "розиман" ёки "норозиман" сўзлари билан билдиради. Текширилувчи ва текширилувчи сўз-таъсирловчиларининг тўғри келмаслиги натижадан бирин қўшиб олинади.

сида эмоционал реакция чиқара оладиган жанжалты юзага келиши мүмкін.

Эмоциянинг бошқа күп ўрганиш усуллари мавжуд булған улар орасыда ҳақиқий эмоционал вазиятлардан фойдаланып чи усулларга эътибор бериш маъқул (масалан, ҳиссистни көтихон сессияси даврида талабаларда текшириш).

Интеллект ўқишининг муваффақиятини, яъни вазиятни мосланиш ва олинган билимлардан ижодий фойдаланып белгиловчи шахс қобилиятларининг тұрлапламидир. Интеллектни текшириш усуллари нафақат маълумотлар орттирумаса билимларни, құннұмаларни, балки уларни фаолиттерде құллаш қобилиятини ҳам аниқлады.

Интеллектни баҳолаш усулларидан бири Векслер усту бўлиб, ундаги топшириқлар интеллектнинг турли томондарини характерлайдиган 11 та субтестдан иборатdir. Ҳам бир субтестнинг ичидә топшириқлар мураккаблиги бўйича ортиб борувчи тартибда жойлашгандир.

Д. Равеннинг "Прогрессив матрица" тести фикрлаш операцияларини текшириш ва баҳолашта йўналтирилган (таққослаш, аналогия, мантикий хулоса ва бошқалар). Би тест 60 та расмдан иборат ("матрица"). Ҳар бир расмни кичикроқ қисми олиб ташланган. Расмлар остида би фрагмент жойлашган бўлиб, уларнинг орасыда олиб ташланган қисм ҳам бор. Матрицалар ортиб борувчи мураккабликда жойлашган. Текширилувчилар расмни күрччиқиши ва матрица-кемтикли қайси фрагмент ҳисобло тўлдириш кераклигини ечиши керак.

Шахсни текшириш проектив ва нопроектив усуллари ўтказилади. Проектив усуллар субъектга оид бўлган характер, талаб, никоҳ, ғоя, мотивларни онгсиз равишда бошқа шахсга қўчириш (проекция) мумкинлигига асосланган.

Проектив усулларнинг қўйидаги гуруҳлари қўлиниллади: 1) номаълум тест материалига эга бўлган көвсруктив (Г. Роршах "доги") ёки таклиф этилаётган тест материалыдан образ, сюжет синтезлаш масаласи; 2) тест материалы сифатида сурат ва ҳикоялар ишлатувчи, улар сюжетини ихтиёрий изоҳлашга йўл қўювчи изоҳловчи (драматик апперцепцион тест — ТАТ); 3) текширилувчининг ўйлаб чиқарган драматик мазмунли сюжетининг таҳлили асосидаги катарктик.

Г. Роршахнинг "Сиёҳ доғлари" усулида мўъжизавий кўринишларга эга симметрик доғлари бор 10 та карта ишлатилади. Бешта карта оқ-қора тонда бажарилган, иккита қора-қизил, учтаси кўп рангда. Текширилувчига

мўъжизавий кўриниш ва шаклларда нима кўринаётганинни айтиб бериш таклиф қилинади. бу усул интеллектуал фаолият ҳақида ҳукм юритишга ҳам имкон беради (фикрлашнинг ижоди ва оригиналлiği); экстраверсиялар — интраверсиялар текширилувчи активлигининг ташқи ёки ишчи ўйғонишларга боғлиқлигининг намоён бўлиши сифатида; ҳиссий кузатувчининг ҳолати ҳақида (ташвишга берилиудан бўлиб қолиши, асабийлашишлар).

Тематик апперцепцион тест (ТАТ) амалда сюжет изоҳини чегараламайдиган, реал фигуralар, одамлар ва объектлар ифодаланган 29 та суратлардан иборат. Текширилувчи объектларни ёзиш билан чегараланмасдан, суратлар бўйича динамик ҳикоя қилиши зарур. Олинган натижалар иккى йўналишда ишланади: сюжет қаҳрамони ва қаҳрамон тасаввуридаги муҳит баҳоланади. Бу шахснинг хусусиятларини, унинг ўзини тутиши, мотивларини, уларни амалга оширишнинг потенциал имкониятлари ва тенденцияларини аниқлашга имкон беради.

Нопроектив усуллар шахс тузилмасининг алоҳида компонентларини ўрганишга имкон беради. Бундай усулларга саволлар, шахсий шкалалар ва бошқ. тегишилдири. Кўпинча бир неча топшириқ ёрдамида (саволлар) маълум шахсий характеристика кучи баҳоланади.

Бу гурухнинг энг кўп ёйилган усуллари бўлиб, ММРJ, Н. Айзенка, Н. Спилбергер саволлари, тугалланмаган таклифлар усули ҳисобланади.

ММРJ — миннесотнинг кўп профилли саволлари бўлиб, улар текширилувчига вазиятни З группага: унга тегишли, тегишли бўлмаган ва аниқланмаганларга (бильмайман) бўлишни таклиф этувчи 565 та айтилмалар (саволлар)га эга. Болаларда ифодаланган текшириш натижалари стандарт билан солиширилади. Усул индивиднинг турли характеристикалари: невротик ҳолат, моторика, координация, турли анализаторлар фаолиятининг хусусиятлари ва бошқ. ни текширишга имкон беради. Бу усул ёрдамида текширилувчининг тарбияга, сексуаллигига, ижтимоий-сиёсий, социал, диний муаммоларга бўлган қарашини ўрганиш мумкин. Берилган усул аффектив, маниакал ва депрессив ҳолатларни, галлюцинацияларни, муттасил фикрлар ва ҳаракатлар ва ҳоказони аниқлашга имкон беради. Тест олинаётган натижаларнинг тўғрилигини баҳолаш учун текшириш шкалаларига эга (жавобларнинг чинлити, ҳақиқийлиги).

Н. Айзенка саволлари характеристикнинг йўналиши (экстраверсия-интраверсия) ва ҳиссий тутуриқсиз (нейротизм, текширишга имкон беради).

Экстраверсия характеристига эга бўлган шахслар мурожааткор, контактли, бироқ ўзгариш, ҳаракат, аффект, агресив яларга мойил ҳисобланадилар. Интраверсив типдаги ҳаракатларга ишчанлик, тартибга интилувчанлик, босиқ ва эстетик ҳаракатларга юқори баҳо берувчанликда намоён бўлади. Айзенка саволлари иккита бир хил А ва В вариантида иборат бўлиб, улардан ҳар бири 57 саволни ўз ичига олди. Уларнинг орасида натижага ишончлилигини баҳолади. Йўналтирилган контрол саволлар ҳам бор.

Психофизиологик текширишларнинг тўлиқ бўлмаса келтирилган усуллар ҳозирги вақтда бир қатор касб учун контингент саралашда (учувчи, авиадиспетчер, довчилар), инсоннинг ишлаб чиқариш фаолияти психологиясини ишлаб чиқаришда, инсоннинг у ёки бу ишлаб чиқариш функцияларини бошқаришга қодирлигини кундалик диагностикасида ва бошқаларда кенг қўлланилиши мумкин.

#### ОРГАНИЗМНИНГ ИШЛАШ ЖАРАЁНИДАГИ ФИЗИОЛОГИК ФУНКЦИЯЛАРНИ ШУГУЛАНУВЧИ СИНОВЛАР

Касб ёки спорт фаолиятининг конкрет турлари яроқлик масаласини ҳал қилиш учун маълум функциялар системаларга дозаланган юк қўйиш — функционал симптоматика қўлланилади. Клиник амалиётда бу ўсул диагностикадаволаш муваффақиятлигини баҳолашда қўлланади. Кўплаб функционал синовлар ЭКГда қайд этилиши билди. Айни таъминни ишлаб чиқаради ва у орқали асосий ҳисоблар ўтказилади. Айни таъминни ишлаб чиқаради ва усул билан олинигандарни жисмоний иш қобилиятини ахборот муддимдир.

Жисмоний иш қобилияти деб, механик ишнинг оларни максимал интенсивлик (илдамлик)да бажара олади. Миқдори тушунилади. Жисмоний иш қобилиятини воситасиз йўл билан аниқлаш мумкин, яъни текширилувчига ригунига қадар жисмоний ишлаш тавсия этилиб, бунда мурод ютилиши, АБ, пульс частотаси ва ҳ.к. лар қайд этилиб борилади. Бироқ, бу жуда узоқ муолажа бўлиб, унга ташқари текширилувчига бу хавфлидир, шунинг учун жисмоний иш қобилиятининг воситали усулларини ишлаб чиқарадига мувофиқдир.

Маълумки, жисмоний иш қобилиятини таъминлаш асосий факторлардан бири қон таъминлаш аппаратидан

унинг 1 минутда ишлатилишини лимитловчи кислороднинг ўпкадан тўқималарга транспорт қилинишидир. Шундай қилиб, жисмоний иш қобилиятини кислороднинг максимал иштевом кўрсаткичи (КМИК) тавсифлаши мумкин экан.

КМИКни аниқлашнинг воситали усуллари ҳаддан зиёд жисмоний куч талаб этмайдиган ва у, пульс частотаси бўйича енгил стандарт ишда КМИК номограмма ёки формулалар бўйича ҳисоблаб чиқишига асосланган. Маълумки, жисмоний иш қобилиятининг катталиги ( $PWC_{170}$ ) асосий гемединамик кўрсаткичлар билан юқори корреляция (бўлганганда бўлади) ва КМИК билан ҳам шундай. Бу КМИКни,  $PWC_{170}$  катталиги бўйича, В. Л. Карпман ходимлари билан таклиф этган формулалар ёрдамида аниқлаш имконини беради.

Спортчиларнинг спорт тезлик-куч ихтисоси учун ушбу формула қўлланилади: КМИК = 1,7 ·  $PWC_{170}$  + 1240: чидамлилик учун шугулланувчи спортчилар учун: КМИК = 2,2 ·  $PWC_{170}$  + 1070. КМИК абсолют катталиги спорт билан шугулланмайдиган шахсларда 2—3,5 л/минутдан ошмайди. Спортчиларда у 4,5—6,0 л/минутга етади. КМИК нисбий катталиги тана вазнининг 1 кг ҳисобида спорт билан шугулланмайдиганларда 40 млн ташкил этади, спортчиларда эса бу катталик 80—90 мл.

Иш қобилиятини  $PWC_{170}$  тести бўйича аниқлаш. Юрак қисқаришлари частотаси билан мушак бажарган ишнинг қуввати ўртасида узвий боғлиқлик топилган. 1 минутдаги 170 пульс бўйича (пульс 1 минда 170 бўлганда юракнинг систолик ҳажми камаяди) иш қувватини аниқлашнинг график усули мавжуд.

Унча катта бўлмаган қувватдаги иккита нагрузкани бажаришда (иккичиси биринчисидан катта) бу усул  $PWC_{170}$  ёзиши, яъни 1 минут 170 даги пульс бўйича субмаксимал жисмоний иш қобилиятини аниқлаш имконини беради.  $PWC_{170}$  қанчалик катта бўлса, жисмоний иш қобилиятини ҳам шунчалик каттадир.

Иккита бирин-кетин бажарилган юклар абсцисса ўқига, уларга тегишли юрак қисқаришлари частотаси — ордината ўқига жойлаштирилади. Бу катталикларнинг кесишувида 2 та нуқта топилади, улар орқали 1 минутда 170 тадан пульс частотаси билан кесишунга қадар тўғри чизиқ ўтказилади. Топилган учинчи нуқтадан абсцисса ўқига перпендикуляр ўтказилади ва бу 1 минут 170 тадаги пульс частотаси бўйича иш қувватини, яъни  $PWC_{170}$  ни аниқлайди.

PWC<sub>170</sub> ни математик усулда ҳам қойылады формулалык бүйича аниқлаш мүмкін:

$$PWC_{170} = N_1 + (N_2 - N_1) \frac{170 - F_1}{F_2} - F_1, \text{ бунда, } N_1 \text{ ва } N_2 -$$

1- ва 2- жисмоний юкларнинг қуввати, F<sub>1</sub>- ва F<sub>2</sub>- пульс частотаси (В. Л. Карпман).

PWC<sub>170</sub> ни аниқлаш қойылады кетма-кетликда амалда оширилади. Велоэргометрда текширилувчи 5 минут дамыда 3—5 минут дам олиш билан 2 та жисмоний юк катаради. Биринчи жисмоний юк (N<sub>1</sub>) текширилувчининг шуғулланиш даражасига боғлиқ ҳолда олинади. Иккинчи жисмоний юк (N<sub>2</sub>) биринчи жисмоний юк орқали чақирилган юрак қисқаришлари частотаси ҳисоби билан олинади (2-жадвал).

Ҳар бир жисмоний юк 5 минутининг охирги 30 сағат пульс саналади, кейин 1 минутта 10 та пульс бүйича, яны PWC<sub>170</sub> формула бүйича иш қобилияти ҳисоблаб чиқалади.

PWC<sub>170</sub> абсолют катталиклар ва жисмоний юк ҳисоби билан тана вазнининг 1кг га кгм/мин миқдори бүйича баҳоланади.

Шуғулланмаган эркакларда PWC<sub>170</sub> нинг ўртача катталиги 1027 кгм/минга ва 15,5 кгм/мин/кг га teng. Спортчи хотин-қизларда жисмоний иш қобилияти ўртача 780 кгм/мин ни ташкил этади ва шу билан бирга шуғулланни жараённининг йўналганлигига боғлиқ. Шундай қилиб, чидаллилик шуғулланувчи хотин-қизлар спортчиларни (чанғи, эшкак эшиш, конъки), у ўртача 1144 кгм/мин. гимнастикачи хотин-қизларда 835 кгм/мин.

2-жадвал. Спортчилардаги PWC<sub>170</sub>ни аниқлаш учун тавсия этиладиган иш қуввати катталиклари (В. Л. Карпман бүйича).

Мўлжалланган PWC <sub>170</sub> нинг каттали- ги, кгм/мин	Биринчи жис- моний юкдаги иш қув- вати /PWC <sub>170</sub> / кгм/мин	Иккинчи жисмоний юкдаги иш қуввати /PWC <sub>170</sub> / кгм/мин, биринчи жисмоний юкдаги юрак қисқаришлари частотасига боғлиқ ҳолда				
		80—89	90—99	100—109	110—119	120—129
100 гача	400	1100	1000	900	800	700
1000— —1500	500	1300	1200	1100	1090	900
1500— ортиги	600	1500	1400	1300	1100	1000

Гарвард степ-тест индекси (ГСТИ) ёрдамида иш қоби-  
лиятини аниқлаш. Берилган тест текширилувчининг маъ-  
лум баландликка эга бўлган зинапоя орқали бир меъёрда  
кўтарилишидан кейин пульс частотасини санаш ва маҳсус  
индексни ҳисоблаб чиқаришга мўлжалланган. Зинапоя ба-  
ландлиги ва ундан кўтарилиш вақти жисс ва ёшга боғлиқ  
ҳолда танланади (3-жадвал).

Барча текширилувчиларда кўтарилиш ритми бир хил:  
1 минутда 30 та. Метроном 1 минда 130 уришга қўйилади.  
Ҳар бир кўтарилиши 4 қадамдан иборат.

**3-жадвал. ГСТИни бажаришла жисс ва ёшга боғлиқ ҳолда  
зинапоя баландлиги ва кўтарилиш вақти**

Жисс ва ёш	Зинапоя баландлиги (см)	Кўтарилиш вақти (мин)
Эркаслар	50	5
Аёллар	43	5
Ўғли бозорлар (12—18 ёш)	50	4
Қиз бозорлар (12—18).	40	4

"Бир" деганда текширилувчи зинапояга оёғини қўяди,  
"икки" — унга иккала оёғи билан кўтарилади, уларни  
тўғрилаб, тик вертикал ҳолатни қабул қиласди, "уч" —  
кўтарилишни бошлаган оёғини полга қўяди, "тўрт" — ик-  
кала оёғини ҳам полга қўяди. Кўтарилиш ва тушиш ҳар  
доим бир оёқнинг ўзидан бошланади. Бу машқни бажара-  
ётгана оёқни бир неча марта алмаштиришга рухсат эти-  
лади.

Агар текширилувчи чарчоқ туфайли 20 с давомида рит-  
мидан орқада қола бошласа, текширилиш тўхтатилади ва  
унинг вақти қайд этилади. Олинган ъақт ҳисобнинг қисқа  
формуласида ишлатилади.

ГСТИ бажарилганидан сўнг тикланиш даврининг 2,3 ва  
4 минутларида 30 с давомида пульс саналади. Қўшимча  
қилиб ГСТИ бажарилганидан сўнг, пульс ва АБ тикланиш  
даврида 5 мин оддий услуб (пульс 10 с ва АБ—50 с) эса  
ҳар бир минут давомида ўлчанади. Ўтказилган ўлчашлар  
ГСТИ бўйича ишчанлик баҳоланишининг қўшимча крите-  
рийларини беради. Пульс 30 с учун 2,3 ва 4 минутларда  
қўйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\text{ГСТИ} = \frac{t \cdot 100}{f_1 + f_2 + f_3 / \cdot 2},$$

қисқартирилган формула мавжуд:

$$\text{ГСТИ} = \frac{t \cdot 100}{f_1 \cdot 5,5},$$

бунда,  $f_1$  — тикланиш даврининг 2-минутида 30 с давомидаги қисқаришларнинг частотаси;  $f_2$  — тикланиш даврининг 3-минутидаги юрак қисқаришларнинг частотаси;  $f_3$  — тикланиш даврининг 4-минутида 30 с давомидаги юрак қисқаришлари частотаси;  $t$  — тестнинг секундлардаги бажарилиш вақти.

Масалан, пульс — 30 с учун 2-минутда 53 марта уришга тенг, пульс 30 с учун 3-минутда 44 марта уришга, пульс 30 с учун 4 минутда 43 марта уришга; тестнинг бажарилиш вақти — 5 минут.

$$\text{ГСТИ} = \frac{300 \cdot 100}{/53 + 44 + 43 / \cdot 2} = 107.$$

ГСТИни ҳисоблашдан ташқари жисмоний иш қобилиятига қандай қилиб эришилганликни аниқлаш керак. Шундай қилиб, бир хил одамларда ГСТИнинг юқори қиймати реакциянинг нормотоник типи билан, пульс ва АБ ни 5-минутда тикланиши билан кузатилса, бошқа ҳолларда бундай юқори жисмоний иш қобилияти юрак-қон томир системасининг зўриқиши билан боради ва гипертоник, дистоник ёки гипотоник реакция билан бирга кузатилади. Шундай қилиб, ГСТИ баҳоланишида қўшимча мезон бўлиб, бир вақтнинг ўзида юрак-қон томир системасининг функционал ҳолати ва жисмоний иш қобилият ўзгаришини кузатишга имкон берувчи оддий пульс реакциялари ва АБ хизмат қиласи (4-жадвал).

**4-жадвал. Спорт турларига боғлиқ ҳолда ГСТИнинг ўртача катталиклари (И. В. Аулук бўйича)**

Спортчиларнинг малакаси	ГСТИ
Кросс югурувчилари	111
Велопойгачилар	106
Чангидা югурувчилар	100
Марафончилар	98

Спортчиларнинг малакаси	ГСТИ
Боксчилар	94
Сукупчилар	90
Волейболчилар	90
Спринтерлар (тўсиқли югуриш)	86
Штангачилар	81
Спорт билан шугулланмайдиганлар	62

ГСТИ буйича жисмоний иш қобилияти ҳақида фақат бу индексни пульс ва АБ реакциялари характеристи билан солиштириб кўрилганда гина холоса қилиш мумкин.

Жисмоний иш қобилияти шундай ҳолларда яхши деб ҳисобланадики, қачонки ГСТИнинг юқори кўрсаткичлари нормотоник реакциялар билан кузатилса.

Агар жисмоний иш қобилияти ГСТИнинг юқори рақамлари юрак қон-томир системасининг катта зўриқиши ва ҷарчашдан далолат берувчи гипертоник реакция билан бирга кузатилса, қониқарли ҳисобланади,

Жисмоний иш қобилияти қониқарсиз деб ГСТИ баҳоланишига боғлиқ бўлмаган ҳолда гипертоник, дистоник (2,3 ва 4 минутларида чексиз тон феномени билан) ёки поғонасимон реакцияларда тан олинади.

#### ФИЗИОЛОГИК ТЕКШИРИШЛАР ВА НАТИЖАЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИДА ҲИСОБЛАШ ТЕХНИКАСИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Электрон ҳисоблаш техникаси физиологик далиллар ишлови учун кенг кўламда қўлланила бошланди.

Шу тарзда, ЭҲМ орқали миянинг чақирилган потенциалларни таҳлил қилишда шовқин ичидан кучсиз сигнални ажратиб олиш мумкин бўлади. Сигналлар таҳлилининг частотали усуллари физиологик жараёнда тасодифан ташкил этилганлардан детерминлашган даврий, ҳаттоқи экспериментатор кўзи хаотик ўзгаришлардан ташқари ҳеч нарса илгамаганда ҳам жараён амплитудасини ажратиб олишга имкон беради. Корреляцион таҳлил усуллари айрим кўрсаткичлар ўртасидаги алоқа даражасини анализ қилишда муваффақиятли қўлланилмоқда. Қисман, вақтнинг маълум пайтларида 2—3 жараёнлар ўртасидаги алоқа даражасини кўрсатувчи кросс—корреляцион функцияларни аниқлаш ўтказилади, масалан, нафас ва юрак ритмининг

частотаси, юрак цикли фазасининг давомийлиги ва қон босимининг ортиши, миянинг турли тузилмаларидағи ўзаро боғланишлар ва бошқалар.

Универсал ЭХМ ҳар бир алоқида омилнинг таъсир даржасини баҳоловчи кўп омилли алгоритмлар қўллашга имкон беради. Бу муҳим аҳамиятга эгadir. Биологик сисемалар тузилишининг мураккаблиги замонавий математик таҳлил усусларидан бирортаси ҳам физиологик жараёнларни тўғри таҳлил эта олмаслигига намоён бўлади. Шунинг учун таҳлилнинг турли усуслари бир-бiri билан қўшилади, ўрганилаётган жараёнларнинг моделлари яратилади ва бу моделларнинг ўрганилаётган ҳодисалар билан тўғри келиши текширилади. Далилларнинг ЭХМда ишланиши, маълум план бўйича амалга оширилувчи мураккаб жараёндир. Бу бирламчи далилларни олиш, уларни ЭХМ га киритиш маълум қоидалар (алгоритмлар)га биноан қайта тузиб чиқиш ва натижаларни маълум қилишни ўз ичига олади. Бирламчи далиллар келиб чиқиши бўйича турлича ва ҳар хил шаклга эга бўлиши мумкин. Бирламчи далилларга физиологик кўрсаткичлар натижаларини ўлчаш, истаган физиологик жараёнлар амплитудасининг лаҳзали мазмуни (ЭЭГ, ЭКГ, ЭМГ ва ҳ.к.), биохимиявий таҳлил натижалари ва ҳ.к. алоқадордир.

ЭХМга киритиш учун бирламчи далилларни тайёрлансанча машаққатли меҳнатни талаб қилади (перфолента ёки перфокартага тушириш), шунинг учун далилларни автоматик йиғиш мақсадида маҳсус қурилмалар ишлаб чиқилада. Ахборотларни автоматик тарзда ёзиш магнитофонлар ёрдамида бажарилади. Бундай ахборотни ЭХМда ишланинг ёзилишидан бир оз кейин ўтказилиши мумкин.

Физиологик сигналлар узлуксиз сигналлар (ЭЭГ, ЭКГ, ЭМГ ва бошқ.), ёки дискрет шаклда бўлиши мумкин (миянинг импульс активлиги, тана ҳарорати, АБ, ўлчашаш натижалари ва бошқ.). Узлуксиз ахборотларни ЭХМга киритиш рақам аналог қайта тузгичлар (РАҚ) ишлатишни талаб этади. РАҚ баъзан ЭХМнинг периферик қурилмалари таркибиға киради ("Искра-1256", "Искра-226", "СМ-4" ва бошқ.).

Бирламчи далилларни олишда уларнинг тўлиқ ва нарлигига катта эътибор берилади. Олдиндан артефактлар билан ёзишлар истисно қилинади (физиологик ёки техникали келиб чиқишига кўра).

Далиллар киритилгач, ЭХМда программа бўйича қўйиши ишланади. Программалар маълум қоидалар (алгоритмлар)

бўйича тузилади. Алгоритмлар маълумотларни ишлаш учун керак бўлувчи операция, ҳаракатлар тўпламидири. Истаган таддис натижалари график, жадваллар кўринишида чоп эталади. Ишловнинг оралиқ, охирги натижалари қайта фойдаланиш учун магнит дисклар, магнит ленталарига туширилиши (ёзилиши) мумкин.

Чақирилган потенциални электрон-ҳисоблаш техникиси ёрдамида йиғиш ва ўрталаштириш. Мия фаолияти механизмларини ўрганишда чақирилган потенциаллар (ЧП) усули кенг қўлланилади. Юқори сезгир электрон кучайтиргичлар ва маҳсус ўрталаштирувчи ҳисоблаш воситалярнинг пайдо булиши билан бу усул нейрофизиологик, психологияк ва бошқа текширишларни ўтказишда кенг қўлланила бошланди.

Чақирилган потенциал, айниқса, унинг биринчи компонентлари амплитудаси, унчалик катта эмас. У бир микровольти ташкил этади, бир вақтда миянинг спонтан электрик активлиги амплитудаси 50 мкВ га етиши ва ундан ортиши мумкин. Шунинг учун "шовқин"дан чақирилган жавобларни ажратиш учун қайта таъсирлар бериш принципидан фойдаланилади. У, ЧП компоненти қаттиқ, вақтинча кўрсаткичли сигналларнинг берилishi пайтига боғланганигига асосланган. Спонтан ЭЭГ тебранишлари ЧПдан фарқли ўлароқ, таъсир пайти муносабатига кўра тасодифий жараён ҳисобланади, шунинг учун ЧП ажратишнинг барча усуслари потенциалларнинг кўп марта синхрон қўшилишига асосланган.

Охирги йилларда "шовқин"дан ЧП ажратиш учун анча ишонарли натижаларни олишга имкон берувчи электрон-ҳисоблаш техникасидан фойдаланилмоқда. ЭХМ ишининг асосида маълум жавоблар сонининг қўшилиш принципи этади. Қўшилиш бошланиши таъсирнинг бошланиши пайти билан синхронлаштирилади. Бунда чақирилган жавоб тебранишлари амплитудаси вақтинчалик қатъий характеристикалар орқали таъсир пайти билан синхронлаштирилган ва ғонинди сони ортиши билан кўпаяди. Сигналларнинг "шовқин"га муносабати йигинди сонининг квадрат илдиз остига нисбатан пропорционал равишда ортади. Масалан, йигиндида ажralаётган сигнал амплитудаси 10 та йигиндида нисбатан 3 марта юқори бўлади. Бироқ, йигиндинга катта сони кўп сонли таъсирлаш натижасида рӯбга чиқиши мумкин, бу эса текширилувчининг зўрлиқшига олиб келади ва бу чақирилган жавобларнинг амплитудасига, айниқса, амплитудаси кичиклашаётган кеч-

ки компонентларда акс этади. Кўп марта таъсиrlаш остида юзага келадиган ЧП ўзгаришлари "ЧП кўриниши" сифатида характерланади. Кўпинча 10—15 дан 50—64 йиғинч ишлатилади. Уларнинг сони текшириш мақсади ва қайд этиш шароитига боғлиқ.

ЧП анализида шовқиндан ажратилгач, ЧП компонентларини, яъни амплитудаси анчагина катта бўлган тебранишлар, уларнинг латент даври ва давомийлигини ўлчаш лозим. Агар ЧПни ажратиш учун универсал кичик габаритли ЭҲМ ишлатилса, унда ЧП параметрларини ўлчаш махсус номограммалар бўйича автоматик тарзда ўтказилиши мумкин. Бу ҳолда математик статистика усуллари орқали ЧП вариабеллиги, спонтан активлигининг характеристикасини ўрганишга имкон ажратилади.

ЧП ажратиш мақсадида эксплуатацияда анчагина соддва арzonлиги учун, асосан, ихтисослаштирилган ЭҲМлар қўлланилади. Уларнинг таркибига "Сигнал", "Нейрон", "Ритм" ва шу каби қурилмалар киради. Универсал ЭҲМ қўлланилишида рақам аналоги қайта-тузгичларнинг бўлиши зарур. Бу ҳолда махсуслаштирилган ЭҲМ ишлатилиши каби миянинг чақирилган потенциалларини таҳлил қилиш вақтнинг реал масштабида ўтказилиши мумкин.

**Гистограммани тузиш.** Истаган физиологик курсаткичларни таҳлил этишида математик статистика гистограмма тузиш билан биргаликда кеңг қўлланилади.

Бу айниқса, ЭЭГ, ЭКГ, ЭМГ ва бошқа юзлаб ва минглаб тўлқинлар амплитудасининг моҳиятини ўрганиш учун керак. Барча нарсадан олдин бирламчи маълумотларни зичлаш ўтказилади, бирон бир тарзда белгиланган чегараларда тебранувчи курсаткичининг миқдорини бирлаштириш билан амалга оширилади. Масалан, ҳар бир 5 мм. сим. уст. чегараларида (артериал босимни ўлчашда) ёки 0,1 мкВ миянинг электрик спонтан активлиги амплитудасининг моҳиятини ўлчашда ўз ўрнида ҳар бир ҳолда умумий амплитуда бир неча ёрдамчи бўлинмалар (интерваллар) билав алмашган бўлади. Агар интерваллардан ҳар бирiga ёки спонтан активлик амплитудасининг дақиқалардаги моҳиятига кирувчи шахслар сонини курсатиш мумкин бўлса, бирламчи далилларни гуруҳлар сонига бир қилиб бирлаштириш мумкин. Шундай қилиб, кўриш учун дисплей экранидаги график тарзда намойиш этилувчи сонларнинг тақсимланиши олинади. Бунинг учун горизонтал ўқда интерваллар, вертикальда — гуруҳлар сонига тўғри келувчи устуналар баландлиги тасвирланади. Агар интервал кучай-

тирилса, бир вақтнинг ўзида кузатишлар сони кўпайтирилса, у ҳолда гистограмма тақсимланиш эгри чи-  
зиги деб аталувчи оҳиста қингирликка яқинлашади.

Кейинги босқичда тақсимланишнинг характеристи хусусиятларини акс эттирувчи курсаткичлар аниқланади: унинг ҳолати ва вариябеллик даражаси. Шу мақсадда ўртача арифметик қиймат ва дисперсия ҳисоблаб чиқилади. Ўртача арифметик қиймат вазиятнинг асосий тавсифидир. Белги қийматининг ўсиш тартибида жойлашгитараби қаторида ўта (марказий) қиймат медиана деб аталади. Тақсимланиш қингирлигининг максимал нуқтаси мода бўлади. Мода ва меридиана ҳолат характеристикаларига ҳам таалуқлайдир. Агар тақсимланиш нормал турга тегишли бўлса, икки курсаткичли ўртача арифметик қиймат ва дисперсия тақсимланишининг характеристи хусусиятларини белгилайди. Бошқа барча ҳолларда ёзилиши статистика бўйича ҳохлаган дарсликда топиш мумкин бўлган қўшимча тавсифлар бўлмоғи керак. Ҳозирги вақтда ЭҲМнинг ҳохлаган типи учун статистик таҳлил ўтказиш мақсадида комплекс программалар ишлаб чиқилган.

Истаган статистик тавсия олинганидан сўнг натижаларнинг ишонарлилиги текширилиши лозим. Бунинг учун маълум программалар бўйича натижалар ишонарлилиги (мазмунлилиги)нинг коэффициенти ҳисобланади. Бунинг кераклиги шу билан асосланади, бир катталикнинг ўзи, масалан, тинч ҳолатдаги артериал босимнинг сатҳи текширишга киритилган текширилувчиларнинг сонига боғланган ҳолда етарли ва етарсиз деб тан олиниши ва бошқа омилларга боғлиқ бўлиши мумкин.

**Кўпинча фарқларнинг тўғрилик даражасини аниқлаш** учун Стъюдент коэффициенти ҳисобланади.

Ҳозирги физиология математик моделлаштиришдан илмий тадқиқотнинг муҳим бир босқичлари сифатида фойдаланилади. Ўрганилаётган система моделини қуришдан олдин эксперимент ўтказилади. Олинаётган экспериментал далилларга математик ишлов берилади (жадвал, график, гистограммалар тузиш). Бу материал ишчи гипотезасини ишлаб чиқишига асос булиб хизмат қиласи. Далилларнинг математик ишлови қонди бўйича ЭҲМ ёрдамида ўтказилади. Моделлаштиришнинг иккинчи босқичида қўлдаги далиллар асосида реал жараённинг соддалаштирилган схемаси тузилади ва модел расмийлаштирилиши ўтказилади, яъни воқеаларнинг келиб чиқишини изоҳловчи, формулалар, математик иборалар, тен-

гламалар тузилади. Ўзгарувчан жараенлар ўртасидаги боғланишлар аниқланади.

Мураккаб системалар ўртасидаги жараёнларни аниқ ёзиш тегишлича мураккаб моделларни ҳам талаб қиласди. Бироқ, катта амалий фойдани ҳаттоқи, содда математик моделларни кўриб чиқиш ҳам катта фойда келтиради. Модель системасининг "фөъл"ини олдиндан айтиб беришга имкон беради.

Модель томонидан аввалдан айтилган хулосаларни экспериментал текшириш зарурий шартdir. Физиологик жараёнлар жараёнлар экспериментида кузатилаётганларнинг асосида ётвучи механизмлар очилмаган бўлса ҳам, модель система феълини аввалдан тўғри таърифлаш мумкин.

Кейинги босқичда биологик системани анчагина чуқурроқ ўрганишга йуналган текширишлар ўtkазилади. Бундай текширишнинг охирги мақсади мураккаб биологик система хосса ва феълини тушунтириб берадиган назарияларни яратишдир.

Кўплаб тадқиқотчилар томонидан юрак-қон томир, нафас системаси, анализаторлар функциялари ва бошқа системалар ишининг хусусиятларини ёритувчи моделлар ишлаб чиқилган.

Нормал ва патологик ҳолатлар учун физиологик жараёнларни моделластириш натижалари организмдаги турли касалликларнинг диагностикасида, касаллик оқимининг оқибатида, дори моддаларнинг таъсирида ишлатилади. Типик организмда содир бўладиган жараёнларнинг кўплаб ишлаб чиқарилган моделлари етарлича мураккабdir ва жорий этиш учун қувватли ҳисоблаш машиналарини талаб этади. Баъзи моделлар (масалан, фармакологик модель) кичик ҳисоблаш машиналари ва "ИСКРА-1256" (бундай модель "Физиологик кибернетика" бўлимида келтирилган) тиридаги қурилмаларида яратилиши мумкин.

Психофизиологик тадқиқотларда ҳисоблаш комплекси. Психофизиологик тадқиқотларни ўтказишида тестлар усули кенг қўлланилади. Ҳар қандай тестнинг асосий мазмунин маълум стандартга тўғри келиши-келмаслигини баҳолашди бўлади. Кўплаб текширилувчиларда кўп марта текширишлардан сунг, у ёки бу текшириши тест қилиб қўйилиши ҳисобига стандартластиришга эришилади. Тестлаштириш натижаларини изоҳлашга киришиш учун, далилларни ёкирган ишловининг биринчи босқичидаёқ кўп вақт сарфлашга тўғри келади. Барча тестлар у ёки бу стандарт шарлавга эга эканлиги учун улар ЭХМ да етарлича оддий йи-


билан жорий этилиши мумкин. Бундай ҳолатда натижаларни баҳолаш объективигининг юқори даражасига ва анализнинг аниқлигига эришилади. Текширилувчи тест устидаги ЭХМ билан диалог режимида ишлайди, бунда маълум психологик омилга эришилади.

Универсал ЭХМлар психофизиологик текширишлар: дисперсион, корреляцион, омиллар ва бошқалар статистик таҳлилиниг кўп ўлчамли юқори эффектли усуллари учун кенг қўлланилмоқда.

Корреляцион таҳлил физиологик ва психологик жараёнларнинг ҳар қандай кўрсаткичлари ўртасидаги алоқа даражасини баҳолаш учун ишлатилади. Ҳар қандай ўрганилаётган жараённинг айрим омиллари ролини омилли таҳлил усули баҳолашга имкон беради. Текширилувчининг у ёки бу фаолиятга тайёрлилигини аниқлашда ахборот кўрсаткичи сифатида ҳаракат реакциясининг ёруғлик, товуш ва бошқа таъсировчиларга нисбатан яширин даври хизмат қиласди. Реакция вақти кўп марта ўлчанади, кўп сонли текширилувчиларда далилларга ишлов берни учун кўп вақт сарфланади. Ҳозирги вақтда реакция вақтини ўлчаш ва унинг кўп марталаб текширилиши тез-тез ЭХМ ёрдамида ўтказилмоқда. Ушбу қўлланмада оддий ҳаракат реакциясининг яширин даври "ИСКРА-1256" қурилмаси ёрдамида аниқланган масалалар берилган ("Физиологик кибернетика" бўлимига қаранг).


Ажратилган тўқималар функцияларининг сақланишини таъминловчи шароитлар. Навбатдаги бобларда ажратилган орган ва тўқималарда ўтказиладиган бир қатор тажрибалар ёзилган. Агар тажриба даврида ажратилган препарат тегишили физик ва химик характеристикалардаги (керакли тузлари, маълум ҳарорати ва рНи, етарли кислороднинг ҳажми бўлган) муҳитга эга бўлса, у кўп соатлаб яаш қобилиятини сақлайди. Турли тажрибаларда турли тўқималарнинг препаратларидан фойдаланилади. Шунингдек, анча оддий бўлган тажрибалар бақа тўқималарида ўтказилади: улар хона ҳароратида ўз функцияларини яхши бажарадилар ва кислород ўзида препарат сақланган саёз жомчадаги эритмага енгил диффузия йўли билан ўтади. Бошқа тажрибалар учун каламуш, қуён ва денгиз чўчқачасининг тўқималари ишлатилади. Ушбу тўқималарнинг барчаси учун физиологик эритмаларнинг махсус ишлаб чиқилган куайдаги таркиби берилган.

Совуқ қонли ҳайвон тўқималари учун эритмалар, юрак ва мушак устидаги бўладиган тажрибалар учун Рингер эрит-



20-расм. Бақанинг бош ва орқа миясини бузиб ҳаракатсизлантириш.  
Изоҳи матнда берилган.

Бақа кўпинча унинг марказий асаб системаси (МАС) – орқа ва бош миясини бузиш орқали ҳаракатсизлантирилади. МАС ни бузиш 2 хил усулда: боши сақланган ҳолда ва декапитация (бошини олиб ташлаш) йўли билан олиб борилади. Иккала усулда ҳам бақанинг бошдан паст қисми орқа оёқлари ёзилган, олдинги оёқлари эса танага йиғилган ҳолда дока билан ўраб ушланади. Биринчи усул билан ҳаракатсизлантирилганда, бақа чап қўлга олинниб қўлнинг кўрсаткич бармоғи ёрдамида бош ва умуртқа поғонаси ўртасида маълум бурчак ҳосил қилинган ҳолда калласи олдинга эгилади (20-расм, а). Кейин иғнани сизни босиш билан бошнинг юқоридан пастга томон бўйинни биринчи умуртқа поғонаси ва энса суюги соҳасидаги ўрга чизиқ бўйлаб мемранага тўғри келувчи чуқурликка сирғаниб кетмагунча киритилади. Шу ерда тери ва пази



21-расм. Асаб-мушак препаратини тайёрлаш босқичлари. Изоҳи матнда берилган.

(мембрана) тешилиб, игна бош мия бўшлигига киритилади ва бир қанча ҳаракатлар ёрдамида бош мия ишдан чиқарилади (20-расм, б). Бош мия ишдан чиқарилгач, игна бироз чиқарилиб, орқа мия каналига йўналтирилади ва айланма ҳаракат билан орқа мия ҳам бузилади (20-расм, в).

Декапитация усулида бақанинг жағлари орасига қайчининг бир дами киргизилиб, устки жағ ва олдинги мия кўз қабариги орқасидан кесилади. Сўнг очилган умуртқа погонаси каналига игна киритилиб, орқа мия бузилади.

#### I-ИШ. АСАБ-МУШАК ПРЕПАРАТИНИ ТАЙЁРЛАШ

Мушак ва асабнинг физиологик хоссаларини ўрганиш учун кўпинча бақанинг орқа оёқларидан тайёрланган асаб

ва мушак препаратидан фойдаланилади. Болдир мушаги иш уни иннервация қытувчи қүймич асаби классик асаб-мушак препарати ҳисобланади.

Иш анжомлари: препаровка асбоблари йнгиндиси, жомча, дока салфеткалар, жаррохлик столи, Рингер эритмаси ва бақа.

Тажриба ўтказиш тартиби. Бақа ҳаракатсизланғанда, тавасининг пастки қисми салфеткага үралади, сүйюқорисидан кесилади (21-расм, а). Шундан кейин бақадан орқа оёқларидан ушланиб, қайчи билан териси, мушаклари, ички органлари кесилади ва тавасининг олд қисми билан бирга олиб ташланади. Орқа оёқларидан териси шишиб олинади. Бунинг учун 2 та салфетка олинниб, бири умурға поғонасининг қолдигидан, бошқаси бақа терисидан ушланиб, құлнинг тез ҳаракати билан тери унинг орқа оёқларидан шишиб олинади. Айрим тажрибаларда фойдалануучун бақанинг орқа оёғидан препарат олинади (21-расм, б).

Орқа оёқлар препарати умуртқа поғонаси қолдигидан чап құлға олинади, натижада дум суюғи юқорига бұртқи чиқади ва у қайчи ёрдамда кесіб ташланади (21-расм, г). Шундан кейин қорин (централ) томонға ағдарилади. Ҳосил бұлған дарча орқалы күз назоратида қайчи билан орқа оёқлар препарати умуртқа поғонаси ва тос суюқлары чигали асабларини жароҳатламаган ұлда үртасидан узунасига кесилади ва орқа оёқларидан иккита препарат олинади (21-расм, в, д). Ҳосил бұлған препараттнинг бири Рингер эритмаси билан стаканды сақланади, иккінчисиден асаб-мушак препарати тайёрлашда фойдаланилади.

Асаб-мушак препаратини тайёрлаш төвөн (ахилл) пайын томонидан бошланади. Ахилл пайи тәғига қайчининг бирдами ўтказилиб, болдир мушаги узунасига ажратилади из ахил пайи кесилади. Пайнинг сұнгти қисми пинцет билан ушланған ҳолда болдир мушагини атрофдаги бош түқималар билан бирлаштирувчи фасция узилади ва бошта томонға ажратилади.

Асабни препаровка қылишда препарат орқа (дорсал) томонға ағдарилади. Құлларнинг иккала бош бармоқлари ёрдамида сон мушаклари иккі томонға ажратилади ва чукурликда ёттан асаб жилдирилади. Шиша илгак ёрдамда засып умуртқа поғонасидан бошлаб то тизза бүгимигача ажратылади. Кейин асаб чиқан умуртқа поғонаси асаб билав тәсіс суюгидан ажратыб, кесіб олинади, қүймич асабининг тәсіс

есилади. Асаблар тизза бүгимнеге ажратылғаң, иң тизза бүгимиң юқори ва пастки қисмларидан 21-расм, ж) ва асаб-мушак препараты олинади). Изоляция қилингандай мушак препаратини тай-ни асаб-мушак препаратидан асаб кесиб ташла-асм, е).

Инъекция расмини чизиб, унинг қисмларини белгилаб  
ундан қайси мақсадларда фойдаланишини курса-

**АСАВ ВА МУШАКНИНГ ҚЎЗҒАЛУВЧАНЛИГИНИ  
СЛАШ (МУШАКНИ ВОСИТАСИЗ ВА ВОСИТАЛИ  
ТАҲСИРЛАШ)**

Тажраша шароитларида мушакларнинг қўзгалувчанлигни анишаш учун тўғридан-тўғри, яъни бевосита мушакни таъсирлаш усули қўлланилади. Асабнинг қўзгалувчалиги за мушакни иннервация қилувчи асабни таъсирлаш, яъни мушакни воситали таъсирлаш усули билан тенгизирилади.

Иш ақомлари: вертикаль монограф, стимулятор, таъсирловчи электродлар, кимограф, универсал штатив, препаратив асбоблари йиғиндиши, жомча, күзтомизгич, дока салғышшар, Рингер эритмаси, бақа.

Тажриба ўтказиш тартиби. Асаб-мушак препарати таъланади. Болдири мушаги миографга маҳкамадиди. Унинг учун миографнинг юқори кронштейнига ютирилган илгак билан тизза-бўғим халтаси тешилади, тоон пайи мавжудиди. Миографнинг юқори кронштейнига маҳсус мурфта ёрдамида таъсирловчи электродлар мустаҳкам тиркаган бўйниб, унга асаб-мушак препаратининг асаби жойлаштирилади (бу муфта вазифасини Гельмгольц столчаси мумкин, иш даврида таништирилади — таралади). Электродлар стимуляторнинг клеммаларига улагина узлуксиз давом этадиган, масалан, 0,5 мс, рлар юбориб, унинг даражаси аста-сёкин оширилади.

рилади ва мушакнинг кўзга аранг қўринувчи қисқариш чақира оладиган минимал таъсираш кучи топилади. Бу асаб учун таъсираш поғонаси ҳисобланади.

Мушакнинг таъсираш поғонасини аниқлаш учун унга стимулятор билан уланган миографнинг ўтказувчи занжири орқали тўғридан-тўғри ток юборилади. Таъсираш поғонаси ҳам воситасиз таъсирашдаги каби аниқланади.


Ишни расмийлаштиришга доир тавсиялар. Мушакни бевосита ва бильосита таъсирашда ишлатиладиган қурилма схемасини чизинг, тажриба натижаларини дафтарингизга ёзинг ҳамда асаб ва мушакнинг қўзгалувчанлигига қиёсий баҳо беринг.

### З-ИШ. АЖРАТИБ ОЛИНГАН СКЕЛЕТ МУШАГИНИНГ ҚИСҚАРИШ (ҚҮЙИ, ЮҚОРИ, ЭНГ ЮҚОРИ) ДАРАЖАСИНИ ТАЪСИРАШ КУЧИГА БОҒЛИҚЛИГИ


Скелет мушаги поғона кучининг таъсирашига қўйи поғона қисқариш билан жавоб беради. Агар таъсираш кучи аста-секин (22-расм, в) ошириб борилса, бу ҳолда скелет мушагишининг қисқариш даражаси қўйи поғона қисқаришидан юқори ва энг юқори қисқаришгача аста-секин ортиб боради. Кучнинг бундан кейин ошиб бориши эса мушакнинг қисқариш даражасига таъсир қилмайди. Скелет мушагишининг бундай реакцияси унинг тузилиши билан боғлиқдир. У турлича қўзгалувчанликка эга бўлган ҳар хил мушак толалиридан ташкил топган бўлиб, уларни реакцияяга жалб қилиш аста-секин юзага чиқади: таъсирашнинг поғона кучига қўзгалувчанлиги энг юқори, яъни таъсирашнинг энг паст поғона кучига эга бўлган мушак толалари жавоб беради. Таъсировчи кучини ошириб борган сайин қисқариш жараёнига аста-секин қўзгалувчанлиги паст бўлган мушак толаларини жалб қилинади. Таъсирашнинг кучи юқори бўлса, мушакни ташкил қилувчи барча толалар қисқаради, шунинг учун таъсировчининг кучини яна оширасак ҳам, энди мушакнинг қисқариш даражаси бошқа ортмайди.

Иш анжомлари: вертикал миограф, универсал штатив, стимулятор, кимограф, препаровка асбоблари йигиндиси, кўзтомизгич, жомча, дока салфеткалар, Рингер эритмаси, бақа.

Тажриба ўтказиш тартиби. Бақанинг болдири мушагидан тайёрланган препарат стимуляторга уланган миографга маҳкамланади. Ёзғич кимографга яқинлаштирилади ва мушакнинг таъсираш поғонаси унинг қўйи қисқариш



a



22-расм. Бақанинг ажратиб олинган болдириш мушаги қисқариш амплитудасининг таъсир кучига боғлиқлиги.

а) мушакни маҳкамлаш ва таъсирлаш учун қурилма схемаси; 1) вертикаль мимограф; 2) болдириш мушаги; 3) ҳаракат асаби; 4) асабни таъсирлаш учун электродлар; 5) стимулаторни улаш учун клеммалар (қисқичлар); б) мушак қисқаришларини ёзиш; 1) минимал (бўсаға қисқариши); 2—6) энг қўйи қисқаришлар; 7—9) юқори қисқаришлар; в) таъсирлаш кучининг ошиб бориши схемаси (0,5 дан 9 гача шартли бирлиқда). Шартли бирлиқ сифатида бўсаға таъсирлаш амплитудаси олинган (1); 0,5 бўсаға ости таъсирлашти; 1) бўсаға таъсирлаш амплитудаси олинган (1); 2—6) қўйи таъсирлағичлар; 7) юқори таъсирлағич; 8—9) энг юқори таъсирлағичлар.

орқали аниқланади. Кейин таъсирлаш кучи оширила бориб, мушак қисқариши кимографга ёзиб олинади. Мушакнинг ҳар бир қисқаришидан кейин кимографни қўл билан жилдириб, ёзув ўрни 0,5 смга силжитилади. Ток кучи бир хил даражадаги 2—3 та қисқаришгacha ошириб борилади (22-расм, б).

Ишни расмийлаштиришга доир тавсиялар. Олинган кимограммадан кесиб олиб, дафтарингизга ёпиштиринг. Унда

мушакнинг қўйи, юқори ва энг юқори қисқаришадан белгиланға ва ортиб борувчи таъсирилаш кучига мушакнинг нима учун айнан шундай жавоб беришини тушунтириб ринг.

#### 4-ИШ БАҚАНИНГ БОЛДИР МУШАГИ "КУЧ-ВАҚТ" ЭГРИ ЧИЗИФИННИГ ТУЗИЛИШИ

Тўқимада жавоб реакцияси пайдо бўлиши учун доимо токнинг қўзгатувчи таъсири фақат унинг кучига эмас, балки таъсир қилиш вақтига ҳам боғлиқ.

Тўқимага чегараланмаган вақт ичидан таъсир қўзгалиш чақира оладиган энг оз ток кучи реобаза зебилади. Қўзғалиш олиш учун битта реобаза таъсир этни керак бўлган энг оз вақт эса фойдали вақт деб аталади.

Иш анжомлари: хронаксиметр, махсус электродлар, рафин қўйилган ваннача, бақани маҳкамланаш учун тўғноғич, миллиметрли қофоз ( $15 \times 20$  см) вараги, физиологик эритма, бақа.

**Тажриба ўтказиш тартиби.** Бақа ҳаракатсизлантирилди ва ванначага чалқанча жойлаштирилди. Оғизга физиологик эритма билан ҳўлланган пассив электрод (пластинка) киритилади, актив электрод (игна) болдир мушакни санчилади. Хронаксиметр мурвати "реобаза" режимига қўйилиб, токнинг кучланиши босқичли тарзда ошириб берилади. Калит тез туташтирилиб, токнинг поғона күши — реобаза топилади ва топилган реобазанинг каттанинг вольтда (В) ёзиб олинади. Кейин мурват "хронаксия" режимига қўйилади ва конденсатор сифимини танлаб,  $1; 1.5; 2; 4; 10; 20$  реобазага тенг кучланиш билан поғона даюн лилиги топилади.

Ишни расмийлаштиришга доир тавсиялар. Олингага тижаларга мувофиқ миллиметрли қофозга поғонанинг таъсир қилиш вақт эгри чизигини тасвирланг. Абсцисса ўқи поғона таъсирилашнинг давомлилигини миллисекунд (мс) да ордината ўқи бўйича кучланиши эса вольтда ифодади. Графикда реобазани белгиланг. Таъсирилашнинг поғона күши ва унинг таъсир қилиш вақти ўртасидаги боғлиқи тўғрисида хулоса чиқаринг.

#### 5-ИШ. ОДАМДА ҲАРАКАТ ХРОНАКСИЯСИНИ АНИҚЛАШ

Тўқималарнинг қўзғалувчанлигини характерлаш фақат таъсирилагичнинг поғона кучинигина эмас, балки



23-расм. Қўй мушакларидаги ҳаракат нуқталарининг жойланиш схемаси. Ўзимикма (стрелка) билан панжани умумий букиш ҳаракат нуқтаси кўрсатилган.

унинг таъсир қилиш вақтини ҳам қисобга олиш муҳимдир. Шу муносабат билан тўқималарнинг қўзғалувчанлигини тұлахарактерлаш учун физиология ва клиникада "хронаксия" тушунчаси киритилган. Бу энг қисқа вақтни ифодалашы шартли катталик бўлиб, шу вақт ичидан икки реобазага тенг бўлган ток кучи тўқимага таъсир этиб, унда қўзғалиш чақириши керак.

Иш анжомлари: хронаксиметр, махсус электродлар, салфетка, физиологик эритма. Текшириш одамда олиб берилади.

**Тажриба ўтказиш тартиби.** Индифферент (фарқсиз) электрод (анод) тагига физиологик эритма билан ҳўлланган поғона бўлакнинг ички сатҳига маҳкамланади. Ҳаракат нуқтаси топилади. Бунинг учун аппарат "хронаксия" режимига қўйилиб, кучланинши  $40-50$  В ва конденсатор  $0.5-1$  мкФ га уланади. Физиологик эритма билан яхшилаб ҳўлланган электрод (катод) ёрдамида қарама-қарши билаклаган ванжаларни букувчи мушакнинг ҳаракат нуқтаси аниқланади (23-расм, билак ички сатҳининг пастки  $\frac{2}{3}$  қисми). Аппарат "реобаза" режимига қўйилади. Актив электрод топилган ҳаракат нуқтасига теккизилиб, кучланинши поғона катталиги — реобаза аниқланади. Букувчи мушакнинг қисқариш юзага чиққунча токнинг кучланиши астасекин ошириб борилади. Шкала бўйича реобазанинг каттанинги белгиланади. Кейин асбоб "хронаксия" режимига уланади. Токнинг кучланини  $2$  та реобазага тенг бўлган ҳолда хронаксия аниқланади.

Ишни расмийлаштиришга доир тавсиялар. Хронаксия қўзғалувчан тўқималарнинг қайси хоссалари ҳақида хулоса чиқарашга имкон беришини тушунтириб беринг. Реобаза

ва хронаксиянинг муайян ҳажмини стандарт кўрсаткичидан билан солиштиринг.

#### 6-ИШ. ҚЎЗГАЛУВЧИ ТҮҚИМАЛАРДА ЭЛЕКТРИК ҲОДИСАЛАР

Қўзғалувчи түқималардаги биоэлектрик ҳодисалар био-логик йўл ёки электрофизиологик усуllар билан аниқданниши мумкин.

Гальванининг биринчи тажрибаси. Иш анжомлари: биметалл пинцет, препаровка асбоблари йигиндиси, жомча универсал штатив, дока салфеткалар, Рингер эритмаси бақа.

Тажриба ўтказиш тартиби. Бақанинг оёқларидан 2 та препарат тайёрланниб, штативга осилди. Мис ва темирдан ясалган биметалл пинцет олинади. Пинцетнинг мис қисми умуртқа поғонасидан чиқаётган асаб тугуиларига, темир қисми эса бир вақтда мушакка теккизилади. Оёқ мушакларининг қисқариши кузатилади.

Ишни расмийластиришга доир тавсиялар. Тажриба схемасини чизинг, мушакнинг қисқариш сабаби тўғрисида хулоса чиқаринг.


Гальванининг иккинчи тажрибаси (металлисиз қисқариш). Гальванининг иккинчи тажрибаси ёрдамида жароҳатланган ва жароҳатланмаган мушак сатҳларида "ҳайвон токи" борлиги биринчи марта исботланган. Агар ана шу 2 та ўрнига асаб-мушак препаратининг асаби шиша илгак ёрдамида бир вақтда теккизилса, тинчлик токи ҳосил булиб, у асабни таъсирлайди ва мушакнинг қисқаришига сабабчи бўлади.

Иш анжомлари: препаровка асбоблари йигиндиси, жомча, кўзтомизгич, шишадан ясалган илгак, дока салфеткалар, Рингер эритмаси, бақа.

Тажриба ўтказиш тартиби. Бақанинг орқа оёқларидан препарат тайёрланади. Ўтиргич асаби яхшилаб ажратилгача, умуртқа поғонасидан кесиб олинади. Соннинг пастки учдав бир қисмидаги мушак кесилиши ва шу заҳотиёқ кесилгав асаб шиша илгак ёрдамида кесилган мушакка шундай теккизилиши керакки, асаб бир вақтда жароҳатланган ва жароҳатланмаган жойга тегсин (24-расм). Бу ҳолда ҳам мушак қисқариши содир бўлади.

Ишни расмийластиришга доир тавсиялар. Тажриба схемасини чизинг, хулосада бақа мушагининг қисқариш сабабларини тушунтириб беринг.

24-расм. Гальванининг иккинчи тажрибаси (куймич асабини сон мушагига ташлаш усули кўрсатилган).



**Маттеучи тажрибаси.** Скелет мушаги ҳаракат токи билан асабни таъсиrlаш (иккиламчи тетанус). Маттеучи 1840 йилда асаб-мушак препаратининг қисқараётган мушагига бошқа асаб-мушак препаратининг асаби ташланган тақзирида унинг ҳам қисқариши мумкинлигини исботлади. Шунга асосан мушак қўзғалгандан, унда ҳосил бўлган ток бошқа асаб-мушак препарати учун таъсиrlагич вазифасини бажариши мумкин, деган холосага келинди. Бу токлар ҳаракат токлари деб номланди.

**Иш анжомлари:** препаровка асбоблари йигиндиси, жомча, стимулятор, электродлар, шиша илгак, пўкакли пластинка. Рингер эритмаси, бақа, фильтр қоғози.

**Тажриба ўтказиш тартиби.** Бақа ҳаракат-сизлантирилади ва унинг орқа оёқларидан 2 та препарат тайёрланади. Шундан кейин шиша илгак билан ўтиргич асблари иккала препаратдан тизза бўғимиғача ажратилиб, болдир ва оёқлар қолдирилган ҳолда сон сүяклари ва мушаклари кесиб гашланади. Битта препарат асаби умуртқа погонаси билан қолдирилади, бошқасида эса умуртқа погонаси кесиб ташланади. Иккала оёқ пробкали пластинкага тахлаб қўйилади. Шиша илгак ёрдамида битта асаб-мушак препаратининг асаби (умуртқа булакчаси билан) стимуляторга уланган электродларга жойлаштирилади. Шу препарат мушакларига узунасига иккинчи асаб-мушак препаратининг асаби жойлаштирилади (25-расм). Биринчи асаб-мушак препаратининг асаби ритмик таъсиrlанади ва иккала оёқнинг тетаник қисқариши кузатилади.

Ишни бажариш пайтида асабни ажратишга ғоят эҳтиёткорлик билан муносабатда булиш, яъни препаратни тайёрлаш пайтида асаб қуриб қолмаслигини кузатиш зарур. Тажрибани бошлашдан олдин биринчи препарат мушагигинг устки қисми ва иккинчи препарат асаби фильтрли қоғоз ёрдамида қуритилиши лозим.



25-расм. Иккиламчи тетанусни олиш учун тажриба схемаси (Маттеучи тажрибаси)  
1) бақа оёғлари; 2) тасириловчи электроддар.

Ишни расмийлаштиришга доир тавсиялар. Тажрибасини чизинг, иккиламчи тетануснинг келиб чиқирабаларини холосада тушунириштада.

#### БАҚА ЮРАГИННИГ ҲАРАКАТ ТОКИ БИЛАН АСАБ-МУШАҚ ПРЕПАРАТИНИНГ АСАБИНИ ТАЪСИРЛАШ (КЕЛЛИКЕР ВА МЮЛЛЛЕР ТАЖРИБАСИ)

Юрак мушаклари қисқарган пайтда унда ҳаракат токи ҳосил бўлиб, у асаб-мушак препаратининг асабини таъсирлаш учун етарли миқдорга эгадир.

Иш анжомлари: препаратка асблори йигинидиси, жомча, соат ойнаси, шиша илгак, кўзтомизгич, дока салфеткалар, ип, Рингер эритмаси, бақа.

**Тажриба ўтказиш тартиби.** Бақа ҳаракатсизлантирилиб, кўкрак қафаси очилади ва юрак перикардан озод қилинади. Юрак ва аорта равоқлари тагидан ип (лигатура) ўтказилиб, боғланади. Иплар ёрдамида юрак кўтарилиб ажратилади (изоляция қилинади) ва Рингер эритмаси бўлган соат ойнасига жойлаштирилади. Юқоридаги ишга тайёрланганидек, орқа оёқдан умуртқа поғонасиз асаб-мушак препаратига ўхшаш препарат тайёрлаб, унинг асаби шиша илгак ёрдамида қисқараётган юрак сатҳига ташланади ва бақа оёғи мушагининг қисқариши кузатилади.

Ишни расмийлаштиришга доир тавсиялар. Тажрибалар қайд қилинувчи дафтарга тажриба схемасини чизинг, холосада бақа оёғи мушагининг қисқариш сабабларини кўрсатинг.

#### 7-ИШ. МИКРОЭЛЕКТРОД ЁРДАМИДА КЎНДАЛАНГ-ТАРГИЛ МУШАҚ ТОЛАСИНИНГ ПАРДА ПОТЕНЦИАЛИНИ ҚАЙД ҚИЛИШ

Ҳужайра пардаси тинч ҳолатда турганда, унинг ташнива ички юзаси орасида потенциаллар фарқи бўлиб, бу парда (тинчлик) потенциали номини олган. Парда потенциали катталигини ўлчаш учун ҳужайра ичига микроэлектрод

ришилди ва ўзгармас ток кучайтиргичи ёрдамида ҳужайранинг ички ва уни ўраб турган муҳитдаги потенциаллар фарқи қайд қилинади. Потенциаллар фарқи борлигидан, микроэлектрод ҳужайра пардасини тешган пайтда, потенциалнинг сакраши далолат беради. Потенциалнинг бу сакраши осциллограф нурининг изоэлектрик чизиқдан силжинига сабабчи бўлади.

Иш анжомлари: экранлаштирилган камера, микроманипулятор, бинокуляр микроскоп, биопотенциал кучайтиргич, осциллограф, рақамли вольтметр, КСІнинг З М и эритмаси билан тўлдирилган микроэлектродлар, хлор кумушли индифферент электродлар, мушакни ташки перфузиялаш учун система, препарат учун ваннача, жомча, препаратка асблори йигинидиси, дока салфеткалар, Рингер эритмаси, бақа.

**Тажриба ўтказиш тартиби.** Бақанинг машиначилар муҳагидан препарат тайёрланади ва у ип ёрдамида ванначага маҳкамланиб, ундан оқиб ўтадиган Рингер эритмаси уланади. Индифферент ва микроэлектродлар микроэлектрод кучайтиргичининг кириш қисмига уланади. Эритмага микроэлектрод учи туширилади ва кучайтиргич мувозанатлаштирилади. Рақамли вольтметр 0,000 В ни кўрсатиши керак. Кейин осциллограф развёрткаси (ёйилгичи) 1 см/10 с га, кучайтиргич сезувчанлиги эса 10 мВ/смга ўрнатилади. Микроманипулятор ёрдамида микроэлектрод юзароқ ётган мушак толасига киритилади. Парда потенциали катталигига туғри келувчи тешилган пайтда осциллограф экранида парда потенциалининг сакраши кузатилади. Милливольтда ифодаланган тинчлик потенциали катталигини рақамли вольтметр кўрсатади.


Ишни расмийлаштиришга доир тавсиялар. 10 та мушак толасида парда потенциал катталигини аниқлаб, парда потенциалининг ўртача катталигини ҳисоблаб чиқинг.

#### 8-ИШ. СКЕЛЕТ МУШАГИНИНГ ҲАРАКАТ ПОТЕНЦИАЛИНИ ҲУЖАЙРА ЮЗАСИДАН ҚАЙД ҚИЛИШ

Қўзғалувчи түқималар поғона кучга эга бўлган таъсирлагич билан таъсирланганда, уларда қўзғалиш юзага чиқади, натижада парда потенциали ўзгариши кузатилади. Қўзғалиш пайтида парда потенциалининг мана шундай ўзгариши ҳаракат потенциали (токи) номини олган.

Ҳаракат потенциалининг ҳужайра юзасидан ва ичкарисидан узатиш йўли билан қайд қилиш мумкин.

Катодлы осциллограф



26-расм. Болдир мушагининг ҳаракат потенциалини ҳужайрадан ташқариди қайд қилиш учун қурилма схемаси.

а) болдир мушагига киритилгандын итказимон электродлар; б) асабни тасирилаш учун электродтар; 1) мой қавати; 2) Рингер эритмаси.

**Иш анжомлари:** электростимулятор, катодлы тақрорловчи биоток кучайтиргич, осциллограф, экранлаштырылған камерадан иборат электрофизиологик қурилма; шиша микроЭлектродлар, препаратовка асбоблари йигиндиси, жомчай, дока салфеткалар, парафин ёғы, Рингер эритмаси, бақа.

**Тажриба үтказиш тартиби.** Экранлаштырылған камера-даги парафинланған ваннаначага асаб-мушак препарати жой-

лаштирилади (26-расм). Ванначанинг иккала томонига кумушдан тайёрланган биполяр (икки қутбلى) электродлар махкамланади. Ванначанинг тубига пластинка шаклидаги кумуш электродлар жойлаштирилади. Асаб Рингер эритмаси ўстида ётган юпқа парафин ёғига қўйилади. Ёғ қатламида ётган асабнинг охирги қисмини шиша илгак билан кўтариб, электродларга жойлаштирилади. Мазкур электродлар таъсировчи бўлиб, улар стимуляторга уланади. Узатувчи иғласимон электродлар бевосита болдири мушагига киритилади ва кучайтирувчи осциллографнинг кириш қисмига уланади.

Таъсировчи импульс берилиб, осциллограф экранидаги 2 фазали ҳаракат потенциали кузатилади, унинг амплитудаси аниқланади. Ҳаракат потенциалидан аввал таъсирилаш артефакти (тасодифий ҳодиса) юзага чиқади. Осциллограф экранидаги таъсирилаш артефактидан то ҳаракат потенциалининг биринчи компоненти пайдо бўлгунга қадар бўлган масофа қўзғалишнинг препарат бўйлаб ўтиш вақтига туғри келади.

Ишни расмийлаштиришга доир тавсиялар. Курилма схемасини ва болдири мушагининг ҳаракат потенциалини чизинг, унинг фазаларини белгилаб чиқинг.

#### 9-ИШ. ЭЛЕКТРОМИОГРАФИЯ (ЭМГ)

Электромиография — мушакларнинг электрик активигини қайд қилдишидир. ЭМГ усулидан мушак касалликларини аниқлашда ҳамда ҳаракат аппаратининг функционал ҳолатини текширишда фойдаланилади. Одамнинг мушакларидан биопотенциалларни узатиш учун кўпроқ текширилувчи тери сатҳига электродлар маҳкамланади, аммо айрим ҳолларда мушак ичига юбориш учун ишлатиладиган иғнага ўхшаш электродлардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Иш анжомлари: электромиограф, терига тақаладиган (накожный) электродлар, электродлар учун махсус сүюқлик (паста), пахта, лейкопластырь, спирт. Иш одамда олиб борилади.

Тажриба ўтказиш тартиби. Текширилувчининг билак терисига аввал спирт, кейин эса электродлар ўртасидаги қаршиликни камайтириш учун махсус паста билан ишлов берилади, терига электродлар ўрнатилади. Иккинчи қўлнинг билагига ерга учун мўлжалланган электродлар маҳкамланади. Текширилувчига қўл панжаларини снгил, ўртача ва максимал куч билан букиш таклиф қилинади ва ҳар бир букишдан кейин ЭМГ ёзиб олинади.


Ишни расмийлаштиришга доир тавсиялар. Олинган ЭМГ ни тажрибани қайд этиш дафтарига ёпиширинг хуносада мушак фаоллиги билан боғланган импульслар сонининг ўзгариши ва уларнинг амплитудаси (даражаси) ҳамда мушакларда биотокларнинг ҳосил бўлишини тушунтиринг.

#### 10-ИШ. МУШАКЛАРНИНГ ҚИСҚАРИШИНИ ЁЗИШ ВА ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

Мушак якка қисқаришининг ёйилган эгри чизигини ёзиш ва таҳлил қилиш. Скелет мушаги қисқа муддат давом этадиган якка таъсирашга бир марта қисқариш билан жавоб беради. Мушакнинг ёйилган бор қисқаришини тез айланувчи барабанли кимограф ёки фаль-аппарат ёрдамида ёзиб олиш мумкин. Мушакнинг ёйилган якка қисқаришини 3 та фазага ажратиш мумкин: 1) латент (яширин) давр (таъсираш бошлангандан кейин қисқариш пайдо бўлгунча кетган вақт); 2) қисқариш фазаси; 3) бўшашиб фазаси. Бақа болдири мушагининг якка қисқариш цикли 0,11—0,12 с, шундан латент давр 0,01 с., қисқариш фазаси 0,05 с, бўшашиб фазаси 0,05—0,06 с давом этиди.

Иш анжомлари: фаль-аппарат ёки тез айланувчи кимограф, вертикал миограф, универсал штатив, препаровка асбоблари йигиниди, кўзтомизгич, жомча, вақтни қайд қилувчи асбоб, дока салфеткалар, Рингер эритмаси, бақа.

**Тажриба ўтказиш тартиби.** Бақанинг болдири мушагидан препарат тайёрланади ва вертикал миографга маҳкамланади. Миограф винти ёрдамида миограф ричаги (ёзгич қисми) горизонтал ҳолатда ўрнатилади, фаль-аппарат рамкаси эса ўнг томонга жилдирилиб, илгакка маҳкамлаб қўйилади (27-расм, а). Фаль-аппарат токка уланади ва қаршилик (R) ёрдамида қўзғалишнинг шундай кучи танландиди, натижада мушак етарли миқдорда кучли қисқаришни ривожлантирисин. Ток узгич (10) билан биринчи таъсираш контакти (7) уланади. Мушакни таъсираш пайтини белгилаш учун карета уни ушлаб турувчи фиксатордан бўшатилади ва аста-секин биринчи контактга шундай яқинлаштириладики, шунда карета контактга тегиб, занжирни улади ва мушак қисқаради. Каретага ёзиб ган вертикал чизик таъсираш вақтини ифодалайди (27-расм, в). Шу вақтнинг ўзида изочизиқ ҳам ёзиб олинган ҳисобланади. Сўнг карета аввалги ҳолатига келтирилади. Бунинг учун у илгакдан бўшатиб юборилади, натижада




27-расм. Мушакларнинг якка қисқаришини ёзиш ва таҳлил қилиш учун қурилма схемаси.

2) фаль-аппарат; 1) рама; 2) йўналтирувчилар; 3) каретканни жойидан қараша фиксатори; 4) каретка; 5) эгри чизиқни ёзиш учун қозоз қўйгич; 6) қаршилик злектрик схема (электр тармоғидан қувватланади); 10—11) қаршилик диод; R — қаршилик; R1 — ўзгарувчан қаршилик; С — сигим; 11) миографга маҳкамланган мушак билан штатив; в) мушак якка қисқаришини ёзиб чизиги; 1) контактларнинг узилиш пайти; 2) латент (яширин) давр; 3) қисқариш фазаси; 4) бўшашиб фазаси.

контакт узилиб, мушакка таъсираш ўтказилади ва якка қисқариш ёзиб олинади. Якка қисқариш остига камертон билан вақтни белгиловчи эгри чизик ёзиб олинади. Якка қисқариш фазаларининг давомийлигини аниқлаш учун вақтни белгиловчи эгри чизиқка мушакнинг якка қисқариш эгри чизиги маълум нуқталаридан тик (перпендикуляр) чи-ни тушуниш керак.

Ишни расмийлаштиришга доир тавсиялар. Тажриба схемаси тасвирини чизинг, мушакнинг ёйилган эгри якка



28-расм. Тетануснинг ҳар хил турлари.

1) якка қисқариш; 2) тишили тетанус; 3) силлиқ тетанус; 4) оптимум (энг яхши), 5) пессимум (энг ёмон).

қисқариши кимограммасини дафтарга ёпишириб. қисқариш фазаларини ва уларнинг давомийлигини аниқланг.

Тишли ва силлиқ тетанус (28-расм). Организмда мушаклар марказий асаб системасидан ритмик равишда келаетган импульслар таъсирида қисқаради. Мушакларга импульслар юқори частота билан келиб, мушакнинг якка қисқариш давомийлигини оширади, натижада мушак барча қисмларининг узоқ ва кучли даражада қисқариши билав белгиланувчи ҳамда тетанус номини олган қисқаришлар йигиндиси юз беради. Фақат тажриба ўтказиш орқали тетанусни ёзib олиш ва келиб чиқиш механизмини таҳлил қилиш мумкин. Агар мушакка 10—20 Гц га эга бўлғав ритмик таъсир ўтказилса, кейин келаетган ҳар бир импульс мушакнинг бўшашиб фазасига тўғри келади ва бу вақтда тишли тетанус пайдо бўлади. Агар мушакни таъсирилаш частотаси янада оширилса, яъни 20—40 Гц гача кўпайтирилса, келаетган ҳар бир импульс мушакнинг қисқариш (кичрайиш) даврига тўғри келади ва натижада мушакнинг тўхтовсиз, узоқ муддатли қисқариши бошланади. Бундай қисқариш силлиқ тетанус дейилади.

Иш анжомлари: вертикал миограф, стимулятор, кимограф, универсал штатив, препаровка асборлари йигиндиси, кўзтомизгич, жомча, дока салфеткалар, Рингер эритмаси, бақа.

Тажриба ўтказиш тартиби. Бақанинг болдири мушагидзи препарат тайёрланади ва стимуляторга уланган миографга маҳкамланади. Кимограф барабанига миограф ёзгичи ўтилаштирилади. Кимограф ишга туширилиб, 2—3 таъсирилаш орқали мушакнинг якка қисқариши ёзib олинади. Шундан кейин, таъсирилаш частотаси 10—20 Гц га етказилиб тишили тетанус 20—40 Гц гача оширилгач, силлиқ тетанус ёзиб олинади.

Ишни раҳмийлаштиришга доир тавсиялар. Олинган кимограммани дафтариңизга ёпиштириңг, якка ва тетаник қисқариш даражаларини солиштириңг, тишли ва сүллиқ тетануснинг содир бўлиш шароитини тушунтириңг.

Таъсирашнинг оптимум (энг яхши) ҳамда пессимум (энг ёмон) кучи ва частоталари. Мушак ритмик таъсирашнинг таъсираш частотасига боғлиқлиги Н. Е. Введенский томонидан курсатиб берилган. Мушакка ритмик таъсираштказилганда, ҳар бир таъсираш мушакнинг қузалувчалигини узгартиради ва натижада унинг жавоб реакцияси ҳажмига таъсираш курсатади. Таъсираш частоталари ва кучларининг фойдали ва энг яхши жиҳати шундаки, улар ёрдамида максимал амплитудага эга бўлган тетанус пайдо булади. Таъсираш частоталари ва кучларининг бирмунча купайиши билан тетанус баландлиги озаяди, бу эса таъсирашнинг пессимум частоталари ва кучлари исобланади.

Иш анжомлари: вертикал миограф, стимулятор, кимограф, универсал штатив, препаровка асборлари йигиндиси, жомча, дока салфеткалар, Рингер эритмаси, бақа.

Тажриба ўтказиш тартиби. Бақанинг болдири мушагидан препарат тайёрланиб, стимуляторга уланган миографга маҳкамланади ва ёзич кимографга яқинлаштирилади. Мушакнинг якка максимал (энг катта) қисқариши учун таъсираш кучи аниқланади. Кейин даражаси юқори бўлган сүллиқ тетанус чақирувчи оптималь частота топилади. Бақанинг чарчамаган асаб-мушак препарати учун бу частота 40—50 Гц га яқин. Сескин айланувчи кимографга 5—6 давомида оптималь частотадаги таъсирашда ҳосил бўладиган тетанус ёзиб олинади. Сунг ёзиш давом эттирилган ҳолда таъсираш кучи ва частотаси кескин оширилади. Натижада қисқариш даражаси ҳам кескин пасаяди. Бу эса таъсираш частотаси ва кучининг пессимумидир.

Ишни раҳмийлаштиришга доир тавсиялар. Олинган кимограммани дафтариңизга ёпиштириб, оптимум ва пессимум механизмини тушунтириңг.

#### 11-ИШ. АСАБ ОРҚАЛИ КЎЗҒАЛИШНИНГ ИККИ ТОМОНЛАМА ЎТКАЗИЛИШИ

Асаб толасини таъсираш жойидан ҳосил бўлған қўзғалиш асаб толаси орқали икки томонлама тарқалиш хусусиятига эга.



29-расм. Асаб орқали қўзғалишнинг икки томонлама ўтказилишини кузатиш учун тажриба схемаси.

**Иш анжомлари:** стимулятор, электродлар, препаровка асбоблари йигиндиси, шиша илгак, шиша пластинка, жомча, дока салфеткалар, Рингер эритмаси, бақа.

**Тажриба ўтказиш тартиби.** Бақанинг 2 та орқа оёқ препарати тайёрланади. Сон орқа сатҳи юқорига қилиб ағдарилади. Қўлнинг бош бармоқлари ёрдамида сон мушаклари икки томонга силжитилиб, ўтиргич асаби топилади. Шиша илгак ёрдамида ўтиргич асаби соннинг пастдаги учдан бир қисмидан 1 см гача ажратиласди. Эҳтиёткорлик билан ажратилаётган асабининг тўрт бошли мушакка келаётган тармоғи сақлаб қолиниши шарт. Асаб ажратилгач, қайчи ёрдамида сон суги ва унинг мушаклари ҳам кесилади. Шундай қилиб, сон ва **Болдири** фақат асаб билан боғланган ҳолда бўлади. Препарат шиша пластинкага қўйилиб, асаб стимулятор билан уланган электродларга жойлаштирилади. Асаб таъсириланганда сон ва болдири мушагининг қисқариши кузатиласди (29-расм).

Ишни расмийлаштиришга доир тавсиялар. Тажриба схемасини чизинг, хulosаларда ўтказилган тажриба нимади исботлаганини кўрсатинг.

#### 12-ИШ. АСАБНИНГ ФИЗИОЛОГИК ЯХЛИТЛИГИ ҚОНУШ

Қўзғалишнинг асаб толаси орқали тарқалиши <sup>Фарз</sup> унинг анатомик ва физиологик яхлитлиги <sup>сақлангаётганда</sup> сақлангаётганда содир бўлади. Асаб толаси боғлаб қўйилса, <sup>музлатилса</sup> бўз

Фармакологик моддалар билан таъсиранса, унинг физиологик бутунлиги ва ўтказучанлиги бузилади.

Иш анжомлари: стимулятор, электродлар, препаровка асбоблари йигиндиси, жомча, пахта, Рингер эритмаси, 2%ли новокаин эритмаси, бақа.

Тажриба ўтказиш тартиби. Асаб-мушак препарати тайёрланиб, асаб электродларга жойлаширилади ва стимулятор уланади. Болдири мушагининг қисқариши кузатилгач, асабнинг бирор қисмига беш дақиқа давомида 2%ли новокаин эритмасига ҳўлланган пахта босилади. Стимулятор яна уланиб, асаб таъсиранади ва болдири мушагида қисқариш йўқлиги кузатилгач, пахта тампон олиб ташланади. Асабнинг шу ери Рингер эритмаси билан яхшилаб ҳўлланади. 5 дақиқадан сўнг асаб таъсиранганда мушакнинг яна қисқараётгани кузатилади.

Ишни расмийлаштиришга доир тавсиялар. Тажриба схемасини чизинг ва нега асабнинг физиологик яхлитгининг бузилиши асаб ўтказувчанинг ҳам бузилишига олиб келиши сабабларини тушунтиринг.

### 13-ИШ. ПАРАБИОЗ

Парабиоз ҳақидаги таълимот ҳам Н. Е. Введенскийга мансубдир. Электроддаги асаб ва мушак ўртасига кимёвий ёки наркотик модда билан таъсири қилинганда маълум муддат ўтгач, асабни таъсирашга жавобан мушак қисқаришининг тўхтаб қолиши асаб-мушак препаратининг асаб қисми орқали ўтаётган импульсларни текшираётган олим томонидан кузатилган. Парабиозда лабиллик ҳаддан ташқари пасайиб кетади. Парабиоз аста-секин намоён булиб, уч босқичдан: 1) тенглаштирувчи; 2) парадоксал; 3) тормозловчи босқичлардан иборат.

Иш анжомлари: миограф, кимограф, стимулятор, универсал штатив, электродлар, препаровка асбоблари йигиндиси, пахта, лигатура, 1% ли калий хлорид эритмаси, Рингер эритмаси, бақа.

Тажриба ўтказиш тартиби. Асаб-мушак препарати тайёрланиб, стимуляторга уланган миографга маҳкамланади. Стимуляторга уланган электродларга асаб жойлаширилади. Асабга якка тартибдаги кучсиз ва кучли таъсираш бериллиб, мушакнинг нимжон ва кучли қисқариши кимографга ёзиб олинади.

Электроднинг пастки қисмидаги жойлашган асабга 1% <sup>ли</sup> калий хлорид билан ҳўлланган пахта қўйилади. Маълум вақт ўтгач (парабиоз одатда 8—10 дақиқадан кейин намоси бўлади), асаб қитиқланганда, таъсираш кучи кўпайтирилса ёки камайтирилса, мушакнинг якка қисқариш амплитудаси бир хил бўлиши қайд қилинади. Бу парабиознинг тенглаштирувчи босқичидир. Кейин вақт ўтиши билан кучсиз таъсираш мушакнинг кучли қисқаришига, аксинча, кучли таъсираш эса мушакнинг кучсиз қисқаришига олиб келади. Бу парабиознинг парадоксал босқичидир. Охири шундай ҳолат юзага келадики, мушак кучли ва кучсиз таъсирашга умуман жавоб бермай қолади. Бу парабиознинг тормозланувчи босқичидир.

Ишни расмийлаштиришга доир тавсиялар: парабиоз босқичлари бўйича ёзиб олинган эгри чизиқни дафтариңизга ёпиширинг, парабиоз босқичларининг ривожланишидаги механизмларни тушунтиринг.


#### 14-ИШ. АСАБ-МУШАК ПРЕПАРАТИДА ЧАРЧАШНИНГ ЖОЙЛАНИШИ

Чарчаш тўқима ёки бутун вужуднинг таъсирашга адекват (монанд) жавоб реакциясининг пасайиши ёки тула йўқолишини характерлайди. Асаб-синапс мушак системасида чарчаш энг аввал синапсда пайдо бўлади.

Иш анжомлари: стимулятор, кимограф, алмашлаб улагич, вертикал миограф, электродлар, препаровка асбоблари йигиндиси, жомча, Рингер эритмаси, бақа.

Тажриба ўтказиш тартиби. Асаб-мушак препарати тайёрланиб, мушак вертикал миографга маҳкамланади. асаб эса электродларга жойлаштирилади. Ёзғич кимографга тескизилади. Алмашлаб улагич мушакни воситали таъсирашга қўйилиб, поғона таъсираш кучи аниқланиб, стимуляторнинг 1Гц режими билан асаб таъсиранади ва айланади. Кимографга мушак қисқариши чарчаш белгилари пайдо бўлгунча ёзиб олинади. Яъни қисқариш амплитудаси биринчи қисқаришга нисбатан пасаяди, шундан кейин тезда алмашлаб улагич воситасиз таъсирашга ўтказилади. Натижада мушак дастлабки қисқариш амплитудасида қисқариш бошлийди (30-расм).

Ишни расмийлаштиришга доир тавсиялар. Тажрибларни қайд қилувчи дафтариңизга чарчаш эгри чизиғини ёпишириб, хулосаларда мушак қисқариши амплитудасиниң воситасиз таъсиrlагандаги ўзгаришини тушунтиринг



30-расм. Ажратиб олинган бақанинг болдир мушагида чарчашинг ривожланиши.

а) воситали таъсирилаш; б) воситасиз таъсирилаш.

ва асаб-мушак препаратида чарчашинг жойланиши ҳақида хулоса чиқаринг.

#### 15-ИШ. АСАБ-МУШАК СИНАПСИДА ҚҰЗҒАЛИШ ҮТКАЗИЛИШИННИГ БУЗИЛИШИ

Асаб-мушак синапси кимёвий моддаларга, қисман миорелаксантлар (курапе, листенон ва бошқ.) га ўта сезувчи бўлади. Бундай моддалар таъсир этганда, құзғалишнинг асабдан мушакка ўтиши тўхтайди, яъни воситали таъсирилашда мушак қисқармайди, аммо у воситасиз таъсирилашга жавоб беради.

Иш анжомлари: стимулятор, электродлар, ваннача, препаровка асబолари йиғиндиси, жомча, лигатура, 1 мл лишприц, листенон ёки кураре, бақа.

Тажриба үтказиш тартиби. Бақа марказий асаб системасини бузиш билан ҳаракатсизланади. Гақа ванначага қорин томони билан маҳкамланади. Бақанинг иккала сон териси үзунасига кесилиб, сон мушаклари 2 томонга силжитилиб (кон томирларни жароҳатламай), ўтиргич асаблари топилади. Иккала асаб остидан лигатура алоҳида үтказилади, лекин боғланмайди. "Дарча" ёрдамида болдир мушаклари қилиш ялангочланади. Қон айланишини тұла бартараф қилиш маҳсусида оёқлардан бирининг сон мушаклари ип билан маҳкам боғланади (ўтиргич асаби лигатура устида қолади). Бақанинг орқа лимфатик қопларига 1,5 мл листенон ёки кураре куборилади. 10—15 мин. ўтгач, ўтиргич асаблари тартиб

билан алоҳида ритмик равишда ток билан таъсиранади <sup>и</sup>  
сон, болдири мушакларининг қисқариши кузатилади.

Энди тартиб билан иккала оёқнинг болдири мушаклар  
алоҳида-алоҳида воситасиз таъсиранади ва уларнинг <sup>жан</sup>  
қисқариши кузатилади.

Ишни расмийластиришга доир тавсиялар. Тажриба  
схемасини чизинг, хулосаларда иккала ўтиргич асаби таъ  
сиранганди, оёқларнинг реакциясини, шу билан бирга бол  
дири мушаклари воситасиз таъсирангандаги тажриба нати  
жасини тушуниришга листенон ёки кураре таъсири қилга  
жой ҳақида хулоса чиқаринг.

### III бўлим

## ФИЗИОЛОГИК ЖАРАЁНЛАРНИ ИДОРА ЭТИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

### МАРКАЗИЙ АСАБ СИСТЕМАСИ ФИЗИОЛОГИЯСИ

#### 16-ИШ. РЕФЛЕКС ВАҚТИНИ АНИҚЛАШ ВА РЕФЛЕКТОР ЁЙНИНГ ТАҲЛИЛИ


Рефлектор фаолият чақириш учун қўзғалишнинг босиб  
утган йўлига рефлектор ёй дейилади. Умумий қўринишда  
рефлектор ёйнинг схемасини бешта қисмдан иборат деб та  
саввур қилиш мумкин: 1) рецептор; 2) афферент қисми  
(афферент нейрон); 3) марказий қисми (оралиқ нейров);  
4) эфферент қисми (эфферент нейрон); 5) ишчи аъзо (эф  
фектор) (31-расм).

Рефлекс содир бўлиши учун рефлектор ёй бир бутув  
бўлиши зарур. Ундаги истаган бирор қисмининг ишда  
чиқарилиши рефлектор фаолиятининг йўқолишига олиб ке  
лади.

Рефлектор ёйнинг айрим қисмларини кетма-кет ишда  
чиқариш йўли билан уларнинг ҳар бирининг функционал  
аҳамиятини ўрганиш мумкин.

Иш анжомлари: илмоқли штатив, препаровка учун ас  
боблар йигиндиси, жомча, шиша илмоқчаси, пахта, 0,5%  
ва 1% новокайн эритмаси, сульфат кислотасининг 0,5–1%  
эритмаси, стакан суви билан, бақа.

Тажриба ўтказиш тартиби. Орқа мия рефлекслари спи  
нал бақада ўрганилади. Бунинг учун бақанинг боши, унни  
жағлари орасига қайчининг дами киритилиб, энсаннинг кат  
та тешиклари сатҳидан кесиб олиб ташланади. Пастки <sup>жан</sup>  
қолдирилади ва бақа пастки жағидан штативдаги илмоқ



31-расм. Соматик (чап) ва вегетатив (үнг) рефлексларнинг ёй схемаси.

1) рецептор; 2) афферент звено; 3) марказий звено;  
4) ҳаракатлантирувчи звено; 5) эфектор; К — оралиқ нейрон.

илинади. Тажрибани бир неча минутдан сўнг, спинал қархатлик ҳолати ўтиб кетгандан кейингина бошлаш мумкин.

Стаканга сульфат кислотасининг 0.5% ли эритмасидан қўйилади ва унга бақанинг орқа оёғи болдири товон бўғимигача туширилади, бунда бақа оёғини тортиб олади. Шу тарзда бақа оёғига таъсирот берилгандан то жавоб реакцияси содир бўлгунча кетган вақтни аниқлаш йўли билан рефлекс вақти аниқланади. Ҳимояланиш рефлекси борлиги аниқлангач, бақа оёғини бир неча марта стакандаги сувга тушириш йўли билан террида қолган сульфат кислота қолдиги ювилади. Бу иш ҳар сафар сульфат кислота билан таъсирлангандан кейин қайтарилиб, миянинг кесилган жойига сув тушмаслигига ҳаракат қилинади. Шундай йўл билан рефлекс вақти аниқланиб, уни кўп жиҳатдан таъсирлаш кучига боғлиқ эканлигини исботлаш мумкин бўлади.

Рефлектор ёйни таҳлил қилиш унинг баъзи қисмларини ишдан чиқариш йўли билан амалга оширилади.

Биринчи бўлиб, тери рецептори мустасно қилинади. Бунинг учун бақанинг орқа оёғи териси тиззанинг пастрофидан доира шаклида кесилиб, оёқдан пайпоқни ечгани каби шилиб олинади. Натижада оёқ тери рецепторидан жудо қилинади.

Панжа охирларида терининг қолмаслиги муҳимлиги тагар бирорта панжада сақланиб қолгудек бўлса, панжани қирқиб ташлаш керак, акс ҳолда тажриба чиқмай қолиши мумкин)ни кузатиш зарур. Сўнг бақа оёғи кислота эритмасига туширилади ва рефлекс йўқолганига ишонч ҳосил қилинади.

Иккинчисида, қўймич асабининг афферент толалари мурасно қилинади. Бунинг учун териси олинмаган бошқа оёғидан қайчи билан соннинг орқа юзасидаги териси кесилади. Эҳтиёткорлик билан шиша илгак ёрдамида томирларни жароҳатламай, қўймич асаби ажратилади ва унинг тагидан боғлам ўтказилади. Боғлам орқали асаб кўтарилиб, асаб остига унча катта бўлмаган, новокайн билав ҳўлланган пахта пилиги жойлаширилади.

Қўймич асаби аралаш ҳисобланиб, унда сезувчи (афферент) ва ҳаракатлантирувчи (эфферент) толалар бор. Новокайнинг бевосита таъсири натижасида асаб стволидаги импульсларни ўтказиш олдин сезувчи, кейин ҳаракатлантирувчи асаб толаларида тўхтайди.

Орадан 1—2 мин ўтгач, бақанинг оёғи кислотага туширилади, букилиш рефлекси йўқолганига ишонч ҳосил қилинади. Бақанинг орқа терисига 1% сульфат кислотасига ҳўлланган қоғоз қўйилади. Бунда умумий ҳаракат реакциялари вужудга келиб, новокайн билав таъсири қилинган оёқ ҳам иштирок этади. Демак, сезувчи толаларда ўтказувчаник йўқолди, ҳаракат толасида эса яна сақланиб қолди.

Агарда асаб узоқ вақт давомида новокайн таъсирида бўлса, унда ўтказувчаник ҳаракатлантирувчи толаларда ҳам йўқолади. Асабга новокайн таъсири қилина бошлагандан 4—5 мин ўтгач, бақанинг орқасига кислотага ҳўлланган қоғоз ёпиширганимизда асаби новокайн таъсирига дучор бўлган оёқ умумий реакцияларда қатнашмайди. Шундай қилиб, асабнинг импульс ўтказувчанилиги фақат сезувчи толалардагина эмас, балки ҳаракатлантирувчи толаларда ҳам йўқолади. Асаб стволида тўлиқ фалажлик ҳолати вужудга келади.

Охирида асаб марказлари ишдан чиқарилади. Бунинг учун орқа мия зонд билан бузилади. Орқа мияни бузгандав сўнг ҳеч қандай рефлексларни чақириш мумкин бўлмай қолади.

Ишни расмийлаштиришга доир тавсиялар. Дафтари гизга тажриба схемасини чизинг. Рефлекс ва рефлектор ёйга таъриф беринг. Рефлектор ёйнинг қисмларини айтинг ва қисмларнинг аҳамиятини кўрсатинг.

#### 17-ИШ. ОРҚА МИЯ РЕФЛЕКСИННИГ РЕЦЕПТИВ МАЙДОНИ

Ҳар бир рефлекс ўзининг рецептив майдони, яъни таъсириланганда рефлекс юзага чиқадиган тана қисмларига эга.

Декан ана шу тана қисми: масалан, тери бир, икки ёки кўшиб рефлексларининг рефлекс майдони бўлиши мумкин. Рецептив майдони таъсириланганда келиб чиқадиган жавоб реакциясининг характеристи унинг тананинг қаерида жойлашгандан ташқари, таъсири кучига ва унинг таъсири этиш вақтига, бундан ташқари, асаб марказларининг функционал ҳолатига боғлик. Энг содда, шартсиз рефлексларни ҳўйвонда бош мияси олиб ташланган ёки уни орқа миядан кесиб ажратилган ҳолда ўрганиш мумкин. Бундай рефлекслар орқа мия рефлекслари дейилади.

Иш анжомлари: штатив, препаровка учун асбоблар инфиниси, жомча, фильтр қоғоз парчаси, пахта, сульфат кислотанинг 0,1%, 0,3, 0,5% ли эритмалари, Рингер эритмаси, сув, бақа.

Тажриба ўтказиш тартиби. Бақа бош мияси олиб ташланади ва спинал бақа препарати олинади. Спинал карахтанлик ҳодисаси йўлқолганича 2—3 минут кутилади, сўнг бақани пастки жағидан штативга маҳкамланган илмоқча илниди. Фильтр қоғоз парчаси 0,1% сульфат кислота эритмаси билан ҳўлланиб, пинцет билан бақа орқа оёқ бўйдир терисининг ташки сатҳига қўйилади. Мана шу оёқдаги букувчи реакциялар кузатилади. Стакандаги сувга шу оёқни солиб, кислота ювилади. Бақанинг шу оёғи сульфат кислотанинг 0,3% ли, кейин эса 0,5% ли эритмаси билан таъсириланади.

Ўта аниқ букувчи рефлексни чақирадиган концентрация (таъсириловчи куч) таънилаб олинади ёки аниқланади. Ташланган концентрацияли кислотага ҳўлланган қоғоз парчаси юзасига ён юзасига қўйилади. Бир неча дақиқадан кейин ҳимоя рефлекси кузатилади: бақа таъсириловчи агентни унга қўшиб оёқ панжалари билан олиб ташлайди.

Қоғоз бақанинг олдинги панжасининг ташки юзасига, юрнига, қўкрак қисми яқинига, олдинги ва орқа оёқлари оравлигига ёпишириллади. Бунда ҳар сафар ана шу рецептив майдонни таъсирилаганда келиб чиқадиган реакциялар характеристи аниқланади. Ҳар бир таъсириш орасидаги вақт 2—3 минутдан кам бўлмаслиги ва ҳар бир таъсиришдан кейин бақани стакандаги сувга тушириб, кислота қолланни юваб ташлаш керак.

Ишни расмийлаштиришга доир тавсиялар. Кузатилган ҳимоя рефлексининг рецептив майдони схемаси ва рефлектор ёйни дафтaringизга чизинг.

## 18-ИШ. ОРҚА МИЯ АСАБ МАРКАЗЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ АЙРИМ ХОССАЛАРИ

Орқа мия 2 та асосий — рефлектор ва ўтказувчи функцияларни бажаради. Орқа миянинг рефлектор фаолияти унда кўплаб ҳаракат ва вегетатив функцияларни бошқарувчи турли асаб марказлари жойлашганилиги билан боғланган.

Орқа мия асаб марказлари фаолиятида айрим ўзига хосликлар бор: 1) умумий охирги йўл принципи; 2) асаб марказларининг инертилиги ва уларнинг қўзғалишларни йигиш (суммация) га қодирлиги; 3) жавоб кучининг таъсирилаш кучига нисбатан боғлиқлиги; 4) тез чарчаш.

Иш орқа мия рефлексларини график тарзда ёзиб олиш усули ёрдамида олиб борилади.

Иш анжомлари: кимограф, 2 та стимулятор, симлар, 2 та паншахасимон электрод, горизонтал миограф, препаровка учун асбоблар йигиндиши, қўз томизгич, жомча, пробкали тахтача, Рингтер эритмаси, бақа.

Тажриба ўтказиш тартиби. Бақанинг орқа мияси куракнинг ўрта соҳасидан наштар ёрдамида, тери, умуртқа поғонаси ва мия бир йўла қирқилади. Бақа ёғоч тахтачага чалқанча қилиб иғналар билан маҳкамланади. Соннинг юқори учдан бир қисмидаги тери айланға шаклида қирқилади ва тери шилиб олинади. Кейин товон (ахил) пайи қирқилади ва болдир мушаги бир томонга силжитилади. Мушак остидан 2 та асаб топилади. Улардан бири, болдир мушагининг ички юзасида ётувчи катта болдир, иккинчиси эса болдир суяги устида ётувчи кичик болдир асабларидир. Ҳар қайси асаб остига боғлам ўтказилиб, иложи борича дистал жойдан боғланади ва қирқилади. Боғлам асабнинг марказий қисмида қолади (32-расм).

Тизза бўғимининг ички юзасидан ярим пайсимон мушак пайи топилади, у оч тиниқ илтак характеристига эга. Мана шу пай остидан боғлам ўтказилиб боғланади ва қирқилади. Бақа қўндаланг (горизонтал) миограф тахтачасига оғутилади ва мушак пайи миограф ричагига уланади. Суёй иккала асаб остидан электрод ўтказилади.

Мушак қисқаришлари миограф барабанига ёзилади. Асабларни таъсирилаш навбат билан қисқа (50—70 Гц) рет мли ва индукцион ток залплари билан амалга оширилади.

### УМУМИЙ ОХИРГИ ЙЎЛНИ ИСБОТЛАШ

Сезувчи нейронлар миқдори ҳаракатлантирувчи нейронларнидан анча кўп. Ҳар бир марказга интилувчи жарури

—расм. Спинал рефлексларни чизиқли  
қайд қилишда фойдаланиладиган  
бақаңынг орқа оёқ препарати.  
1)шиша илмоқча.



күплаб оралиқ нейронлар билан боғланган ҳолда бўлади ва оралиқ нейронларнинг аксонлари айрим (чекланган миқдордаги) ҳаракат нейронларига ҳам келади. Шундай қилиб, ҳаракат нейрони турли марказга интилувчи йўллар учун умумий бўлади. Умумий охирги йўл борлигини ярим пайсимон мушакни турли сезувчи асаблари ҳисобланган катта ва кичик болдирик асабларини таъсиrlаш натижасида уни қисқариши билан исботлаш мумкин.

#### АСАБ МАРКАЗЛАРИНИНГ ИНЕРТЛИГИ ВА УЛАРДА ҚЎЗҒАЛИШЛАРНИНГ ЙИФИЛИШ (СУММАЦИЯ) ГА ҚОДИРЛИГИНИ ИСБОТЛАШ

Қўзғалишларнинг қўшилиш қобилияти ҳамма қўзгалувчи тўқималар учун хос бўлиб, бироқ бу ҳодиса асаб марказларида аниқ намоён бўлади. Бу асаб ҳужайтарида қўзғалувчанликнинг нисбий паст бўлиши ва қўзғалишнинг узоқ циклик давом этиши билан исботланади. Бунинг натижасида ҳужайрага келувчи якка импульслар тарқалмайдиган маҳаллий қўзғалиш чақиради, бу эса ўз йўлида унда қўзғалувчанликнинг ортишига олиб келади. Агар кейинги марказга интилувчи импульслар маҳаллий қўзғалиш давом этаётган пайтда келса, қўзғалишлар қўшилади ва рефлектор реакцияни келтириб чиқарувчи қўзғалиш тўлқини келиб чиқади.

Бу ишда сезувчи асабларни якка таъсиrlаш мушакларнинг рефлектор қисқаришнни келтириб чиқармаслигини

күрсатиб, таъсиrlаш ритмик ва кўп марта (бир неча ўн Гц частотасида) бўлганда ярим пайсимон мушакниң рефлектор қисқаришини кўрсатади.

ЖАВОБ РЕАКЦИЯСИ КУЧИНИНГ (РЕФЛЕКСНИНГ  
КАТТАЛИГИ)  
ТАСЫРЛАШ КУЧИГА БҮЛГАН НИСБИЙ БОГЛИҚЛИГИНИ  
ИСБОТЛАШ

Рефлектор реакция катталиги таъсирилаш кучига бевосита боғланган ҳолда бўлади. Таъсирилаш бўсаға погона кучига етганда мушакларнинг рефлектор қисқариши паст (минимал), таъсирилаш маълум катталикка кучайтирилганда қисқаришлар баландлиги ортади.

Асаблардан биттаси таъсирланиб таъсираш бусагаси то-  
пилади ва кимографга мушакларнинг кичик рефлектор  
қисқаришлари ёзилади. Таъсираш кучи купайтирилиб, мұ-  
шакларнинг рефлектор қисқаришининг ортиши кузатилади.


Олинган эгри чизиқда таъсирлаш кучи купайтирилганда қисқаришларнинг маълум даражага ортганлиги кўринади.

АСАБ МАРКАЗЛАРИНИНГ ТЕЗ ЧАРЧАШИ (РЕФЛЕКСНИНГ  
ЧАРЧАШИ) ВА УНИНГ ТАҲЛИЛИ

Агар афферент асаблардан бири 1—2 с оралигида қисқа, ритмик равишда таъсиранса, қисқа вақт давом этувчи мушакнинг рефлектор тетаник қисқаришини чақириш мумкин бўлади, аммо кузатиш жараёнида чарчаш жараёнининг ривожланиши натижасида мушакнинг қисқариш кучи зота-секин пасаяди ва охири таъсирилашга жавобан қисқариш юзага келмай қолади.

Кейин иккинчи кичик болдир асабини таъсирилаш боланади ва яна мушаклар қисқариши кузатилади, бу рефлектор ёйнинг эфферент қисмидаги чарчашиб болмаганинг күрсатади. Рефлекснинг бутунлай чарчашиб даврида ҳаракатлантирувчи нейрон фаолият күрсатиш сусиятини сақлади ва бошқа афферент йўллардан келган импульслар ҳисобига қўзғалиш қобилиятига эга (расм).

Ишни расмийлаштиришга доир тавсиялар. Олингри чизиқларни қайдномалар дафтарига ёпиштириш уларни таҳлил қилинг. Орқа миянинг асосий асаб марказини сананг.



33-расм. Рефлекснинг чарчашини намоён қилувчи эгри чизик.  
 1) кичик болдир асаби таъсирилганда яримпайсизмон мушакнинг чарчаши  
 эгри чизиги; 2) таъсириловчи электродлар катта болдир асабига олиб  
 (тилганда), яримпайсизмон мушакда қисқаришнинг янгидан бошланишини  
 зертатувчи эгри чизик; 3) секундларга тенг вақт белгиси; 4) таъсирилаш  
 белгиси.

## 19-ИШ. МАРКАЗИЙ АСАБ СИСТЕМАСИДАГИ ҚҰЗҒАЛИШЛАРНИҢ ВАҚТЛІ ВА ФАЗОВИЙ ЙИФИНДИСІ (СУММАЦИЯСЫ)

Олдинги ишлардан күринадики (18-ишга қарабасын) асаб марказларининг фаолиятидаги хоссалардан бири уларнинг инертлигидир ва улар нейронларидаги құзғалишларниң құшилиш қобилиятыдир. Бу жараённинг 2 хил асосий меканизми тафовут қилинади: вақтли ва фазовий құшилиш.

## ҚҰЗГАЛИШНИҢ ВАҚТЛІ ҚУШИЛИШІ

Иш аңжомалари: стимулятор, 2 та сим, жарроқлик стопли, препаратовка учун асбоблар йигиндиси, жомча, дока салфеткалар, пахта, бақа.

**Тажриба ўтказиш тартиби.** Иш таламик бақада олиб борилади. Бунинг учун бақанинг боши куз орқасидан кесилади ва жарроҳлик столига қўйилади. Орқа оёқларидан бирга стимуляторга уланган электродлар маҳкамланади. Электродлар сифатида стимулятордан келаётган симлар хизмат қилиши мумкин. Улар тизза бўғимининг тепа ва пастига бир-бирадан 0,5 см узоқликда уралади. Бусага (пологина) таъсирот кучи топилади. Сунг I Гц ва 20—50 Гц частотадаги таъсирот берилгандан реакциялар кузатилади.

Ишниг расмийлаштиришга доир тавсиялар. Ишниг на-  
тажаскин ёзища эътиборингизни купроқ баланд частота  
билим таъсириланганда ҳаракат реакцияларининг ўзгаришига  
каратише. Кузатилётган ҳодисаларнинг сабабини тушунти-  
рамиз.

## ҚҰЗГАЛИШИНГ ФАЗОВИЙ ҚҰШИЛИШИ

Иш анжомлари: препаровка учун асбоблар йигиндиси, жомча, пахта, метроном ёки секундомер, илмоқли ва пробкалы штатив, 0,1%, 0,3%, 0,5% сульфат кислота эритмалари, сув учун стакан, бақа.

Тажриба үтказиш тартиби. Таламик бақанинг пастки жағидан штатив илмогига олинниб, илмоқ учига пробка кийдирилади (иш вақтida бақанинг илмоқдан чиқиб кетмаслиги учун) ва қон тұхтагунча кутилади.

Фазовий құшилишни букилиш рефлексида кузатиш мүмкін. Бунинг учун бақанинг орқа оёқ панжаларининг учи бұсаға концентрациясидеги кислотага туширилади ва рефлекс вақті аниқланади. Бақа панжаларини кислотага тушгандан то уни тортиб олғунгача кетген вақт метроном зарбасы (ёки секундомер) ёрдамида топилади ва бу рефлекс вақті бұлади. Кейин бақанинг оёғини стакандаги водопровод сувида ювіб, оёқлар кафти бутунлай кислотага солиб рефлекс вақті аниқланади.

Ишни расмийлаштиришга доир тавсиялар. Иккала ҳолатда рефлекс вақтini белгиланғ. Оёқлар кафти бутунлай кислотага туширилғанда рефлекс вақти нима учун үзгәради? Кетма-кет ёки вақтли ва фазодаги құшилишни тушунтирувчи схемани айтинг.

## 20-ИШ. МАРКАЗИЙ АСАБ СИСТЕМАСИДА ҚҰЗГАЛИШНИНГ ИРРАДИАЦИЯСЫ (ТАРҚАЛИШI)

Марказий асаб системасида құзғалишнинг тарқалиш ҳодисаси иррадиация номини олди. Тарқалишни тажрибада ҳайвонларнинг МАСдаги тормозловчи синапсларни боғлаб құювчы стрихнин (кучала) ёрдамида кузатиш мүмкін.

Иш анжомлари: илмоқли штатив, препаровка учун асбоблар йигиндиси, жомча, ликоб, қопқоқ, игнаси билан шприц, 0,1% стрихнин эритмаси, бақа.

Тажриба үтказиш тартиби. Спинал бақа тайёрланади. Пинцет билан орқа оёқ панжалари күчсиз қисилади <sup>вз</sup> реакция кузатилади. Кейин таъсирлаш кучи аста-секин <sup>ку</sup> чайтириб борилади ва рефлектор реакцияларға бошқа <sup>от</sup> динги ва орқа оёқларнинг ҳам құшилиши кузатилади. <sup>бұ</sup> тажриба аввалдан мұзда совутилған бақада яхши <sup>намеси</sup> бұлади.

Уша спинал бақанинг орқа тери остига 0,5 мі 0,1% стрихнин эритмаси юборилади. Бир оздан сұнг бақага бирор нарса билан тегизилса, умумий титраш (судороги) кузатылади. бу эса ҳимояланиш рефлекси эмас.

Ишни расмийлаштиришга доир тавсиялар. Тажриба схемасини чизинг. Иррадиацияга ифода беринг. МАСга стрихниннинг таъсир механизмини тушунтириңг.

## 21-ИШ. МАРКАЗИЙ ТОРМОЗЛАНИШ

Сеченов тажрибаси. Асаб фаолиятининг асосида актив ва қарама-қарши функцияга эга бўлган қўзғалиш ва тормозланиш жараёнлари ётади.


Тормозланиш деб. шундай жараёнга айтиладики, бунда фаолият пасаяди ёки унга қаршилик қилинади. Биринчи бўлиб, экспериментда (илмий тажрибада) МАС даги тормозланишни 1862 йилда И. М. Сеченов илмий тажрибада кузатди ва у "Сеченов тажрибаси" номини олди.

Бақа бош миясининг кўндаланг кесими таъсиранланганда шу нарса кузатиладики, агар оралиқ мия таъсиранса, орқа мия рефлекслари ҳаддан ташқари сусайиб кетади ва натижада сульфат кислота эритмасига туширилган оёғини бақа гортиб олмайди ёки рефлекс вақти анча чўзилиб кетади. Бу классик тажриба орқали асаб фаолиятининг иккинчи томони бўлмиш тормозланиш аниқланган эди.

Иш анжомлари: илмоқли штатив ва пробка, препаровка учун асбоблар йифиндиси, кўз томизгич, пахта, Псан қисқичи, жомча, 0,14%, 0,25% ва 0,5% сульфат кислота эритмалари, Рингер эритмаси, сувли стакан, ош тузи кристаллари, бақа.

Тажриба ўтказиш тартиби. Бақа боши очиқ қолдирилган ҳолда салфеткага ўралади. Кейин қайчининг дами билан бурун тешиги орқасидан тери озроқ кўндаланг кесилади. Кесимнинг икки ён томонидан бақанинг териси танаасига қадар қинғир кесилади. Тери қийқиндиси пастга қайтарилади ва суюклар орқали бақанинг бош мияси аранг куринади. Кичкина қайчи билан бош суяқ қопқоғи тепа томондан кесилади. Бунинг учун кесилган тери олдидан суяқ озроқ кўндаланг кесилади ва эҳтиёткорлик (мияни жароҳатламаслик учун) билан қайчининг бир дами бош суяқ қопқоғининг ич томонига қисилган ҳолда икки томондан суяқ қопқоғи кесиб, олиб ташланади ва бош мия очилади.

Олий ҳайвонларнинг бош миясига ўхшаб, бақа мияси ҳам беш қисмдан ташкил топган (34-расм). Мия сатҳи там-



34-расм. Бақанинг бош мияси.

1) бош мия яримшарлари; 2) оралиқ мия; 3) ўрта мия; 4) мияча; 5) узунчоқ мия.

пон билан құритилиб дікқат билан күрилиб, катта ярим шарларнинг пастки қисмидан наштар ёрдамида кесилади. Кесимнинг юқори қисмидаги мия олиб ташланади. Бақа пастки жағидан илгакка илиниб, қон тұхтагүнча кутилади, сүнг ичидаң қон әхтийеткорлық билан олиб ташланади, кесилган сатқа тампон ёрдамида құритилиб тажриба үткәзиши киришилади.

0.25% сульфат кислотасынинг эритмасидан таъсирловчы сифатида фойдаланыб, орқа оёкларнинг букиш рефлекс вақты аниқлашади. Ҳар бир оёқ учун рефлекс вақты 1—2 минут орнады да 2 марта текширилады. Метроном уриши 1 минутта 100 мартада бұлса, рефлекс вақты 7—12 уриши орасыда бұлади. Агар

бу вақт кисқа бұлса, кучсизроқ кислота эритмасини оли керак (0,1%). Ҳар бир аниқлашдан кейин бақанинг панжалари стакандаги сұвда яхшилаб ювилади.

Рефлекс вақти аниқланғандан сүнг, пахта тампончала билан бош миянинг қирқүлгап жой құритилади, сүнг ката бұлмаган ош тузи кристалли құйилади ва биринчи мияннанда әк рефлекс вақти үлчанади. Натижада рефлекс вақти тезда өзүйләди, мисол 25—35 урилишгача (ёки оёқ 50 мартада урилиш давомида тортиб олинмайды, яғни рефлекс йүзін Сүнг туз кристаллари олинади ва кесилган мия Рингтегі эритмаси билан ювилади.

Эслатма. Агар туз кристалли құйилгандан кейин, тоғызышиш пайдо бұлса, бу миянинг пастки қисмларига оқиб кетганидан далолат беради. Мия ювилиб, у әхтийеткорлық билан пахта ёрдамида құритилади ва тажриба тақрарланади. Сеченов тормозланиши бақа тұла тиін қолада бұлғандагина юзага чиқади.

Таъсирловчы олиб ташланғандан 5 мин үтгач, рефлекс вақти яна үлчанади ва рефлекс вақтинге олдин күрсатқичларига қайтгани күзатилади.

**Гольц тажрибаси.** Мавжуд рефлекснинг, бошқа рефлекс тив майдон таъсирланғанда, тормозланиши "Гольц бүйінде" болады.

"тормозланиш" номини олди. Бу тормозланишни бақанинг бошқа бир рецептив майдони — панжа терисини таъсираш билан қуриллаш рефлексини тұхтатыб қўйиш орқали ҳам кузатиш мумкин.

Тажриба ўтказиш тартиби. Тажриба учун эркак бақа олиниб, охирги мия олиб ташланғач (бош күз орқасидан кесилади), таламик бақа тайёрланади. Сұнг текширувчи 2 бормоги билан бақанинг бош қисмини икки ён томонидан кисади. Ушбу механик таъсираш бақада қуриллаш рефлексини чақиради. Агар шу вақтда олдинги оёғи Пеан қисқичи билан қисилса, қуриллаш рефлекси тормозланади.

Орқа мия рефлексларининг ўзаро тормозланиши. Орқа мия рефлексининг тормозланишини бир вақтнинг ўзида 2 та рефлекснинг рецептив майдонини кучли таъсираш билан ҳам юзага чиқариш мумкин. Агар бақанинг иккала оёғини бир вақтнинг ўзида таъсиrlасак, рефлектор реакция содир бұлмайди, шу билан бирга, шу таъсири билан бир оёғини таъсиrlасак, рефлекс чақирилади.

Тажриба ўтказиш тартиби. Спинал бақа тайёрланади. Тажрибани 5—7 минутдан сұнг бошламоқ лозим. Бақанинг бир оёғини 0,5% сульфат кислота эритмасига солинади ва букиш рефлекси кузатилади. Метроном ёрдамида рефлекс вақти аниқланади. Сұнгра бақа оёғи кислотага туширилиб, бир вақтнинг ўзида бошқа оёғи Пеан қисқичи билан қисилади, натижада букилиш рефлекси тормозланади ёки вақти жуда узайиб кетади.

Ишни расмийлаштиришга доир тавсиялар. Тажриба схемасини ва олинган натижаларни дафтарингизга ёзинг. Сеченов тажрибаси нимани күрсатишини ва бош миянинг қайси бұлымини таъсиrlаганимизда спинал рефлексларнинг тормозланишини чақириш мумкинligини тушунтириңг. Бир вақтнинг ўзида иккита рефлекснинг рецептив майдони кучли таъсиrlанғанда МАС да содир бұладиган тормозланишга мисоллар келтириңг.

## 2-ИШ. ОДАМДАГИ РЕФЛЕКТОР РЕАКЦИЯЛАРНИ ТЕКШИРИШ

МАС функциясининг асосини рефлектор фаолият ташкил қыттыб, **бу** шартсиз ва шартлы рефлексларнинг ўзаро таъсири натижасыда энг оддий реакциядан тортиб, то жуда там мұраккаб жавоб реакциясининг пайдо бўлишида намош бўлади.

Шартсиз рефлекс деб, МАС нинг орқа мия, мия устуни **ва** **пүстлоқ** ости тугуллари орқали ҳар хил ташқи ва ички

муҳит таъсирига доимий бир хил ва туғма реакцияларига айтилади. Клиник амалиётда ўта доимийлиги билан ажраби турадиган рефлекслардан фойдаланилади.

**Қош тепаси рефлекси.** Бу рефлекс қош тепаси ёйига неврологик болғача билан урилганда рўй беради. Рефлектор ёй: кўз асаби (уч бошли асабнинг 1-шохи), уч бошли асабнинг сезувчи ядроси, юз асабининг ҳаракатлантирувчи ядроси, юз асаби. Жавоб реакцияси қовоқнинг юмилишидан иборат.

**Корнеал рефлекси.** Бу рефлекс кўзнинг рангдор пардаси тепасидаги шох пардага эҳтиёткорлик билан пахта ёки юмшоқ қофоз теккизилганда рўй беради. Рефлектор ёй: қош тепаси рефлексининг рефлектор ёйидир. Жавоб реакцияси қовоқнинг юмилишидан иборат.

**Пастки жағ рефлекси.** Оғизни бироз очиқ турган пайтда болғача билан иякка урганда рўй беради. Рефлектор ёй: пастки жағ асабнинг сезувчи толаси (уч бошли асабнинг 3-шохи), уч бошли асабнинг сезувчи ядроси ва унинг кўприкдаги ҳаракатлантирувчи ядроси, уч бошли асабнинг 3-шохини ҳаракатлантирувчи толаси. Жавоб реакцияси чайнаш мушагининг қисқаришидан иборат.

**Қўлнинг букувчи мушак-пайларидан чақириладиган рефлекс.** Болғача билан икки бошли мушак (бицепс) ни тирсак букилиш соҳасидаги пайига урилганда рўй беради. Рефлектор ёй: мушак-тери асаби, орқа миянинг V—VI бўйин сегментлари. Жавоб реакцияси икки бошли мушак қисқариши ва қўлнинг тирсак бўғимида букилишдан иборат.

**Қўлнинг ёзувчи мушаклари пайдан чақириладиган рефлекс.** Уч бошли мушак пайига болғача билан урилганда рўй беради. Рефлектор ёй: мушак-тери асаби, орқа миянинг VII—VIII бўйин сегментлари. Жавоб реакцияси елка уч бошли мушагининг қисқариши ва қўлнинг тирсак бўғими соҳасида букилишидан иборат.

**Тизза рефлекси.** Тизза ўйнағичининг пастидан унинг зич боғламига болғача билан урилганда рўй беради. Рефлектор ёй: сон асаби, орқа миянинг III—IV бел сегментлари. Жавоб реакцияси эса соннинг тўрт бошли ёзувчи мушагининг қисқариши ва оёқнинг тўғриланишида намоёб бўлади.

**Ахилл рефлекси.** Товон (ахилл) пайига болғача ёрдамида уриш билан чақирилади. Рефлектор ёй: катта болғар асаби (қўймич асабнинг шохи), орқа миянинг I—II қўймич сегментлари. Жавоб реакцияси эса оёқ кафтинг букилишидан иборатdir.

Иш анжомлари: неврологик болғача. Иш одамда олиб борилади.

Тажриба ўтказиш тартиби. 1. Тизза рефлексини текшириш учун текширилувчига курсига ўтириши ва оёқларини чалкаштириш таклиф қилинади. Неврологик болғача билан тұрт бошли мушак пайига аста урилади. Ўнг ва чап томондаги рефлекслар солиширилади.

2. Ахилл рефлексини текшириш тиззасини курсига қўйган текширилувчидаги олиб борилади. Товон бемалол осишиб туради. Неврологик болғача билан товон (ахилл) пайига аста урилади. Товоннинг букилиш-букилмаслиги кузатилади.

3. Тирсак рефлексини текшириш учун текширилувчи қулини ярим буккан ва бушашган ҳолатда экспериментаторнинг кафтига қўяди. Экспериментаторнинг бош бармоги текширилувчининг иккиси бошли мушак пайи устига қўйилади. Болғача билан текширилувчи ўзининг бош бармогига уради. Билакнинг букилаётганини аниқлаш керак.

4. Елканинг уч бармоқли мушак рефлексини текширишда экспериментатор текширилувчининг ёнида туриб, текширувчи унинг елкасини секин ташқарига, горизонтал ҳолатта олиб боради ва чап қули билан чиганок соҳасидан шундай ушлаб туриши керакки, бунда билак тұғри бурчак ҳолатыда осилиб турсин. Билакнинг ёзилаётганини аниқлаш керак.

Ишни расмийлаштиришга доир тавсиялар. Шартсиз рефлексларга таъриф беринг. Соматик рефлексларнинг рефлектор ёйи схемасини чизинг.

Вегетатив рефлексларнинг рефлектор ёйи (симпатик, парасимпатик) схемасини чизинг.

Ҳамма санаб ўтилган рефлекслар рефлектор ёйининг асосий звеноларини кўрсатинг. Соматик ва вегетатив рефлекслар рефлектор ёйларининг тузилишидаги принципиал Фарқларни кўрсатинг.

### 23-ИШ. ИНТАКТ (СОИ) ҲАЙВОНЛАР (ДЕНГИЗ ЧЎЧҚАСИ, ҚУЕН, БАҚА) ДА СТАТИК (ВАЗИЯТ) ВА СТАТОКИНЕТИК РЕФЛЕКСЛАРНИ ЎРГАНИШ

Иккиси хил соматик рефлекслар мавжуд — фазали ва тоғын. Фазали рефлекслар келишилган (координациялашган) мураккаб ҳаракат (локомотор) актларнинг асосидир. Улар тананнинг кўчиб юришини (юриш, сузиш, югуриш) ёки унинг аирим қисмларининг фазодаги ҳаракатини таъминлады.



35-расм. Денгиз чўчқаси боши кўтарилиганда олдинги оёқларининг ёзилиши.

а) ҳайвоннинг дастлабки ҳолати (кўтарилигунча); б) кўтарилигандан сўнг.

Тоник рефлекслар табиий ҳолатни (позани) сақлаб туришга йўналтирилган, яъни тананинг фазода тусмолланишини (ориентирлаш), тана қисмларининг ўзаро жойлашиши (одамда умуртқанинг ростланиши, икки оёқда туриш, бошнинг тик ҳолатдаги туриши)ни таъминлайди. Бу рефлекслар тана ҳолати ўзгарганда ҳамда унинг вертикал, горизонтал текисликларда тўғри айланма ҳаракатида юзагачиқади.

Тоник рефлекслар ўз йўлида статик ва статокинетик рефлексларга бўлинади. Бу рефлекслар децеребрация қилинган ҳайвонларда яхши намоён бўлади.

Статик рефлекслар тананинг фазода кўчиб юриши билан боғланмаган ҳолда пассив ва актив ўзгаришлар натижасида содир бўлади. Булар поза (поза-тоник) ва ростлаш рефлексларидан иборат.


Бош ҳолати танага нисбатан ўзгарганда (силжиганда) поза-тоник рефлекслари юзага чиқади. Бундай шароитда таянч маркази ўзгариб, тана мувозанатининг бузилиш хавфи туғилади. Натижада, бир вақтда вестибуляр анализаторининг отолит аппарати, бўйиннинг проприорецепторлари ҳамда тери рецепторлари таъсиrlанишидан поза-тоник рефлекслари бошланади. Бу рефлекслар бўйин, тана ва оёқ қўллар, мушаклар тонусининг қайта тақсимланиши муносабати билан тананинг таянч марказига нисбатан силжигаш қисмини сақлаб туради.

Бошнинг актив бурилиш орқасида мушаклар тонусини<sup>мий</sup> қайта тақсимланиши тананинг келажакда осонгина кўчиб юришига имкон яратади. Шунинг учун ҳам яхши машҳулган спортчиларда тана бурилишидан олдин бош бури-



36-расм. Тана узунаси бўйлаб  $180^{\circ}$  га бурилганда, денгиз чўчқаси боши табиий ҳолатининг тикланиши.

а) бош ушлаб турилиб, тананинг  $180^{\circ}$  га бурилиши; б) бош озод қилинган (қўйиб юборилган) ҳолат.



37-расм. Тана  $90^{\circ}$  га бурилганда, денгиз чўчқаси боши табиий ҳолатининг тикланиши.

а) бош ва танаси кафт билан босиб турилиб, танаси  $90^{\circ}$  га бурилган;  
б) боши озод қилинган (қўйиб юборилган); в) танаси озод қилинган (қўйиб юборилган).

лади. Агар бўйин гипсланиб, бош ҳаракати чегаралаб қўйилса, тана ҳаракатининг аниқлиги ва тезлиги бузилади.

Поза-тоник рефлексларининг мавжудлигини турли ҳайвонларда синааб билиш мумкин.

Иш анжомлари: полистилен пардадан тайёрланган салфеткалар, денгиз чўчқаси.

**Тажриба ўтказиш тартиби.** 1. Денгиз чўчқаси полистилен парда салфеткага ўтқизилади ва унинг табиий ҳолати ўрганиллади. Унинг олдинги ва орқа оёқлари букилган ва

танаңынг тәпаси юқорига кара тилганды; боши, бүйни ва гавдаси эса танаңынг бүйнінде үқи бүйічада жойлашған.

2. Денгиз чүчқаси түмшугидан ушланиб, боши юқорига кара күтарилады. Бундай шароитда олдинги оёқлари узатылады (35-расм), орқа оёқлари эса букилады ва шу турға кара қайвонларга хос жавоб реакцияси кузатылады.

Танаңынг табиий қолати бузилганды, масалан, танаңынг  $90^{\circ}$  ёки  $180^{\circ}$  бурганды (биқин ёки چалқанча қолат) растланиш рефлекслари юзага чиқады. Бундай шароитда табиий қолатни тиклаш учун тоник рефлексларнинг занжирлы мажмуаси намоён бұлады.

Иш анжомлари: полизтилен пардадан тайёрланған салфетка, денгиз чүчқаси.

Тажриба ўтказыш тартиби. А. Денгиз чүчқасида вестим буляр анализаторнинг отолит аппаратидан бошланиб бүйин мушакларигача берилувчи рефлексни кузатыши.

Хайвон елка томонидан ушланған қолда юқорига кара күтарилады; кейин гавдаси  $180^{\circ}$  га бурилады ва бунда бош тәпаси пастта қаратылады. Бош аввал панжалар билан қисылады, кейин эса бұшатылады. Бу билан у табиий қолатни олишга ҳаракат қилады ва бош тәпасини юқорига бурады (36-расм, а).

Денгиз чүчқаси чаноқ соҳасидан ушланиб, танаңынг баш билан пастта жойлашған вертикаль қолатта ўтказылады. Бундай қолатта ҳам бош тәпа сүяги юқорига қараган нормал қолатни эгаллайди.

Денгиз чүчқасининг боши, оёқлари эхтиёткорлик билав танаңынг таяңч текислигига кафт ёки таhtacha билан қисылған қолда бирор ёнбошига жойлаштырылады, бундай қолат у тинчламагунча ушлаб турилады. Кейин бош бұшатылады. Бунда ҳам бошнинг тәпа қисми юқорига йұналтырылады нормал қолатни эгаллайди (36-расм, б).

Б. Денгиз чүчқасида бүйиннинг мушак ва пай проприорецепторлари, танаңынг проприорецепторлари ва тери рецепторларидан бошланиб тана мушаклари ва оёқларига берилувчи ростланиш рефлексларни кузатыши.

Олдинги тажриба қайтирилады. Кафт ёрдамида бош таңага қисишиб, денгиз чүчқаси бир биқиниге ётқизилады. Кейин бош ва елка қисми бушатылады: натижада бош тәпаси билан тез юқорига ва ундан сүнг танаңынг олдингі қисмлари бурилады. Бундан кейин танаңынг пастки қисмы бұшатылады. Денгиз чүчқаси оёқлари ёрдамида тикланада.

иа тасасининг орқаси бўлан  $90^0$  га бурилиб, табиий ҳолатга келсин кузатилади (37-расм).

Денгиз чўчқаси юқорига кўтарилиб, орқаси пастга қараштиб бурилади ва у озод тушиши имконияти тасаввур қилинган ҳолда ташлаб юборилади. Ҳайвоннинг боши шудаги ёки дастлабки ҳолатни эгаллайди. Сунг тананинг олдинги қисми ва оёқлари, кейин чаноқ ва орқа оёқлари бурилади. Ҳайвон ҳавода  $180^0$  га бурилади ва тўртта оёғи билан бараварига ерга тушади.

Ишни расмийлаштиришга доир тавсиялар. Кузатилган статик рефлексларни таърифланг. Поза-тоник ва ростлаш рефлекслари вазифасини кўрсатинг.

Статокинетик рефлекслар тананинг фазодаги актив ёки пассив кучиши натижасида юзага чиқади. Улар тана мувозанатини сақлашга йўналтирилган. Ҳаракатлар табиатига қараб рефлекслар 2 гуруҳга бўлинади. Биринчи гуруҳлари – олга борадиган ҳаракат вақтидаги чизиқли тезланиш, иккинчи гуруҳлари эса айланма ҳаракат вақтидаги бурчак геоланиши таъсири натижасида намоён бўлади.

I. Чизиқли тезланиш натижасида рўй берадиган статокинетик рефлекслар. -Бу типдаги рефлексларга пастга тушш, кўтарилиш (лифт) ҳамда ерга қўниш рефлекслари керади. Булар отолит аппарати ва қисман ярим айланана каналлар рецепторларининг таъсирланиши билан бўланган.


Юқорига кўтарила бошлаган пайтда мусбат тезланиш таъсирида оёқларнинг ихтиёrsиз букилиши, бош ва тананинг эгилиши содир бўлади, охирида манфий тезланиш таъсирида оёқлар узатилади, бош ва тана тикланади. Пастга тушаётган пайтда юқорида ёзилган реакциялар тескари тартибда алмашинади. Худди мана шу "лифт" рефлексидир.

Қўниш рефлекси вертикал сакрашнинг таянчсиз фазасида юзага чиқади. Ҳайвон ҳавода бўлган пайтда уз тана оғирлигини кўтаришга тайёрланар экан, унинг оёқлари узатилади ва олдинга йўналтирилади. Ерга тушганда оёқлари пружинадек ҳаракат қилиб, бош ва танани ерга урилишдан сакрайди.

"Лифт" ва қўниш рефлекслари мавжудлигига денгиз чўқаси ва қуёnda тажриба ўтказиб ишониш мумкин.

Иш анжомлари: 10 x 10 см катталикдаги тахтача, полизтилен пардадан тайёрланган салфетка, денгиз чўчқаси, ўен.

Тажриба ўтказиш тартиби. Денгиз чўчқаси майдонга койлаштирилади ва унинг ҳолати ўрганилади: олдинги ва



38-расм. Тез пастга тушиш пайтида денгиз чүчкаси позасининг ўзгариши.

а) дастлабки поза; б) тез тушишдан аввалги поза; в) тез тушиш бирданига тұхтатылғандық поза.



39-расм. Тез (сүяб) олға ҳаракатда денгиз чүчкаси позасининг ўзгариши.

а) дастлабки поза; б) олға ҳаракат давридаги поза.

орқа оёклари букилган, боши күтарилган (38-расм, а). Денгиз чүчкаси майдонча билан бирга жойидан тез юқорига дам пастга күтарилиб, туширилади. Бундай шароитда үнін гавда, бош, оёкларининг қолати қандай ўзгариши күзатылады. Тезлик билан пастга тушишнинг бошланишида денгиз чүчкасининг олдинги ва орқа оёклари тұғриланади, гавда ва боши күтарилади (38-расм, б). Тушишнинг охирде тұсатдан тұхтатылса, оёклари букилади, боши ва гавда таянч сатқа (тахтачага) ёпишади (38-расм, в). Күтарилганды эса юқорида күрсатылған рефлектор реакциялар тескари тартибда алмашинади.

Денгиз чүчкаси юқорига күтарилади ва ҳавода түрілади: унинг оёклари ярим букилган ва осилған қолдарында бўлади. Кейин тезлик билан ерга қараб ҳаракат қилинилди.

Лада. Ҳаракат пайтида ҳайвоннинг олдинги ва орқа оёклари үзатылади ва олдинга чўзилади, панжалари эса еллигичсизмон ёзилади. Бу — қўниш рефлексидир.

Агар қўён ва денгиз чўчкаси столга жойлаштирилиб, улар олга, тез ҳаракатлантирилса, уларнинг оёкларида ҳам худди шундай ҳолат юз беради.

II. Бурчаклы тезланиш таъсиридан келиб чиқадиган статокинетик рефлекслар. Мусбат ва манфий бурчак тезланишида статокинетик рефлексларнинг мавжудлигига бақани қоятиш билан осонгина ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Иш анжомлари: айланувчи курси, катта воронка, сувли хом, бақа.

**Тажриба ўтказиш таритиби.** 1. Бақанинг нотекис айланма ҳаракати пайтида ҳосил бўлган статокинетик рефлекслар ҳарактери кузатылади. Бунинг учун у айланувчи курсига ўтқазилади, устидан катта воронка ёпилади ва тезга айлантирилади. Айланышнинг дастлабки даврида мусбат бурчак тезланиш таъсири остида бақанинг боши айланышга ишебатан қарма-қарши томонга бурилади. Бош кетидан шу томонга тана ҳам қайрилади. Айрим ҳолларда мусбат бурчак тезланиши таъсирида бақанинг айланма ҳаракатга қарма-қарши томонга ўрмалашы кузатылади. Айланма ҳаракат ўтқагадан сўнг, бақанинг позаси дастлабки ҳолатга келади.

2. Бақа суви бор жомга туширилиб, жом айланувчи курсига жойлаштирилади. Айланма ҳаракат вақтида бақанинг ҳаракатга қарама-қарши томонга сузиши кузатылади.

Ишни расмийлаштиришга доир тавсиялар. Сизга маъдум бўлган статик ва статокинетик рефлексларни сананг. Уларнинг рецептор майдонини ва аҳамиятини кўрсатинг.

#### 24-иши. БАҚА БОШ МИЯСИННИНГ ҲАР ХИЛ ВИДИМЛАРИНИНГ МУРАККАБ ЛОКОМОТОР АКТЛАРНИНГ ЮЗАГА ҚИҚИШДАГИ РОЛИ

Бош мия ҳар хил қисмларининг скелет мушакларининг тонусини идора қилишдаги ролини аниқлаш учун қирқиш өз олиб ташлаш (экстирпация) усууларидан фойдаланилаш. Бу усуулар ёрдамида ҳар хил синфга мансуб умуртқали ҳайвонларда мушак тонусини идора қилишда марказий менинглиларнинг умумий ҳамда қисман айрим ўзига хос хусусиятлари аниқланган эди. Хусусан, бақанинг МАСнинг олий бўлими ҳисобланган охирги миясиннинг олиб ташлашни умуман унинг позасида ва мураккаб келишилган

ҳаракатларида акс этмайди. Бақадан фарқли ўларок, ма-  
мун ва одамда бош мия ярим шарларини олиб ташла-  
ҳаракатларнинг кескин бузилишига олиб келади.

Бульбар бақа ўзи табиий ҳолат бўлган ўтириш позаси-  
йўқотади. Лекин бундай бақада ростланиш (тўғриланиш)  
рефлексларидан бири бўлган чалқанча ётишдан қорин бу-  
лан ётишга интилувчи рефлекс сақланиб қолади. Сут эн-  
зувчиларда бу рефлекс албатта ўрта миянинг иштироки  
амалга оширилади.

Иш анжомлари: препаровка учун стол, 2 x 8 x 12  
кагталикдаги ёғоч, ўзининг вертикал ўқи атрофида айлан-  
нувчи майдонча, катта шиша воронка, ликопча, жарроҳ-  
асబоблари йигиндиси, иплар, сувли жом, иккита бақа.

Тажриба ўтказиш тартиби. Бақанинг табиий позаси-  
униг оғриқ чақиравчи таъсирга реакцияси мураккаб  
комотор актларни содир қилиш қобилияти кузатилади.  
Бақанинг бош тепа суяги юқорига қарагани, боши ва га-  
даси танасининг бўйлама ўқи бўйлаб жойлашгани, ор-  
оёқлари йигилгани, олдингилари эса узатилган ҳолда ту-  
гани аниқланади.

Бақанинг орқа оёғи таъсирланганда, унга жавобан уса-  
райди, бу мураккаб локомотор актдир. У мақсадга мувоға-  
ҳаракатни мустақил бажариш имкониятига эта.

Бақа тахтачага ўтказилиб, секин горизонтал ҳолатда  
вертикал ва аксинча ҳолатга ўтказилади. Бундай шарорти  
бақа ўзининг мувозанатини сақлашга интилиб, тахтачани  
бир томонидан иккичи томонига ўрмалаб ўтади. Бақа  
наси бўйлама бўйича 180° бурилади ва чалқанча қўйилади.  
У бурилиб нормал позани эгаллади.

Бақа горизонтал текисликда тезланиш билан айлан-  
рилади. Айланётган пайтда бақа бошини айлан-  
ҳаракатга нисбатан қарама-қарши томонга буради. Айлан-  
шу томонга унинг гавдаси ҳам қайрилади ёки букилди.  
Бақани тахтачага ўтказилади, кейин у туширилади.

Кутарилишнинг боши ва охирида бир-бирга қарама-  
ши реакциялар кузатилади.

Бақанинг ростланиш, статокинетик рефлексларни  
мураккаб локомотор актларни юзага чиқаришга қодир  
лиги ҳақида хулоса қилинади.

Охирги мияни иккى томондан олиб ташлашнинг оғриқ-  
ти. Бақа танаси дока салфеткага ўралади, сўнг бурунча-



40-расм. Мия қутиси ёрилиб, бош мияси очилган бақа.

Айни қутисининг кесилган тери парчалари ўзига қўйилади, натижада бош мия кўринади (40-расм, а).

Бақанинг бўйламасдан, бош мия қопқоғи кесилади ва олиб ташланади (40-расм, б).

41-расм. Бақа бош миясининг кесиладиган сатҳи.  
1) охирги мия; 2) оралиқ мия; 3) урта мия (кўрув соҳаси); 4) мияча; 5) узунчоқ мия.

оргасидан калла ва тана чегарасигача териси икки еридан  
кингир қилиб кесилади. Қирқилган тери лахтаги пастга  
хўйилади, натижада бош мия кўринади (40-расм,  
а). Кичкина қайчи ёрдамида эҳтиёткорлик билан, мияни  
хароҳатламасдан, бош мия қопқоғи кесилади ва олиб таш-  
ланади (40-расм, б).

Сўнгра бош мия бўлимлари топографияси билан тани-  
шиб чиқилади. Охирги мия топилади ва наштар ёрдамида  
хўйилади. Охирги мия топилади ва у олиб ташланади  
(41-расм). Қирқилган терилар чеккалари тортилиб, бир-би-  
рга тикиб қўйилади.

Операциядан сўнг охирги мияси олиб ташланган бақа  
аксал қимирламай ўтиради, бироқ 15—30 минутдан сўнг  
унинг ҳаракат активлиги тикланади ва нормал ҳолатини  
таслаб олади. Агар бақанинг орқа оёғи ён томонга тортил-  
са, унг йигиб олади, кучли оғриқ берувчи таъсирга бақа  
курунчидан турган бўлса, сакраб, сувда бўлса, сузиш билан  
хамоб беради. Бақанинг иккى биқинидаги териси таъсир-  
ланади, у қуриллайди. Шундай қилиб, охирги миядан жудо-  
килмаси бақада нормал ҳолатда туриш ва мураккаб ло-  
комотор актларни юзага чиқариш сақланиб қолади.

Мияча, ўрта, оралиқ ва охирги мияларни тұла олиб ташлашнинг оқибатлари. Бунинг учун бошқа бақа ишлатилади. Аввало, унинг юқорида саналған тоник рефлексларни ва мұраккаб локомотор актларни юзага чиқаришга имконияти текшириләди. Сұнгра мияси очилади, күрув дұмбоқчалари мияча узунчоқ миядан ажратилиб, оралиқ ва охирги билан құшиб олиб ташланади, натижада бақада фақат узунчоқ ва орқа миялар қолади (бульбар бақа). Қон оқиши пахта тампон ёрдамида тұхтатилади, мия тери лаҳтаклари биләй беркитилади ва бақа шиша қалпоқча остига құйилади. 20—30 минутдан сұнг, юқорида ёзилған мезон (критерий) дағы фойдаланиб, кузатишлар қайтарилади.

Бульбар бақанинг ҳолати ўтирганда нотүгри эканлиғи боши қуйига түшгани, танаси таяңч текисликка тақалиб тұрғанлиғига ишонч ҳосил қилинади. Бақа деярли ҳамма мұраккаб локомотор актларни, барча статокинетик рефлексларни юзага чиқариши имкониятынни йүқтөтади. У оғри чақи्रувчи таъсиротта сакраш (оёғини қимирлата олса ҳам) ва чимчилаганда сувда сузиш билан жавоб бермайды. Агар бақа ўтирган таҳтача горизонтал ҳолатдан вертикал ҳолатта ўтказилса, у мувозанати сақлаш учун таҳтачанинг бир чек касидан бошқа чеккасига ўрмалаб ўта олмайды ва шунинг учун у йиқилади. Бульбар бақада "лифт" ва қарама-карши айланиш рефлекслари йұқ. Үнда фақат ягона, тоник ростланиш рефлекси — айланиб олиш рефлекси булиб, бақа қалқанча ётқизилса, у бир неча бор ҳарапатланиб бұлса ҳам, қорнини пастға айлантириб, табиий ҳолатни эгаллади.

Бульбар бақанинг узунчоқ мияси олиб ташланишининг оқибати. Бу тажриба учун аввалғы тажрибада ишлатилған бақа олинади. Ўткір наштар ёрдамида кураклар соқасидав узунчоқ мия орқа миядан ажратилади, натижада бақа орқа мияли булиб қолади. 5—10 минут ўтгандан (бақа орқа қархтлигидан чиққанидан) сұнг тажриба ўтказылға киришилади.

Орқа мияли бақада табиий ҳолат бұлмайды: бosh ва таяңч юзада чүзилиб ётади, оёқ мушакларининг таранглигі паст бұллади. Охирда статик ростланиш рефлекси йұқолиб қалқанча ётқизилған бақа бошқа тұнтарила олмайды. Фақатгина мушаклар таранглигі бироз сақланған бұлдан тана ва оёқ териси таъсирланғанда оддий сегментар рефлектор актлар бұлмиш букиш, ёзиш, артиш рефлекслары билан жавоб беради.

Ишни расмийлаштиришга доир тавсиялар. Бақа боя миясининг схемасини чизинг, унинг бұлакларини ва кесе

коғини күрсатинг. Бақа боя мияси ҳар хил соқаларининг мушаклар тонуси ва локомотор актларни бошқаришдаги әдамиятины күрсатинг.

## 25-ИШ. БАҚА УЗУНЧОҚ МИЯСИДА ФУНКЦИЯЛАР ЖОЙЛАНИШИНІ АНИҚЛАШ

Марказий асаб системаси, жумладан боя мияда функцияларнинг жойланишини үрганиш учун қадимдан таъсирлаш, кесиб олиб ташлаш, уни ҳар хил сатұлардан қирқиб үйиш, биоэлектрик потенциалларни ёзіб олиш ва бошқа үсуллардан фойдаланилади. Электр токи ёрдамида мақаллий таъсирлаш әнг содда усул ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бу усул фақаттана үткір ва сурункали тажрибеларда құлланибгина қолмасдан, балки одам миясида операция қилинаётган пайтда ҳам құлланилади.

Узунчоқ мияни электр токи ёрдамида мақаллий таъсирлаш усули билан танишиб, унинг барча қисмларининг функционал жиҳатдан бир хил әмаслигини бақа миясида жуда осон аниқлаш мүмкін.

Иш анжомлари: электрон стимулятор, пластинкали индифферент/ ва игнасимон /актив/ иккита электрод, препаратка учун асбоблар йиғиндиси, жомча, дока салфетка, пахта тампонлари, бақа.

Тажриба ўтказылар тартиби. Бақанинг боши устидаги төрі кесиб олиб ташланади: әхтиёткорлик билан, бақа миясими жароҳатламасдан калла бүшлиғи очилади. Ўткір наштар ёрдамида мияча орқа қисмидан қирқилади ва мияча, ўрта, охирги мия бир йұла олиб ташланади. Сұнгра пахта ёрдамида қолған узунчоқ мия құритилади ва бақа индифферент электрод ҳисобланған нам металл пластинкага қалқанча қилиб жойлаштирилади.

Узунчоқ мияни якка турткы бериб таъсирлаш учун стимулятор тайёрланади. Шу мақсадда игнасимон актив электрод боя мушакларга қойылып, токнинг бұсаға кучи топилади. Сұнгра тажрибага киришилади. Игнасимон электрод узунчоқ миянинг ҳар хил қисмларига текизилади. Хайвоннинг жавоб реакцияснининг характеристтери кузатилади. Узунчоқ миянинг олдинги бұлыми таъсирланғанда күз пиршиши ва күз соққасининг ичкарига киришини чақи्रувчи соқшары борлиги топилади. Ўрта бұлими таъсирланғанда орныз диафрагмаси мушаги құсқарып, унинг юқорига ва пастти салжышини чақирувчи соқа борлиги аниқланади.

Ишни расмийлаштиришга доир тавсиялар. Бақанинг узунчоқ миясини таъсираш учун қурилмалар схемасини чизинг. Узунчоқ миянинг маълум сегментар ва сегментар усти марказларини сананг.

## ФИЗИОЛОГИК ФУНКЦИЯЛАРНИ ГОРМОНАЛ ИДОРА ҚИЛИШ

### 26-ИШ. ОЛИБ ТАШЛАНГАН БАҚА КЎЗИННИГ (ЭНУКЛЕАЦИЯ) ҚОРАЧИГИГА АДРЕНАЛИННИНГ ТАЪСИРИ

Адреналин буйрак усти бези мағиз моддасининг гормони ҳисобланади. Адреналин қон томирга юборилганда ёки кўзга томизилганда қорачиқ кенгаяди.

Адреналиннинг худди шундай таъсирини олиб ташланган кўзда ҳам кузатиш мумкин.

Иш анжомлари: препаровка учун асбоблар йигиндиси, кўз томизгич, жомча, 2 ойнак ёки фарфор косача, миллиметрли қофоз бўлаги, 1:1000 ли адреналин эритмаси, бақа.

Тажриба ўтказиш тартиби. Бақанинг кўз орқасидан юқори жагини кесиш билан бошсизлантирилади. Зонд ёрдамида орқа мия бузилади. Иккала кўз олинади. 2 та косачага 5 млдан Рингер эритмаси қўйилади. Ҳар бир кўз алоҳида косачаларга жойлаштирилиб, ёруғ жойга қўйилади. Миллиметрли қофоз бўлаги ёрдамида ҳар бир кўзниң қорачиқ диаметри ўлчанади. Косачаларнинг бирига 1:1000 адреналин эритмасидан 3 томчи томизилади. 25—30 минутдан кейин ҳар бир кўзниң қорачиқ диаметрлари текширилади. Тоза Рингер эритмасига жойлаштирилган кўз қорачигига нисбатан адреналин томизилган эритмадаги кўзниң қорачиқ диаметри катта эканлиги аниқланади.

Ишни расмийлаштиришга доир тавсиялар. Қайдномалар дафтaringизга иккита кўзни айланалар куринишни чизинг, ҳар бирининг марказида қорачиқнинг турли диаметрлардаги айлана куринишини тегишли адреналиннинг таъсиригача ва ундан кейинги тегишли миллиметрлардан катталигини ифодаланг.

### 27-ИШ. ИНСУЛИН ОРТИҚЛИГИНИНГ СИЧҚОНЛАРГА ТАЪСИРИ

Инсулин ошқозон ости безининг эндокрин (Лангерганс оролчалари) қисмидаги  $\beta$ -хужайралари томонидан ишлаб

бұлғында. Гормон 2 та занжирдан түзілған полипептиқ бұлғын, битта занжир 21 та, бошқаси 30 та аминокислоталар қолдигини үзіде сақтайды. Инсулиннинг физиологик тәсірлеридан бири бұлғын, унинг қондаги қанд миқдорини мазылум бир меңдерда ушлаб туришидір. Инсулин одам да бошқа умуртқали ҳайвоналарда, қондаги шакар миқдорини камайтирувчи ягона гормондیر. Агар инсулин катта дозада юборилса да қондаги қанд миқдори 2,250 ммол/л дан камайса, у ҳолда бош мияннинг глюкоза билан таъминланиши бузилады да гипогликемик карахтлик (шок) вужудға келеді.

**Иш анжомлари:** 2 та шиша банка, корицанг (узун катта қисқыч), туберкулин шприци, 1 мл ли шприц, инсулин, 10% ли глюкоза эритмаси, бир хил вазндаги (яхши 20 г дан камроқ) 24 соат давомида оч қолдирилған 2 та оқ сичқонлар.

**Тажриба үтказиш тартиби.** Тажриба 24 соат оч қолған 2 та сичқонда үтказилади. Ҳар бир сичқоннинг териси остига 1 ТБ инсулин юборилиб, алоқида банкаларга жойлаштириледі. Сичқонлардан бирининг қорин бүшлиғига бир вақтда 10% глюкоза эритмасидан ҳам 1 мл юборилади. Ҳайвонларнинг ҳолати да хатти-харакати күзатылады. Орадан 40—60 мин үтгач, глюкозасиз инсулин олган сичқонда гипогликемик карахтликнинг белгилари (гавда вазиятининг үзгариши, нафаснинг тезлашуви, жүнларнинг тикка булиши, ҳаракат актларининг бузилиши, клоник) тартибсиз тортишишлар пайдо болады. Сичқон сақланаётгандын мұхиттің ҳарорати қанча юқори бұлса, инсулиннинг таъсири шунча тезроқ юзага чиқады. Тортишиш ҳуружи 20 с деңгейден күпроқ давом этады да оқибатда ҳайвонни үлемге олиб келиши мүмкін. Шундай ҳайвоннинг қорин бүшлиғига 10% ли глюкоза эритмасидан 1 мл юборилиши унда бир неча минутдан сүнг нормал ҳолатнинг тикланишига олиб келади. Инсулиндан кейин оқ глюкоза юборилған сичқонда гипогликемик ҳолатдаги тортишиш да бошқа аломаттар күзатылмайды.

**Ишни расмийлаштиришга доир тавсиялар.** Ҳайвонга инсулин да кейин глюкоза юборилгандын унда содир бұлған үзгаришларни дафтарингизда акс этириңг. Гипогликемик карахтликнинг пайдо булиш да унинг глюкоза юборилғандын кейин үтиб кетиш вақтларини белгиланғ. Қонда қанд миқдорининг бир меңдерда ушланиб туриш механизмини түшүнтириңг.

#### IV бўлим

### ОРГАНИЗМНИНГ ИЧКИ МУҲИТИ. ИЧКИ МУҲИТ ДОИМИЙЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ҚАТНАШУВЧИ СИСТЕМАЛАР, ОРГАНЛАР ВА ЖАРАЁНЛАР

#### ҚОН

##### 28-ИШ. ТЕКШИРИШ УЧУН ҚОН ОЛИШ

Қуён қулогидан қон олиш (хроник-сурункали тажриба). Бир қатор масалаларни ечиш учун экспериментда ҳайвонлардан мунтазам равишда қон олиш лозимдир, масалан, эмланган қуёнлардан иммуни зардобни олиш. Шу мақсад учун қуён қулогининг чекка венасидан қон олинади.

Қуён қулогининг чекка венасидан қон олиш усули унча мураккаб эмас.

Иш анжомлари: пинцет, лезвия, стаканча ёки пробиркалар, пахта, қуён.

Тажриба ўтказиш тартиби. Қон олиш интакт (соғлом) ҳайвонда наркозсиз (ухлатмасдан) олиб борилади. Қуён олдиндан тўйғазилади (сув билан).

Пинцет билан қуён қулогининг чеккасидан жунлар юлиб олинади. Териси орқали чекка вена яхши кўриниб туради. Лезвия билан вена устидан узунасига кесилади, қон идишга йигилади. Керакли қоннинг миқдори олинганидан сўнг (бир олишда 70—80 мл гача) кесилган жой пахта билан қисилади.

Ишни расмийлаштиришга доир тавсиялар. Қуён қулоги чекка венасининг жойланишини чизинг.

Қуёнинг уйқу артериясидан қон олиш (ўткир тажриба). Бир қатор физиологик, биокимёвий, иммунологик ва бошқа ишларни бажаришда ҳайвонлардан кўп миқдорда қон олиш лозим бўлади. Қуёnda бу бевосита (тўғридан-тўғри) уйқу артериясидан олиш билан ўтказилади.

Иш анжомлари: қуён маҳкамланадиган станок, пинцет, қисқич, қайчилар, шиша илмоқлар, шприц, полистилен найдаси, стаканча ёки пробиркалар, 2% ли новокаин эритмаси, иплар, бинтлар, қуён.

Тажриба ўтказиш тартиби. Қуён қорин томонини юқорига қилиб қўл ва оёқларидан боғланади (маҳкамланади). Бўйин соҳасидаги тери остига 2 мл 2% ли новокаин эритмаси юборилади. Бўйнидаги жунлар қирилган Новокаин юборилганидан 5 мин ўтгач, бўйнининг ўрта чизиги бўйлаб узунасига кесилади. Терилар 2 томонга очи-

бүйин мушаклари орасига 2 мл 2% ли новокаин эрит-  
маси юборилади. Ундан ташқари, мушаклар новокаин эрит-  
маси билан ҳўлланади. Улар чеккага кесиб суриласди, керак  
бўлса, олиб ташланади. Трахея ва вена орасида ётган уйқу  
артерияси узунлиги 2—4 см қилиб атрофдан ажратилиб,  
бошга яқин жойдан боғланади, юракка яқин жойдан  
боғланади, юракка яқин жойдан эса боғлам ўтказилиб,  
қисқич қўйилади. Боғланган жой билан қўйилган қисқич  
орасидаги arterия девори ярмигача бурчак остида кесиласди  
ва унга бурчак остида кесилган политэтилен трубкачаси  
киритилиб, боғлам билан маҳкамланади. Трубкачанинг бўш  
томони билан пробиркага энгаштирилиб, қисқич олинади  
ва бир неча центрифуга пробиркалари тўлғазилади. Қон  
йўқотишда қуёnda қалтираш, сапчишлар пайдо булиши  
мумкин, шунинг учун у қўл билан ушлаб турилади. Сут  
эмизувчиларда қон тана вазнининг  $\frac{1}{13}$  қисмини ташкил  
этади, шунинг учун 2 кг вазнили қуёnda 150 мл гача қон  
булади, лекин амалда 100 мл гача қон олиш мумкин.

Одамдан қон олиш. Клиник амалиётда ва бир қатор  
масалаларни ечишда одамдан мунтазам қон олиш лозим  
булади. Шу мақсад учун қон қўл бармоғидан олинади.

Иш анжомлари: скарификатор, пахта, спирт, эфир, йод.

Тажриба ўтказиш тартиби. Қон берувчи столга нис-  
батан ёни билан ўтириб, кафтини юқорига қаратган ҳолда  
қўлини столга қўяди. IV бармоқнинг охирги панжаси (фа-  
ланга)нинг териси спирт, кейин эса эфир билан яхшилаб  
артилади. Санчишдан олдин тери қуруқ ҳолда булиши ке-  
рак. Охирги панжанинг уни ён томонларидан сиқиласди ва  
стерилланган скарификаторнинг бехосдан тез ҳаракати  
орқали тери тешилади. Тешикнинг чуқурлиги шундай  
булиши керакки, натижада охирги панжа учининг ёnlаридан  
бармоқни сиқмасдан қоннинг ўз ҳолиша чиқиши таъ-  
минланиши лозим. Қоннинг биринчи томчиси артиб таш-  
ланади, кейингиси анализ учун ишлатилади. Томчи тери  
бўйлаб оқмаслиги керак.

Ишни расмийлаштиришга доир тавсиялар. IV бар-  
моқдан қон олишнинг афзаллигини тушунтиринг.

## 29-ИШ. ҚОН ПЛАЗМАСИ ВА ЗАРДОБИНИ ОЛИШ

Қон плазмасини олиш. Клиника ва тадқиқотда бир  
қатор текширишлар қон плазмаси билан ўтказилади. Ма-  
саласи, қон ивиш системасидаги плазма рекальцификацияси

вақтини аниқлаш. плазманинг гепаринга бўлган толерантлиги ва ҳ. к. тестлари плазмада ўрганилади.

Иш анжомлари: шиша стаканча, пробиркалар, пробиркаларни мувазана тловчи тарози, центрифуга, пенициллин флаконлари, стеклограф (шишага ёзувчи қалам), соф қон, лимон кислотаси натрийли тузининг 3,8% ли эритмаси.

Тажриба ўтказиш тартиби. Қуёning қони 3,8% ли лимон кислотасининг натрийли тузи эритмаси қўйилган шиша стаканчага йигилади (консервант, қон нисбати — 1:9). Қон центрифуга пробиркаларига қўйилиб, мувозанатга келтирилади, 20 минут давомида минутига 1500 марта айланадиган тезликда қон центрифугаланади. Чукма усти суюклиги (плазма) пенициллин флаконларига олиб ўтилиб, кейинги текширишлар учун ишлатилади.

Ишни расмий лаштиришга доир тавсиялар. Қон плазмасининг асосий константаларини дафтaringизга ёзинг.

Зардобни олиш. Қон зардоби кўплаб физиологик, биохимиявий, иммунологик ва бошқа текширишларни бажаришда, масалан, қон группасини аниқлаш, иммуноглобулинларни олиш учун ва ҳ. к. да зарурдир.

Иш анжомлари: пробиркалар, Пастер пипеткалари, пробиркаларни мувозанатловчи тарози, центрифуга, пенициллин флаконлари, стеклограф (шишага ёзувчи қалам), соф қон.

Тажриба ўтказиш тартиби. Қуёning қони ва бир неча центрифуга пробиркаларига йигилади ва Пастер пипеткаси пробирка деворига ёпишган қаватини ажратиш учун девор бўйлаб "айлантирилади" Бу иш вақти-вақти билан қайта тақрорланади. Пробиркалар 4°C ҳароратга эга бўлган ходильник (совуттич)ка 60 минутга жойлаштирилади. Пробиркаларни мувозанатга келтириб, 20 минут давомида минутига 1000 марта айланадиган тезликда центрифугаланади. Қон зардоби пенициллин флаконларига олиб ўтилади.

Ишни расмий лаштиришга доир тавсиялар. Зардобни соф қон ва унинг плазмасига нисбатан бўлган фарқини тушунтиринг.

### 30-иш. ҚОН ЗАРДОБИННИНГ БУФЕР ХУСУСИЯТЛАРИНИ КУЗАТИШ (ФРИДЕНТАЛЬ ТАЖРИБАСИ)

Юқори табақали ҳайвонлар, хусусан одам қони ўзининг актив реакциясининг нисбатан доимийлиги билан ажралшиб туради. Қоннинг pH катталиги 7,36 га тенг бўлиб, 7,3—7,4 чегарасидан чиқмайди, яъни кучсиз ишқорийдир. Метаболизм натижасида кислотали ва ишқорий моддалар узлуксиз

қонга тушиб туришига қарамасдан, қоннинг pH-доимийлиги сақлаб турилади. Айниқса, тұқымаларда кислотали моддалар күп ҳосил бўлади (кўмир, сут кислоталар ва ҳ. қ.). Мәтъумки, зардоб реакциясини ишқорий қилиш учун, унга дистилланган сувга нисбатан бир неча ўн маротаба (40—70) ўювчи натрийни күп қўшишга тұғри келади. Реакцияни кислотали қилиш учун эса зардобга бир неча юз маротаба (300—400) дистилланган сувга қараганда хлорид кислотасини күп қўшиш керак. Ван-Слайд бўйича қон буфер сиғимининг аниқ улчами сифатида 10 мл қоннинг pH ни битта бирликда ўзгартариш учун қўшиш керак бўлган кучли ишқор кислотанинг грамм-эквивалент миқдори ҳисобланади. Қоннинг pH доимийлиги бутун бир қатор регулятор механизмлар ва биринчи навбатда, қоннинг буфер системалари эвазига таъминланади.

Иш анжомлари: 2 бюретка, 5 мл ли 2 пипетка, 4 стаканчалар, 0,01 M ўювчи калий эритмаси, 0,1 н водород хлорид кислотаси эритмаси, дистилланган сув, индикаторлар: метилоранж ва фенолфталеин; 10 марта суюлтирилган қон зардоби.

**Тажриба ўтказиш тартиби.** 2 та тоза стакан олиниб, уларнинг бирига 5 мл қон зардоби, 2-чиға 5 мл сув қўйилади, стаканларга 1 томчи метилоранждан томизилиб, санаган ҳолда 0,1 н водород хлорид кислотаси эритмаси билан чайқаса, йўқолмайдиган қизил ранг ҳосил бўлгунча титрларади ва томчилар сони аниқланади. Титрлаш буфер хусусиятлари бўлмаган сувдан бошланиб, контроль учун ишлатилади. Одатда титрлаш ҳисоби содда бўлиши учун титрланган эритманинг миллилитрларида эмас, балки томчиларида олиб борилади. Иккита стаканча олиниб, уларнинг бирига 5 мл зардоб, 2-сиға эса 5 мл сув қўйилади. Ҳар бир стаканчага 1 томчидан фенолфталеин томизилиб, томчилар саналган ҳолда 1 минут давомида йўқолмайдиган оч бинафша ранг ҳосил бўлгунча 0,01 н ўювчи калий эритмаси билан титрланади (рангни янаям аниқроқ таққослаш учун иккала стаканчаларни оқ қофозга қатор ҳолда қўйиб олиш керак).

**Ишни расмийлаштиришга доир тавсиялар.** Сув ва зардобни титрлаш учун неча томчи ишқор кетганини аниқланг. Сув ва зардобни титрлаш учун неча томчи кислота кетганини аниқланг. Реакцияни ишқорий қилиш учун, ўювчи калийни сувга қараганда зардобга неча марта кўп қўшишни ҳисоблаб чиқинг. Реакцияни кислотали қилиш учун водород хлорид кислотасини сувга қараганда зардобга неча марта кўп қўшишни ҳисоблаб чиқинг /Зарdobнинг ўн

маротаба суюлтирилганини эсда тутинг/. Қондаги буфер системаларининг номини айтинг. Қон зардобидаги водород хлорид кислотаси ва ўювчи калийнинг нейтралланиш реакцияси тенгламасини ёзинг.

### 31-ИШ. ГОРЯЕВ ҲИСОБЛАШ КАМЕРАСИДА ҚОННИНГ ШАКЛЛИ ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ САНАШ

Қон суюқ қисмдан — плазмадан ва ундаги муаллақ ҳолдаги элементлар: эритроцитлар, лейкоцитлар, тромбоцитлардан иборат. Қоннинг 45 фоизга яқинини шаклли элементлар, қолган 55 фоизини плазма ташкил қилади. Шаклли элементлар миқдорини уларнинг 1 мкл қондаги сони билан ифодалаш қабул қилинган.

Қонда ўртача эритроцитлар  $4,5 - 5 \cdot 10^{12}/\text{л}$  ( $4500000 - 5000000$  1 мклда), лейкоцитлар  $4 - 9 \cdot 10^9/\text{л}$  (1 мклда  $4000 - 9000$ ), тромбоцитлар  $3000 \cdot 10^9/\text{л}$  (1 мклда  $300000$ ).


Бармоқдан олинган қоннинг шаклли элементларини санашиб учун қулагай бўлган керакли ҳужайралар концентрациясини яратиш учун маҳсус аралаштиргич (меланжер)ларда қон суюлтирилади (42-расм). Суюлтирилган қон билан санақ камераси тўлдирилиб (43-расм), микроскоп остида шаклли элементлар сони саналади. Суюлтирилган қоннинг миқдори ва камеранинг ҳамжини билган ҳолда, 1 мкл соғ қондаги қон таначаларнинг сони ҳисобланади.

Иш анжомлари: микроскоп, Горяев ҳисоб камераси, қизил ва оқ қон таначалари учун меланжерлар, скарификатор, суюлтирувчи суюқликлар учун 2 ликопча, пахта, 3% ли натрий хлорид эритмаси, метилен кўки билан бўялган 5% сирка кислотаси эритмаси, спирт, йод, эфир. Иш одамда олиб борилади.

Меланжер пипетка бўлиб, ампуласимон кенгайиш жойи бўлади. Ампулада қонни яхши аралаштириш учун шиша таёқча (бусинка) бўлади. Капиллярда 2 белги бўлиб — 0,5 ва 1, учинчи белги ампуласимон кенгайишдан юқорида турди, меланжерда эритроцит ва тромбоцитлар учун — 101, лейкоцитлар учун — 11. Охирги белгилар ампула ҳажмининг капилляр ҳажмидан ёнча марта катта эканлигини кўрсатади. Эритроцитларни санаашда уларни бужмайтирувчи 3% NaCl нинг гипертоник эритмаси суюлтиргич сифатида қўлланилади. Лейкоцитларни санашиб учун метилен кўки билан бўялган 5% ли сирка кислотаси эритмаси қўлланилади. Кислота шаклли элементлар қобигини бузди, бўёқ эса қон ҳужайралар (лейкоцитлар) ядросини




42-расм. Қон шаклли элементлари учун меланжер (а) ва меланжерларга қонни олиш (б).

(1) эритроцитлар учун меланжер; 2) лейкоцитлар учун меланжер.



43-расм. Горяевнинг ҳисоблаш камераси.

(а) тепадан кўриниши; (б) ёнидан кўриниши; (в) Горяев тўри.



в

бўяди. Бунда эритроцитлар кўринмайди ва лейкоцитларни санашиб учун халақит бермайди.

Ҳисоб камераси қалин предмет ойна бўлиб, ўрта қисмida 4 та кичкина тарновчasi бор. Улар орасида 3 та тор пластинкалар ҳосил бўлади. Ўрта пластинка ёнидагилардан 0,1 мм паст бўлиб, кўндаланг тарновча орқали тенг иккига бўлинган. Тарновчанинг иккала томонида тўр жойлашган.

Ён пластинкаларнинг ўртадагисига нисбатан 0,1 мм га баланд бўлганлиги учун, улар устига ёпувчи ёки қопловчи (покровное стекло) юпқа ойна қўйилганда, тўр устида тукурлиги 0,1 мм бўлган камера ҳосил бўлади.

Горяев түри (43-в расмга карант) 225 та (15 x 15) катта квадратлардан иборат. Ҳар учинчи квадрат құшымча құндаланғ ва узунасига кетған чизиқтар ёрдамида 16 та кичик квадратчаларға булинган. Кичкина квадратчаларға булинган бундай катта квадратлардан тұрда 25 та. Кичик квадрат томони  $1/20$  мм, майдони  $1/20 \times 1/20 = 1/400$   $\text{мм}^2$ . Шундай деб аталувчи кичик квадрат ҳажми  $1/400 \times 1/10 = 1/4000$   $\text{мм}^3$ .

Та жириба үтказиш тартиби. 1. Иш бошлашдан аввал ҳисоблаш камераси турининг тузилишини тушуниб олиш керак. Бунинг учун камера микроскоп остига жойлаштирилади ва аввал кичик, кейин эса катта катталаштириша тұр құриб чиқылади, кичик ва катта квадратлар излаб топилади.

2. Махсус косачаларға (чашечки) ёки оғзи кенг бутилкачаларға қонни суюлтириш учун эритмалар: эритроцитлар учын 3% ли натрий хлорид ва лейкоцитлар учун 5% ли метилен күки билан бұялған сирка кислотаси эритмалари құйылади.

3. Меланжерларға қон олинади. Қон чап құлнинг 4-бармоғидан олинади. Биринчи чиққан томчи пахта тампони билан артиб ташланади. Иккінчи томчи қонға эритроцит меланжерининг охирі (учи) ботирилиб, горизонтал холатда ушлаганча капиллярга ұаво пұфакчаси кирмаслигини назорат қилиб, 0,5 белгисигача қон олинади. Қон ивигуница тезлик билан меланжер охирі 3% ли натрий хлорид эритмасига олиб үтилиб, 101 белгисигача, ундан олинади. Яғни қон 200 марта суюлтирилади. Бундан кейин, аралаштиригич яна горизонтал қолатта үтказилади ва столга құйылади. Шундай усул билан лейкоцитлар меланжерининг 0,5 белгисигача қон ва 11 белгисигача сирка кислотаси олинади, яғни қон 20 марта суюлтирилади.

Эритроцитларни санаш. Эритроцитлар учун тұлдирилған меланжер құлға олиниб, унинг охирлари III ва I бармоқтар билан беркитилған қолда I мин давомида силкитилади. Қон пухталиқ билан аралаштирилганидан сүнг, ұша захоти олдиндан 1—2 томчи ташқарига чиқазилиб, кичик томчи камера түрига томизилади. Олдиндан ишқалаш йўли билан пухта ёпилған қопловчи ойнак билан камера ёпилади (бунда Ньютон қалқаси бўлиши керак). Ортиқча эритма тарновчаларға оқиб тушади. Агар томчи ўта катта бўлса, унда суюқлик камеранинг ён пластинкаларига тушиб қолиши мумкин ва қаватнинг қалинлиги 0,1 мм дан катта бўлади. Бу қолда камерани дистилланған сув билан ювиш керак. Қуруқ дока билан артилиб, қайтадан тұлғазилади. Суюлтирилған қонни меланжерда яна аралаштироқ лозим.

Камера тұлғазилиб, микроскоп остига құйылади ва агар өзекли элементлар бир мөъерда жойлашган бўлса, санашга киришилади. Эритроцитларни катта катталаштиригичда санаш қулайдир (окуляр x 7, объектив x 40).

Қониқарли маълумот олиш учун эритроцитларни тұннинг ҳар жойларida жойлашган 5 та катта квадратларда санаш керак, масалан, диагонал бўйича, бошланишда қозоз өзаригида 5 та катта квадратлар чизилиб, улар 16 та кичик квадратчаларға ва ҳар бир кичик квадратчага топилған эритроцитларнинг сони ёзилиши тавсия этилади. Кичик квадратчалар чегарасида жойлашган ҳужайраларни 2 маргадан санамаслик учун Егоров қоидаси қўлланилади: квадратчанинг ичиди, чап ва юқори чегарасида ётұвчи ҳужайралар муайян квадратчага тааллукли бўлиб ҳисобланади. Квадратчаларнинг үнг ва пастки чегарасида ётұвчи эритроцитлар санаалмайди. Шундай қилиб, эритроцитларнинг сони (A) 5 та квадратларда саналиб (80 та кичигини ташкил қиласи), кичкина квадратчадаги эритроцитларнинг үртаса арифметик сони (A/80) топилади. Кичик квадратча үстидаги камера ҳамжи  $1/4000$   $\text{мм}^3$  лигини билган қолда, топилған сон 4000 га кўпайтирилади, бунда I мкл суюлтирилған қондаги эритроцитлар сони топилади. Топилған сон суюлтириш даражаси — 200 га кўпайтирилади. I мкл соғ қондаги эритроцитларнинг миқдори аниқланади. Шундай қилиб, эритроцитлар миқдорини ҳисоблаш чиқиши формуласи қўйидагича:

$$X = \frac{A \cdot 4000 \cdot 200}{80}, \text{ бу ерда:}$$

X — эритроцитларнинг изланаётган сони;

A — 80 та кичик квадратчалардаги эритроцитлар сони.

Лейкоцитларни санаш. Тұлдирилған лейкоцитлар меланжери олинади ва эритроцитларни санашда тавсия этилаётганидай қилиб, унинг ичидагилар аралаштирилған, ҳисоблаш камераси тұлдирилади. Аниқ натижаларга эга бўлиш учун ҳисоб 400 та кичик квадратларни ташкил этиувчи 25 та катта квадратларда үтказилади. Лейкоцитларни кичик катталаштиригичда (окуляр x 15, объектив x 20) санаш қулайроқдир.

I мкл қондаги лейкоцитларнинг миқдорини ҳисоблаш учум Формула:

$$X = \frac{B \cdot 4000 - 20}{400}$$

$X - 1$  мкл соф қондаги лейкоцитларнинг изланалётган сони,

$B - 25$  та катта (400 та кичик) квадратлардаги лейкоцитларнинг сони.

Ишни расмийлаштиришга доир тавсиялар. Текширилётган 1 мкл қондаги эритроцит ва лейкоцитларнинг сонини ёзинг. Ҳисоблаш камераси билан ишлаш принципини ва қоннинг шаклли элементларини ҳисоблаш формуласини туширинг.


Жавадян усули бўйича тромбоцитларни ҳисоблаш. Тромбоцитлар қоннинг ивиш процессида катта роль ўйнайди, чунки уларда қон ивишда қатнашувчи ноактив фермент — протромбокиназа бор. Нормада 1 мкл қонда 200000—300000 тромбоцитлар бўлади.

Иш анжомлари: микроскоп, ҳисоблаш камераси, қизил қон (эритроцит) учун аралаштиргич (меланжер), скарификатор, спирт, йод, пахта, қонни суюлтиришга ишлатидиган эритма.

Эритмани тайёрлаш учун 100 мл дистилланган сувга 3,8 г лимон кислотаси, 0,57 г ош тузи, 0,15 г метилен кўки олинади. Эритма қайнатилади, совутилади, фильтранади, кейин эса унга 2—3 томчи ўткир (крепкий) формалин қўшилади.

Тажриба ўтказиш тартиби. Скарификатор билан бармоқ санчилиб, эритроцитлар меланжернинг 0,5 белгисигача қон олинади. Ўша заҳотисёқ у 101 (200 марта) белгисигача эритма билан суюлтирилади. Уни қўлнинг I ва III бармоқларда орасида меланжернинг охирлари қисилиб, пухталик билав аралаштирилади. Тромбоцитлар метилен кўкига бўялиши учун меланжер 10—15 минутга тинч ҳолатда қолдирилади.

Қайта аралаштиргач, 2—3 томчи эритма пахтага, сўнг I томчиси қоплаш ойнаги остидаги ҳисоблаш камерасига томизилади. Тромбоцитларни санаш катта катталаштиргич остида ўтказилади. Агар ҳамма шароитларга тўғри амал қилинса, камерадаги тромбоцитлар ҳаво ранг бўлак-палада (глыбок) кўринишга эга бўлиб, эритроцитлар орасида мутазам равишда жойлашган бўлади. Уларнинг 25 та катта квадратлардаги сони саналади ва тромбоцитларнинг сони қўйидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқилади:



44-расм. Целлоскоп схемаси.

1) символи манометр; 2) вакуум системаси; 3) шиша най; 4) электрол; 5) пробирка; 6) калибрланган тешик — апертура; 7) стаканча; 8) ёкини электроуд; 9) горячумрак; 10) истеммол маён; а, б) сигналувчи қон ҳажмииниг сатҳлари.

$$X = \frac{C \cdot 4000 - 200}{400}$$

бунда:  $C -$  тромбоцитларнинг 25 та катта квадратлардаги (400 та кичигини ташкил қилади) сони.

Ишни расмийлаштиришга доир тавсиялар. 1 мкл қондаги тромбоцитларнинг миқдорини ёзинг. Тромбоцитларнинг асосий функцияларини санаб ўting.

### 32-ИШ. ШАКЛЛИ ЭЛЕМЕНТЛАРНИ АВТОМАТИК ТАРЗДА ҲИСОБЛАШ

Қоннинг шаклли элементлари ҳисобини тезлаштириш учун маҳсус прибор (асбоб) — целлоскоплардан фойдаланилади. Бу приборлар датчик, кучайтиргич ва иккита оддий регистратор — осциллоскоп ва рақам регистраторларидан тузиландир (44-расм).

Приборни ишга ҳозирлаш, ундан фойдаланиш ва қон шаклли элементларини ҳисоблаш учун зарур бўлган эритмаларни тайёрлаш каби ишлар прибор иловасига монанд ҳисса олиб борилади. Эритмалар, агар уларнинг таркибида муаллиф заррачалар бўлса, уларни приборнинг қон ҳужиравлари билан биргаликда санаб қўймаслик учун, зар олдиндан албатта фильтранади. Тайёрланган эритмалар рақамлар орқали белгиланади, масалан, I, II, III.

Иш анжомлари: қон шаклли элементларини автоматик тарзда санаш учун мулжалланган электрон прибор (целло-

скоп), стерилланган скарификатор, фильтр қоғоз, пахта, қонни суюлтириш учун олдиндан тайёрланган эритмалар, спирт, эфир, йод. Текшириш объекти — одам қони.

**Тажриба үтказиш тартиби.** Эритроцитларни санаш. Эритроцитларни санашдан аввал датчик электродлар ўртасидаги туташтирувчи электролит (тайёрланган эритмаларнинг бири орқали) билан тўлдирилади ва прибор асбобнинг сезувчанлиги эритроцитлар диаметрига тўғри келадиган тегишли заррачаларни санашга қўйилади. Бунда кичик диаметрдаги заррачалар (масалан, тромбоцитлар) целлоскоп билан саналмайди. Жўмрак ёрдамида симобли манометр вакуумли система билан қўшилади ва манометрдаги "симоб "б" белгисидан пастга силжитилади.

Қон бармоқдан оддий усул билан целлоскоп комплексида сақланувчи маҳсус капилляр ёрдамида олинади. Капилляр "қон" белгисигача тўлдирилади ва қоннинг бу миқдори пробиркага аввалдан қўйилган 4 мл I эритма билан аралаштирилади. Аралашма яхши аралаштирилиб, ундан 0,55 мл олинади ва 20 мл II эритмаси билан стаканга қўйилади. Синалувчи қон қўйилган стакан приборга жойлаштирилади.

Жўмрак билан манометр вакуумли системадан узилади. Оғирлик кучи таъсири остида манометрдаги симоб силжий бошлайди ва суюлтирилган синалувчи қонни прибор орқали суро бошлайди. Эритроцитларнинг прибор орқали ўтишида датчикнинг қаршилиги ўзгаради ва осциллоскоп экранидагу кузатилувчи электр сигналлари шакллана бошлайди. Манометрдаги симоб "б" сатҳга етганда контактлар туташади ва шу дамда рақам регистратори ишга тушади. Рақам регистратори "а" ва "б" сатҳлар билан чегараланган синалувчи қоннинг маълум бир хил ҳажмидаги эритроцитларни санайди. Симоб "а" сатҳга етганда ҳисоб тўқтайди. 1  $\text{mm}^3$  яхлит қондаги эритроцитларнинг сонини аниқлаш учун одамда рақам регистраторининг кўрсатган миқдори қоннинг суюлиш даражасига кўпайтирилади.

**Лейкоцитларни санаш.** Лейкоцитларни санаш учун 1 мл I эритмада суюлтирилган қон билан пробирка эритроцитларни гемолиз қилувчи 0,1 мл III эритмадан тўлдирилади. 1—2 минутдан сўнг шунинг ўзига 12 мл II эритмадан қўшилади. Натижада гемолизланган эритроцитларни билан суюлтирилган синалувчи қон олинади. Синалувчи қон целлоскопга жойлаштирилиб, эритроцитлардаги лейкоцитларни санаш үтказилади. Приборнинг сезувчаниги лейкоцитларнинг ўртача диаметридан кичик бўлган ўз-

заррачаларни ҳисобламайдиган қилиб қўйилади. Лейкоцитарни ўта аниқликда ҳисоблаш учун олинган қийматда таркибиага 4 мл I эритма, 12 мл II эритма ва 0,1 мл III эритма кирувчи контролни текширишдаги топилган заррачалар сони чиқариб ташланади.

Ишни расмийлаштиришга доир тавсиялар. Целлоскоп схемасини чизинг ва унинг ишлаш принципини тушунтириш. Ўтказилган текширишлар натижаларини ёзинг.

### 33-иш. ГЕМАТОКРИТ КЎРСАТКИЧИНИ (СОНИНИ) АНИҚЛАШ

Қоннинг шаклли элементлари миқдорини соф қоннинг плазма миқдорига нисбатининг %ларда ифодаланиши гематокрит кўрсаткич дейилади. Нормада бу кўрсаткич каталарда 40—45%, чақалоқларда 50—55%, 5 ёшда эса 30—40% га teng. Гематокрит сони қоннинг асосий константаридан бири бўлиб, унинг ўзгариши кўпгина патологик ҳолатларда кузатилади.

Иш анжомлари: шкляр центрифугаси, гематокрит капилляри, 5%ли лимон кислотасининг натрийли тузи эритмаси, қон.

Тажриба ўтказиш тартиби. Анализ учун қон одам қўлиниң бармоғидан олинади ёки бу иш қўёнининг қони билан қилинади. Гематокрит капилляри лимон кислотасининг натрийли тузи эритмаси билан ювилиб, қон билан тўлғазилади ва минутига 3000 марта центрифуга аппарата 30 минут давомида айлантирилади. Бунда марказга интилиш кучи таъсирида қоннинг шаклли элементлари капиллярнинг периферик (чекка) қисмига йигилади. Центрифуга ўқи яқинида эса плазма устуни қолади.

Ишни расмийлаштиришга доир тавсиялар. Центрифугалаб бўлгач, шаклли элементлар устунининг узунлигини аниқланг. Гематокрит сонини ҳисобланг.

Изоҳ: (қўшимча бизники) ЭЧТ эритроцитларнинг тўқиши тезлиги учун олинган лимон кислотасининг натрийли тузи билан аралаштирилган қон аралашмасидан ҳам фойдаланиш мумкин. Бунда ҳисоб қўйидагича бўлади: 80—100% A — X

A — гематокритда топилган сон, иккига кўпайтирилиши керак, чунки капиллярда 0—50 сонлари бор, холос. 80—аралашмадаги қон яхлит (суюлтирилмаган) ҳолатга келтирилган (аралашмада) қон ва эритма нисбати 4:1 га teng (200 қон, 50 эритма).

### 34-ИШ. ҚОНДАГИ ГЕМОГЛОБИН МИҚДОРИНИ САЛИ УСУДИ БҮЙИЧА АНИҚЛАШ

Гемоглобин эритроцитларнинг асосий таркибий қисми бўлади. Бу оқсил — глобин ва пигмент — гемдан тузилган мураккаб хромопротеид бўлиб, қоннинг ранги унга боғлиқ. Гемнинг таркибига уни кислород билан бирикма ҳосил қилиш қобилиятини берувчи бир атом темир киради.

Қонда гемоглобиннинг миқдори (содержание) соғлом аёлларда 120—140 г/л, ёркакларда эса 130—160 г/лни ташкил қиласди.

Қонда гемоглобиннинг миқдори калориметрик усувлар билан аннектанади, улардан бири (Салининг гематин усули) гемоглобиннинг водород хлорид кислотаси билан жигар ранг турғун эритманинг ҳосил бўлишига асосланган.


Сали гемометри штатив бўлиб (45-расм), унинг орқа деворчаси оқ, жилосиз, хира шишадан иборат. Штативга бир хил диаметрдаги 3 та пробирка қўйилган. 2 та чекка пробиркалар (а) пайвандланган бўлиб, ўзида хлорид гематиннинг стандарт эритмасини тутади: ўртанчаси (б) даражаларга бўлинган. У тадқиқот (солиштириш) учун мўлжалланган. Асбобга 20  $\text{мм}^3$  белгиси билан пипетка ва шиша таёқча илова қилинади. Хлорид гематиннинг стандарт эритмаси 167 г/л гемоглобинга тўғри келади.

Иш анжомлари: Сали гемометри, пипетка, скарификатор, пахта, 0,1 н водород хлорид кислотаси эритмаси, спирт, ёфир, йод, дистилланган сув. Иш одамда олиб борилади.

Тажриба ўтказиш тартиби. Ўртанча пробирканинг белгисигача 0,1 н водород хлорид кислотаси қўйилади. Пипетка билан бармоқдан 20  $\text{мм}^3$  қон олинниб ва у пахтада артилиб, ўша заҳотиёқ қон пробирка ичидаги аралашма бармоқ билан пробирка тубига шундай қилиб пуфланадики, бунда кислотанинг юқори қатлами бўялмаган ҳолда қолсан. Пипетка чиқарилмасдан кислотанинг бўялмаган юқори қатлами билан чайқалади, шундан кейин, пробирка тубига чертиб аралаштирилади ва 5—10 минутга штатига қўйилади. Бу вақт ичida гемоглобин хлорид кислота гематинига тўла айланиши керак. Кейин пробиркага дистилланган сувдан эритма ранги стандарт ранг билан бир ҳад бўлгунча томчилаб қўшиб борилади (сув қўшиб, эритма шиша таёқча билан аралаштирилади).

Олинган эритма сатҳида турган рақам текширилётганда қонда гемоглобин миқдорини кўрсатади.

—расм. Сали гемометри  
капилляр. Изохи матнда  
берилган.




Ишни расмийлаштиришга доир тавсиялар. Қонда гемоглобин миқдорини аниқлаш усулининг принципини тушириштада.

### 35-ИШ. ФОТОЭЛЕКТРОКОЛОРИМЕТР ЁРДАМИДА ГЕМОГЛОБИН МИҚДОРИНИ АНИҚЛАШ

Қондаги гемоглобин миқдорини фотоэлектроколориметр ёрдамида аниқлаш мүмкін. Асбобнинг ишлаш принципи қуидагидан иборат. Агар ўзида гемоглобин тутувчи эритма сұрғылқы манбаи билан фотоэлемент ўртасига жойлаштирилса, фотоэлементнинг ёртилиш даражаси эритмадаги гемоглобин миқдорида бөглиқлиги аниқланади. Шундай қилиб, эритмадаги гемоглобин миқдори қанча күп бўлса, шунчалик шаълум узунликдаги ёруғлик нурларининг миқдори фотоэлементга кам тегади ва шу билан бирга унда шунчакам фототок қўзгалади.

Фотоэлектроколориметр (46-расм) кучланиш стабилизатордан, стрелкали гальванометр, суюлтирилган ва гемопизданган қон намунаси учун кювет (ваннача) ва потенциометрдан тузилган.

Иш ажномлари: фотоэлектроколориметр, стерилланган скрификатор, фильтр қофоз, пахта, қонни суюлтириш учун маңгус эритма (целлюскоп билан ишлашдагиларнинг ўзи), спирт, эфир, йод. Текшириш обьекти — одам қони.



46-расм. Фотоэлектроколориметрнинг блок-схемаси.

Тажриба ўтказиш тартиби. Гемоглобинни аниқлаш учун қон бармоқдан оддий усул бўйича капиллярнинг қон (кровь) белгисигача олинади ва у пробиркада 4 мл I эритма билан аралаштирилади. Шу пробиркага 0,1 мл III эритма қўшилади. Аралашма кюветга (ваннага) қуйилади. 1—2 минутдан сўнг гемолиз кузатилади. Гальванометр стабилизатор билан охиргиси эса тармоқ билан уланади. Кейин асбоб панелидаги (олдида) тутқичларни тегишли инструкция бўйича бошқариб, гемоглобин миқдори таркибидаги гемоглобиннинг нисбий миқдори фоиз ҳисобида аниқланади. Олинган натижаларга асосланиб, қондаги гемоглобиннинг абсолют миқдори ҳисоблаб чиқилади. Анализнинг ҳамма муолажаси (қон олиш вақти ҳисобланмай) 1—2 минутни ташкил этади.

Ишни расмийлаштиришга доир тавсиялар. Текширилётган қондаги гемоглобин миқдорини ёзинг. Ушбу усульнинг афзаллигини тавсифланг.

### 36-иши. ҚОННИНГ РАНГ КЎРСАТКИЧИНИ ҲИСОБЛАШ

Қондаги гемоглобин миқдори билан эритроцитлар сонгуртасидаги нисбат ранг кўрсаткичи деб аталади. Ранг кўрсаткичи эритроцитларнинг гемоглобин билан тўйинласканда даражасини баҳолашга имкон беради.

Нормада 1 мкл қонда  $166 \cdot 10^{-6}$  г гемоглобин бўлиб, шунга кўра, I та эритроцитдаги гемоглобиннинг миқдори

$$\frac{166 \cdot 10^{-6}}{5,0 \cdot 10^{-6}} = 33 \cdot 10^{-12} \text{ г ёки } 33 \text{ пг тенг (пикограмм)} \\ 33 \text{ пг катталик, яъни эритроцитдаги гемоглобиннинг кўниш}$$

мадаги миқдорини битта (бирлик) деб қабул қилинади ва ранг күрсаткичи деб ифодаланади.

Амалда ранг күрсаткичи (РК) г/л ларда ифодаланган гемоглобин концентрациясини 1 мкл қондаги эритроцитлар миқдорининг дастлабки 3 та рақамига бўлиб, олинган қийматни 3 га кўпайтириш билан ҳисоблаб чиқилади:

$$RK = \frac{\text{гемоглобин, } \text{г/л}}{1 \text{ мкл } \text{даси } \text{эритроцитлар } \text{сони}} \cdot 3.$$

(дастлабки 3 та рақам)

Патологик ҳолатларда РК бирдан катта ёки кичик булиши мумкин (гиперхромазия ёки гипохромазия). Патологияда РК ни аниқлаш алоҳида аҳамиятга эга.

Тажриба ўтказиш тартиби. Текширилаётган одам қонида бир вақтда гемоглобин ва эритроцитлар миқдори аниқланиб, юқорида кўрсатилган формула бўйича РК ҳисоблаб чиқилади.

Ишни расмийлаштиришга доир тавсиялар. Қоннинг РК деб нимага айтилади? Қон РК нинг соғломлардаги ўртacha қийматини айтинг. Синалувчилардан олинган қийматларни норма кўрсаткичлари билан таққослаб, хуроса қилинг.

### 37-ИШ. ЭРИТРОЦИТЛАРНИНГ ЧЎКИШ ТЕЗЛИГИНИ ПАНЧЕНКОВ УСУЛИ БЎЙИЧА АНИҚЛАШ

Қон ҳаракатланаётган пайтида барқарор суспензия (бирор мoddанинг бошқа суюқ модда ичидаги майдаги зарра ёки томчи ҳолида сузиг юрадиган эритмаси) ҳолида бўлади. У шиша идишга жойлаштирилганда, эритроцитлар ўз оғирлиги кучи билан чўкади. Эритроцитларнинг чўкиш тезлиги организмнинг ҳолатига боғлиқ. Баъзи бир физиологик ҳолатларда (масалан, ҳомиладорлик) ва бир қатор бошқа қасалтикларда (сил, ревматизм ва ҳ. к.) эритроцитларнинг чўкиши ўта тезлашган бўлади.

Эритроцитларнинг чўкиш тезлигини аниқлаш учун Панченков қурилмаси қўлланилади. Капиллярлар миллиметрларга бўлинган бўлиб, О белгиси охиридан 100 мм масофада туради. Капиллярда яна иккита белги бор: Қ (қон) нуль даржасида ва Р белгиси (реактив) — 50 мм узоқликда.

Иш анжомлари: Панченков қурилмаси, соат ойнаси. Стерилланган скарификатор, пахта, 5% ли лимон кислотаси, натрийли тузи эритмаси, спирт, эфир, йод. Иш олиб борилади.

Тажриба ўтказиш тартиби. Капилляр 5% ли кислотасининг натрийли тузи эритмасида ювилиб, соат сатҳида — Р белгисигача олинади ва соат тўкилади. Кейин уша капиллярга одам бармогидан К белгисигача икки марта қон олинади.

1. Жўмракларни тозалаш ва мойлаш. Газ аниқлагичда иккита жўмрак бўлади. 1-жўмрак ўлчов бюреткасида жойлашган бўлиб, бюреткани текширилувчи ҳаво билан тўлдириш ва ҳавони ютгичга ўтказиш учун мўлжалланган.

2 -жўмрак ютгич идишларга параллел жойлашган капиллярлар билан туташтирилган ва уларният тешигини текширилувчи ҳаво тўлдирилган ўлчов бюреткаси билан бирлаштиришни амалга оширади.

Иш бошлашдан олдин жўмраклар втулкаси ҳафтада бир марта спиртда тозаланиб, вазелин билан ёғланади, шундан кейин втулкалар муфтининг цилиндросимон сатҳига ишқалаб едирилади.

2. Шприцини ўлчов бюреткаси билан туташтириш ва уни нитрат ёки сульфат кислотасининг сувли аралашмаси билан тўлдириш. 10 мл ли шприц дистилланган сув билан тўлдирилади ва резина қалпоқ ёрдамида ўлчов бюреткасининг кириш қисмидаги Г-симон най билан туташтирилади. Шприц поршени силжитилиб, ўлчов бюреткаси унинг жўмраги ўрнатилган қисмигача сув билан тўлдирилади. Шу билан газ аниқлагични текшириладиган ҳаводан синовалишга тайёрлашнинг дастлабки босқичи якунланади.

II. Ҳаво синовини олиш. Анализ учун ҳаво олиш шприц поршенини тескари ҳаракати орқали бюреткаси жўмрагини "атмосфера билан туташтирилган" ҳолатида амалга оширилади. Агарда ҳаво қопдан олинадиган бўлса, дастлаб уни ўлчов бюреткаси билан туташтириш зарур ва сўнгра қоп ҳавосини бюреткани ташқарига чиқиш қисмida қолган ўлик бўшлиқ ҳавоси билан аралаштириш керак. Бунга ўз навбатида суюқлик сатҳи ўлчов бюреткасининг кенгайгав қисмини (ампула) такрор кўтариш билан эришилади, сўнгра суюқлик сатҳи бир текисда тушади, аникрофи, бюретка деворига ёпишган суюқликнинг майдада томчилар ҳажми ўрникин тўлдириш (компенсация) учун суюқлик 10 мл белгисидан яна 2 мм пастга тушади. Шундан сўнг, ўлчов бюреткасининг уч йўллик жўмраги "ёпиқ" ҳолатга қўйилади. Шу билан ҳаво синовини олиш муолажаси (процедура) тутатилиди.

Иш анжомлари: модификациялаштирилган Холден газ зоанализатори, кислород ва карбонат ангидрид гази ютгичлари, 10 мл ли шприц, Дуглас қопи. Иш одамда олиб борилади.

**Тажриба ўтказиш тартиби.** Атмосфера ҳавоси таркибига ва чиқарилган нафас ҳавоси таркибидаги кислород ва карбонат ангидрид миқдорий анализ қилинади.

Газ анализи қуйидаги тартибда олиб борилади:

а) газларнинг адсорбцияси (ютилиш) бошланмасдан олдин тор ғайчалар белгисида ютувчи эритмалар сатҳининг туриши текширилиши керак. Кислород, карбонат ангидрид шундунча ва ютилгандан кейин эса, ютувчи эритмаларнинг (широкаллол ва ўювчи натрий ёки калий) сатҳи белгига тұғри келиши керак; б) ютгич тор ғайчалар жұмраги үлчов бюреткаси ва карбонат ангидрид газини ютувчиси билан боғланади; в) үлчов бюреткаси краны "ёпиқ" ҳолатдан олиниб, ютгич краны билан боғланади; г) синалаёттан ҳавони үлчов бюреткасидан ўювчи натрий ёки калийли ютгич тор ғайчага силжиши, шприц поршенининг илгариланма ҳаракати ва суюқликнинг бюретка ичиде юриши, унинг ампуласимон кенгайиши билан давом этади. Бюреткада суюқлик даражасининг такроран ұзгариши бюретканинг ампула қысми ҳисобига содир бўлади. Агарда натрий ёки калий эритмаси түйинган бўлса, карбонат ангидрид газининг ютилиши учун 10 мартача ҳайдаш кифоя қиласди. Сұнгти ҳайдаш аввалгилардан шу билан фарқ қиласди, бунда үлчов бюреткасидаги суюқлик даражасининг пастки чегараси қайд қилинади. Бу даражада 5 та контрол ҳайдалишдан сұнг такрорланиши керак. Агарда у үзгарса, контрол ҳайдалиш такрорланади ва үлчов бюреткаси, суюқликнинг даражаси барқарорлашгач тұхтатилади. Фақат шундан кейингина ютилиш натижаларини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаш мумкин; д) газлар ютилишини миқдорий баҳолаш. Ҳисоблаш үлчов бюреткасида у ёки бу газнинг ютилишидан олдин ва кейин юзага келадиган суюқликнинг дастлабки даражалар фарқига қараб олиб борилади. Масалан: карбонат ангидрид гази ютилишдан сұнг, үлчов бюреткасида суюқликнинг даражаси (сатҳи) 9,65 мл, дастлабки даражаси эса 10,0 мл га тұғри келган бўлсин. Бундан  $10,09 - 9,65 = 0,35$  мл бюретка ҳажмiga нисбатан ҳисобланганда эса  $(100,0)$ , 3,5 мл ёки 35 ҳажм % бўлади. Навбатдаги кислороднинг ютилишида үлчов бюреткасида дастлабки даражада сифатида энди 10,0 мл эмас, балки 9,65 мл қабул қилинади, бундан эса ўз навбатида бюреткадаги кислород ютилишидан кўрсаткич айирилади, фараз қиласлик  $-7,95$  мл. Бу

каттадылар фарқи  $9,65 - 7,95 = 1,7$  мл ни ҳосил қиласы, биретка ұажмига нисбатан ҳисобланғанда (100,0) 17 ұажм % ни оламиз. Ютгичнинг нормал қуввати шароитида кислород-нинг ютилиши учун ҳайдалиш миқдори 20 га тенг. Контрол ҳайдалиш ва карбонат ангирид гази адсорбциясидан кейин-гиси билан бир хил миқдорда олиб борилади (5 ҳайдалиш). Ютгичларнинг кимёвий сифими катта (қарийб 100 анализ қилишга етарлы) булади.

Ютгич эритмаларни тайёрлаш учун рецепт:

1. Кислород ютгич (19,0 г үювчи калий, 81 мл дистилланған сув, 12,0 г пирогаллол). Дастлаб дистилланған сувга үювчи калий, у эриб бұлғач, пирогаллол қойилади. Эритма бир сутка давомида ёруғлардан ҳимояланған шиша (хира-лаштирилған) идишда жипс бирикадиган пробка билан ёпи-лип қоронғи шкафда сақланади.

2. Карбонат ангирид гази ютгичи (60,0 үювчи калий, 40,0 мл дистилланған сув).

Сифимли идишларга ютгичларни найлар бүшлиғи билан туташувчи тиниқ полиэтилен трубкасига үрнатылған ци-линдрик шиша учликлар ёрдамида тұлдиріледи. Шиша учликларга ютгичлар қойилғандан сұнг, уларнинг учи 2—3 см қалинликдаги вазелин ёги билан беркитилиб, туташувчи найлар системаси ҳосил қилиниб, тор найчалар даражасыда мақкамланади.

Ишни расмийлаштиришга доир тавсиялар. Олинган на-тижаларни жадвал күренишида ёзинг. Уларни тушунты-ринг.

#### 70-ИШ. ХИМИЯВИЙ ГАЗОАНАЛИЗАТОР ЁРДАМИДА НАФАС ЧИҚАРИШДАГИ ҲАВО ТАРКИБИДА КАРБОНАТ АНГИРИД ГАЗИ МИҚДОРИННИ АНИҚЛАШ

Карбонат ангирид газининг чиқарылған нафас ҳавоси таркибидаги миқдори турли хил омыллар таъсирида үзгариши мүмкін: жисмоний юқда, сұнъий нафасда, нафас олиш тезлашганда (хансираш), атмосфера босими кескін үзгартылғанда ва бошқ.

Кейинги вақтларда чиқарылған нафас ҳавоси таркиби-даги карбонат ангирид гази миқдорини тинч ҳолда ва жи-моний юқдан сұнг аниқлашда АУХ-2 типли саноат газо-анализаторидан фойдаланилади.

Иш аңжомлари: анализатор АУХ-2, Дуглас қопи, нафас-ниқоби ёки лаблараро мундштук, бурун учун қисқын, пах-та, спирт. Иш одамда олиб борилади.

Газоанализатор АУХ-2 чақирилган нафас ҳавоси тарки-  
мада карбонат ангидрид гази миқдорини тезда аниқлашга  
тұржалланған. Асбоб үлчов камерасидан, манометр,  
хүллевчи ва ютувчи найлардан иборат. Үлчов камерасида  
текшириладиган газ аралашмасидан синовга олиш учун  
шоршының қурылма бўлиб, қурылма кимёвий ютувчи натрон  
орғи доначалари билан тұлдирилған ютувчи най орқали  
шоршыны ҳайдаб беради. Манометр үлчов камерасида карбонат  
ангидрид газининг ютилиши натижасида ҳосил булған ке-  
сқинликни үлчаш учун хизмат қиласи. Ҳұлловчи най сув  
билан ҳұлланған донали күпиктош билан тұлдирилади.  
Карбонат ангидрид газининг концентрацияси текширилади-  
ган аралашмада карбонат ангидрид гази ютилиши оқиба-  
тида вужудга келадиган кескинликни ҳисоблаш билан  
аниқланади.

Тажриба ўтказиш тартиби. Нафас чиқаришдаги ҳаво  
ангиради, бунинг учун нафас қопидан келадиган резина  
найи беркитилади. Текширилувчининг бурни маҳсус қис-  
қич билан қисилади. Лабгич спирт билан артилади ва 6—7  
марта қопга нафас чиқарилади. Сұнгра чиқарылған нафас  
ҳавосида карбонат ангидрид гази миқдори аниқланади. Шу  
мақсадда резина най анализатор билан бирга нафас қопига  
уданади. Текширилувчи газ синамаси ҳұллагич орқали  
үлчов камерасига йигилади. Йигиб олинған ҳаво ютгич  
найи орқали ҳайдалади. Бунда анализ қилинадиган ара-  
лашма үлчов камерасидан ютувчи найга тушади, карбонат  
ангидрид гази ютилади, натижада үлчов камераси систе-  
масида кескинлик бошланади. Кескинлик ҳажми ютилған  
карбонат ангидрид газининг миқдорига мувофиқдир. Мано-  
метр ёрдамида (унинг стрелкаси кескинлик ҳажмига ни-  
шшатан силжийди) карбонат ангидрид гази миқдорининг фо-  
на (процент) нисбати шкалада аниқланади.

Үлчаш 2 марта такрорланади: тинч-ҳолатда ва жисмо-  
ний юк (10,20,30 марта ўтириб-туриш) дан кейин.

Ишни расмийлаштиришга доир тавсиялар. Олинған на-  
тижани баённомага күчиринг. Чиқарылған нафас ҳавосида  
карбонат ангидрид гази миқдорининг жисмоний юк жадал-  
ланағанда боғлиқлиги эгри чизигини чизинг.

#### 7-ИШ. ГАЗ АРАЛАШМАСИДАГИ КИСЛОРОД МИҚДОРИНИ ОКСИАНАЛИЗАТОР ЁРДАМИДА АНИҚЛАШ

Атмосфера ҳавоси таркибида 20,94% кислород, 0,03%  
карбонат ангидрид гази ва 79,03% азот бўлади.

Чиқарилаётган ҳавода ўртача 16,3% кислород, 4% карбонат ангидрид гази ва 79,7% азот бор.

Альвеолар ҳавода эса 14,2 % кислород, 5,5 карбонат ангидрид гази ва 80% азот сақланади. Чиқарилаётган ҳаво альвеолар ҳаводан фарқ қиласи, чунки у ўзида альволяр ҳаводан ташқари ўлик бўшилидаги ҳавони ҳам сақлади.

Барча келтирилган сонлар қуруқ ҳавода ҳисоб-китоб қилинган бўлиб, ҳатто чиқариладиган ҳаво таркибидаги тўйинган сув буғи ҳам ҳисобга олинган.

Кислороднинг атмосферадаги, чиқарилаётган ҳаводаги ва альвеолар ҳаводаги солиштирма миқдорини аниқлаш мақсадида ММГ-7 саноат параметргит оксианализаторидан фойдаланилади.

Иш ажномлари: ММГ-7 оксианализатори, Дуглас қопи, мундштук, пахта, спирт. Иш одамда олиб борилади.

Тажриба ўтказиш тартиби. ММГ-7 асбобининг асосида ҳаво аралашмаси таркибидаги кислороднинг нисбий миқдорини аниқлашнинг магнит-механик усули назарда тутилган. Атмосфера ҳавосидаги кислороднинг нисбий миқдорини аниқлаш атроф муҳитдаги ҳаво асбобга сурилганда автоматик равишда содир бўлади. Бошқа газ аралашмаларида кислород миқдорини аниқлаш учун уларни маҳсус қисқич билан таъминланган йигувчи қопга тўплаш зарур. Сўнгра асбобнинг орқа юзасидаги кириш йўлига қопнинг резиналини найи уланади. Асбобга қопдан ҳавонинг сўрилиши автоматик равишда содир бўлади. Ишланган ҳаво асбобдан "чиқарув йўли" орқали чиқиб кетади. Индикаторнинг стрелкаси барқарор ҳолатга келганда, асбоб кўрсаткичларни ёзаб олинади.

Асбоб билан ишлашда қўйидаги талабларга амал қилиш керак:

1. Асбоб 1 соат давомида қизишини талаб килади.
2. Асбоб билан ишлашда йигувчи қоп улангандан сунг унинг резина найини қисиши мутлақо тақиқланади.
3. Резина қопдан ҳамма ҳаво сўриб олингандан сунг асбоб билан ишлаш тақиқланади.

Атмосфера ҳавосини ва чиқарилган нафас ҳавосини сираб кўриш қийин эмас, аммо альвеола ҳавосини олиш учун эса атмосферага чуқур нафас чиқариш ва сўнгра куч билан қолган нафас ҳавосини қопга чиқариш керак. Шундай тадбирни бир неча марта ўтказиш, қоп тўлгунча давом этип зарур (вақти-вақти билан дам олиб турлади). Улчов хатоларини йўқотиш учун газ аралашмаси олишини 3-5 марта тақрорлаш керак.

Ишни расмийлаштиришга доир тавсиялар. Олинган на-  
ларга асосланиб, газ аралашмасидаги кислороднинг  
мент миқдорини дафтaringизда акс эттиинг. Газ ара-  
масини йигиш нотүгри ўтказилган бўлса, келтирилган  
умотларга нисбатан фарқлар кузатилиши мумкин.  
Ча маълумотлардан оғиш даражасини кўрсатинг.

**ИШ. НАФАС МАРКАЗИ ФАОЛИЯТИГА ОЛИНГАН НАФАС  
ҲАВОСИ ТАРКИБИДАГИ КИСЛОРОД ВА КАРБОНАТ  
АНГИДРИД ГАЗИ МИҚДОРИННИГ ТАЪСИРИ  
(ХОЛДЕН ТАЖРИБАСИ)**

Альвеоляр ҳавонинг таркиби ва газларнинг парциал бо-  
ни организмда кечеётган оксидланиш жараёнининг жа-  
диги (интенсивлиги)га ва олинаётган ҳаво таркибига  
боғлиқ.

Шундай қилиб, нафаснинг рефлектор равишда ўзгариши  
организмни мослаштириш хусусиятига эга булиб, у альве-  
оляр ҳаво ва қонда газларнинг доимий таранглигини сақлаб  
тұрғышга имкон беради.

Иш анжомлари: пневмограф, кимограф, газ анализаторы,  
газ қабул қилувчи, ип спирометр, нафас ниқоби, Дуглас  
туба, уч тармоқли жұмрак, Марей капсуласи, натрон оҳаги  
түркілган идиш. Иш одамда олиб борилади.

**Тажриба ўтказиш тартиби.** Текширилувчи стулга ўти-  
ради. Унинг юзига иккита шланг уланган нафас ниқоби  
түркілди, ниқоб эса (нафас олувчи ва чиқарувчи кла-  
вудардан) уч тармоқли жұмрак орқали катта бўлмаган  
нафас қопчаси билан бирлаштирилган бўлади. Дуглас қоп-  
авалдан спирометр ёрдамида хонадаги ҳаво билан  
түркілди. Жұмрак шундай ҳолатда туриши керакки,  
ва текширилувчига нисбатан беркитилган бўлиши ке-  
тти. Текширилувчи күкрагига пневмограф ўрнатилади ва  
программа ёзилади. Унинг пульс тезлиги ҳам кузати-  
лади; пульс миқдори тажрибагача ва тажриба мобайнида  
1-3 мин оралаб саналади.

Холден тажрибаси 2 қисмдан иборат: 1) нафас олиш  
карабонат ангидрид гази миқдорини оширилган ва  
кислородни камайтирилган ҳолатда нафас олиш ўзгари-  
шини кузатиш; 2) нафас олиш ҳавосида карбонат ангидрид  
миқдори меъерда, кислороднинг миқдори эса кам  
1-3 ҳолатда нафас олиш ўзгаришини кузатиш.


Тажрибанинг I қисми. Уч йўлли жұмрак нафас ниқоби  
түркілувчидан тинч нафас олиш суралади. Бунда у қоп-

чадан ҳаво олиб, яна қопчага чиқаради. Натижада қопчада карбонат ангидрид миқдори күпайиб, кислород миқдори қамайиб кетади. Бунинг орқасида нафас чуқур ва тез-тез олинаётгани пневматографда кузатилади. Тажриба хансираш бошлаганды тұхтатилади. Газ қабул қылувчига қопчадан газ олиниб, у газ анализатори ёрдамида текширилади.

Тажрибанинг 2 қисми. Бу 1-қисмдан шу билан фарқ қыладники, чиқарилаётган ҳавода карбонат ангидрид гази ютилади, шунинг ҳисобига тажриба давомида нафас ҳавосидаги кислород миқдори камаяди, аммо карбонат ангидрил миқдори күпаймайды. Карбонат ангидрид газининг ютилиши учун ниқобни қопча билан бирлаштирувчи нафас чиқариш найи йўлига ютувчи натрон оҳаги доначалари сақланган идиш жойлаштирилади. Тажрибанинг қолган қисми эса биринчи қисмдагидек давом этади. Бир неча минутдан кейин текширилувчининг ҳолати узгаради: енгил бош айланиши, юз оқариши, лаб шиллиқ қаватида кўкариш пайдо бўлади. Пневмограммадаги ўзгаришларни тушунтиринг. Тажрибанинг 2-қисми тугаши билан ҳаво газлари таркибининг ўзгаришини тушунтириб беринг.

### 73-ИШ. ОДАМДА ОЛИНГАН ҲАВО ТАРКИБИДАГИ КАРБОНАТ АНГИДРИД ГАЗИ МИҚДОРИ ОШУВИНИНГ НАФАСНИНГ МИНУТЛИ ҲАЖМИ КАТТАЛИГИГА ТАЪСИРИ

Олинаётгаян ҳаво таркибида карбонат ангидрил газининг миқдори ошганда ташқи нафас частотаси ва айниқса чуқурлиги кескин ортади. Бу ўз навбатида, ўпкада ҳаво юришувининг (вентиляция) ошишига олиб келади. Олинадиган ҳаво таркибида карбонат ангидрил газининг 2% гача ошиши ўпкада ҳаво юришувининг 100% га, 3% гача ошиши 150% га, бироқ 7% гача ошуви эса нормага нисбатан 7—8 маротаба ошишига олиб келади. Қондаги карбонат ангидрид гази парциал босим катталиги нафас маркази активлигининг табиии бошқарувчисидир. Карбонат ангидрил газининг нафас маркази ҳужайраларига таъсири бевосита (марказий асаб системасини таъсирловчى қон орқали) ва билвосита (рефлектор) бўлиб, газ қон томирлардаги ре-



66-расм. Олинган нафас ҳавоси тарқибининг нафасга таъсирини ўрганиш учун қурилма.


Илаз аралашмаси тўлдирилган Дуглас қопи; 2) уч йўлли жўмрак; 3) лабгич; 4) вентилли най; 5) газҳисоблагич.

Флексоген зонадаги хеморецепторларга таъсир қилганда юз беради. Бундан ташқари, нафас марказининг активлиги ва ўнавбатида нафас олиш ҳам, қонда карбонат кислотаси —дори кўпайиши натижасида рНнинг кислотали томонга —жиши ҳам ўзгариши мумкин.

Иш анжомлари: олдинги иш учун қўулланилган қўулма, иккинчи З тармоқли жўмрак, 5 % карбонат ангидрид гази билан тўлдирилган 70—100 л ҳажмли Дуглас қопи, газ ҳисоблагич, пахта, спирт, секундомер.

Тажриба ўтказиш тартиби. Схема бўйича (66-расмга бўлсин) тажриба ўтказиш учун қурилма йигилади. Бу учун қурилмадаги нафас вентилининг кириш тешиги фурланган трубка ёрдамида уч тармоқли жўмрак орқали 5 % карбонат ангидрид гази билан тўлдирилган қопга уланади. Жўмракнинг учинчи тармоғи эркин қўйилади. Жўмрак шундай ҳолатда қўйиладики, бунда нафас вентилининг кириш тешиги газ ҳисоблагич билан уланган бўлсин.

Лабгич спирт билан артилади ва оғизга олинади. Бу учунга қисқич қўйилади, вентил ва жўмракнинг эркин тармоғи орқали хона ҳавосидан эркин нафас олиб чиқарилади. Тажрибанинг бошланиши ва охирида газ ҳисоблагич сурʼаткичи белгиланади. Хона ҳавосидан нафас олиш ва



67-расм. Одамнинг гипокапния (а) ва гиперкапния (б) ҳолатидаги пневмограммаси.

чиқариш 2—3 мин олиб борилади. Сўнгра уч тармоқли жўмрак дастаги шундай қўйиладики, бунда жўмрак нафас вентилининг кириш йўлига улансин. Жўмракнинг эркин учи ёпилиши керак.

Шундан сўнг газли аралашмадан 3—4 мин давомида нафас олиб чиқарилади. Ҳар минут охирида газҳисоблагич қўрсаткичи ва бир минутдаги нафас тезлиги ёзib борилади. 3—4 мин сўнгидаги 1-жўмрак билан қопнинг чиқиш йўли ёпилади ва текширилувчи атмосфера ҳавосидан нафас олишга ўтказилади, газли аралашмадан олинган нафасда нафас юришуви ҳажми ҳисобланади. Тажрибани тўхтатмасдан туриб 1 мин ўтгач, нафас чиқаришнинг охирида газҳисоблагич қўрсаткичини белгилаб, "газли аралашмадан нафас олишга тайёрланиш" учун буйруқ берилади. 1 минутдан сўнг ҳисоблагич қўрсаткичи белгиланади ва буйруқ бекор қилинади (67-расм).

Ишни расмийлаштиришга доир тавсиялар. Олинган натижаларни тавсия қилинган жадвалга ёзинг ва карбонат ангирид газининг нафасга таъсири ҳақида хулоса қилинг. Нафаснинг минутлик ҳажмини ( $\text{НМХ}$ ) ҳисобланг ва унинг ўзгаришини тушунтиринг.



68-расм. Икки томонлама ваготомиядан сўнг нафас ҳарактери ўзгаришининг кимограммаси.  
а) ўпка ҳажми ўзгаришини қайд қилиш; б) ўпка нафас ҳаракатларини қайд қилиш.

Карбонат ангирид гази кўп бўлган газ аралашмасидан нафас олишдан олдин ва кейин ташки нафас қўрсаткичларининг динамикаси

№№	Вақт, мин	Тажриба шароити	1 мин да нафас частотаси	Нафас чуқурлиги, мл	НМХ

#### 4-ИШ. АДАШГАН АСАВНИ ИККИ ТОМОНЛАМА КЕСГАНДАН СЎНГ НАФАС ОЛИШНИНГ ЎЗГАРИШИ

Ўпка рецепторларининг рефлектор таъсирланиши нафас маркази таранглиги муайянлиги ва ўз навбатида нафас ҳарактерида катта роль ўйнайди. Нафас олишда ўпканинг ҷузилиши ўпка альвеоласидаги механорецепторнинг таъсирланиши натижасида ҳосил бўладиган импульслар адаш-зув асабнинг афферент толалари орқали марказий асаб системасида узатилади.

Нормал шароитда нафас олишнинг юзага чиқиши, ўз навбатида уни рефлектор равишда тўхтатишга ва нафас чиқаришнинг бошланишига олиб келади (Геринг — Брейер рефлекси). Адашган асабларни кесгандан сўнг, нафас турлашиб, сийраклашади, нафас олиш ва чиқариш инкадан келаётган импульсларнинг нафас марказидаги нейронларга нафаснинг бундай ўзгариши адашган асаб бир ёки томонлама кесилганда кузатилади.

Иш анжомлари: ўткир тажрибада нафасни ёзиб олиш учун қурилма, препаровка асблолари йигиндиси, трахея ~~ка~~ нюляси, иплар, қүён (мушук).

Тажриба ўтказиш тартиби. Ҳайвон бўйнининг икки томонидан асаб-қонтомир тутами очилади (унда умумий уйқу артерияси, адашган, симпатик асаблар бор). Кесилган юзага адашган асаб умумий уйқу артерияси ва симпатик асабдан ажратиб чиқарилади. Адашган асаблар боғлагичларга олинади (боғланмаган ҳолда). Нормал нафасни ёзиб олиш давомида асаб боғланади ва тугуннинг паст томонидан кесилади, нафас ўзгариши кузатилади. Сунгра 5—8 минутдан кейин иккинчи асаб боғланиб, у тугун пастидан кесилади ва шунингдек, нафас ўзгаришлари яна кузатилади.

Ишни расмийлаштиришга доир тавсиялар. Натижаларни баённомага киритинг ва хулоса қилинг.

#### 75-ИШ. АДАШГАН АСАБНИНГ МАРКАЗИЙ УЧИ ТАЪСИРЛАНДА НАФАС ОЛИШ (ГЕРИНГ — БРЕЙЕР ТАЖРИБАСИ)

Адашган асабнинг марказий қисмини таъсирлашнинг нафас олишга таъсири нафас олиш маркази жавоб реакциясининг таъсирлаш кучига ва нафас фазаларига (нафас олиш, нафас чиқариш) боғлиқ эканлигини намойиш қилиш имконини беради.

Иш анжомлари: нафасни ёзиб олиш учун аввалги ишда қўлланилган қурилма, электродлари билан электр таъсирагич, ўтказгичлар (симлар). Тажриба ҳайвонда олиб борилади.

Тажриба ўтказиш тартиби. Нафас қайд қилинади. Нафасни қайд қилиш давомида адашган асабнинг бир томонидаги боғланган марказий учи электродларга қўйилади ва ҳар хил кучдаги импульсли ток билан таъсиранади. На вбатдаги таъсирлаш 2—3 мин оралатиб берилади. Жавоб реакцияси таъсирагичнинг катта-кичиклигига ва таъсирлаш вақтига боғлиқлигидан далолат бсрувчи аниқ натижага олишлари (нафас олиш ёки чиқаришда). Таъсирот кучини ўзgartириш билан ҳар хил натижалар олиш мумкин. Унчалик катта бўлмаган таъсирот кучига жавоб жараёни таъсиротни нафаснинг қайси фазасига тўғри келишига боғлиқ бўлади. Агарда таъсирот нафас олиш фазасида берилса, бу пайтда нафас олиш фазаси тўхтаб, нафас чиқариш фазаси бошланади. Шу тариқа нафас чиқариш нафас олиш билан алмашади, агарда таъсирот нафас чиқариш фазасида берилса, нафас олиш бошланади.

Адашган асабнинг марказий қисми таъсиrlанишида на-  
хактерининг ўзгариши, шунингдек, наркоз чуқурли-  
га ҳам боғлиқ. Ҳайвон чуқур наркоз шароитида бўлса,  
адашган асабнинг марказий қисмини куч билан таъсиrlаш  
нафаснинг нафас чиқариш фазасида тўхтаб қолишига олиб  
бераади.

Ишни расмийлаштиришга доир тавсиялар. Пневмог-  
раммани кесиб олиб, дафтарингизга ёпиштиринг, уни  
таҳтил қилинг.

#### 76-ИШ. ОКСИГЕМОМЕТРИЯ. ОКСИГЕМОГРАФИЯ

Қоннинг кислородга тўйиниши даражасига мувофиқ,  
унинг ранги ўзгариади (қора қизилдан тиниқ қизил рангга-  
ча), бироқ рангининг ўзгаришига мувофиқ эса нур ютиш  
даражаси камаяди. Қоннинг бу хусусияти тўқима ёритил-  
ганда нур ютилишининг фотоэлектроколориметрик ёки фо-  
тоэлектрик усулини қўллаш, яъни оксигемометрия имко-  
нини беради.

Организм тўқималарида бир вақтнинг ўзида артерия ва  
вена қони бўлади. Артерия қоннинг кислород билан  
тўйиниши даражасини аниқлаш учун ёритиладиган тўқима-  
даги ҳамма қонни артериал қон таркибига яқин ҳолатга  
келишиш керак. Бу ҳолатга қил томирни кенгайтириш би-  
лан ёришилади, бу ўз навбатида қон оқиш тезлигини жа-  
заллаштиради ва қондан кислороднинг тўқимага ўтишининг  
камайишига олиб келади. Қил томирларни кенгайтириш ис-  
сиқлиқ таъсири билан амалга оширилади, бунинг манбай  
электр лампочкаси бўлиб, у бир вақтнинг ўзида тўқимани  
ёритиш учун ҳам хизмат қиласди.

Тўқиманинг маълум (қулоқ) қисми қиздириш лампаси  
тўшимида ёритилади. Ёруғлиқ қулоқдан ўтиб фотоэлементга  
тушади. Фотоэлементнинг ёритилиши тўқима томонидан  
ёруғликнинг ютилишига мувофиқ ўзгариади. Ёруғликнинг  
ютилиши ўз навбатида, тўқиманинг шу қисмини таъминлаб  
түрвчи қоннинг ранги, унинг кислород билан тўйиниши  
даражасига боғлиқдир.

Оксигемометр датчик ва артерия қонидаги гемоглобин-  
гоксигемоглобин куринишидаги процентини кўрсатувчи  
титаникларга бўлинган шкалали асбобдан иборат. Оксиге-  
раф ҳам шу принципга асосланган.

Иш анжомлари: оксигемометр ёки оксигемограф. Иш  
одамни олиб борилади.

**Тажриба ўтказиш тартиби.** Асбобнинг датчиги текширилувчи қулоқ супрасининг юқори қисмига қўйилади. Оксигемометр тавсия қилинган инструкциясига мувофиқ ишлатилади.

Оксигемометрнинг индикатор стрелкаси шкаладаги 96 рақамига қўйилади. Эркин нафас шароитида стрелканинг силжиш катталиги кузатилади ва белгиланади. Текширилувчидан нафасни имкони борича узоқ вақт тұхтатиб туриш сўралади. Бунда асбоб кўрсаткичи кузатилади ва ёзib олинади.

Индикатор стрелкаси текширилувчининг эркин нафас ҳолатида такроран 96 рақамига қўйилади. Текширилувчидан бир неча бор чуқур нафас олиш сўралади ва яна асбоб кўрсаткичи кузатилиб, ёзib олинади.

Ишни расмийлаштиришга доир тавсиялар. Текшириш натижаларини ёзib олининг. Қоннинг кислород билан тўйиниши, нафас ушлаб турилганда ва нафас тезлашганда қандай ўзгаришини тушунтиринг.

#### 77-иши. ЖИСМОНИЙ ЮКНИНГ ОДАМ НАФАСИГА ТАЪСИРИ

Мушаклар иши доимо нафас чуқурлиги ва тезлигининг ошиши ва ўпкада газ алмашинувининг тезланиши билан давом этади, бў ўз навбатида организмнинг кислородга бўлган эҳтиёжини қондириш ва ортиқча карбонат ангидрил газининг ташқарига чиқарилиши учун мутлақо зарурдир.

Ўпкада ҳаво юришуви (вентиляция) бажариладиган иш катталиги ва оксидланниш жараёнининг қучайишига мувофиқ ошади. Жадаллашган иш вақтида ўпкада ҳаво юришуви одамда тинч ҳолатдаги 7—9 л/мин ўрнига 100 л/мин, ҳатто ундан ҳам кўп бўлиши мумкин. Кислородга нисбатан талаб бундай пайтда тинч ҳолатдаги 0,3—0,35 л/мин ўрнига 2,0—3,5 л/минни ташкил қиласди.

Мушаклар фаолиятининг ўпкада ҳаво юришуви ўзгаришига таъсир қилиш механизми мураккабdir. Мушаклар таъсиринида ўпкада ҳаво юришувининг тезлашиши, бир тоғондан организмда химиявий ўзгаришлар — карбонат ангидрил газининг ва оксидланмай қолган маҳсулотларнинг тұплапшиши, иккинчи томондан эса, рефлектор таъсирлар билан боғлиқ.

Иш анжомлари: газ ҳисоблагич, жўмраги (вентил), бўлган нафас ўтказгич, лабларо мундштук, бурун узун қисқич, уч тармоқли жўмрак, улагич найлар, секундомер спирт.

**Тажриба ўтказиш тартиби.** Текширилувчидаги тинч ҳолатда нафаснинг минутлик ҳажми ( $\text{НМХ}$ ) аниқланади. Жўмраги бўлган нафас ўтказгич мундштуги спирт билан ишлатади ва оғизга олинади, бурунга қисич қўйилади, ҳисоблагич орқали 5 мин давомида нафас олинади. Тажриба давомида баённома расмийлаштирилади ҳар минутда ҳисоблагич орқали 5 мин давомида нафас олинади. Сўнгра газ тажриба ўтказиш учун кетган (5 мин) вақта бўлинади. Бу эса текширилувчидаги  $\text{НМХ}$  нинг тинч ҳолатдаги катталиги бўлади.

2. Текширилувчидаги жисмоний юк пайтida  $\text{НМХ}$  ни аниқлаш. Жўмракли нафас ўтказгич мундштуги ҳисоблагичдан олмасдан туриб, газ ҳисоблагичнинг курсаткичи белгилаб олинади ва шундай ҳолда жисмоний юкda  $\text{НМХ}$  катталиги ҳисобланади. Жисмоний юк (10—15—20 марта ўтириб-туриш) берилгандан сўнг, текширилувчи стулга ўтириб, газҳисоблагич орқали нафас олишни, давом эттиради.

Ишни расмийлаштиришга доир тавсиялар. Текширув сәниномасини расмийлаштиринг.  $\text{НМХ}$  ўзгариш катталиги юкда ва дастлабки ҳолатга қайтиш давридаги ҳолатини аниқланади. Жисмоний юкда ўпкада ҳаво юришувининг ўзгариш сабабларини тушунтиринг.

#### 78-иши. НАФАСНИ ТҰХТАТИБ ТУРИШ ФУНКЦИОНАЛ СИНОВИ

Нафас олиш истагини сиғиб, вақт бирлигидан нафасни тұхтатиб турған қобилияти одамларда индивидуалдир. У ташки нафас аппаратининг аҳволига ва қон аңчанинг сис-темасига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам нафаси ихтиёрий давомида максимал тұхтатиб турған давомийлигі функционал синов сифатида қўлланилиши мумкин.

Софлом одамларда, эркин нафас олгандан сўнг, нафасни максимал тұхтатиб турған 50—60 секунд ташки этади, эркин нафас чиқаришдан сўнг 30—40 секунд турғади. Бу таъситчишлар нафас тезлашганда ўзгариади.

Иш анжомлари: секундомер. Иш одамда олиш борилади. Тажриба ўтказиш тартиби. Эркин нафас олиш ва нафаси максимал тұхтатиб турған 3—4 мин давомида эркин нафас олиши. Сўнгра одатдаги нафас чиқаришдан сўнг чуқур

нафас олади ва чуқур нафас чиқаради ва имкони борича узоқроқ вақт нафасни тұхтатиб туради. Секундомердан фойдаланиб бу вақт аниқланади. Иккәла ҳолда ҳам бу сиңов уч марта текрорланиб, ўрта арифметик қиймат олинади.

Нафас олиш чиқаришда нафасни максимал тұхтатиб туриш вақти нафасни ихтиёрий тезлашган шароитда аниқланади (үпкада нафас юришуви сунъий тезлашувидан, яғни сунъий хансирашдан — гипервентиляциядан кейин). Текширилувчи 1—2 мин давомида энг катта чуқурликда нафас олади ва максимал нафас олишда ёки максимал нафас чиқаришда нафасни тұхтатиб туради. Ҳар сафар нафасни максимал тутиб туриш вақти катталиги аниқланади. З марта такрорлаб, ўртачаси олинади. Нафасни максимал тұхтатиб туриш вақтини спирограммада ҳам ёзиш ва аниқлаш мүмкін.

Ишни расмийлаштиришга доир тавсиялар. Олинған натижаларни баённомага ёзинг. Нафасни тұхтатиб туриш максимал вақти катталигини нафас олиш ва чиқаришда бир хил шароитда солиштириңг. Нафасни максимал тұхтатиб туриш вақти катталигини нафас олишда, әркін нафас олишда, тезлашган нафас шароитда солиштириңг. Кузатылған фарқлар сабабини тушунтириңг.

#### 79-ИШ. ТАШҚИ НАФАС ПАРАМЕТРИГА НУТҚНИНГ ТАЪСИРИ

Нафас функционал системаси нутқ вақтида үпкада газ алмашинувины таъминлаш билан бир вақтда "нутқ нафаси" бўлмиш товуш ҳосил қилишда ҳам иштирок этади. Пневмограф методидан фойдаланиб, әркін шароитда ва "нутқ нафаси" да бир вақтнинг ўзида үпкада газ алмашинуви ва маълум акустик эффект ҳосил қилиш учун туғилған заруррият оқибатида вужудга келган ташқи нафас параметрлари фарқи ҳақида ҳукм чиқариш мүмкін.

Иш анжомлари: филофли резина камера, Марей капсуласи, кимограф, қисқич, секундомер.

Тажриба ўтказиш тартиби. Резинали филоф най ёрдамида уч тармоқли жұмрак орқали Марей капсуласи билан боғланади. Қисқич олиниб, система ҳаво билан тұлдирилади. Манжетка текширилувчининг күкрап қафаси деворига боғланади ва пневмограммани кимографда ёзишга киришилади.

Пневмограммалар: а) әркін нафасда ва б) секин овоз булан үқишка қайд қилинади.

Ишни **Расмийлаштиришга** доир тавсиялар. Олинган пневмограммани кесиб олиб, дафтaringизга ёпиширинг ва сунда: а) Эркин ва б) "нутқ нафаси"да белгиланг. Пневмограммада нафас олиш ва чиқариш доимийлиги нисбатини **Эркин нафас**да "нутқ нафаси" да хисобланг. Пневмограмма анализи **натижаларини жадвалга күчиринг.**

#### **Нутқ фаолиятида ташқи нафас параметрлари**

Пневмограмма маълумотлари	Эркин нафас	"нутқ нафаси"
Нафас частотаси		
Нафас олишининг давомийлиги (сек)		
Нафас чиқаришининг давомийлиги (сек)		
Нафас олиш давомийлигининг нафас чиқариш давомийлигига нисбати		

Эркин нафас ва "нутқ нафаси" шароитида ташқи нафас параметрларидаги асосий тавофтлар ҳақида хулоса килинг.

## ҲАЗМ ҚИЛИШ ФИЗИОЛОГИЯСИ

### 80-ИШ. СУЛАК БЕЗЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТЕКШИРИШ

Оғиз бўйлиги — овқат ҳазм қилиш йўлининг бошланғич цисми бўлиб, шу ерда сұлаклар таъсири остида овқатларининг парчаланиш жараёни бошлавади. Ҳазм аппаратининг мақсадида мувофиқ ўзгариши таъсирилагичларнинг барча турларига тамомила мослашиши сұлак безлари фаолияти мисолида яққол ифодаланган.

### ИТДА СУЛАК БЕЗЛАРИНИНГ СЕКРЕТОР ФАОЛИЯТИНИ ТЕКШИРИШ

Иш анкомлари: ўқитувчи томонидан И. П. Павлов усули билин операция қилинган. Қулоқолди ва жағости сұлак безлери йули ташқарига шкарилган фистулали ит, сұлак инфекциянын учун даражаланган цилиндр, истеъмол қилинмаган ва қилинмайдиган овқатлар.

\* Большинство практикум по физиологии человека и животных (под ред. Е. А. Курдярова, М. Высшая школа, 1984 г., с. 283). Практикум по физиологии под ред. Н. А. Агаджанян. М. Высшая школа, 1983, с. 117—119).

**Тажриба ўтказиш тартиби.** Ит махсус станокка қўйилади ва овқат бўлмаганида сўлакнинг фистула орқали ажралиб чиқмаслигига ишонч ҳосил қилинади. Таъсирловчилар қўйидаги ғетма-кетликда берилади: нон талқони, нон, қум, сув, HCl эритмаси, сут ва гўшт. Овқат моддаларини ит ўзи сайди, истеъмол қилинмайдиганлари эса оғиз бўшлигига экспериментатор томонидан киритилади. Таъсирловчиларнинг таъсирини таққослаш учун улар ҳар доим 30 с ичида берилади, шундан сўнг 1 мин давомида сўлак йигиш давом эттирилади. Сўлак ажралиши олдинги таъсирловчининг таъсири остида мутлақо тўхтаганидан сўнг, орадан 3—5 мин ўтгач, янги таъсирловчи билан таъсиранади. Ажралиб чиқаётган сўлак миқдори жадвалга ёзib борилади. Сўлакнинг овқатнинг турига қараб турли сўлак безларидан чиқишига ва сўлакнинг ёпишқоқлигига эътибор бериш керак.

Ишни расмийлаштиришга доир тавсиялар. Сўлак безларининг сскретор фаолияти механизми ва уларнинг сскретор реакцияси таъсирловчиларнинг физик ва кимёвий хоссаларига боғлиқ эканлигини тушунтиринг.

#### ОДАМДА СЎЛАК АЖРАЛИШИНИ ТЕКШИРИШ

Иш анжомлари: капсула (Лешли-Красногорский ёки Юшенко), нозик резинкали най, ўлчамли цилиндр, пробирка, 10 мл ли шприц, қисқич, лимон кислотаси эритмаси, қандли эритма, сув. Иш одамда олиб борилади.

**Тажриба ўтказиш тартиби.** Тоза ювилган, дезинфекция қилинган Лешли-Красногорский капсуласига 2 та резинкали най уланади. Биринчи най капсуланинг ташқи камераси билан боғланган бўлиб, капсулани оғиз бўшлигининг шиллиқ қаватига маҳкамлаш учун хизмат қилади, иккинчиси эса капсуланинг ички камерасига очилади, у орқали ажралиб чиқаётган сўлак йигилади. Капсула камерасининг ташқи томонига уланган най шприц билан туташтирилган. Текширилувчига оғизни очиш таклиф қилинади ва оғиз бурчагини юқорига ва бир томонга тортиб туриб, лунжнинг ички сатҳидан (юқоридан 2-озиқ тиш рўпарасида) қулоқолди безнинг йули қидирилади. Шиллиқ қаватга капсула шундай қўйилиши керакки, натижада сўлак йўли капсула ички камерасининг ўртасига жойлашади ва шприц ёрдамида капсуланинг ташқи камерасидан ҳаво тортиб олинади. Бу ҳолда капсула шиллиқ қаватга ёпишиб қолади ва маҳкамланади. Кейин найга қисқич қўйилади. Текширилувчи оғзини беркитади; ички камера билан туташтирилган най сўлак йигиш

ун пробиркага туширилади. Аввал 10 мин давомида сұлак  
датылған, кейин оғиз бүшлиғи лимон кислотаси, шакар эрит-  
маси ва сув билан чайқалганда, сұлак ажралиши аниқланади.  
Ишни расмийлаштиришга доир тавсиялар. Тажрибада  
жадвалта мәлімдемелер жадвалга ёзинг.

**Сұлак ажралишининг оғиз бүшлиғи шиллиқ пардасига турли  
таъсирлардаги күрсаткичлари**

Сұлак йигиши тартиби	Сұлак йигиши вақти	Сұлакпинг мәл да ифодаланған миқдори	pH
Сұлакпинг эркін ҳолда аж- ралғышы			
Оныз бүшлиғи сув билан чайқалганда ажралған сұлак			
Оныз бүшлиғи лимон кисло- таси эритмаси билан чайқалганда ажралған сұлак			
Оныз бүшлиғи қанды эрит- маси билан чайқалганда аж- ралған сұлак			

Оғиз бүшлигининг шиллиқ қаватига ҳар хил таъсирлов-  
шылар таъсир қылғанда сұлак миқдорининг үзгаришини ту-  
шунтириң.

### 81-ИШ. ОШҚОЗОН ФАОЛИЯТИНИ ТЕКШИРИШ

#### Итда ошқозоннинг секретор фаолиятини текшириш

Ошқозон ширасининг ажралиш механизмининг асаблар  
шаралы идора қилиниши И. П. Павлов томонидан ошқозон  
шаралы қылғанда (эзофаготомия, яғни қызилуңгачи кесилтган)  
шаралары бор итларда аниқланған. Бу классик тажриба  
физиология фанига соxта (ёлғондан) овқатлантириш номи  
шаралы кирған.

Иш анжомлари: үқитувчи томонидан олдиндан опера-  
тор қилинган ва тузалған қызилуңгач ва ошқозон фисту-  
шары бор ит\*, ошқозон ширасини йиғиш учун даражасы  
цилиндр, гүшт қиймаси.

\* Большой практикум по физиологии человека и животных (под ред. А. Кудряшова, М. Высшая школа, 1984 г., с. 283). Практикум по  
физиологии (под ред. Н. А. Агаджаняна, М. Высшая школа, 1983, с. 119).

**Тажриба ўтказиш тартиби.** Ит, унинг сўнгти овқатланшидан 18—20 соат ўтгач, махсус станокка жойлаштирилади. Ёйиш учун майдаланган гўшт берилади. Ютилган гўшт қизилўнгач фистуласи орқали ташқарига тушади. Орадан бир неча минут ўтгач (5 минга яқин), ошқозон фистуласи орқали ошқозон шираси ажралиб чиқа бошлайди. Ит 10 мин давомида боқилади. Овқат бериш вақти ва ошқозондан ажралган биринчи шира томчиси вақти ҳам белгиланади, яъни овқат барилгандан бошлаб ширанинг биринчи томчиси ажралиши учун кетган вақт аниқланади. "Сохта овқатлантириш" вақтида ва "сохта овқатлантириш" тўхтагандан (таъсирдан кейинги фаолият) кейинги I соат давомида йигилган ошқозон ширасининг миқдори ўлчанади.

Ишни расмийлаштиришга доир тавсиялар. "Сохта овқатлантириш" тажриба схемасини чизинг. Тажрибада аниқланади ошқозон ширасининг ажралиш механизмини ҳамда бу жараёнда оғиз бўшлиғидаги шиллиқ қават, кўриш, таъм билиш ва бошқа рецепторларнинг ролини тушуниринг.

### ЭЛЕКТРОГАСТРОГРАФИЯ

(М. А. Собакин усули бўйича ошқозоннинг биотокларини қайд қилиш)

Тана сатҳидан ошқозондаги биопотенциалларни электрогастография усули билан қайд қилиш ошқозоннинг ҳазм ҳаракатини ўрганишга ёрдам беради.

Иш анжомлари: электрогастограф, күшетка, чойшаб, пахта, докали салфеткалар, 10 процентли ош тузи эритмаси, эфир, спирт. Иш одамда олиб борилади.

**Тажриба ўтказиш тартиби.** Текширилувчи одам тизза пасти ва қорни очилган ҳолда күшеткага ётади. Ўнг ва чап болдирга электродлар қўйилади. 10 % ли ош тузи билан тўлдирилган электрод сўргич киндик ва тўш суюги ўсимтаси ўртасидаги чизиқнинг юқори ва ўрта чегарасининг учдан бир қисмига маҳкамланади. Сўргич қўйиладиган жой териси олдиндан спирт ва эфир билан артилади. Ошқозон ҳаракати синови нонуштадан кейин 20—30 мин ўтгач, 1—1,5 соат давомида ёзилгани маъкуд.

Ишни расмийлаштиришга доир тавсиялар. Олинган электрогастрограммадан кесиб олиб, дафтарингизга ёпиши тиринг. Олинган эгри чизиқларни таҳлил қилинг.

## 82-ИШ. ЁЕЛАРГА ЎТ СУЮҚЛИГИНИНГ ТАЪСИРИ

Ичак ширасининг ёёларни парчалалиши унинг таркибида суюқлигининг борлиги билан боғлиқ. Овқат ҳазм қилишида ўт суюқлиги жуда кўп функцияларни бажаради, ишқаса, ўт суюқлиги ёёларни эмульсияга айлантириб, кейдидан уларнинг ферментлар срдамида парчаланиши ва ришишини сингиллаштиради ёки осонлаштиради.

Иш анжомлари: штатив, лупа (заррабин), буюм шишалар, пробирка, томизгич, фильтр қофози, ўсимлик мойи, янги ўт суюқлиги.

Тажриба ўтказиш тартиби. Ўтнинг ёёларга таъсирини 1 та усулда кузатиш мумкин.


1. Буюм шишасига томизгич билан 1 томчи сув ва ўт суюқлиги томизилади. Ҳар бир томчига ўсимлик мойидан анина қўшилиб, аралаштирилади ва иккала томчи лупа үзидан кўрилади.

2. Воронкаларга фильтр қофози жойлаштирилиб, бириси сув, иккинчиси эса ўт суюқлиги билан ҳўлланади. Воронкаларни штативдаги пробиркаларга ўрнатиб, уларга 10 мин ўсимлик мойи қўйилади. Орадан 45 мин ўтгач, фильтрланиб ўтган мой миқдори иккала пробиркада үзидан.

Ишни расмийлаштиришга доир тавсиялар. Мойнинг ўт сув суюқлиги томчисида тақсимланишини дафтaringизга зинг. Ўт ва сув билан ҳўлланган фильтр қофози орқали мойнинг фильтрациясини аниқланг ва натижасини ёзинг. Ўзиган натижаларга асосланиб, ўтнинг мойларга таъсир қилиш механизмини тушунтиринг.

## 3-ИШ. АЖРАТИБ ОЛИНГАН ҚҮЁН ИНГИЧКА ИЧАГИНИНГ ҚИСҚАРИШИНИ ҚАЙД ҚИЛИШ (МАГНУС ТАЖРИБАСИ)

Ичакнинг ҳаракат фаолияти овқат луқмаларининг ҳаракати, аралашишни, уларнинг ферментлар томонидан парчаланиши ва парчаланган озиқларнинг сўрилишини сурнинлайди. Ичак мушаги ҳар доим унча катта тарангликда туради ва шу асосда содир шисттан чувалчангисимон ва маятниксимон ҳаракатлар каналининг механик ва химиявий агентлар томонидан таъсирланиши билан боғланган. Аммо, ичакнинг ажратиб олинган қисми шундай ҳаракатларни қолиш қобилиятига эга, бу эса автоматизм борада далолат беради.



69-расм. Ажрат<sup>т</sup> олинган ичк кесмаси ҳаракатини кузатиш учун  
Курилма схемаси.

1) эритмани аэр, 2) <sup>с</sup>олнитан ша ичакин маңкамдаш учун букилгай ши-  
ша найча; 3) термометр; 4) резина нали бал-  
лон; 5) Энгельман ричагчаси; 6) кимограф.

Тажриба билан улдирилади. Корин бўшлиғи очилади. Овқат ҳазм ва характеристикинига касиб олинган у бир томони будан 4–5 см чиңчага маҳкамланып, иккинчи томони Эя-килган шиш билан иш ёрдамида туташтирилади. Ажрагельман ричак кесмаси стакана илиқ Рингер-Локк табигий олинганидана (69-расм). Резина нокча ёрдамида эритмасида билан түхтоворсиз таъминлаб (аэрация) турилади. Ичкискаричи кимографга ёзилади, сўнг ичак ҳаракатига тилхолин, пилокарпин, адреналиннинг тасири ўрганилиди. Кўрсатилган моддалар эритмага томзигич ёрдамида қуташтирилади. Ҳар бир дори синовидан сўнг физиотерапик эритмайлаштирилади.

Ишни риги чизикни ёпиштириинг. Кузатилган ичак моторикаси узгариш характерини тушунтиринг.

## СУРИЛИШ МЕХАНИЗМИНИ ҮТКИР ТАЖРИБАДА ҮРГАНИШ (ГЕЙДЕНГАЙН ТАЖРИБАСИ)

Сурилиш мураккаб жараен булиб, бунда ошқозон-ичак мурдан макро-ва микромолекулалар қонга үтади. Макромолекулалар эндоцитоз йўли билан ташилади, яъни асосида эса фагоцитоз ва пиноцитоз механизмлари ётади.

Овқат моддаларининг мономерлари (микромолекула) ва молекулалар қонга пассив — диффузия, фильтрация, осмос йўли билан ҳамда актив (глюкоза, моносахаридлар, аминокислоталар ва бошқалар) ташилади. Актив транспорт жараёни таъминлашда ичак шиллиқ қаватининг мемранаси котта роль ўйнайди.

Иш анжомлари: жарроҳлик столи, жарроҳлик асблари ўнгиндиси, шприц, даражали бюретка, полизтилен най, ком, 10% гексенал, ош тузининг гипертоник, изотоник ва гипертоник эритмалари, 1% глюкоза, 1% фруктоза, 0,05% натрий фторид ёки маргимуш (мишъяқ)нинг нордон эритмалари, каламуш.

Тажриба ўтказиш тартиби. Наркоз учун 10% гексенал эритмаси қўлланилиб, у вена ёки қорин ичита юборилади. Каламуш жарроҳлик столига маҳкамланади. Қорин деворининг ўрта чизиги бўйлаб қаватма-қават тери, девор мушиғи ва қорин пардаси кесилади. Ичак топилади. Ингичка ичак 10—15 см узунликда кесиб ажратилади ва икки тоғонига канюоля киритиб маҳкамланади. Канюлянинг бири даражаланган бюретка полизтилен най орқали туташтиришиб, иккинчисига эса полизтилен най кийгизилади. Ичак шприц ёрдамида ювилади ва суюқлик чиқиб кетувчи най кесилади, кейин система ранг билан бўялган ош тузининг изотоник эритмаси билан тўлдирилиб, 10 мин ўтгач, дараланган бюреткада эритма қанчага камайгани аниқланади. Сурилмаган эритма, қисқич олингач, суюқлик чиқиб кетувчи най орқали ташқарига чиқарилади. Шундай тажриба гипо-ва гипертоник эритмалар билан ўтказилади. Кейин ичак бушлиғида 1% глюкозанинг 10 минда бюретка орқали сурилиш миқдори, сунг 1% фруктоза эритмасининг сурилиш тезлиги аниқланади. Тажриба, ичак натрий фторид ёки маргимушнинг нордон калий эритмаси билан ювиландан кейин, қайтарилади (70-расм).


Ишни расмийлаштиришга доир тавсиялар. Олинган нақаларни тажрибаларни қайд қилувчи дафтарингизнинг идаги жадвалига ёзинг.



a



b



c

70-расм. Гейденгайн тажрибаси схемаси.  
а,б,в) тажрибани ўтказиш учун тайғартарлик күриш босқичлари. Изоҳи матида берилган.

Ҳар хил моддаларнинг ингичка ичакдан сўрилиш қўрсаткичлари

т/н	Эритмалар номи ва концентрацияси	Сўрилиш вақти, мин	Сўрилган эритма миқдори (даражаланган бюреткадаги суюқлик сатҳига асосан)

Олинган натижаларни тушунтиринг.

## МОДДАЛАР ВА ЭНЕРГИЯ АЛМАШИНУВИ

### 85-ИШ. ОВҚАТ РАЦИОНИНИ ТУЗИШ

Одам учун овқат рациони (маълум муддатда берилади-  
ловим. Бир кунда ейиладиган овқат сарф этиладиган энер-  
гия миқдорини қоплайдиган бўлиши керак. Овқат рацио-  
ни тузиши шахснинг бажарадиган иш турига монанд  
(болалар учун — ёнлига) ҳолда етарли миқдорда оқсиллар,  
ёғлар ва карбон сувларнинг бўлиши ҳисобга олиниши ке-  
рак. Тўрт маҳал овқатланиш энг яхши режим ҳисобланади.  
Биринчи, эрталабки нонушта умумий калориянинг 10—  
15% ини, иккинчи нонушта 15—35% ини, тушки овқат  
40—50% ини ва кечки овқатланиш 15—20% ини ташкил  
қилиши мақсадга мувофиқдир. Оқсилга бой бўлган озиқ  
моддалари (гўшт, балиқ, тухум) нонушта ва тушки овқат-  
ланишда тановул қилингани маъқул. Кечки овқатланиш  
учун эса сут-кўкат маҳсулотлари қолдирилиши зарур. Орга-  
низмга кираётган оқсил ва ёғларнинг камида 30% чорва  
маҳсулотларидан иборат бўлиши керак. Шу билан бир  
қаторда таом рационига етарли миқдорда витаминлар, ми-  
нерал тузлар ва сув кириши керак.

Организмга кирган озиқнинг ҳаммаси ўзлаштирил-  
маслигини, яъни ичакда суримаслигини ва ишлатилмас-  
лигини эсда тутиш керак. Истеъмол қилингани озиқнинг  
маълум қисми ичакдан шлаклар (чиқинди) кўринишида  
шиқариб юборилади. Аralаш озиқни ўзлаштириш ўртacha  
90% га тенглашади.

Иш анжомлари: озиқ-овқатларнинг кимёвий таркиби ва  
уларнинг қанчалик калорияга эга эканлигини тасвиrlовчи  
жадвал.

Тажриба ўтказиш тартиби. Ўзида озиқ моддаларнинг  
шеша процент оқсил, ёғ ва карбонсувларни сақлагани ва  
100 г озиқнинг қанча калорияга эга эканлигини курсатувчи  
жадвал ёрдамида озиқ рациони тузилади. Агар суткалик  
рационда оқсиллар, ёғлар ва карбонсувларнинг миқдори  
нормага тўғри келмайдиган бўлса, унда озиқ моддалари  
шишилича кўпайтирилиши ёки озайтирилиши керак.

Озиқ моддаларига бўлган талаб ва озиқ рационининг  
умумий калориясини организмнинг алоҳида хусусиятлари-  
ни ҳисобга олган ҳолда (жинси, ёши, буйи, вазни, меҳнат  
ролиятининг характеристи) 2—3 мин ичидаги Покровский —  
Шательников номометри ёрдамида аниқлаш мумкин.

Ишни расмийлаштиришга доир тавсиялар. Берилган озиқ рационини жадвалга киритинг.

Суткалик озиқ рационининг таркиби

Озиқланыш режими	Озиқ-овқатлар номи	Озиқ-овқатларнинг вазни (г)	Олинган миқдордаги озиқ-овқат таркибидаги оқисиллар, ёғлар, карбонусулар вазни (г)	Суткалик рационининг % лари	Калорияси (ккал)
Биринчи ионушта					
Иккинчи ионушта					
Тушки овқат					
Кепки овқат					
Умумий миқдори					

Хулоса чиқаринг.


**86-ИШ. АСОСИЙ АЛМАШИНУВНИ СПИРОМЕТАБОЛОГРАФ ЁРДАМИДА ҲАМДА ЖАДВАЛЛАР БҮЙИЧА АНИҚЛАШ**

Физиологик тинч ҳолат шароитида тананинг доимий ҳароратини ва организм барча системаларининг ҳаёт фаялиятини сақлаб туриш учун керак бўлган энергия сарфига асосий алмашинув деб аталади. Бу тинч, оч, ҳаракатсиз ётгандা, атрофдаги ҳарорат комфорт ( $18-20^{\circ}\text{C}$ ) бўлганда аниқланади.

Асосий алмашинув катталиги жинсга, ёшга, тананинг вазни ва бўйига боғлиқ бўлади ва у тахминан 1 кг тана оғирлиги учун 1 соатда 1 ккал га тенг.

**Спирометаболография.** Асосий алмашинувни аниқлаш қўйидагича олиб борилади. Эрталаб оч-наҳорда (охирги овқатланишдан 12—14 соат кейин) текширилувчининг ҳаракатсиз ётган ҳолида, унинг қанча кислород ютгани аниқланади (масалан, спирометаболограф ёрдамида). Бир суткада ўзлаштирилган кислороднинг ҳажми ҳисоблангач, асосий алмашинув шароитида 4,8 ккал га тенг бўлган кислороднинг калорик коэффициентига купайтирилади. Олинган сон килокалория ҳисобида асосий алмашинув катталигини кўрсатади.

Спирометаболографда кислород билан тўлғазилгән гофирланган резина халта, натрон оҳакли идиш, лабгич, на-



71-расм. Спирометаболограф қурилмасининг схемаси.

1) дабгич; 2) нафас олиш клапанлари; 3) нафас чиқарыш клапанлари; 4) CO<sub>2</sub> ни ютувчи; 5) спирометр.

Нафас олиш ва чиқарыш клапанлари билан таъминланган иккита гофрирланган най, кислородли баллон ва сиёҳ билан түрвичи ассоблар бор.

Текширилувчи лабгич ёрдамида ҳалтачадан най орқали кислород олиб, бошқа най орқали ҳалтачага нафас чиқараётган. Чиқарилаётган ҳаво натрон оқакли қаватдан ўтгаётуб, карбонат ангириди гази ва сув буғларидан ҳолос бўлади.

Кислород ўзлаштирилиши жараёнида халтанинг ҳажми ичрая боради ва у спирограммага — нафас олишнинг нохис ҳаракатларини қінғир кўринишда акс эттирувчи лентанига ёзилади. Спирометаболограф қурилмасининг схемаси 71-расмда берилган.

Иш анжомлари: спирометаболограф, лабгич, бўй ўлчачи, тарози, асосий алмашинишни ҳисоблаш учун жадвал, яхта, спирт.

**Тажриба ўтказиш тартиби.** Текширилувчи күшеткага зига қулай томони билан ётқизилади. У иккита резина ёрдамида аппарат билан уланган лабгични оғзига ҳлади. Текширилувчи бурнининг тешиклари маҳсус қисиҷчлар ёрдамида қисиб қўйилади. Текширилувчининг тинч ўзда нафас олаётганига ишонч ҳосил қилингач, тажриба башланади. Лентани тортувчи механизм ишга солинади ва аппарат орқали нафас ҳавосининг алмашинуви учун

жұмрак очилади. Лентада кислороднинг камайиш эгри чи-  
зиги ёзилади. Тажриба 5 мин давом этади. Үзлаштирилган  
кислороднинг ҳажмини ҳисоблаб чиқиш қуйидагича бажа-  
рилади: эгри чизиқнинг ёзуви текис бұлған қисми танлаң  
олинади (агар тұғри нафас олинса, эгри чизиқнинг барча  
чүққилари битта тұғри чизиқда ётади). Эгри чизиқнинг  
күпчилик пастки нұқталарини туташтирувчи тұғри чизиқ  
үтказилади (71-расмға қаралсın). Эгри чизиққа калибрлан-  
ған (аниқ бир ұлчамға келтирилған) бурчак шундай қилиб  
қүйилады, натижада уннинг горизонтал тармоги юқоридан  
чизиқни кесиб ўтсın. Бурчак абсолюттасыда вақтнинг ми-  
нутлардаги ифодаси (лента доимий тезликда ҳаракат-  
ланади), ординатада эса кислород истеммолининг літр  
хисоби бор.

Намуна учун мисол. Айтайлик, бурчак ёрдамида 5 мин  
тажриба давомида биз 1 літр кислород сарфланғанини  
аниқлаган бұлсак, үз навбатида, 1 соатда — 1 л ×  
 $\times 12 = 12$  л, бир суткада эса 12 л × 24 = 288 л кислород  
сарф бўлганини топган бўламиз.

Асосий алмашинув катталигини ҳисоблаш учун 1 сут-  
када сарфланған кислород ҳажми кислороднинг калорик ко-  
эффициенти ҳисобланған 4,8 ккал га кўпайтирилади.

Бундан:  $4,8 \text{ ккал} \times 288 = 1382$ , 4 ккал, үз навбатида,  
бир суткада текширилувчидаги асосий алмашинув 1382,4  
ккал га тенг.

Асосий алмашинувни жадваллар бўйича ҳисоблаш.  
Спирометолограф ёрдамида тажриба йули билан текши-  
рилувчидаги асосий алмашинув аниқланиб, бунинг нормага  
тұғри келиш-келмаслыги ҳал этилади. Бунинг учун маҳсус  
ҳисоблаш жадваллари ёки номограмма бўйича текширилув-  
чининг жинси, ёши, бўйи ва вазнига муносиб келган асосий  
алмашинув катталиги ҳисоблаб чиқлади. Тажрибада то-  
пилган катталиктиннинг нормадан оғиб кетиши асосий алма-  
шинув бузилишининг характеристи ва даражасини кўрсатади.

Айтайлик, текширилувчи 21 ўшдаги аёл киши бўлсан.  
Бўй ұлчагич ёрдамида уннинг бўйи ұлчанади ва тортиб  
кўрилади. Тананинг узунлиги 160 см га, тана вазни эса  
60 кг га тенг. Асосий алмашинувни ҳисоблаб чиқиш учун  
тегишли жадвалга мурожаат қилинади. Эркак ва аёллар  
учун эркаклардаги асосий алмашинувнинг 10 % га юқори  
бўлганилиги туфайли улар ҳар хилдир.

Ҳисоблаш жадвали иккита — А ва В дан иборат. А жад-  
валдан 60 кг ли текширилувчининг вазни ва уннинг  
тұғрисидаги 1229 сони топилади. В жадвалдан эса горизон-

ал бўйича ёш — 21, вертикалдан бўй узунлиги — 160 см ўлганда, унга 198 сони тўғри келиши топилади.

А жадвалдан 1229 ва В жадвалдан 198 сонлари олиниб, лар қўшилади. Текширилувчи учун нормал асосий алмашинув 1427 ккал га teng булиши керак. Асосий алмашинувнинг тажрибада аниқланган катталиги 1382,4 ккал га teng. Нормадан оғиб кетиш 3 % лар атрофини ташкил тади.

Хулоса: текширилувчидаги асосий алмашинув нормалдир 10% дан ортиши касаллик ҳисобланади).

Ишни расмийлаштиришга доир тавсиялар. Олинган на-  
ижаларни дафтaringизга ёзинг. Асосий алмашинув таъри-  
ни беринг. Асосий алмашинув катталигига таъсир  
урсатувчи омилларни санаб ўтинг. Асосий алмашинув ша-  
ритида энергия нималарга сарф булишини тушунтириш.


#### 87-ИШ. АСОСИЙ АЛМАШИНУВНИ РИДНИНГ ФОРМУЛА ВА НОМОГРАММАСИ БЎЙИЧА АНИҚЛАШ

Риднинг номограмма ва формуласи асосий алмашинувнинг уртача статистик нормадан индивидуал катталиги оғиши процентини ҳисоблаб чиқиш имконини беради. Бунда артериал босим, пульс частотаси ва организмдаги иссиқликни ишлаб чиқиш ўртасидаги боғланиш ҳисобга олинади. Бундай ҳолатда олинган наижалар катта аниқликлар билан ажralиб турмасада, бироқ баъзи касалликларда (мадданий, тиреотоксикозда) қулай бўлиб, диагностик мақсадларда ишлатилиши мумкин. Асосий алмашинув катталигининг 10% гача ортиши нормал деб ҳисобланади.

Иш анжомлари: күшетка, сфигмоманометр, фонендоскоп, секунд стрелкаси бор соат. Рид номограммаси, чизғич. Ўзга оадамда ўтказилади.

Тажриба ўтказиш тартиби. Текширилувчи чалқанча изилгач, мушак бушашган ва эмоционал тинч ҳолатда пульс саналади ва ўнг қўлда бирин-кетин 3 марта 1—2 оралиқ билан максимал, минимал артериал босим Коков усули билан ўлчанади. Ҳисоблаш учун минимал саткичлар олинади.

Асосий алмашинувнинг нормадан оғиши даражаси Рид формуласи ёрдамида ўтказилади: оғиши даражаси =  $0,75 \times$  пульс частотаси + пульс босими  $\times 0,74$ ) — 72,1 мин даги пульс частотаси — 76 та. Ҳисоблаш учун мисол: АБ — 80/80 мм. сим. уст. га teng. Оғиши даражаси =  $0,75 \times$



72-расм. Рид номограммаси. Избхи матнда берилган.

$$\times [76 + (120 - 80) \times 0,74] = 0,75 \times (76 + 40 \times 0,74) - 72 = \\ = 7,2\%$$

Ҳисоблашни соддалаштириш учун пульс босимининг катталиги билан текширилувчининг пульс частотасини таққослашга имкон берувчи маҳсус номограмма (72-расм) ишлатилади. Бунинг учун чап шкаладан пульснинг частотаси ва ўнг шкаладан пульс босими топилади, кейин эса улар тиниқ чизгич ёрдамида туташтирилади. Чизгичнинг ўрта шкала билан кесишиш нуқтаси асосий алмасинувнинг нормадаги процентлардан оғиш катталигини күрсатади.

Ишни расмийлаштиришга доир тавсиялар. Ўтказилган тажриба натижаларини дафтaringизга ёзинг. Жадваллардан топилган асосий алмасинув катталигини Рид номограммасидан олинган катталик билан солиштиринг. Ўзаро фарқларнинг тахмин қилинган сабабларини тушунтиринг.

## 88-ИШ. НИСБИЙ ТИНЧ ҲОЛАТДА ВА МУШАК ИШИДА ДУГЛАС — ҲОЛДЕН УСУЛИ БҮЙИЧА ЭНЕРГИЯ САРФИНИ АНИҚЛАШ

Физиологик ва клиник текширишларда энергиянинг сарфланишини аниқлаш учун калориметрияниң шундай одий усули қўлланиладики, унинг ёрдамида энергия сарфи оситали усул ёрдамида, яъни вақт бирлигида ютилган кислород ва чиқарилган карбонат ангидрид газининг ҳажми бўйича аниқланади.

Газ алмашинуви бўйича энергия сарфини аниқлашнинг оксидланиш жараёни билан бевосита боғлиқлигидадир. Ҳайвонлар томонидан ютилган кислород органик моддалар бўлмиш оқсил, ёғ, карбон сувларни оксидлайди, натижада мальум миқдорда иссиқлик ажralади ва моддалар ўзларининг охирги чиқиндиси бўлган карбонат ангидрид гази, аммиак ва сувларга парчаланиб кетади.

Организмда I л кислород сарфланганда ажralиб чиқалган иссиқлик миқдори кислороднинг калорик коэффициенти (эквиваленти) деб аталади.

Кислороднинг калорик коэффициенти, карбонсувлар оксидланганда 5,05 ккал га, оқсиллар оксидланганда — 4,85 ккал, ёғлар оксидланганда эса 4,7 ккал га тенг.

Организмнинг ҳаёт жараёнида бир вақтнинг ўзида оқсиллар, ёғлар ва карбонсувлар оксидланади ва нафас коэффициенти биллинган ҳолда, кислороднинг аниқ бўлган калорик коэффициентини топиш мумкин.

Организмдан ажralиб чиқсан карбонат ангидрид гази ҳажмининг шу вақт бирлигида ютилган кислороднинг ҳажмига нисбати нафас коэффициенти (НК) деб аталади.

Нафас коэффициенти оксидланувчи модданинг турига ғараб ўзгаради, шунини учун модда алмашинувининг сифат томонини характерлайди.

Нафас коэффициенти карбонсувларнинг оксидланишида 1,0 га, оқсилларнида 0,8, ёғларнида 0,7 га тенг.

Энергия сарфини ҳисоблаш учун ҳар бир нафас коэффициенти (НК) га тўғри келган кислороднинг калорик эквивалентининг олиш кераклигини НК кўрсатади (6-жаддат).

Воситали калориметрия принципига асосланган Дуглас ҳолден усули одамдаги Энергия сарфини ҳисса вақтли тажбапларда аниқлаш учун қўлланилади. Текширилувчидаги энергия сарфи ютилган кислороднинг ва чиқарилган карбонат ангидрид газининг ҳажми бўйича ҳисоблаб чиқилади. Бунинг учун тажриба йўли билан нафаснинг I минутдаги

ҳажми (НМХ) ва чиқарилган ҳавонинг таркиби аниқланади.

Барча иш бунда 4 босқичдан иборат: 1) чиқарилаётган ҳавони Дугласнинг газ алмашинув халтасига йигиш; 2) чиқарилаётган ҳавонинг газ таркибини таҳтил қилиш; 3) газ соатлари ёрдамида нафаснинг 1 минутдаги ҳажмини аниқлаш; 4) 1 суткадаги энергия сарфини аниқланган газ алмашинуви буйича ҳисоблаш.

Энергия сарфини аниқлаш жисмоний меҳнат пайтида ва тинч ҳолатда ўтказилади.

**6- жадвал. Нафас коэффициентининг ҳар хил котталигида кислороднинг калорик коэффициент қиймати**

Нафас коэффициенти	Кислороднинг калорик коэффициенти	Нафас коэффициенти	Кислороднинг калорик коэффициенти
0,70	4,686	0,86	4,875
0,71	4,690	0,87	4,887
0,72	4,702	0,88	4,900
0,73	4,714	0,89	4,912
0,74	4,727	0,90	4,924
0,75	4,739	0,91	4,936
0,76	4,752	0,92	4,948
0,77	4,764	0,93	4,960
0,78	4,776	0,94	4,973
0,79	4,789	0,95	4,985
0,80	4,801	0,96	4,997
0,81	4,813	0,97	5,010
0,82	4,825	0,98	5,022
0,83	4,838	0,99	5,034
0,84	4,850	1,00	5,047
0,85	4,863	—	—

Иш анжомлари: газанализатор, газ соатлари, газ қабул қилувчи, Дуглас халтаси, газ алмашинув маскаси, уч ўйлли жўмрак. Тажриба одамда ўтказилади.

Тажриба ўтказиш тартиби. Энергия сарфини нисбатан жисмоний тинч ҳолатда аниқлаш. Курсида тинч ўтирган текширилувчига нафасни чиқарувчи клапани бор ва жўмрак орқали Дуглас халтаси билан боғланган газ алмашинув ниқоби (маска) кийгизилади.

Чиқарилаётган ҳаво 5 минут давомида йиғилади, кейин жўмракни бураш билан халта бекитилиб, халтадан газ

бул қилувчига ҳаво синамаси олинади ва уни таҳлил ализ) этишга киришилади.

Чиқарилган ҳаво ҳажмини аниқлашга фақат унинг ҳалидидан кейингина киришилади, чунки таҳлил муваффақиятсиз чиқса, уни тақрорлаш мумкин бўлсин. Чиқарилган ҳаво ҳажмини ўлчаш учун у газ соатлари орқали тказилади.

Чиқарилган ҳавонинг газ таркиби ва ҳажми аниқлангач, ергия сарфини ҳисоблашга киришилади.

Ҳисоблаш учун мисол: айтайлик, текширилувчи 5 мин замомида 35 л ҳавони чиқаради, унда 17% кислород ва 3,5% карбонат ангидрид гази бўлсин. Атмосфера ҳавосининг таркибида 20,96% кислород ва 0,03% карбонат ангидрид гази бор.

Ҳисоблаш вақтида кислороднинг атмосфера ҳавосидаги концентрацияси 21% олинади, карбонат ангидрид газининг озлиги эса инобатга олинмайди. Агар атмосфера ҳавосида 21%, чиқарилган ҳавода 17% кислород бўлса, унда ўз нағатида, ўпка оғқали ўтган ҳар бир 100 мл ҳаводан, организм томонидан  $21 - 17 = 4$  мл кислород ютилган ва бунда 3,5 мл карбонат ангидрид гази ажralиб чиқсан бўлади.

1 минутдаги кислороднинг ютилишини ҳисоблаб чиқамиз. Текширилувчи 5 минда 35 л ҳаво чиқаради, нафаснинг 1 минутлик ҳажми ( $\text{НМХ}$ ) 7 л ёки 7000 мл ( $35 \text{ л} : 5 = 7 \text{ л га тенг бўлади}$ ).

Тенглама тузами:

100 мл ҳаводан 4 мл кислород ютилган бўлса, 700 млдан

$$X = \frac{7000 \cdot 4}{100} = 280 \text{ мл}, \text{ яъни текширилувчи 1 мин да } 280 \text{ мл кислород ютган.}$$

Нафас коэффициенти ( $\text{НК}$ ) ни ҳисоблаб чиқамиз:

$$\text{НК} = \frac{\text{CO}_2}{\text{O}_2} = \frac{3,5}{4,0} = 0,87.$$

Шу НК бўйича 6-жадвалдан кислороднинг калорик эквивалентини топамиз. У 4,88 ккал га тенг. 1 мин да ютилган кислород ҳажмини кислороднинг калорик эквивалентига кўпайтириб, текширилувчида 1 мин даги энергия сарфини топамиз. У  $0,280 \text{ л} \times 4,88 = 1,366 \text{ ккал га тенг}$ .

1 соатдаги энергия сарфи 60 марта кўп бўлади:  $1,366 \text{ ккал} \times 60 \text{ мин} = 81,96 \text{ ккал}$ .

1 суткада энергия сарфи жисмоний тинч ҳолатда 81,96 ккал  $\times 24 = 1967,04$  ккал га тенг бўлади.

**Изоҳ:** Энергия сарфини ҳисоблашда амалий маъшғулотларда бир қанча соддалаштиришлар ўринлидир. Шундай қилиб, нафас олишдаги ҳавонинг ҳажми нафасни чиқаришдаги ҳаво ҳажмига тенг деб қабул қилинади. Аслида нафас олишдаги ҳавонинг ҳажми чиқаришдаги ҳажмдан кўпроқ бўлади, чунки ютилган кислороднинг бир қисми водороднинг оксидланишига кетади ва сув кўринишида ажралиб чиқади. Бироқ бу фарқ унчалик катта эмас. Турли ҳарорат ва босимларда олинган курсаткичларни таққослашга имкон яратиш учун ҳаво ҳажмини нормал шароитга, яъни 0° С ҳарорат ва 760 мм. сим. уст. га келтироқ лозим.

Жисмоний меҳнатда энергия сарфини аниқлаш. Тинч ҳолат ва жисмоний меҳнат пайтидаги энергия сарфини таққослаш мумкин бўлиши учун иккала иш бир кишининг ўзида олиб борилади.

Жисмоний юқ сифатида текширилувчига 5 мин давомида велоэргометрда ишлаш тавсия қилиниши мумкин. Бунда Дугласнинг газалмашинув халтаси тасмалар (лямка) ёрдамида текширилувчининг орқасига маҳкамланади.

Қолган ишларда энергия сарфини аниқлаш тинч ҳолатдаги аниқлаш усулида олиб борилади.

Ишни расмийлаштириш учун тавсиялар. Олинган мълумотларни ёзинг. Воситали калориметр принципини тушунтиринг. Одамдаги оксидланувчи моддаларга боғлиқ ҳолда нафас коэффициенти катталигининг қандай ўзгаришини тушунтиринг. Жимоний юқ таъсирида энергия сарфининг ўзгаришини тушунтиринг.

#### 89-ИШ. РЕСПИРАЦИОН АППАРАТДА ЭНЕРГИЯ САРФИНИ АНИҚЛАШ (М. Н. ШАТЕРНИКОВНИНГ ЎЗГАРТИРИЛГАН УСУЛИ)

Физиологик ва клиник текширишларда энергия сарфини аниқлаш учун воситали калориметрияниң оддий усули қўйланилиб, бунда энергия сарфи ютилган кислород ҳажми бўйича аниқланади, чунки энергия ажралишини таъминловчи асосий манба бўлиб оксидланиш жараёни ҳисобланади.

Аралаш овқатлар тановул қилинганда, 1 л кислороднинг ўртача калорик коэффициенти 4,9 ккал га тенг.

Иш анжомлари: эксикатор, шишадан қилинган и-симон сув манометрлари, штатив, резина ноклар, шиша учликлар,

корат ўлчагичлар, тарозилар, 10% ли үючи калий эрит-  
аси, қоришма, каламуш (ёки денгиз ч үчтеси).

Тажриба ўтказиш таритиби. Эксикатор тубига 10 мл  
10% ўювчи калий эритмаси қуйилади. Эксикаторга түр  
қоришма билан суртилиб, қатиқ ёпилади. Кейин юқори  
таскынч ёпилади ва сувнинг сатҳи мағометрининг иккала  
тезасида қалам билан белгиланади. Каламуш эксикаторга  
Суюқлик энди очиқ тиззада башқа сатидаги гуради. Үз на-  
батида, каламушнинг кислород ютиши түфайли эксика-  
тордаги босим тушиб кетади. Босимнинг ўзгариш катталиги  
тазгич ёрдамида миллиметрларда ўлчанади. Каламуш ют-  
кислород ҳажми қуйидаги формула бердамида аниқла-  
дан:

$$V_k = H \cdot C,$$

бунда,  $H$  — мм сим. уст. да ифодаланганда қаве босими-  
шлаги (манометр кўрсаткичи бўйича),  $C$  — экс-  
икатор константаси (73-расм).


$$C = \frac{V_3 \cdot \frac{273}{T} + V_p \cdot a}{P_0}$$

бунда,  $V_3$  — манометрнинг ёпиқ тиззада ифодаланувчи эксикатор газ бўшлигини,  $T$  — эксикатор,  $a$  — 10% ўювчи калий ҳажми;  $T$  — эксикатор,  $P_0$  — манометр вуюқлигининг миллиметрларда ифодаланувчи абсолют шкала (273 + t) градусларда ифодаланувчи кислород шкала (760 мм сим. уст., а — ўювчи калий эритмаси,  $t$  — ўювчи кисло-  
ролининг эрувчанилиги.

Каламушнинг 3 минутда ютган кислород ҳажмини билдиришада, 1 суткада ютилгани ҳам ҳисобланади. Каламушнинг сарфини абсолют (масси) қўйилади. Каламушнинг сарфи ҳисоблаб чиқиш учун 1 л кислородни топилган барча кислороднинг ҳажмига кўпайтириш керак.

Кейин қуйидаги формуладан фойдаланадан 1 м<sup>3</sup> ҳайвон таваси юзаси учун энергия сарфи ҳисобланади:

$$Q = K^3 \sqrt{g^2},$$



73-расм. Шатерниковнинг модификацияланган усули бўйича асосий алмашинувни эниқлаш тажрибаси схемаси.

1) манометрининг юқори қисқичи; 2) манометриниг ёпик тиззаси; 3) манометриниг очиқ тиззаси; 4) винтли қисқич; 5) ўювчи калий бритмаси; 6) термометр; 7) сувли баллонча; 8) қонқоқли эксикатор.

бунда,  $Q$  — тананинг  $\text{cm}^2$  даги юзаси,  $K$  — 11 га тенг бўлган каламуш учун константа,  $g$  — каламуш танасининг г бирлигидаги вазни.

Каламушдаги энергия сарфи унинг турли физиологик ҳолатларида ҳисоблансин: очликда (охирги озиқланиш-

дан 8—10 соат ўтгач) ва жуда түйиб озиқлангандан  
сүнг.

Ишни расмийлаштиришга доир тавсиялар. Олинган на-  
гизаларни ёзинг ва уларни таққослаб таҳлил қилинг.

### 90-иш. ИШЧИ ҚҰШИМЧАНИ ҲИСОБЛАШ

Одамда умумий энергия сарфи асосий алмашинув ва  
иши құшимчадан ташкил топған. Ишчи құшимча деганда  
асосий алмашинувдан ташқари сарфланған энергия тушу-  
шлади. Ишчи құшимча күттәлиги: 1) атрофдаги ҳарорат  
билан; 2) овқатланиш билан; 3) касбнинг тури ва интен-  
сивлігі билан аниқланади. Мушак иши унинг интенсив-  
лігиге боғлиқ қолда энергия сарфини 2—3 марта оширса,  
ақпарат мөхнат эса оз миқдорда иссиқлик энергияси сарфини  
табап этади.

Иш анжомлари: асосий алмашинув катталиги ва турли  
кисметтердегі шароитларда энергия сарфи ҳақидағы маъ-  
думотлар. Текшириш объекти — одам.

Тажриба ўтказиш тартиби. 1. Асосий алмашинувни  
анжомлаш. 2. Асосий алмашинувни мушакнинг нисбатан  
тәнчилек шароитида (ўтирган қолат) ва озиқлангандан кей-  
ин аниқлаш. 3. Асосий алмашинувни мушак иши (гори-  
моттал текисликда ёки зинада юриш) да аниқлаш.

Текширилувчыда асосий алмашинув катталиги жадвал  
бүйічка топилади ва уни 24 га булиб, 1 соатдаги асосий  
алмашинув катталиги аниқланади.

Тәнчилек қолатидаги ва мушак ишидегі энергия сарфи  
тажриба йүли билан Дуглас — Холден усули бүйічка  
анжомлашади ва 1 соат учун ҳисоблаб қиынлади (88-иш).

Олинган катталикларни % нисбатларда таққослаш учун  
асосий алмашинув катталиги 100 деб олинади ва жадвал  
тузилади.

#### Мушак иши жараённанда энергия сарфи

Алмашинув күрсаткышлари	1 соатдаги энергия сар- фи, ккал	Процент
Асосий алмашинув		100
Мушакнинг нисбеттік қолатидаги алмашинуви		
Мушакнинг ишшаш жараённандағы алма- шинуви		

Жадвалнинг охирги устуни асосий алмашинувга нисбатан мушакнинг тинчлик ва иш пайтидаги энергия алмашинувининг ортиш даражасини кўрсатади.

Ишни расмийлаштиришга доир тавсиялар. Текшириш натижаларини жадвал қўринишида ёзинг. Ишчи қўшимчага таъриф беринг. Энергия сарфини оширувчи асосий омилларни айтинг.

## ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНЛАРИ

### 91-ИШ. ЎТКИР ТАЖРИБАДА ДИУРЕЗНИ ЎРГАНИШ

Буйракнинг организмдаги асосий функцияларидан бири сув алмашинувини бошқариш бўлиб, у эса турли шароитларда, организм ҳолатига боғлиқ ҳолда, чиқарилаётган сийдик миқдорининг ўзгариши билан амалга оширилади ва бу қабул қилинаётган суюқлик миқдорининг ўзгариши, жисмоний юк, ҳиссий кучланишга ва ҳ.к. га боғлиқ.


Иш анжомлари: Жарроҳлик столчаси, жарроҳлик асбоблари йигиндиси, игналари билан шприц, канюляли полизтилен най (узунлиги — 20 см), ички диаметри — 1,0—1,5 мм (сув ҳарорат ўлчагичи термометри), иссиқ физиологик эритма, питуитрин эритмаси, гексенал, метилен кўки, каламуш.

Тажриба ўтказиш тартиби. Ухлатиш учун 10% ли гексенал эритмаси ишлатилади ва у қорин ичига юборилади.

Каламуш жарроҳлик столчасига маҳкамланади. Операция майдонининг атрофлари илиқ физиологик эритма билан шимдирилган (ҳарорати  $39-40^{\circ}\text{C}$ ) салфеткалар билан ёпилади.

Қориннинг пастки  $\frac{1}{3}$  қисмida ўрта чизиқдан бошлаб қов (симфиз) бирлашмасигача қаватма-қават қилиб қорин деворининг териси, мушаги ва сероз пардаси кесилади. Сийдик пуфаги қов бирлашмасининг юқорисида, бевосита қорин пардасининг остида жойлашган бўлади. Сийдик пуфагининг туби кўндаланг қилиб кесилади ва кесим орқали канюляли юмшоқ полизтилен найи сийдик пуфагига киритилади, охиргиси эса метилен кўки билан бўялган физиологик эритма билан тўлғазилади. Сийдик пуфагининг деворларига эса лигатура (ип) ёрдамида найча маҳкамланади.

Най маҳкамлангандан кейин унда ҳосил бўлган суюқлик сатҳи тажрибадан кейин солишириш учун дастлабки катталик деб қабул қилинади (шу жойга резина



74-расм. Ўтқир тажрибада диурезни ўрганиш қурилмаси.

1) штатив; 2) каламуш маҳкамланган препаровка тахтаси; 3) иситиш лампаси; 4) канюля учун маҳкамлагич; 5) каламушнинг сийдик пуфагига маҳкамлаб қўйилгани канюля.

ҳалқача ёки лигатурадан тайёрланган сиртмоқ ўрнатилади). Диурез катталиги ҳар 5 минутда полиэтилен найдаги суюқлик сатғининг ўзгаришига қараб аниқланади ва нисбий бирликларда ифодаланади (чизгич шкаласининг милли метрлардаги бўлимларининг миқдори (74-расм).

Тажриба ўтказиш давомида 3 хил ҳолатдаги диурез ўлчанади:

1. Даствлабки диурез. У сийдик пуфагига полиэтилен шайи киритилгандан сўнг, 10 мин давомида ўлчанади. Даствлабки диурез катталиги тахминан 0,5—1,0 мм/минни ташкил қиласди.

2. Сув билан бўлган синовдан кейинги диурез. Бунинг учун ичакка 6—8 мл ош тузининг физиологик эритмаси ёки дистилланган сув киритилади (шприц ёрдамида). 10—15 миндан кейин диурез қайд қилинади. Унинг катталиги минутига 3—4 ммга орта боради.

3. Антидиуретик гормон (питуитрин) юборилгандан кейнгиги диурез.

Вазни 200 г бұлған каламуш мушаги орасига 1 мл (5 ТБ) міқдоридеги питуитрин юборилади.

Сув синови даврида юборилған питуитрин таъсирида діурезни қайд қилиш 30 мин ва ундан ҳам ортиқроқ вакт давомида олиб борилади. Питуитрин юборилғандан бир неча минут үтгач (5 миндан кейин), диурез амалда нулгача камаяди. Анурия 20—30 мин давом этади.

Ишни расмийлаштиришга доир тавсиялар. Олинган маълумотларви баённомага киригин. Диурез интенсивлигининг сув синовига ва питуитриннинг юборилишига боғлиқлигини акс эттирувчи эгри чизиқни чизинг. Питуитриннинг таъсир механизмини тушунтириңг.

#### 92-ИШ. АДАШГАН АСАБНИ ТАЪСИРЛАШ ВА АДРЕНАЛИН ЮБОРИЛИШИННИГ КАЛАМУШ ДИУРЕЗИГА ТАЪСИРИ

Хозирги тасаввурларга күра, сийдик ҳосил бұлиш жарёни коптоқчалар фильтрацияси (сизиш), каналчалар реабсорбацияси ва каналчалар секрециясини ўз ичита олади.

Нефроннинг контокчаларида бирламчи сийдикнинг фильтрланиб ҳосил бұлиши қонни олиб келувчи томирдаги босимга мутаносиб равища боғланған. Бунинг исботи сифатида тажрибада қон босимини ошириш ва камайтириш йұли билан диурез катталигининг ўзгаришини намойиш қилиш мүмкін.

Иш анжомлари: электрон стимулятор, паншаҳасимон (вилкасимон) электродлар, универсал штатив, игнаси билан шприц, канюлялы полиэтилен найи, 0,1 % адреналин эритмаси, метилен күки, илиқ физиологик эритма.

Тажриба үтказиш тартиби. Бундан олдинги иш услубига асосан, каламуш наркоз ёрдамида ҳаракатсизлантириләди ва каламушнинг сийдик пүфагига операция ёрдамида йўл очилади. Бўйиннинг ўрта чизиги бўйлаб тери кесилади, тери остидаги юмшоқ тўқималар икки тарафга ажратиб олинади, натижада кесик остида трахея тоғайлари ва унинг икки томонида уйқу артерияси, симпатик ва сайдер асабдан иборат томир-асаб тутами ётгани кўринади. Сайдер асаб ажратиб олинади, унинг остида боғлам үтказилади ва иложи борича бошга яқинроқ жойдан боғланади. Асаблар кесиб ташланади ва ип ёрдамида бироз кўтариб кесилган асабнинг периферик (чекка) томони стимуляторга уланган айрисимон электродларга жойлаштирилиб маҳкамланади.

Сийдик пүфагидан сийдикнинг ўзи оқишини таъминлаш мақсадида жарроҳлик столчаси нишаб ҳолда ўрнатилади.

Тажриба пайтида стол ёритгичи ёрдамида каламуш иситлади. Операция майдонининг атрофлари Рингернинг физиологик эритмаси билан шимдирилган (хўлланган) салфеткалар билан ўраб қўйилади. Аввалги тажрибадагидек, биринчи 10—15 мин давомида диурезнинг дастлабки сатҳи зинқланади. Кейин шприц ёрдамида 6—8 мл миқдорида ишқ сув ичакка юборилади. 5—10 минутдан кейин диурезнинг ортиши кузатилади ва кейинги 10—15 мин ва ундан ҳам кўпроқ вақт давом этади.

Агар диурез кашта бўлса, бунда бўялган Рингер эритмаси тажриба туга унига қадар бутун найчани тўлғазади, унда у резина найчадан шприц ёрдамида сўриб олиб ташланади. Суюқлик сатҳи дастлабки (сиртмоқ) белгисигача туширилади ва кузатиш давом эттирилади.

Сув билан бўлған синовдан 10—15 мин ўтгач, электр токи ёрдамида сайёр асаб таъсиранади. Артериал босимнинг пастилашуви жараёнида диурезнинг камайиши кузатилади. Шундай эфект мушакларга 0,5 мл адреналин эритмаси юборилгандан сўнг ҳам кузатилади.

Ишни расмийлаштиришга доир тавсиялар. Олинган маълумотларга асосланаб, сув билан бўлған синов таъсиридан, сайёр асабнинг таъсиrlанишидан ва адреналин юборилишидан келиб чиқадиган диурез ўзгаришининг характеристикини акс эттирувчи жадвал тузинг. Абсцисса ўқига мигуллардаги вақт, ордината ўқига диурез ҳажмининг мигулдаги ифодаланичи қўйилади. Сувнинг ичакка киритиш вақти, сайёр асабнинг таъсиrlаниши ва адреналин юборилиш пайтлари стрелкалар билан белгиланади.

## V бўлим

### ОРГАНИЗМ ВА ТАШҚИ МУҲИТНИНГ ЎЗАРО МУНОСАБАТИ АНАЛИЗАТЮРЛАР (СЕНСОР СИСТЕМАЛАР) 93-ИШ. КЎРИШ ЎТКИРИЛИГИНИ АНИҚЛАШ

Куриш уткирлиги деб, кўзнинг 2 та нур чиқаётган ўқтани алоҳида кўшиш қобилиятига айтилади. Нормал кўз та нур чиқариладиган нуқтани 1° бурчак остида алоҳида куриш қобилиятига эга. 2 та нуқтани алоҳида куриш, бу куриш, бу иккита кўзғалган кўзача ўртасида энг оз битта кўзача қўзғалмаган булиши билан боғланган. Кўзачанинг диаметри 3 мк бўлиб, 2 та нуқтани алоҳида куриш учун

бу 2 та нүктанинг тасвири түр қаватда 4 мк дан оз бўлмаслиги керак ва шунда тасвир катталиги кўриш бурчаги 1° бўлганда бўлади. Шунинг учун қам 2 та нурчиқараётган нүқталар кўриш бурчаги ости 1° дан паст бўлганда кўрилса, нүқталар қўшилиб кетади.

**Иш анжомлари:** кўриш ўткирлигини аниқлаш учун маҳсус жадвал, 5 метрли рулетка, кўрсаткич таёқчаси.

**Тажриба ўтказиш тартиби.** Кўриш ўткирлигини аниқлаш учун 12 қаторда жойлашган ҳарфли белгидан иборат стандарт жадвалдан (таблицадан) фойдаланилади. Ҳарфлар катталиги юқоридан пастга тушган сайин кичрай-иб боради. Ҳар бир қатор ёнидаги сон кўриш бурчаги ости 1° бўлганда, нормал кўзнинг шу қатордаги ҳарфларни алоҳида кўриши керак бўлган масофани кўрсатади. Жадвал яхши ёритилган деворга осилади (ёруғлик 10 люксдан кам бўлмаслиги керак) ёки қўшимча электр лампаси билан ёритилади. Текширилувчи жадвалдан 5 метр узоқликдаги курсига ўтқазилади ва битта қўзини маҳсус мослама (шит) билан беркитиш таклиф қилинади. Текшириувчи кўрсаткич таёқчада текширилувчига ҳарфларни кўрсатиб, уларнинг номини айтишни сурайди. Аниқлаш юқори қатордан бошланиб, энг пастдаги қатор топилади ва текширилувчи томонидан 2—3 с давомида ҳарфларни аниқ ва равshan кўриб, номини айтиш сўралади. Кейин қўйидаги формулага асосан кўриш ўткирлиги ҳисоблаб чиқилади:  $V = -\frac{a}{D}$ , бунда V — кўриш ўткирлиги, a — текширилувчи билан таблица ўтасидаги масофа, D — нормал кўз шу қатордаги ҳарфларни аниқ кўриши керак бўлган масофа. Шундан кейин иккинчи кўзнинг кўриш ўткирлиги аниқланади.

**Ишни расмийлаштиришга доир тавсиялар.** Олинган на-тижаларни тажрибалар дафтарига ёзиб, нормал кўзнинг кўриш ўткирлиги билан таққослаб, хулоса чиқаринг.

#### 94-ИШ. КЎЗНИНГ АККОМДАЦИЯСИ

Ҳар хил узоқликда жойлашган нарсаларни аниқ кўриш қобилияти кўзнинг аккомодацияси деб тушунилади. Аккомодация деганда, гавҳар эгрилиги ўзгариши ҳисобига кўзнинг оптик системасининг нур синдириш қобилиятини ўзгартириши тушунилади. Нарсани аниқ, равshan кўриш учун нарсанинг ҳар бир нүқтасидаги нур түр қаватда фокусга тўпланиши шарт. Агар узоққа нигоҳ қадалса, яқиндаги нарсалар ноаниқ ва ёйилган (чаглашиб) ҳолда

нүқнади, чунки яқин нүқтадаги нурлар түр қават орқаси-фокусга тўпланиди. Кўздан ҳар хил узоқликда жойлаш-нарсаларни бир вақтда аниқ ва равshan кўришнинг ило-йўқ. Бунга қуйидаги тажриба ёрдамида ишонч қосил бўлганда кўрилши мумкин.

**Иш анжомлари:** яхшилаб, таранг тортилган докали 15—20 см катталиктаги ёғоддан тайёрланган рамка (ром).

**Тажриба ўтказиш тартиби.** Кўздан 50 см узоқликда жойлашган машинкада ёзилган матнга қаралади. Агар ни-ҳарфаларга тушса, рамкадаги тўрнинг иллари ёмон таринади. Агар нигоҳ рамкадаги тўрнинг илларига қадалса, ҳарфлар чаплашиб равshan кўринишнинг иложи бўлмайди. Демак, бир вақтнинг ўзида ҳарфларни ва тўр расмини қадар, равshan кўриш мумкин эмас.


**Ишни расмийлаштиришга доир тавсиялар.** Узоқ ва таринада жойлашган нарсаларни кўришда гавҳарнинг нур синдириш схемасини чизинг ва аккомодацияларнинг физиологик механизмуни тушунтиринг.

#### 95-ИШ. КЎРИШ МАЙДОНИНИ АНИҚЛАШ

Куз бир нүқтага қараб турганда, атрофдаги кўзга кўринаётган майдони кўриш майдони деб аталади. Одамларда кўриш майдон ҳар хил бўлиб, бу кўз соққасининг формасига, унинг жойланниш чуқурлигига, қош усти ёйи буруннинг шаклига ҳамда тўр қаватнинг функционал ҳолатига боғлиқ. Ранг (хроматик) ва рангсиз (ахроматик) кўриш майдони фарқланади. Ахроматик кўриш майдони хроматик кўриш майдонидан катта бўлади, чунки ахроматик кўриш тўр қаватнинг асосан чет (периферик) қисмida жойлашган таёқчаларнинг фаолияти билан боғланган. Ҳар хил ранглар учун кўриш майдони бир хил бўлмай, балки сариқ ранг учун энг катта, яшил ранг учун эса энг тор. Ахроматик кўриш майдонининг чегараси қўйидагича: ташқаридан  $100^{\circ}$  гача, ички ва юқоридан  $60^{\circ}$  ва пастдан  $65^{\circ}$  (75-расм).

**Иш анжомлари:** Форстер периметри, ҳар хил рангли маркалар (белгилар), циркуль, чизгич, рангли қаламлар.

**Тажриба ўтказиш тартиби.** Кўриш майдони Форстер периметри ёрдамида аниқланади. Периметр ёруғлик қаршиисига ўрнатилади. Текширилувчи ёруғликка нисбатан одда томони билан ўтиргач, периметр штативининг ўйилган шайига иягини қўяди. Агар чап кўзнинг кўриш майдони аниқланадиган бўлса, ияк таглик (подставка)нинг ўнг қис-



/5-расм. Ахроматик ва хроматик кўриш майдонининг периметрик сурати.

Шартли белгилар: 1) оқ-қорани кўриш майдони; 2) сариқ ранг учун кўриш майдони; 3) кўк ранг учун кўриш майдони; 4) қизил ранг учун кўриш майдони; 5) яшил ранг учун кўриш майдони.

мига қўйилади. Тагликнинг баландлиги шундай бошқариладики, бунда кўз косасининг пастки чегараси штативнинг юқори чегарасига тўғри келсин. Текшириувчи нигоҳ периметр марказидаги оқ нуқтага қаратилгани ҳолда, иккичи кўз қўл билан ёпилиши керак (76-расм). Периметр ёйи горизонтал ҳолатга қўйилиб, ўлчаш бошланади. Бунинг учун оқ марка ёйнинг ички юзаси бўйлаб  $90^{\circ}$  дан  $0^{\circ}$  га томон секин олиб келинади ва текшириувчи оқ нуқтага қараб тургани ҳолда маркани кўраётганини айтиш керак. Текширувчи тўғри келган бурчакни аниқлаб, иккичи марта яна текширади. Кўзнинг қанча кўп меридиани бўйича кўриш майдони аниқланса, шунча у аниқ бўлади. Бу усулни эгаллаб олиш учун 2 та асосий меридиан: горизонтал (ташқи, ички) ва вертикаль (юқори, пастки) бўйича аниқлаш билан чегараланиш мумкин.

—расм. Форстер пери-  
метри ёрдамида күриш  
майдонини аниқлаш.



Оқ марка рангли маркага алмаштирилиб, юқоридаги ұсулға ассоан ранг күриш майдони аниқланади ва текши-  
ривучи фақат маркани күрмасдан, балки унинг рангини  
әдем аниқ билиши керак. Күриш майдонини күк ёки бир  
нече рангларда аниқлаш мүмкін.

Ишни расмийлаштиришга доир тавсиялар. Текшириш  
натижаларини жадвалға ёзинг.

#### Күриш майдонининг чегаралари

Йұналиши	Күриш майдонининг градусдаги кattaлиғи	
	Оқ рангта	Яшил рангта
Юқоридан		
Пастдан		
Төпқаридан		
Некаридан		

Олинган натижаларга асосланиб, 2 та ранг учун күриш майдонини чизинг, оқ ва яшил ранглар учун күриш майдонини тақосланг ва улар ўртасидаги фарқлар сабабини түшүнтириңг.

#### 96-ИШ. РАНГ КҮРИШНИ ТЕКШИРИШ

Одам күзи фақат оқ, бұз (кул ранг) ва қора ранглар-  
ына эмас, балки камалакдаги ҳамма рангларни күриш

ва уларнинг фарқларини ажратса олиш қобилиятига эга. Айрим одамларда у ёки бу рангни идроқ қилиш қобилиятининг бузилиши кузатилади. Рангларни тұла, умуман ажратмаслик жуда кам учрайди. Бундай одамлар фақат күл рангни фарқлай оладилар. Рангларни қисман ажратмаслик күпроқ учраб, учта ранг күрлик фарқланади: протанопия (далтонизм), дейтеранопия ва тританопия. Протаноплар қизил ва яшил рангларни фарқлаш қобилиятига эга эмас. Дейтераноплар ҳам қизил ва күк рангни ажратса олмайдилар, аммо улар протаноплардан фарқ қилиб, оч яшил тоңлар (туслар)ни түқ қизил билан ва бинафша рангни ҳаво ранг билан адаشتарирадилар. Тританоплар күк ва бинафша рангларни ажратса олмайдилар. Бу турдаги ранг күрлик жуда ҳам кам учрайди.

Ҳамма рангларни яхши идроқ қилишни талаб қиласында касб кишиларнинг ранг күришини текшириш аҳамиятга эга.

Иш анжомлари: Е. Б. Рабкиннинг күп рангли (полихроматик) жадвали, күзни тартиб билан ёпиш учун маҳсус экран, сантиметрли тасма (лента).

Тажриба үтказиш тартиби. Ёруғликка орқаси билан үтирган текширилувчига текширувчи доирачалар ва бир хил рангли нуқта билан чизилган геометрик шакл ва бошқа рангда ёзилган сондан иборат 25 та рангли жадвални кўрсатади. Бу жадваллар трихроматлар томонидан, яъни ранг күриши нормал бўлган кишилар томонидан яхши фарқланади, аммо у ёки бу рангни кўрмайдиган кишилар уларни тұла фарқлай олмайдилар. Текширилувчига жадваллар кўрсатилганда, унда нима тасвиirlанганлиги сўралади. Текширилувчидан 1 метр узоқликда жадвал кўз сатҳида бўлишини эсдан чиқармаслик керак. Ҳар бир жадвални кўриш вақти 5 секундгача. Ҳар бир кўз алоҳида текширилиб, иккинчи кўз маҳсус экран ёрдамида беркитилади.

Ишни расмийлаштиришга доир тавсиялар. Ранг күришнинг текшириш натижаларини дафтaringизга ёзиб, текширилувчиларда аниқланган ранг күрлик (агар аниқланган бўлса) 3 та ранг кўрликнинг қайсисига тааллуқлигини кўрсатинг.

97-ИШ. АЛОҲИДА НУРЛАРНИНГ ҚЎШИЛИБ УЗЛУКСИЗ НУРГА АЙЛАНИШ ЧЕГАРАСИ ЧАСТОТАСИНИ АНИҚЛАШ

Кўриш анализатори "лабиллиги"ни (иш қобилиятини) лип-лип ўтаётган (кўзга чалинган) тезликнинг бир-бирига

шилиши билан аниқланиши мүмкін, яғни лип-лип тастан, күзгө чалинган нур йүқолади ва нур билан таъсираш узлуксиз қолатда қабул қилинади.

Иш анжомлари: нурли импульслар генератори.

**Тажриба ўтказиш тартиби.** Нурли импульс чиқарувчи генераторнинг қаршиисига 30—35 см узоқликда текширилувчи ўтказилади. Текширувчи аппараттн ёқиб, аста-секин нурли импульслар частотасини 5 Гц дан бошлаб, то текширувчи лип-лип үтаётган нурларнинг йүқолганини ва нур билан таъсираш узлуксиз булаётганини сезиш қолатига етгунча ошириб боради. Тұхтовсиз қолатда қабул қилинадынан үтгандай нурли таъсираш частотаси күриш анализаторининг дабиљигига тұғри келади.

Ишни расмийлаштиришга доир тавсиялар. Нурли таъсирашнинг тұхтовсиз қабул қилиш пайдо бұлғандаги частотасини ёзинг ва нима учун узлукли нурли таъсираш маълум частотага етганды лип-лип үтаётган нур қабул қилинмасдан қолишини тушунтириң.

#### 98-ИШ. ОДАМДАГИ ЭШИТИШ АНАЛИЗATORINING SOF TOWUSHLARGA BÜLGАН СЕЗУВЧАНЛИГИНИ ТЕКШИРИШ (ТОВУШ АУДИОМЕТРИЯСЫ)

Одам қулоғи 16 дан 20000 Гц гача бұлған товуш тұлқинларини қабул қилиш қобиляттыға зәғ. Қулоқ 1000 дан 3000 Гц гача бұлған товуш тұлқинларига юқори сезувчан бўлиб, бу одам овози тебранишлари чегарасига тұғри (монанд) келади.

Минимал катталикка зәға бұлған товуш босими ноғора жаңдардага таъсири қылтиб (ёки эркін товуш майдонидаги тошунинг минимал күчи) эшитиш ҳиссисини пайдо қилишнинг ўзи эшитиш анализаторининг сезувчанлигини, яғни эшитиш поғонасини белгилайди. Минимал товуш босимини тақлаш учун аудиометрдан фойдаланилади. Унинг ёрданда товуш тебранишлари частотасини 100 Гц дан 10000 Гц ва кучини 0 дБ дан 100 дБ бұлған чегара (диапазон)да тақлаш мүмкін. Текширилувчининг эшитиш анализатори қолатини характерлаш учун, ҳар бир қайд қилинган (фиксиация) товуш тұлқинининг частотаси учун эшитиш поғонаси аниқланади ва аудиограмма чизилади. Аудиограмма эшитиш поғонаси билан қулоққа бериләётгандай соф товушлар баландлиги уртасидаги боғлиқликни ифодалайды.

18 дан 32 ёшгача бұлған ҳар хил тонларга эшитиш поғонаси нормал бұлған, күпчилик кишилар текширилиб,

ҳисоб-китоб қилиш ёрдамида олинган аудиограмма нуль сатқа деб олинади ва у билан текширилувчининг эшитиш қобилиятининг пасайганини курсатувчи аудиограмма солиштирилади.


Иш анжомлари: АК-68 аудиометри, ҳаво ўтказувчи телефонлар, пакта, қалам, аудиометрик бланклар, спирт.

Тажриба ўтказиш тартиби. Тажрибада бир вақтнинг ўзида бир неча киши қатнашади. Улар 2—3 тадан булиб, стол атрофига жойлашишади. Олдиндан стол қопқогининг остида, унинг ён томонларига телефонлар учун 2 та розетка ўрнатилади. Аудиометрнинг орқа деворидаги (ВП) инига (гнездо) розеткаларга параллел ҳолатда уланувчи умумий сим (общий разъём) уланади. Шунинг ҳисобига аудиометрдан чиқаётган сигналлар ҳамма телефонларга бир вақтда боради.

Аудиометрни ишга тайёрлаш қўйидагича: 1) электр тармоқ шнури аудиометрнинг орқа деворидаги тегишли инга уланади;

2) тармоқ шнури розеткага туташтирилади; 3) ерга улаш симининг бир томони "ер" клеммасига, иккинчи учи эса маҳсус мослама (strupцина) ёрдамида йўғон сим (шина)га уланади (ҳалақит берувчи шовқинлар бўлганда, ерга улаш ишлатилади); аудиометр панелининг (олдинги томони) юқори қисмидаги ток алмашлаб улагич (переключатель) клавишини босиш билан электр манбаига уланади ва сигнал лампочкаси ёнади; 5) ток алмашлаб улагич клавишини босиш билан генератор (электр энергияси ҳосил қиласидаган аппарат)га уланади; 6) текширилаётган (чап ёки ўнг) қулоққа чап ва ўнг томондан Т алмашлаб улагич клавиши босилиб, ток уланади, натижада уларнинг тепасида сигнал лампочкалари ёнади; 7) суюк-ҳаво (С—Х) алмашлаб улагич (С—суюк, Х—ҳаво) ушлагичи X ҳолатига қўйилади; 8) товуш баландлигини бошқарувчи ушлагич охири юқори ҳолатига; 9) частота алмашлаб ушлагич охирги чап ҳолатга; 10) модуляция (ўзгартириш) чуқурлиги алмашлаб улагич ушлагичи 0 ҳолатга; 11) модулятор частотаси алмашлаб улагич ушлагичи —1 ҳолатга; 12) микрофоннинг умумий сими эса инга жойлаштирилади.

Аудиометр 5 минут қизитилгач, ишга киришилади. Текширилувчи текширувчининг юзига қараб ўтқазилади. Ҳаво ўтказувчи телефонларнинг қулоқчин (амбушюрлар)ларининг резинали сатҳи 96 % спирт билан дезинфекция қилингач, қулоққа кийгизилади (чап қулоққа қизил, ўнг қулоққа эса яшил телефон). Стол қопқоги остидаги розет-



77-расм. Аудиометрия вараги.

каларга қисмларга булинган вилка ёрдамида телефонлар уланади. Текшириувчиларга аудиометрия бланклари берилгач, улар текшириш тартиби билан таништирилади. Текширувчи микрофон ёрдамида уларга текшириладиган тонларнинг товуш баландлиги (дБ) ва частота (Гц) си түгрисида хабар беради. Битта қулоққа бир хабар, иккинчи қулоққа эса кўп маротаба кучсиз, қисқа (1—2) товуш сигналлари берилади. Текшириувчичи товушларни эшитгач, ўзининг микрофонини узиб қўйиши керак, бу эса шу тон учун эшитиш поғонаси сифатидаги сигнал вазифасини ўтайди.

Ҳар бир текшириувчи текшириш жараёнида ўзида олинган натижаларни аудиометрик бланкага қайд қиласди. Бланкадаги абсцисса ўқида ҳар хил тонларнинг 125 дан 10000 Гц орасидаги частотаси, ордината ўқида эса товуш баландлигининг 10 дан 110 дБ орасидаги катталиги кўрсатилади. Товушнинг 0 дан, то 110 дБ гача бўлган баландлиги текшириувчидаги аудиометрик нуль сатҳга нисбатан эшитишнинг пасайганини акс эттиради (бланкадаги нуль чизиги), яъни нормал эшитадиган одамларда ҳар хил частотасидаги товушларга нисбатан эшитиш поғонасини кўрсатади. Текшириувчи ҳар бир алоҳида эшитган товуш частотасини абсцисса ўқидан, товуш баландлигини эса ордината ўқидан топиб, уларнинг кесишган жойига нуқта қўяди. Иш тугагач, ҳир хил тонлар учун эшитиш поғонаси

бұлған нүқталар бирлаштириләди ва шу қулоқ учун хусусий аудиограмма олинади. Кейин бошқа қулоқнинг эшитиш погонаси аниқланиб, унга ҳам аудиограмма чизилади.

Текшириш жараёнида 125 дан то 8000 Гц гача бұлған тонлар учун эшитиш погонаси құйидаги қабул қилинган тартиб бүйича, яғни 1000, 2000, 3000, 4000, 6000, 8000, 500, 250, 125 Гц да олиб борилади.

Ишни расмийлаштиришга доир тавсиялар. Үнг ва чап қулоғингиз учун олинган аудиограммани дафтарингизга ёпиштириң. Текширилувчининг эшитиш ҳолатининг аудиограммасини нуль сатқады аудиограмма билан солишириб бақоланғ. Ҳар бир товуш учун олинган стандартдан текширилувчи аудиограммаси 5—10 дБ дан ортиқ бұлмаса, бу эшитишнинг нормаллігидан далолат беради.

#### 99-ИШ. ТОВУШНИНГ СУЯК ВА ҲАВО ОРҚАЛИ ҮТКАЗИЛИШИНИ ТЕКШИРИШ

Суяк ва ҳавонинг товуш үтказувчанлиги фарқланади. Ҳавонинг товуш үтказувчанлиги, товуш тұлқынларининг товуш узатувчи аппаратлар орқали тарқалиши билан таъминланади. Калла сүяклари орқали товуш тұлқынларининг тұғридан-тұғри (воситасиз) үтказилиши сүякнинг товуш үтказувчанлиги бўлиб ҳисобланади. Товуш үтказувчи аппаратларнинг касаллигига қулоқнинг сезувчанлиги қисман сүякнинг товуш үтказувчанлиги эвазига сақланади.

Иш анжомлари: 125 дан 2048 Гц тебраниш сонига эга бўлған камертонлар, болғача, секундомер, пахта тампони. Иш одамда олиб борилади.

Тажриба үтказиш тартиби. Сүякнинг товуш үтказувчанлигини кузатиш учун (Вебер тажрибаси) жаранглайтган камертон оёқчаси (128 Гц) текширилувчи калла сүягининг ўрта чизигида қўйилади. Текширилувчининг иккала қулоги ҳам бир хил күчдаги товушни эшитиши аниқланади. Тажриба қулоқнинг бирига пахта тампони тиқилгач, қайтарилади. Тампон тиқилганда қулоқда товуш каттироқ эшитилаётганга ұхшаб туюлади, чунки эшитиш рецепторларига товуш энг қисқа йўл бўлған — сүяклар орқали етиб борилади ва товуш энергияси камроқ сарфланади. Кейин тампон тиқилмаган текширилувчининг қулоги иккинчи текширилувчининг қулоги билан резина най орқали бирлаштирилади ва биринг бошига жаранглайтган камертон оёқчалари қўйилади. Бунда иккинчи текшири-

лувчи ҳам товушни ҳаво орқали тарқалиши ҳисобига эши-  
тади.

Суякнинг товуш ўтказувчанлигини солиштириш учун  
жаранглётган камертон оёқчаси калланинг турли суяклари  
(энса, тепа, чакка, пешона суяклари) га қўйилади ва улар-  
нинг товуш кучини қабул қилишидаги фарқларнинг бор-  
лиги белгиланади.

Шунингдек, ҳаво ва суякнинг товуш ўтказувчанлигини  
таққослаш учун Ринне тажрибаси ўтказилади. Жаранглётган  
камертон оёқчаси чакка суягининг сўргичсимон  
ўсимтасига тақаб ушлаб турилади. Текширилувчи товуш-  
нинг аста-секин сунишини сезади (кузатади). Товуш эши-  
тилмай қолган (текширилувчининг берган сигнал сўзига  
асосан) заҳоти камертон қулоқ олдига олиб келинади. Тек-  
ширилувчи қулоғига яна товуш эшитилади. Секундомердан  
фойдаланиб, эшитишнинг давом этиш вақти аниқланади.  
Эшитиш анализаторида адаптация (мослашиш) ҳодисаси  
садир бўлмаслиди учун текшириш жараённида, камертон  
қисқа вақт ичиди қулоқдан 0,5 м атрофида узоқлаштири-  
лади ва яқинлаштирилади (0,5 см масофада). Ҳавонинг  
ўтказувчанлиги ўнг ва чап қулоқ учун алоҳида текшири-  
лади.

Ишни расмийлаштиришга доир тавсиялар. Текшириш-  
даги натижаларни жадвалга ёзинг (239- бет).

Тажрибада олинган маълумотларни норма билан солиш-  
тиринг.

#### Суяк ва ҳавонинг товуш ўтказувчанлиги кўрсаткичлари

Камертон- лар характе- ристикаси (тебраниш сони, Гц)	Ўтказувчан- лик турлари (типлари)	Камертон товушини қабул қилиш даво- мийлиги, с		
		Нормада	Ўнг қулоқ	чап қулоқ
138	Ҳаво орқали	75		
	Суяк орқали	35		
256	Ҳаво орқали	40		
	Суяк орқали	20		
512	Ҳаво орқали	80		
	Суяк орқали	40		
1024	Ҳаво орқали	100		
	Суяк орқали	50		
2048	Ҳаво орқали	40		
	Суяк орқали	20		

## 100-ИШ. БИНАУРАЛ ЭШИТИШ

Инсон ва ҳайвоnlар фазодаги товушни эшитишга, яъни товуш чиққан жойни аниқлаш қобилиятига эгадир. Бу иккни ярим эшитиш анализаторининг симметрик равишда жойланниши — бинаурал эшитиш билан изоҳланади.


Иш анжомлари: камертон, ҳар хил узуунликдаги резина найли фонендоскоп, пахта, спирт. Иш одамда олиб борилади.

Тажриба ўтказиш тартиби. Экспериментаторга нисбатан текширилувчи орқаси билан ўтказилади. Фонендоскоп найларининг охирлари текширилувчининг ташки қулоги тешикларига қўйилади ва овоз чиқарилаётган предмет (камертон) фонендоскопга яқинлаштирилади ёки фонендоскоп олдида металл пластинкага урилади. Текширилувчидан товушни қайси томондан эшитаётганини айтиш сўралади. Кейин фонендоскопнинг битта резина найи узунроги билан алмаштирилиб, тажриба қайтарилади. Текширилувчи яна товуш манбанинг қандай йўналишда жойлашганини маълум қиласи. Одатда текширилувчи товуш манбанин фонендоскопнинг калта найи томонидан кўрсатади.

Ишни расмийлаштиришга доир тавсиялар. Кузатиш натижаларини тажриба дафтaringизга ёзинг, нима учун товуш қисқа йўлга силжиганга ўхшаганини тушунтиринг, иккала қулоқ билан эшитишнинг аҳамиятини кўрсатинг ва таъкидланг.

## 101-ИШ. ТЕРИ ВА ОГИЗДАГИ ШИЛЛИҚ ҚАВАТ ЭСТЕЗИОМЕТРИЯСИ

Тактил сезувчанлик эстезиометрия ёрдамида ўрганилади. Масофа сезувчанлиги фарқланиб, у масофа поғонасини характерлайди, поғона кучига асосан эса сезувчанлик аниқланади. Тарқалиш сезувчанлигининг масофа (фазовий) поғонаси деб, тери ёки шиллиқ қават иккита сезги берадиган нуқтаси ўртасидаги минимал оралиқ бир вақтда таъсирангандан иккита нарса текканидек ҳис қилинишига айтилади. Бу тери ва шиллиқ қаватнинг масофа фарқлаш хусусиятини (қобилиятини) характерлайди. Энг юқори фарқлаш хусусиятига эга бўлган жойлар қўйидагича: тил учида — 1,1 мм; бурун учида — 6,8 мм, лаблар, қўл панжаларининг кафт соҳасида — 2,2 мм, қўл кафтининг ташки соҳаси — 31 мм, болдир — 40,5 мм, орқа — 54,1 мм, сонва елка 67,6 мм да эканлиги аниқланган.



78-расм. Эстезиометр (Вебер циркули).

Иш анжомлари: эстезиометр (Вебер циркули), пахта, спирт. Иш одамда олиб борилади.

Тажриба ўтказиш тартиби. Курсида ўтирган текшириувчига кўзларини юмиш таклиф қилинади. Эстезиометр (78-расм) оёқчалари максимал яқинлаштирилган ҳолатда төёки шиллик қаватнинг маълум жойига теккизилади (тақалади). Эстезиометр оёқчалари бир хил вақт ва босимда теккизилишини назорат қилмоқ зарур. Эстезиометр оёқчалари аста-секин кенгайтирилиб (ҷар сафар 1 мм га оширилади), иккита алоҳида тақалиш сезгисининг пайдо булиши учун керак бўлган минимал масофа аниқланади. Масофа поғонаси орқа тери, қўйл панжасининг ташқи юзаси, қўлнинг панжалар учи, тил учининг шиллик қавати ва юқори жағ ышкининг марказий сўргичларида аниқланади.

Ишни расмийлаштиришга доир тавсиялар. Дафтариниздаги жадвалга топилган масофа поғона сезувчанлиги киттилигини ёзинг.

Тери ва шиллик қаватнинг фазовий поғона сезувчанлигининг кўрсаткичлари

Текшириладиган жойлар	мм даги масофа (фазодаги) поғона сезувчанлиги
Орқа териси	
Панжасининг орқа юзаси	
Панжаларининг учи	
Тилнинг учи	
Майл сурғичи	

Олинган натижаларни солиштиринг ва уларнинг фарқини тушунтиринг.

#### 102-ИШ. ТАЪМ СЕЗИШ ПОҒОНАЛАРИНИ АНИҚЛАШ

Таъм сезиши поғонаси деганда, концентрацияси энг паст бўлган таъм берувчи моддалар эритмаси, улар тилга томи-зинганда у ёки бу таъмни сезиши тушунилади.

Иш анжомлари: концентрацияси курсатилган 4 сериядан иборат флакон учун жойи бўлган махсус яшикча, фланкларда 0,001%, 0,01%, 0,1 ва 1% концентрацияга эга бўлган шакар, ош тузи, хлорид кислота, хининнинг нордон тузи эритмалари бўлади ва ҳар бир флакон алоҳида томизгич билан таъминланади.

Тажриба ўтказиш тартиби. Томизгич ёрдамида у ёки бу эритмадан текширилувчининг тилига томизилади (таъм сезиш майдонларини топографияси қуидаги: тил учда ширин моддалар, ён сатҳларида — нордон ва шўр, илдизида эса аччиқ моддалар сезилади). Текшириш энг паст концентрациядан бошланиб, текширилувчи маълум таъмни сезгичча ошириб борилади. Ҳар бир синов 10—12 с давом этиб, синовдан кейин оғиз сур билан чайқалиши албатта шарт. Синовлар ораси 1—2 минут бўлишини сақлаш керак.

Томчи билан таъсиrlаш усули орқали олинган нормал таъм сезиш погонаси қуидаги концентрациялар: 0,25% дан 1,25% гача ширин ва шўр учун; 0,05% дан 1,25% гача нордон учун; 0,0001% дан 0,003% гача аччиқ учун қабул қилинган.

Ишни расмийлаштиришга доир тавсиялар. Олинган натижаларни жадвал (242-бет) га кўчиринг.

#### Таъм сезиш погонасининг кўрсаткичлари

Таъмли моддалар	Эритмаларнинг % даги погона концентрацияси
Ширин	
Аччиқ	
Норден	
Шўр	

#### 103-ИШ. ОВҚАТ ҚАБУЛ ҚИЛГУНЧА ВА ҚАБУЛ ҚИЛГАНДАН СҮНГ ТИЛДАГИ СҮРГИЧЛАРНИНГ ФУНКЦИОНАЛ МОБИЛЛИГИ

Бошқа сенсор системаларга ўхшаб таъм сезиш аналиторлари ҳам функционал мобиллик хусусиятига эга бўлиб. Тиљдаги таъм билиш сўргичларининг ишлатётган функционал бирлигининг кўпайиши (мобилизация) ёки камайишида (демобилизация) намоён бўлади.

Таъм сезиш рецепторларининг мобилизация сатҳи асоссан очлик мотивация (талаб) сига ёки тўйиниш ҳолатига боғлиқ.

Овқат тановул қилғандан кейинги ҳолатта нисбатан, ейилгунга қадар ишләётган таъм сезиш сүргичларининг миқдори кўп бўлади. Бу ҳодисанинг асосида ошқозон-тил рефлексининг механизми бўлиб, бунда ошқозонда тушган овқат унинг рецепторларини таъсиirlайди ва тилдаги ишләётган рецепторлар сонини камайтиради.

**Иш анжомлари:** қўзиқоринсимоғ сүргичнинг катталигига тўғри келадиган диаметрдаги эгилган ойнак капилляри, стакан, жомча, Петри идиши, фильтр қоғоз, 1 минутили қум соат, овқат бўёғи (фуксин) билан ранг берилган шакар эритмаси (10 г дистилланган сувга 8 г шакар қўшилади). Иш одамда олиб борилади.

**Тажриба ўтказиш тартиби.** Текширилувчи нонушта қилмаган ёки қилғандан кейин камида 3—4 соат ўтган бўлиши керак. Тил фильтр қоғози билан қуритилади. Капилляр ёрдамида алоҳида қўзиқоринсимон сүргичларга таъмли таъсиirlагич томизилади. Бунинг ёрдамида ширинликни сезувчи 4 та сүргичлар аниқланади. Бу 1-синов. 1—2 минут оралатиб, ҳаммаси бўлиб 5 та синов ўтказилади. Ҳар бир синовдан кейин оғиз сув билан чайқалади. Ўша биринчи сүргичлар яна текширилади. Таъм сезиш ҳиссисининг пайдо бўлиши баённомада "плюс" ва бўлмагани эса "минус" ишораси билан белгиланади. Текшириш овқат егандан (оқ нон билан 1 стакан ширин чой) кейин қайтарилади.

Ишни расмийлаштиришга доир тавсиялар. Текшириш натижаларини жадвалга ёзинг.

Тилдаги таъм сезиш сүргичлари функционал мобиллигининг  
кўрсаткичлари

Сүргичлар №№	Овқат ейилгунча бўлган синов					Овқат ейилгандан кейинги синов				
	1	2	3	4	5	1	2	3	4	5
1										
2										
3										
4										
Жами:	%	мобилизация	сатҳи			Жами:	%	даги мобилиза-	ция	сатҳи

Процентда ифодаланган мобилизация сатҳи ва ижобий жавобларнинг умумий сонини ҳисобланг. Овқат ейилгунга қадар ва ундан кейинги мобилизация сатҳини солишитиринг

ва аниқланган үзгаришларнинг механизми ҳақида хулоса чиқаринг.

#### 104-ИШ. ТЕРИ ВА ОГИЗ БҮШЛИГИ ШИЛЛИҚ ПАРДАСИННИГ ТЕРМОЭСТЕЗИОМЕТРИЯСИ

Термоэстезиометрия бу ҳароратга бўлган (иссиқ ва совуқ) сезувчанликни ўрганиш усулидир. Бу усул тананинг турли қисмларида иссиқ ва совуқни сезувчи рецепторларнинг зичлигини ўрганишга ва терморецепторларнинг функционал мобиллигини текширишга асосланган.

Маълум сатҳ бирлигига жойлашган рецепторлар сони уларнинг зичлиги деб тушувилади. Тананинг ҳар хил ерида иссиқ ва совуқни сезувчи рецепторларнинг зичлиги бир хил эмас. Совуқ ва иссиқни сезувчи рецепторларнинг тил ва қўйл панжалари учларида зичлиги ўта каттадир. Текширилувчи (юқорида кўрсатилга) сатҳда совуқни сезувчи рецепторлар кўп бўлиб, иссиқни сезувчилар эса оздир.

Бошқа рецепторларга ўхшаб тери ва шиллиқ қаватдаги терморецепторлар ҳам функционал мобиллик хусусиятига эга. Бу хусусият организмнинг ташки ва ички муҳит ҳароратига боғлиқ ҳолда, ишлайтган рецептор элементлар сонининг вақт бирлиги ичидаги үзгариши билан намоён бўлади.

Терморецепторларнинг ҳойланиш зичлигини аниқлаш.

Иш анжомлари: термоэстезиометр (ҳарорат пайпаслагич — пўлат сим кавшарланган уланган) шиша колба, 0,5 см<sup>2</sup> майдонли дарчаси бўлган қолип (трафарет), муз, иссиқ сув (50° С атрофида). Иш одамда олиб борилади.

Тажриба ўтказиш тартиби. Текширилувчининг тери сатҳига қолип қўйилади. Бир текисда жойлашган қолип орқали 1—2 секунд оралатиб, ҳарорат пайпаслагич билан ва текширилайтган сатҳдаги нукталарга кетма-кет 9 марта текизилади. Текширилувчи текизишлар натижасида аниқ ва равшан пайқаган ҳарорат сезгиларини белгилайди. Термоэстезиометр майданланган муз билан тўлдирилиб, текшириш совуқни сезувчи рецепторларнинг зичлигини аниқлашдан бошланади. Иссиқни сезувчи рецепторларнинг зичлигини текширишда эса термоэстезиометр иссиқ сув билан тўлдирилади.

Ишни расмийлаштиришга доир тавсиялар. Текшириш натижалари билан жадвал ("Тери ва оғиз бүшлиғидаги шиллиқ қават эстезиометрия"сига қаралсин)ни тўлдириб, хулоса чиқаринг.

Теридаги совуқни сезувчи рецепторларнинг функционал мобиллигини ўрганиш.

Иш анжомлари: термозестезиометр, сиёҳли қалам (паста ҳам мумкин), 1 минутли құм соат, муз.

Тажриба үтказиш тартиби. Текширилувчининг билак соңасыра ұарорат пайпаслагич текизилганды, совуқни аниқ сезадиган 5 та нұқта қидирилади. Бу битта синовни ташкил қылади. Нұқталар қалам билан белгиланади. Тажриба даврида 1—2 минут оралатиб 5 та синов үтказилади. Совуқ сезишнинг пайдо булишини баённомада "мусбат", сезмасликни "манфий" ишора билан белгиланади.

Ишни расмийлаштиришга доир тавсиялар. Текшириш натижалари билан жадвални тұлдиринг.

Теридаги совуқни сезувчи рецепторлар функционал мобиллигининг күрсаткічлари

Совуқ нұқталар №№	Синовлар				
	1	2	3	4	5
1					
2					
3					
4					
5					

Ижобий жавобларнинг умумий сочини ҳисобланғ ва рецепторларнинг мобилизация сатқини % да ифодаланғ. Ҳарорат рецепторларыда функционал мобиллик ҳодисаси борлиги туғрисида хулоса чиқаринг.

#### 105-ИШ. ҲАРОРАТНИ ИДОРА ҚИЛИШ ЖАРАЕНИДА ТЕР БЕЗЛАРИННИГ ФУНКЦИОНАЛ МОБИЛЛИГИНИНГ ЎЗГАРИШИ

Одам танаси ҳароратининг бир меъёрда сақланишида тери юзасидан тернинг буғланиши катта ақамиятга эга бўлиб, бу иссиқлик узатилишининг бир усули бўлиб ҳисобланади. Ажralаётган тер миқдори ҳамда ицлаётган тер безларининг сони тана ҳароратига боғлиқ бўлиб, у жисмоний ва функционал юкларда ўзгариши мумкин. Функционал мобиллик усули билан тер безларининг ҳароратни идора қилишда иштирок этишини кўрсатиш мумкин.

Иш анжомлари: микроскоп (капилляроскоп), иммерсион мой, пахта, сиёҳли қалам, спирт. Иш одамда олиб борилади.

**Тажриба ўтказиш тартиби.** Текшириувчи қулининг кафти сатҳидаги бирор панжасининг учи спирт билан арти-бўлган айлана чизилиб, иммерсион мой суртилади ва 70 марта катталаштирилган микроскоп остида кўрилади. Тер безларининг чиқарув найлари устида садафсимон тўгаракка ўшаган тер томчилари ётишини ҳисобга олиб, доира ичидаги ишлатганинг миқдори саналади. Иммерсион мой артилгач, текшириувчига жисмоний иш (20—25 марта ўтирибтуриш) бажариш таклиф қилинади. Бундан кейин қайтадан доирага иммерсион мой суртилиб, шу доира майдонидаги тер томчилари яна санаб чиқилади. Текшириувчига математикадан масала таклиф қилинади ва тажриба қайтарилади.

Ишни расмийлаштиришга доир тавсиялар. Текшириш натижаларини жадвалга туширинг.

Тер безларининг функционал мобиллиги кўрсаткичлари

Организм ҳолати	Ишлатганинг тер безларининг сони
1. Илк ҳолат	
2. Жисмоний меҳнатдан кейин	
3. Ақлий меҳнатдан кейин	

Организм ҳароратини бир месъёрда сақлашда тер безларининг роли тўғрисида хулоса чиқаринг.

**106-ИШ. ҲИД БИЛИШ АНАЛИЗATORINING  
СЕЗУВЧАНЛИГИНИ АНИҚЛАШ (ОЛЬФАКТОМЕТРИЯ)**


Ольфактометрия — бу маълум ҳидли моддага нисбатан ҳидлаш анализаторининг сезувчанлик поғонасини аниқлаш усули. Ҳид сезиш актининг пайдо бўлиши учун текшириувчининг бурни орқали ўтиши керак бўлган ҳидли модда буғининг энг оз миқдорига ҳидлаш анализаторининг сезувчанлик поғонаси дейилади.

Ҳидлаш анализаторининг сезувчанлик поғонаси ольфактометр ёрдамида аниқланади (79-расм).

Ишни расмийлаштиришга доир тавсиялар. Ҳар хил ҳидли моддалар учун ҳидлаш поғонаси катталигини жадвалга ёзинг.

**Ҳар хил ҳидли моддалар учун ҳидлаш поғонаси**

Ҳидли моддалар	Ҳидлаш поғонаси (милилитрдаги ҳаво)
1	
2	



79-расм. Ольфактометр.

а) текширилувчи бурнига киритиладиган пойнак; б) ольфактометрга етарли миңдорда (дозада) ҳавони киритиш учун шприц; А) кирувчи найчаси; Б) кириш жұмраги; В) чиқариш жұмраги.

Хар хил текширилувчилар учун түрли ҳидли моддалар-шынг ҳидлаш погонасини солишистириң.

#### 107-ИШ. ОДАМДА ВЕСТИБУЛЯР АНАЛИЗАТОР ҲОЛАТИНИ ФУНКЦИОНАЛ СИНОВЛАР ЁРДАМИДА ҮРГАНИШ

Вестибуляр аппарат МАСнинг кўп қисмлари билан боғланган булиб, уни адекват таъсирлаш, хилма-хил рефлексларнинг пайдо булишига сабабчи бўлади. Булар бўйиннинг скелет, тана, оёқ, қуллар, кўз мушакларининг тоник ва ички органлар — юрак, ошқозон-ичак йўли, томирлар ва ҳоказоларнинг вегетатив рефлекслариdir.

Айланма ҳаракат пайтида бош нистагми деб аталувчи ҳолат кузатилади, яъни унда, аввал, бош аста айланиш ҳаракати томонига қараб бурила бошлайди, кейин эса тез мауз уз ҳолатига қайтади. Айланма ҳаракатда кўзнинг ҳам ушандай ҳаракатлари — кўз нистагми кузатилади. Кўз нистагми 2 компонентли: а) бурчак тезланишига бўлган статокинетик рефлексларнинг пайдо булиши орқали ифодалашувчи секин ва б) уни алмаштирувчи, келиб чиқиши номаъзум бўлган анча тез компонентлардан иборат. Кўз нистагми ҳар доим секин компонентдан бошланади, унинг нистаги эса тез компонент бўйича ифодаланади.

Ҳаракатнинг ижобий бурчак тезланиши бошланишида нистагмининг секин компоненти ҳар доим айланишга қараша-қарши томонга йўналган бўлади (айланиш нистагми).

Тұхташ пайтида ёки айланишнинг секинлашувида, яъни салбий бурчак тезланишида тескари муносабатларда бұлади (айланишдан кейинги нистагм). Күзнинг айланма нистагми нормал күрув — туスマллашнинг таъминланғанлығы сабабли мұхим мослашув ақамиятга зға ва айланиш даврида буюмлар тасвирини түр пардада қайд қилиш имконини беради. Айланишдан кейинги нистагм бундай ақамиятга зға эмас.

Вестибуляр аппаратнинг функционал ҳолати айланма отолит, күрсаткыч бармоқ функционал синовлари ёрдамида аникланади ва баҳоланади. Вестибуляр анализаторнинг ампуласимон құсманинг құзғалуучанлыгини, тұхташ пайтида қарма-қарши айланишни сезишини чақиравчы эңг кичик бурчак тезланиши (1 с даги бурилиш бурчагини) билан баҳолаш мүмкін. Соғлом одамда бу тезланиш бұсағаси 1 с да  $0,5^0$  дан  $4^0$  гача (ўртача 1 с да  $1,5^0$ ) тұғри келади. Айланишдан кейинги нистагмнинг давом этиши 20 с дан 40 с гача бұлади.

Иш анжомлари: Барапи ўринидиги (кресло), күз бойлагич, секундомер, қалам.

Тажриба ұтказиш тартиби. Айланма синови. Текширилувчи Барапи ўринидиги ұтқазилади. Танани маҳкамтайдиган планка қотириледи ва күзлар беркитилади. Бөш бошшылгычға маҳкамланади.

Горизонтал күз нистагмини чақириш учун текширилувчидан бошини  $15^0$  ли бурчак остида қойыла әшиши сұралади. Ушбу шароитда горизонтал ярим айлана каналларнинг рецепторлари бошқаларига нисбатан активлашади. Кейин тажриба ұтказувчи бир месөрда ўринидіңнинг текширилувчиси билан 1 с да ярим айлана тезликде айлантириледи. Бундай шароитда айланиш тезлигі бұсағадан 100 маротаба ортиқ булиб, 1 с да  $180^0$  ни ташкил этади. 10 марта айлантирилғач, ўринидің құйқысдан тұхтатилади ва текширилувчидан күзларини очиши сұралади. Бир вақтнинг ўзида секундомер ишга солинади. Айланишдан кейинги нистагм: күз соққаларининг айланиш йұналишдаги секин ҳаракати ва уларнинг аввалғы ҳолатига қанча тез қайтиши күзатилади. Нистагмнинг йүқолиши пайтида секундомер тұхтатилади, унинг давом этиши ҳисоблаб қыцилади.

Кейинги текширишнинг бошланишига қадар текшириувчи Барапи ўринидигида уни айлантириши ва агар бирор нарсаны ҳис этса, даржол қымбаттык лозимлигі огох қылнади. Кейин унинг күзлары боғланади ва 1 с да ярим айланиш тезлигі билан 10 марта айлантириледи.

Ҳаракатнинг бошланишида текширилувчи айланишни сезади ва унинг йўналишини топади. Кейин, ҳаракат бир меъёрга ўтганда, у бу сезишни йўқотади ва ўриндиқнинг айланишдан тўхтаганлигини маълум қиласи. Айланишнинг ҳақиқий тўхтаган пайтида эса текширилувчидаги тескари айланишни сезиш пайдо булади. Секундомер бўйича тескари айланиш сезилиши белгиланади, унинг давом этиши ҳисоблаб чиқлади.

Тескари айланишнинг сезиш бўсағасини аниқлаш (вестибуляр анализатор қўзгалувчанигина). Текширилувчидаги кўзлари боғланади, ўша юқоридаги огоҳлантириш ўтказилади ва Барани ўриндиғи секин айлантирилади. Ҳаракат қачон бир меъёрга етганда, унга ўриндиқ тўхтаганга ўхшаб туюлади ва бу ҳақда у маълум қиласи. Бу даврда секундомер бўйича айланишнинг тахминий бурчак тезлиги аниқланади. Агарда бу тезлик бўсаға ёки бўсағадан юқори бўлса, Унда айланишнинг тўхтатилиши пайтида текширилувчидаги тескари айланишни сезиш ҳосил булади. У бу ҳақда маълум қилиши ва айланиш йўналишини курсатиши керак. Беш минутлик танаффусдан сўнг, олинган натижага боғлиқ ҳолда анча кам ёки баланд бўлган салбий бурчак тезлигининг таъсири синааб кўрилади ва тескари айланишнинг сезиш поғонаси топилади.

Баранинг ўзgartирилган кўрсаткич бармоқ синови. Текширилувчининг олдида, унинг боши сатҳидан 0,5 см узоқликда қалам тутилади. Ундан қаламга қараши, кўзларини беркитиши ва кўрсаткич бармоғи билан унинг учига тегиши сўралади. Кейин текширилувчи Барани ўриндиғида юқорида ёзилган усул бўйича айлантирилади. Ўриндиқ тўхтатилгач, дарҳол у қўлини олдинга чўзади ва кўзларини очмасдан, яна қаламнинг юқориги томонига тегишига ҳаракат қиласи. Одатда қўл айланиш томонга беихтиёр оғиб кетиши сабабли буни қилиш мумкин эмас. Текширилувчининг кўрсаткич бармоғидан қалам учигача бўлган масофа ўлчанади. Шу аснода хато катталиги аниқланади.

Кейин текширилувчидан иккала қўлини танага нисбатан тугри бурчак остида олдинга чўзишини, кўрсаткич бармоқларини ёзиши ва уларни бир неча марта бир-бири билан аввал кўзларининг очиқ ҳолида, кейин эса ёпиқ ҳолида теккизилиши сўралади. Текширилувчи Барани ўриндиғида ун марта айлантирилади ва яна аввалги кузатишлар қайтарилади. Кўзларнинг очиқ ва ёпиқ ҳолида бажарилаётган топшириқларда йўл қўйилган хатоларнинг катталиги ўлчанади ва таққосланади.

**Отолит синови.** Текширилувчидан Барани ўриндиғига утиришни, күзларининг ёпилиши ҳамда боши ва танасини  $90^{\circ}$  га олдинга эгилиши сўралади. Ўриндиқ I с да ярим айланиш тезлигига текширилувчиси билан айлантирилади. Беш марта айланишдан сўнг, ўриндиқ қўққисдан тўхтатилилади. Бунда тананинг ўрта чизиқдан олдинги айланишга нисбатан тескари йўналишдаги оғиши кузатилади.

Текширилувчидан юрак қисқариштарининг сони пульс бўйича аниқлангач, у Барани ўриндиғидага юқорида кўрсатилган режимда айлантирилади. Ўриндиқ тўхтатилгач, дарҳол секундомер бўйича вақтнинг 10 секундлик оралигида аввалги катталигининг тикланишига қадар пульс санаб чиқилади. Пульснинг тезлашуви ва секинлашуви кузатилади (лабиринт-юрак рефлекси). Пульснинг максимал ўзгаришларининг % лардаги даражаси ва бу ўзгаришларнинг айланишдан кейинги сақланиш муддати ҳисоблаб чиқилади.

Ишни расмийлаштиришга доир тавсиялар. Тажриба баённомасига олинган рақамларни ёзинг, айланишдан кейинги кўз нистагмининг намоёнлик даражаси ва сақланиш муддатларини солиштиринг, турли текширилувчилардаги лабиринт-юрак рефлексининг намоёнлик даражаси ва йўналишини солиштиринг, айланишдан кейинги нистагм давом этишининг ва тескари айланишининг сезиш бўсағасини баҳоланг ва норма билан солиштиринг.

## ОЛИЙ АСАБ ФАОЛИЯТИ

### 108-ИШ. ОДАМДА ҚЎНФИРОҚҚА ҚОРАЧИҚНИНГ ШАРТЛИ ВЕГЕТАТИВ РЕФЛЕКСИННИ ҲОСИЛ ҚИЛИШ ВА УНИНГ СҮНИШИ

Шартли рефлекс мураккаб, индивидуал ҳаёт давомида орттирилган вужуд реакцияси бўлиб, сигнал характеристидаги таъсирловчиларга марказий асаб системасининг олий бўлимлари иштирокида жавоб реакцияси сифатида амалга ошади. Одам ва ҳайвонларнинг олий асаб фаолияти, И. П. Павлов кўрсатиб берганидек, қузғалиш ва тормозланиш, яъни бир-бирига қарама-қарши икки жараённинг бир бутунлигидан иборатdir И. П. Павлов тормозланиш жараёнларини шартсиз (ташқи ёки чегарадан ташқари) ва шартли (сўнувчи, фарқловчи, шартли тормоз ва кечикувчи) тормозланиш типларига ажратган.

Иш анжомлари: қўнфироқ, қоронғи жой, қалин қоғоз вараги.

**Тажриба ўтказиш тартиби.** Иш бажарылиши даврида бир вақтнинг ўзида ҳамма студентлар иштирок этадида. Талабаларнинг биринчи ярми — текширувчилар, иккинчи ярми эса текширилувчилардир.

Текширувчилар, қўнгироқ чалинганда, текширилувчи студентларнинг кўз қорачиқларининг ёруғлик таъсирида кенгаймаганлигини текширадилар. Сўнгра қўнгироқ товушига шартли вегетатив қорачиқ рефлексини ҳосил қилишга киришилади. Бунда текширилувчи студентлар, қўнгироқ чалинганда, кўзларини зич қоғоз вараги билан беркитадилар. Қўнгироқ чалиниши тўхтатилганда, улар кўзларини очадилар. Шундай қилиб, текширувчилар текширилувчи студентлар кўз қорачиқларининг ёруғлик таъсирида астасекин торайишини кузатадилар. Агарда қўнгироқ чалиниши қоронги тушириши билан биргаликда 10 марта такрорланса, у ҳолда 11-мартасида кўзга қоронги туширилмаса ҳам қўнгироқнинг чалинишидаёқ кўз қорачиғининг шартли рефлектор кенгайиши рўй беради. Кўз қорачиғининг шартли рефлектор вегетатив рефлексини сундириш учун қўнгироқ чалиниши кифоя, шартсиз таъсировчи — қоронги тушириш эса зарур бўлмайди. Текширилувчилардаги шартли қорачиқ вегетатив рефлексининг сўниши уларни шартли таъсировчилар билан турли миқдорда алоҳида таъсиравчи орқали амалга ошади. Шартли рефлекснинг сўниш тезлиги ички тормозланиш жараёнининг кучи билан белгиланади.

Ишни расмийлаштиришга доир тавсиялар. Олинган натижаларни жадвалга кўчириб ёзинг.

**Кўз қорачиғи шартли рефлексини ҳосил қилиш ва сўндириш натижалари**

Таъсировчи-лар рақами	Таъсировчи қўнгироқ	Шартсиз таъсировлагич — қоронгилик	Шартсиз реакция	Шартли реакция
1	+	—		
2	+	+		
10	+	+		
11	+	+		
12	+	+		
13	+	+		
14	+	+		
15	+	+		

Шартли таъсирловчи — құнғыроқ ва шартсиз таъсирловчи — қоронғи тушириш неча марта биргаликда тақорланағач, қорачиқ шартли вегетатив рефлекси ҳосил булиши науни сұндириш шарт-шароитини алоҳида қайд қилинг.

**109-ИШ. ОДАМДА ШАРТЛИ РЕФЛЕКС ҲОСИЛ ҚИЛИШ  
ЖАРАЁНИДА ЭЭГ ВА ВЕГЕТАТИВ КҮРСАТКИЧЛАР  
ЎЗГАРИШЛАРИНИ ТЕКШИРИШ**

Шартли рефлекс күп компонентли реакция ҳисобланади. Уни амалга ошириш учун жуда күп тузилмалар ва жараёнлар системага бирлашади. Ҳар бир аниқ рефлектор акт марказий асаб системасининг бир бутун умумлашган интегратив реакцияси булиб, бу реакцияның оқибати марказдан четда ётувчи компонентларда намоён бўлади. Бош мия тузилмаларининг электрик активлигига асосланаб, уларнинг функционал ўзгаришлари тўғрисида тегишли хуносалар чиқариш мумкин. Ҳаракат ва вегетатив компонентлар шартли рефлектор фаолиятнинг четдаги (периферик) күрсаткичлари булиб ҳисобланади.

Э. А. Асрятян (1965) ўзининг электроэнцефалографик тадқиқотларида вақтинча боғланишнинг шаклланиш жараёнларини 4 босқичга ажратган: 1) бош мия катта яримшарларининг муайян соҳаларида вужудга келувчи маҳаллий реакцияның қисқа муддатли бошланғич босқичи, 2) тарқоқ (генерализация) фазаси, яъни шартли сигнал ва унга яқин бошқа сигналлар бош мия катта яримшарлар пўстологи ва пўстлоқ ости соҳаларининг ҳар хил тузилмарида кенг ёйилувчи тарқоқ реакциясини юзага келтириш, 3) иккиласми ихтисослашиш (специализация) ва жойлашиш (ўрнашиш) фазаси, 4) шартли таъсирловчи таъсирида ЭЭГ ўзгаришларининг йўқолиш фазаси. Шунингдек, вақтинча боғланишнинг шаклланиш жараёнларига вегетатив компонентлар ҳам мойил бўлади.

Иш анжомлари: электроэнцефалограф (полиграф), фотофоностимулятор, электроэнцефалограммани (ЭЭГ) ёзиб олиш учун электродлар, тери-гальваник реакция (ТГР), электрокардиограммалар (ЭКГ), нафас частотаси (НЧ), пахта, дока салфетка, электрод учун паста, физиологик эритма, спирт, эфир, коллоний. Иш одамда олиб борилади.

Тажриба ўтказиш тартиби. ЭЭГ, ТГР, ЭКГ, НЧларни қайд қилиш учун электродлар қўйилади. Электродлар террига яхши тегиб туриши керак. ЭЭГни ёзиб олиш моноли-

поляр усулда амалга оширилади. Актив электродлар ўнг ва  
чап яримшаларнинг энса ва чакка соҳаларининг чўқчи қис-  
мига коллодий билан ёпиширилади. И. Р. Тарханов усули  
бидан тери-гальваник реакция ёзилади. ЭКГ I тармоқ  
бўйича қайд қилинади. Нафас частотасини ёзиб олиш учун  
электродлар диафрагма соҳасига жойлаштирилади. Ерга  
уланувчи электродлар билакка қўйилади. Ёзиг оловчи  
электродлар ўтувчи даста орқали электроэнцефалографга  
уланади. Текширилувчи одам кўзи олдинга фотостимулятор  
қўйилади. Фотостимулятор шундай қўйилиши керакки,  
текширилувчи одам товушни (тонни) яхши эшита олсин.  
Ёруглик билан мустаҳкамланувчи таъсирлар бериб бориш  
йўли билан 50 дБ интенсивликдаги 500 Гц тонга тенг  
бўлган шартли рефлекс ҳосил қилинади. Текширилувчи  
одамга, нур пайдо бўлганда, кўзини очиши, нур йўқолганда  
эса кўзини юмиши кераклиги олдиндан тушунтириб  
қўйилади. Шу билан бирга, биринчи берилган шартли сиг-  
нал ЭЭГда унга характерли бўлган барча ўзгаришлар билан  
тусмоллаш реакциясини чақиради, бироқ вегетатив функциялар  
соҳасида эса уни сўндириш даркор. Нур шартсиз  
мустаҳкамланувчи ҳисобланади, шунинг учун унга реакция  
ҳеч қачон сўнмайди. Нур эса ЭЭГ да ритмнинг десинхро-  
низация реакциясини келтириб чиқаради. Нур чақнаш  
қўринишида 50 Гц частота билан берилади. Шартли ре-  
флекс ҳосил қилиш қоронғилаштирилган хонада олиб бо-  
рилади. Товуш уланиши билан 3 секунд ўтказиб фотости-  
мулятор ёндирилади ва текширилувчи кўзини очади. То-  
вш билан нур биргаликда 3 секунд таъсир этади, сўнgra  
улар бир вақтда ўчирилади, текширилувчи эса кўзини юма-  
ди. Бу иш 15 марта тақрорланади, сўнgra мустаҳкамланиш  
зудлик билан 3 секундга кечиктирилади. Бунда шартли ре-  
флекс ҳосил бўлган бўлса, шартли таъсирловчи учун ха-  
рактерли бўлган реакцияни, шартсиз таъсирловчи билан мус-  
таҳкамлаш тўхтатилгандан кейин ҳам кузатиш мумкин  
бўлади.

Ишни расмийлаштиришга доир тавсиялар. Олинган  
маълумотларни жадвалга туширинг.

**Одамда шартли рефлекс ҳосил қылыш жараёнида ЭЭГ  
ва вегетатив күрсакчилардаги үзгаришлар**

Катталиклар	№ ва шартли сигналларнинг таъсири этиш вақти				
	1	3	7	15	16
	1—3 с 4—6 с	1—3 с 4—6 с	1—3 с 4—6 с	1—3 с 4—6 с	1—3 с 4—6 с
ЭЭГ: чўқчи					
чап чакка					
ўнг чакка					
эйса (чандан)					
эйса (ўнгдан)					
ТГР					
ЭКГ					
НЧ					

ЭЭГда десинхронизациянинг бор ёки йўқлигини, ТГРдаги амплитуда үзгаришларини, R—R оралиқлари давомийлигидаги үзгаришларни ва НЧ товуш ҳамда нурнинг биринчи галда биргаликда қўлланилгандаги, уларнинг иккинчи марта қўлланылгандаги ва нур билан мустаҳкамлаш зудлик билан кечиктирилгандаги ҳолатларини белгиланг. Нур билан мустаҳкамлашни зудлик билан кечиктирилган ҳолатдаги 4 дан 6 секундгача бўлган товуш таъсирини ифодаловчи эгрилик кесимини таҳлил қилиб куринг.

#### **110-ИШ. ФЕЪЛ-АТВОР ФУНКЦИОНАЛ СИСТЕМАСИНИНГ ШАКЛЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ**

Функционал система ўз-ўзини бошқарувчи динамик тузилма булиб, унинг ҳамма қисмлари (элементлари) система учун фойдали ва организм учун бир бутун мослашган фаолият натижаларига эришишга ёрдам беради. Ҳар бир система аниқ натижалар берувчи функцияларга эга бўлгани учун бундай системани П. К. Анохин функционал система деб атаган. Бунда системани ҳосил қилувчи асосий фактор натижага булиб, организм учун фойдали бўлган ана шу натижани олиш учунгина функционал система шаклланади.

Функционал система ўз-ўзини ташкил қила оладиган, динамикликка, пластикликка, кўп компонентликка ва кўп сатҳликка эга бўлган тузилма булиб, у қўйидаги аниқ босқичлар билан шаклланади: 1) афферент синтез,

2) қарорнинг қабул қилиниши, 3) таъсир программаси ва таъсирот натижалари акцепторининг шаклланиши, 4) таъсирот ва унинг қайтувчи афферентация иштирокида уйғунлашуви (коррекцияси).

Феъл-автор шаклланишида устун келувчи (доминант-лик қилувчи) мотивациянинг ақамияти. Ҳар бир функционал система устун келувчи ҳолатни шундай үзига олади-ки, айни пайтда унинг шаклланиши учун устун келувчи мотивация иштирок этиши керак.

Иш анжомлари: овқат ва сувдан маҳрум этилган (депривация) каламушлар, овқат ва сув.

Тажриба ўтказиш тартиби. Агар каламушлар бир сутка давомида боқилмаса, аммо сув берилса, уларда овқатга муҳтожлик юзага келади. Агарда каламушлар сутка давомида боқилиб, аммо сур берилмаса, у ҳолда сувга ташналиктай болади. Сувга ташна бу каламушлар никрин кислотаси билан белгилаб қўйилади. Машғулот даврида столга иккита Петри кесачаси қўйилади. Битта косачага сув, иккинчисига эса овқат қўйилади. Сўнгра иккала гуруҳнинг ҳар биридан биттадан каламуш столга қўйиб юборилади.

Ишни расмийлаштиришга доир тавсиялар. Каламушлар феъл-авторини кузатинг ва каламушлардан қайси бири овқат қўйилган косачага, қайси бири сув қўйилган косачагча боришини белгилаб, хулоса чиқаринг.

Феъл-авторнинг шаклланишида вазият афферентациясининг роли. Вужуд қабул қилиб турадиган барча ташқи таъсиротлар тўплами вазият афферентацияси бўлиб, бунда вужуд үз эҳтиёжининг қондирилиши учун зарур бўлган, айни пайтда вужуддан ташқарида юз бераётган ҳолатлардан кўпроқ инфомрмация олади.

Иш анжомлари: террариум, аквариум, пинцет, бақа.

Тажриба ўтказиш тартиби. Бақа террариум олдида кафтга жойлаштирилади. Орқа оёқларидан чимчилаб олинса, у ҳолда бақа таъсирловчидан қочишга интилади ва террариумга сакрайди, сакраш олдидан эса, у характерли гавда кўринишини олади, яъни бошини  $45^{\circ}$  бурчак остида пастга эгади. Агарда у аквариумга жойлаштирилса ва орқа оёғи пинцет билан қисилса, у ҳолда сузиб қоча бошлайди, бунда унинг гавда вазияти ва үзини тутиши бошқача бўлади.

Ишни расмийлаштиришга доир тавсиялар. Бақанинг феъл-авторини ҳар икки ҳолатда, яъни мотивация бир хил, таъсирловчи, яъни ишга туширувчи куч (стимул) ҳам бит-

та, бироқ мұхит ҳар хил бұлғани учун, бақа ҳаракатлари ҳар хил бажарилишини белгиланғ.

Феъл-атвортар реакцияси шаклланишида ишга туширувчи стимулларнинг сигналлик ақамияти. Шартли стимуллардан уларнинг ишга туширувчилік ақамияттін айниқса реакциянинг авж олишига түрткі бұла оладиган мавқеини ва реакция сифатини белгиловчы ақамияттарини фарқлаш көрек бұлади. Реакцияларнинг сифат томонлари эса ҳамма афферент информацияларнинг синтези билан, функционал системаның феъл-атвортар акти шаклланишидаги уларнинг ўзаро таъсирлари билан таъминланади.

Иш аңжомлари: қочиш шартли рефлексини ҳосил қилиш учун камера, овқатланиш шартли рефлексини ҳосил қилиш учун камера, құнғирок ва каламуш.

Тажриба ўтказыш тартиби. Битта ишга туширувчи сигналнинг ўзи билан (масалан, құнғироқ) каламушларга иккита ҳар хил камерада икки шартли рефлекс ҳосил қилинади. Камералардан бирининг поли (туби) металл панжара бұлиб, каламуш ёқимсиз электр токи таъсиридан қочиб, у камера полининг ұавғысиз майдончасига иргиши учун ундан электр токи ўтказилади. Бу камерада құнғироқ чалинишига қочиш шартли рефлекси ҳосил қилинади. Бошқа камерада эса құнғироқ чалинишига овқатланиш шартли рефлекси ҳосил қилинади.

Ишни расмийлаштиришга доир тавсиялар. Ҳар икки шартли рефлекс учун умумий бұлған сигнал (құнғироқ) уланғанда, овқатланиш ва қочиш шартли рефлекслары ҳосил қилинадиган камераларда каламушларнинг феъл-атвортарини күзатыб, уларнинг сифат фарқларини белгиланғ. Ҳайвонларнинг феъл-атвортары ҳар хил бўлишлиги, ишга туширувчи стимулнинг сигналлик ақамияти билан изоҳланади.

### III-ИШ. ОДАМДА ҚИСҚА МУДДАТЛЫ ЭШИТУВ ХОТИРАСИ ҲАЖМИНИ АНИҚЛАШ

Ташқи мұхитнинг ўзгарувчан шароитларига одам ва олий ҳайвонларнинг индивидуал мослашувининг мұхим фактори ана шу ўзгаришлар тұгрисида олинган ахборотлар ва таасуротлар асосида орттирилған тажрибаларга мувофиқ равищда ўз феъл-атвортини ўзгартыриш қобилиятидир. Одам хотираси тафаккур ва онг асосида вужудга келувчи омил бўлиб, унинг руҳий камолоти асосини ташкил қиласди. Ах-

боротларнинг ёдда сақланиш муддатига кўра, хотира қисқа ва узоқ муддатли хилларга ажратиласди. Қисқа муддатли хотира ахборотларнинг ҳажми ва ёдга тушириш тезлиги, сақланиш мустаҳкамлиги ва хотира изларининг аниқ қайтадан тикланишини характерлайди.

Иш анжомлари: бир хонали рақамлардан тузилган жадвал. Шундай жадваллардан бири қўйида келтирилган.

Қатор №	Қатордаги сонлар миқдори									
	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
1.	9	7	2							
2.	1	4	6	3						
3.	3	9	1	4	8					
4.	4	6	8	2	5	3				
5.	3	5	1	6	4	8	2			
6.	2	4	7	5	8	3	9	6		
7.	5	8	6	7	4	1	3	9	8	
8.	6	5	8	3	9	2	5	4	8	7

Тажриба ўтказиш тартиби. Қисқа муддатли эшитиш хотираси ҳажмини аниқлаш учун кўп сонлар миқдори танлаб олиниши керакки, текширилаётган одам уни бир марта эшитишидаёқ, хотирасида сақлаши ва аниқ қайтариб бера олиши керак. Ишни гуруҳдаги барча студентларда бир вақтнинг ўзида олиб бориш мумкин. Ўқитувчи биринчى қатордаги сонларни ўқыйди. Талабалар уни тұла эшитиб олғанларидан сүнг, эслаб қолған сонларини дафтартарларига ёзадилар. Сүнг ўқитувчи иккинчи қатордаги сонларни ўқыйди, студентлар, юқоридагидес, аввал эшитиб оладилар, сүнг дафтартарларига ёзишиади ва ҳ. к. Шундай қилиб, ҳамма қатордаги сонлар ўқилади ва студентлар хотирада сақлаб қолғанларини ўз дафтартарларига ёзадилар.

Шундан сүнг, ўқитувчи яна ҳамма қатордаги сонларни ўқиб қайтаради, талабалар дафтариға ёзған сонларни текширадилар. Агар 1, 2, 3-қаторлар тұғри ва аниқ кетмектелікда ёзилған бұлса-ю, аммо 4-қаторда хатолик топилса (сонлар тартибининг ўзгариб қолиши, қатор катталиги, сонларнинг нотұғри ёзилиши каби) у ҳолда хотиранинг ҳажми 3-қатордаги сонлар миқдорига тенг булади, яъни беш булади.

Ишни расмийлаштиришга доир тавсиялар. Қисқа муддатли эшитув хотира ҳажми одамда ўртacha 7 га тенг бўлади, шунинг учун ўзингизнинг хотирангиз ҳажмини ҳисоблаб, уни қисқа муддатли хотира ҳажмининг ўртacha кўрсаткичи билан солиштиринг.

### 112-ИШ. РЕАКТИВЛИКНИНГ ШАХС ХУСУСИЯТЛАРИ – ЭКСТРАВЕРСИЯ, ИНТРАВЕРСИЯ ВА НЕЙРОТИЗМ БИЛАН АЛОҚАСИ

Шахс етуклик даврида ўзига мустақил онглилик даражасига хос бўлган, атроф-муҳит билан алоқаларида такрорлаб бўлмайдиган типга айланган руҳий индивидуаллик маромининг шаклланишидир. Ҳар бир шахс туғмалиги ва бошқалардан ўзининг индивидуал хусусиятлари билан фарқ қиласди.

Олий асаб фаолияти типлари тўғрисидаги таълимот И. П. Павлов томонидан яратилган. Типлар характеристики тўғрисидаги таълимот ёки руҳий ҳолатларнинг қайси томонга йўналганигини тушунтириб берувчи маълумотлар Юнг томонидан яратилган ва кейинчалик Н. Айзенко буни янада мукаммал ишлаб чиқсан. Шахс структураси характеристики ўрганишда экстраверсия, интраверсия ва эмоционал турғунлик маъносини берувчи нейтротизмни ҳисобга олиш зарур, деган фикрлар бор. Экстраверталар кам актив ва кам қўзғалувчан ҳисобланиб, улар интраверталарга солиштирилганда, кучли типга яқин туради, деб таҳмин қилишади.

Иш анжомлари: Н. Айзенконинг шахс учун мослаштириб тузган саволлари, кўзтомизгич, ўлчамли пробирка, лимон шарбати.

Тажриба ўтказиш тартиби. Ишни гуруҳ студентларининг ҳаммасида бир вақтнинг ўзида олиб бориш мумкин. Ўқитувчи, ўйлаб топишга кўп вақт бермай, Н. Айзенконинг шахс учун тузилган сўроқларидан 57 саволни ўқиб беради. Студентлар саволларга қулоқ солган ҳолда эшитиб, унга "ҳа" ёки "йўқ" деб жавоб беришлари керак. Сўнгра сўроқлар кодидан фойдаланиб, экстраверсия, интраверсия, нейтротизм ва ёлғончилик шкалаларидан ижобий жавоблар санаб чиқиласди. Реактивлик даражасини ҳисоблаш учун шартли равишда "лимон тести" деб номланадиган усулдан фойдаланиллади. Ўқитувчи ҳар бир студентнинг тили ўстига 4 томчидан лимон шарбатидан томизади, сўнгра 10 секунд ўтгач, студентлар сўлакларини пробиркаларга йигиб ўлчайди.

Ишни расмийлаштиришга доир тавсиялар. Шахс учун мослаштириб тузилган саволларнинг ҳар бир шкаласи бўйича ижобий жавобларнинг миқдори ҳисоблангандан кейин, олинган маълумотлар анализи ўтказилади. Агарда экстраверсия, интраверсия ва нейротизм шкалалари бўйича 8 та ижобий жавоб берилган бўлса, баҳоланиш сифати тўгри ифодаланган ҳисобланади, ижобий жавоблар 11 та бўлса, жуда паст сифатда ифодаланган бўлади. Ёлғончиликнинг ифодаланганлигини эса мос келувчи жавобларнинг 7 ёки ундан ортиқ бўлишидан билиш мумкин. Аниқланган реактивлик даражасини шахс хусусиятлари билан таққослаш керак.


### 113-ИШ. ОДАМДА ЭМОЦИОНАЛ ҲОЛАТНИ ЯРАТИШДА ОҒЗАКИ ТАЪСИРЛАШНИНГ РОЛИ

Эмоция тасодифий вазиятларда юзага чиқувчи тўлқинланиш, кучланиш ҳолати бўлиб, у вужудда юзага келган вазифани ечишини енгиллатишга қаратилган. Эмоциянинг З асоси фарқланади: газаб ва қўрқинч — салбий эмоциялар, курсандлик — ижобий эмоция. Эмоциянинг шаклланишида лимбик система ва уни бошқариву катта яримшарлар пўстлоғи муҳим роль ўйнайди, деб фараз қилинади. Эмоционал соҳа ҳолатига иккинчи сигнал системаси бошқарувчи таъсир кўрсатади. Оғзаки таъсирлашда эмоционал ҳолатлар ўзгаради ва бу эмоционал реакцияларнинг марказий ва периферик компонентларида қатор ўзгаришлар содир бўлишига олиб келади.

Иш анжомлари: студентлар учун эмоционал аҳамиятга эга бўлган ва индифферент (фарқсиз) текстлар тўплами, секундомер.

Тажриба ўтказиш тартиби. Студентлар текширилувчи ва текширувчиларга бўлинадилар. Текширувчилар 10 секунд давомида текширилувчилардаги фон ўлчамини — юрак қисқаришлари сони (ЮҚС)ни санайдилар. Сунгра ўқитувчи текст (7—8 текст)ни ўқий бошлайди. Ҳар бир текстнинг ўқилишида оралиқ вақт давомийлиги 1,5 минут бўлиши керак. Ҳар бир текст ўқиб эшигилгандан сунг, текширувчи ўзининг текширилувчисидаги юрак қисқаришлари сонини 10 секунд давомида санайди.

Ишни расмийлаштиришга доир тавсиялар. Ҳар бир текстни ўқишидан олдинги ва кейинги 10 секунд давомидаги юрак қисқаришлари миқдори ҳақидаги натижаларни график тарзда ифодаланг.



"О" нүктасига 10 секунд давомида саналган дастлабки ЮҚС үлчами қўйилади; "1" нүктасига биринчи текст ўқий бошлангандан кейинги 10 секунд давомида ЮҚС қўйилади; '2" нүктасига иккинчи текст ўқий бошлангандан кейинги 10 секунд давомида саналган ЮҚС қўйилади ва 7- текст-гача ЮҚСга асосланиб, ҳар бир текстнинг эмоционал аҳамияти тўғрисида хулоса қилинг. Шуни эътиборга олиш керакки, барча текстлар ҳам турли студентлар учун бир хил эмоционал аҳамиятга эга бўлгандар оғзаки таъсирилашларга симпатик ёки парасимпатик типда бўлиши мумкин.

#### 114-ИШ. ОДАМДА ЭМОЦИОНАЛ ЗЎРИҚИШ ЖАРАЁНИДА ЭЭГ ВА ВЕГЕТАТИВ КУРСАТКИЧЛАРДА РЎЙ БЕРУВЧИ ЎЗГАРИШЛАРНИ ТЕКШИРИШ

Қисқа муддатли салбий эмоция вужуднинг ҳимоя кучини ишга солиб, мақсадни амалга оширишни таъминлайди, аммо узоқ вақт унинг асоратлари қолади. Шу билан бир қаторда тез-тез такрорланиб турувчи салбий эмоцияларда эмоционал зўриқиш кучаяди ва бу вужудда безовталаниш ва ташвиш реакциялари кўринишида, марказий асаб системаси ва ички органлардаги ўзгаришлар кўринишида кечади. Аммо қисқа муддатли салбий эмоция ҳам марказий

асаб системаси ва вегетатив соҳа ҳолатларининг ўзгаришига олиб келади.

Иш анжомлари: электроэнцефалограф (полиграф), электроэнцефалограммани (ЭЭГ) қайд қилувчи электродлар, тери-гальваник реакция (ТГР), электрокардиограммалар (ЭКГ), нафас частотаси (НЧ), пахта, дока салфетка, шпатель, электрод пастаси, физиологик эритма, спирт, эфир, колloidий.

Тажриба ўтказиш тартиби. ЭЭГ, ТГР, ЭКГ, НЧ ларни қайд қилиш учун электродлар қўйилади. ЭЭГни қайд қилиш учун электродлар пешона ва энса соҳаларига қўйилади. Индифферент электрод эса қулоқ супрасининг юмшоқ қисмига қўйилади. ЭЭГни ёзиш монополяр усулда олиб борилади. ТГР Тарханов усули билан ёзиб олинади. ЭКГ эса 1-улаш усули бўйича ёзилади. Нафасни ёзиб олувчи электрод диафрагма соҳасига ўрнатилади, текширилувчи сим орқали ер билан туташтирилиши керак. Ҳамма электродлар ўтувчи даста орқали электроэнцефалографга туташтирилади. Текширилувчига 6—7 та ихтиёрий танланган сўз айтилади. Тахминий йўл-йўриқ бериш ёрдамида ундан айтилган сўзлардан биттасини эслаб қолиш ва унга имкони борича диққат-эътиборни қаратиш сўралади. Сунгра студент ўйлаб турган сузни аниқлаш мақсадида ҳалиги сўзлар қайтадан айтилади, студент ҳар бир айтилган сўзга "йўқ" деб жавоб қиласди, шунингдек, у ўйлаган сўздан кейин ҳам шундай жавоб беради. Бунда вегетатив сфера ва бош миядаги электрик жараёнларининг ўзгаришлари билан бирга кечувчан келишмовчилик реакцияси келиб чиқади. Сўзлар иккинчи марта айтилганда, яна ЭЭГ, ТГР, НЧ ва юрак қисқаришлари частоталари ёзиб олинади ва бу ўзгаришлар аниқланади.

Ишни расмийлаштиришга доир тавсиялар. Электроэнцефалограммани кўз билан кузатиб, анализ қилиш натижасида унда десинхронизация реакцияси борлиги (+) ёки йўқлиги (-)ни белгиланг. Юрак қисқаришлари частотасини (ЮҚЧ), нафас частотасини (НЧ) ва ТГР амплитудасини ҳар бир сўз айтилгандан кейин ҳисобланг. Ихтиёрий ўйланган сўзда ЭЭГ, ЮҚЧ, НЧ да десинхронизация реакция аниқланади ва бунда ТГР амплитудаси энг катта бўлади. Олинган маълумотларни қўйидаги жадвалга туширинг.

Одамда эмоционал зүрикни жараённанда ЭЭГ ва вегетатив  
күттәликларда рүй берадынган ўзгаришлар

Күрсәтичлар	Сузлар					
	ўрмон	шох	дарахт	илдиз	тұңгак	қайин
ЭЭГ						
пешона соҗаси (чапдан)						
пешона соҗаси (ұнғдан)						
Энса (чапдан) (ұнғдан)						
ТГР						
ЮҚЧ						
НЧ						

Хулоса қилинг.

**115-ИШ. ЕРУГЛИК ЧАҚНАШИГА ЧАҚИРИЛГАН ПОТЕНЦИАЛ  
(ЧП) КҮРСАТКИЧЛАРИНИНГ ЎЗГАРИШИ**

Диққат-эътибор у ёки бу нарса, ҳодисалар ёки фаолиятга қаратылған онгнинг йұналиши үшін бир нүктада қарор топишидір. Диққат-эътибор жараённининг борлиги туфайли фаолият учун бизга таъсир этиб турған жуда күп миқдордаги таъсирловчилардан фақат оз миқдордагиси муайян фаолият учун күпроқ ахамияттаға зерттеуден күчлироқи танлаб олинади. Диққат-эътибор ихтиёрий үшін деңгелдеған бөглиқ бүлмаслиги мумкин. Ихтиёрга бөглиқ бүлмаган диққат-эътибор асосини организмнинг тусмоллаш-текшириш реакциясы ташкил қылады. Ихтиёрий диққат-эътибор одамнинг руҳий фаолигининг бир маңсада сары йұналтирилишида намоён бұлувчы актив жараёндір. Ихтиёрий диққат-эътибор инфомациянынг қабул қылинишида таъсирлашнинг ижросыда иштирок этадиган тузилмаларни танлаш асосида активлаштиради. Ихтиёрий диққат-эътибор жараёны бош мия тузилмаларининг электрик активлігі ўзгаришлари билан бөгланған ҳолда келади. Чатырылған потенциални (ЧП) ёзіб олишда баъзи бир уннинг компонентлари, амплитудалари ва латент даврларининг ўзгаришлари күзатылады.

Иш аңжомлари: электроэнцефалограф, үртатача режимли компьютер, фотостимулятор, чақирилған потенциални

(ЧП) ёзиб олиш учун электродлар, пахта, дока салфетка, спирт, эфир, колloidий, физиологик эритма.

**Тажриба ўтказиш тартиби.** Чақирилган потенциални ёзиб олиш учун электродлар энса соҳасидан 2—3 мм юқоририоққа ва энса думбогидан ташқаририоққа, индифферент электрод эса қулоқ юмшоқ супрасига жойлаштирилади. Чақирилган потенциални ёзиб олиш монополяр усул билан амалга оширилади.

Текширилувчи одамни ерга улаш зарур. Электродлар электроэнцефалографга ва ундан сұнг компьютерга уланади. Фотостимулятор текширилувчи одамнинг күз олдига жойлаштирилади. Чақнашнинг ЧПлари ўнг ва чап ярим шарларининг энса соҳаларидан ёзиб олинади. Квантланиш қадами 1024 нұқтада 500 мс. ЧП уни 20 марта амалга ошириш билан ўртачалаштирилади. Аввал контрол (фон) ЧП ёзилади, ўртачалаштирилғандан кейин график тузувчига чиқарилади. Сұнг текширилаёттан одамга күрсатилган чақнашларни санаш ҳақида күрсатып берилади: Шундай қилиб, диққат-эътибор чақнашга жалб қилинади. Сұнгра, ЧП яна қайтадан ёзилади, ўртачалаштирилғандан кейин яна график тузувчига чақирилади. ЧП компонентларининг амплитуда ўзгаришлари, чақнашга диққат-эътибор жалб қилингандан кейин, 140 ва 200 мс латент даврлари билан анализ қилинади.

Ишни расмийлаштиришга доир тавсиялар. Нурнинг ўтиш (югуриш) тезлигини билган ҳолда ЧП компонентларининг латент даврини ҳисобланг, калибрөвка сигнали катталиги бўйича контрол: ЧП компонентлари амплитудасини ҳисобланг ва чақнашга диққат-эътибор жалб қилингандан кейинги амплитудаларни ҳисобланг. Олинган маълумотларни жадвалга кўчиринг.

#### Ихтиёрий диққат-эътиборнинг чақирилган потенциалга таъсири

ЧП ёзиш шароитлари	ЧП компонентлари	
	чапдан	ўнгдан
Фон активлиги		
Ёруглик сигналининг кўрсатилиши		

Хулоса қилинг.

116-ИШ. ОДАМДА 1 ВА 2 СИГНАЛ СИСТЕМАЛАРИНИНГ  
ТАЪСИРЛОВЧИЛАРГА ҲИМОЯ ШАРТЛИ РЕФЛЕКСИНИ  
ҲОСИЛ ҚИЛИШ

Одам ва ҳайвонларда шартли рефлексни ҳосил қилишда барча нарса ёки табиат ҳодисалари шартли таъсирловчи бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Айниқса, одам учун фақат нарсалар ёки табиат ҳодисалари сигнал аҳамиятига эга бўлибгина қолмай. ҳайвонлардан фарқлаб турувчи сўз-нутқ ҳам сигнал аҳамиятига эга бўлаверади. Талаффуз қилинадиган, эши-тиладиган, ёзув шаклидаги сўзлар 1 сигнал системаси таъсирловчилари билан индивидуал ҳаёт давомида бирга ишлатиб бориласа, шартли таъсирловчи сифатида сўз ўзи ҳам аста-секин ўша сигналларнинг сигнални бўлиб қолади.

Иш анжомлари: кимограф, резина найи билан бирлаштирилган резина нок, электродлар, Марей капсуласи, 3 та электромагнит вақт белгиловчиси, узиб-улаб турувчи, 2 та тушмали калит, 12 В бўлган ўзгармас ток манбай, симлар, индукцион ғалтак, дока салфеткалар, 1% ли натрий хлорид эритмаси.

**Тажриба ўтказиш тартиби.** Тажриба қурилмаси билан танишилади. Шартли таъсирловчи сифатида лампочка ёргулиги ишлатилади, шартсиз таъсирловчи бўлиб индукцион ток хизмат қиласи, у электродлар ёрдамида резина нокка маҳкамланган бўлиб, кафт терисини таъсиrlайди. Кимографда қўйидагилар ёзилади: қўлнинг ҳаракат реакцияси, шартли ва шартсиз таъсирловчининг уланиши ва вақт белгилари. Лампочка ва таъсиrlаш вақтининг белгиловчиси битта тугмали калит ёрдамида бир вақтининг ўзида уланади, индукцион ғалтак ва унга тегишли таъсиrlаш вақтининг белгиловчиси бошқа тугмали калит билан уланади.

Одамда 1 сигнал системаси таъсирловчиларига ёргулик ва нурга мудофаа шартли рефлексини ҳосил қилиш. Текширилувчи одам қўлига резина нок берилади. 1% ли натрий хлорид эритмасида намланган докага электродларнинг зич тегиб туриши текширилади. Резина нокни енгил сиқиш таклиф этилади, нокни сиқиш даражаси нисбатан доимий бир хилда бўлиши керак ва унда кимографда енгилгина тўлқинсимон чизиқ ёзилади. Агар текширилувчи одамга электрик таъсиrlаш берилса, у қўлини ёзib юборади ва ёзувчи перо (ёзгич) пастга тушади. Кимограф барабанини юргизиб қўйиб, шартли рефлексни ҳосил қилишга киришилади. Ёргулик таъсирловчиси уланади ва ўша пайтнинг ўзида электрик таъсиrot берилади (шартли рефлексга тўғри

келувчи). Ёрглик таъсироти 3 секунд давом этади. Шартли ва шартсиз таъсирловчиларни биргаликда қўллаш 5—6 марта тақрорланади. Ундан сўнг, фақат битта ёрглик таъсирловчиси уланади ва агар шартли боғланиш ҳосил бўлган бўлса, текширилувчи одам кафтини ёзди. Муҳими шундаки, текширилувчи одам кимографдаги ёзувни ва таъсирловчиларнинг уланишини кўрмасин.

Оламда II сигнал системаси таъсирловчиларига мудофаа шартли рефлексини ҳосил қилиш. Иш юқоридаги қурилмада утказилади. Шартли сигнал "ток" сўзи бўлиб, у терини электр токи билан таъсиrlаш ёрдамида мустаҳкамланади. Бир неча (6—8) бор биргаликда тақрорлашдан сунг "ток" деган сўзга, агар шартли рефлектор боғланиш ҳосил бўлган бўлса, қўлнинг ҳаракат реакцияси содир бўлади.


Ишни расмийлаштиришга доир тавсиялар. Тажрибада олинган эгриликларни дафттарга ёпиширишинг, тажриба шартларини белгиланг ва хулоса қилинг.

#### 117-ИШ. ЧАҚИРИЛГАН ПОТЕНЦИАЛЛАР СТРУКТУРАСИДА КЎРУВ ОБРАЗИ СЕМАНТИКАСИННИГ АКСИ

Таъсиrlаш семантикаси (сўз ёки ибора маъносининг) катта мия фаолияти электрофизиологик кўрсаткичлари билан корреляциясини аниқлаш ҳаракатлари электроэнцефалографияда янги иуналишлардан бири бўлиб қолади. Масалан, маълум даражадаги семантик нагрузкани физик курсаткичлари доимий бўлган стимулларга чақирилган потенциалининг кечиккан компонентлари структурасида ўз аксини топади.

Иш анжомлари: экранлаштирилган камера, электроэнцефалограф, ўртача режимли ихтисослашган ЭХМ, фотостимулятор, нейтрал ўрта ҳолатли 2 та алмашлаб улагич-узгич, 6 та бир хил қийматли рақамлари бўлган диапозитивлар тўплами, масалан 3 5 7 6 4 8.

Тажриба ўтказиш тартиби. 80-расмда кўрсатилган қурилма йиғилади. Текширилувчи одам экран олдидаги курсига ўтқазилади. Курсининг қўл ушлайдиган жойига текширилувчи одам учун алмашлаб улагич-узгич маҳкамланади. Узатувчи электродлар энса соҳаси ( $O_1$  ва  $O_2$ ) га ва чўқчи ( $C_2$ ) га қўйилади. Умумлашган индифферент электрод қулоқнинг юмшоқ супрасига урнатилади. Экранда диапозитивлар кетма-кет келиши кўрсатилади. Ҳар бирининг кўрсатилиши вақти 3 секунд. Текшири-



80-расм. Топшириқни бажарыш тұғрилигини бақолаш учун қурилма схемаси.

1) экспериментатор учун алмашлаб улагич-үзгіч; 2) текширилувчи учун алмашлаб улагич-үзгіч; 3) электростимулятор; 4) фотостимулятор; 5) чақнаш лампаси.

Лувчи ҳар бири 3 та сондан, яғни 1,3-5 ва 4-6 сонлардан иборат бұлған рақамлар диапозитив орқали күрсатылади ва хотира ёрдамида олинган иккى йифиндининг катталигини таққослаш сұралади. Иккى йифиндидан қайси бири күп бўлишига боғлиқ ҳолда текширилувчи калит ҳолатини у ёки бу томонга ўзгартиради. Экспериментатор ўчириб-ёндиргични (мурватни) тахминан шундай ҳолатга бурайдики, бу мувофиқ ҳолат бўлиб, текширилувчи томонда учқун пайдо бўлади. 1-тур текширишларда текширилувчига чақнаш орқали топшириқни тұғри, 2 турда эса, нотұғри бажарғани тұғрисида хабар қиласади. Чакнаш пайтида мушакларни ва күзни пирпиратмаслик лозим. Ҳар бир тажриба серияси ихтисослашган ЭХМ ёрдамида 20 марта амалга оширилади ва 500 мс давр ичида анализ қилиниб, ўртачалаشتарилади.

Ишни расмийлаштиришга доир тавсиялар. Ижобий тебранишлар амплитудасини 300 мс латент даври билан (компонент Р 300) калибрювка сигналига мөсравища миллиметрларни милливольтларга айлантириб ўлчанг. Натижаларни жадвалга күчиринг.

#### Семантик вазифада ЧП катталиклари

Тажрибалар серияси	Чақирилған потенциал амплитудаси		
	(ЧП), Р	300 компонент	MKB
	C	01	02
1.			
2.			

1 ва 2 серияларда Р 300 компонентлари амплитудалари ўзгаришини анализ қилиб кўринг.

## ФИЗИОЛОГИК КИБЕРНЕТИКА. МАҚСАДГА ЭРИШИШГА ҚАРАТИЛГАН ФАОЛИЯТ

### 118-ИШ. МАҚСАДНИНГ ФАОЛИЯТ НАТИЖАСИГА БҮЛГАН ТАЪСИРИ

Илк бор амалга оширилаётган феъл-атвор фаолиятининг натижаси тўғрисида одам аниқ тасаввур ҳосил қилолмайди. Бироқ, шундай булишига қарамай, мақсаднинг тахминий шаклланиши, яъни мўлжалланган натижа идеал моделининг яратилиши одам фаолиятида бошқарувчи ва йўналтирувчи асосий омил бўлиб хизмат қиласди.


Иш анжомлари: марказий қисмда икки маъноли шакл (сон-ҳарф) туширилган маҳсус жадвал (81-расм).

Тажриба ўтказиш тартиби. Ўқитувчи ҳамма студентларни икки гуруҳга ажратади ва уларга қисқа вақт давомида (1—3 сек) маҳсус жадвал кўрсатилишини тушунтиради. Биринчи гуруҳ талабаларининг мақсади горизонтал белгиларни сақлаб қолишидир. Иккинчи гуруҳ талабаларининг мақсади шу жадвалда вертикал жойлашган белгиларни эсда сақлаб қолиш. Жадвал намойиш қилингач, ҳар иккала гуруҳ студентлари билан савол жавоб ўтказилади. Маълум бўлдики, қўйилган мақсадга мувофиқ жадвалнинг марказий қисмига жойлашган битта белгининг ўзи ҳар хил маънода қабул қилинган. Ўқитувчи жадвални яна бир марта намойиш қиласди, бундан мақсад шуки, ҳар бир студент уни тўла кўра олсин ва тадқиқот натижаларини тушунтириб беринг. Шундай қилиб, тахминий қўйилган мақсад натижага таъсир кўрсатади.

Ишни расмийлаштиришга доир тавсиялар. Олинган натижаларни қўйидаги жадвалга кўчиринг ва уларни тушунтириб беринг.

#### Фаолият натижаларининг қўйилган мақсадга боғлиқлиги

Талабалар гуруҳи	Ҳаракат мақсади	Фаолият натижаси
1-гуруҳ	горизонтал бўйича ўқиш	
2-гуруҳ	вертикал бўйича ўқиш	



80-расм. Топшириқни бажариш тұғрилигини бақолаш учун қурилма схемаси.

1) экспериментатор учун алмашлаб улагич-узгич; 2) текширилувчи учун алмашлаб улагич-узгич; 3) электростимулятор; 4) фотостимулятор; 5) чақнаш лампаси.

лувчи ҳар бири 3 та сондан, яғни 1,3-5 ва 4-6 сонлардан иборат бұлған рақамлар диапозитив орқали күрсатилади ва хотира ёрдамида олинган иккى йигиндининг катталаигини таққослаш сұралади. Иккى йигинидан қайси бири күп булишига боғлиқ ҳолда текширилувчи қалит ҳолатини у ёки бу томонға үзгартыради. Экспериментатор үчириб-ёндиргични (мурватни) тахминан шундай ҳолатта бурайдиди, бу мувофиқ ҳолат бўлиб, текширилувчи томонда учқун пайдо бўлади. 1-тур текширишларда текширилувчига чақнаш орқали топшириқни тұғри, 2 турда эса, нотұғри бажарғани тұғрисида хабар қиласади. Чақнаш пайтида мушакларни ва кўзни пирпиратмаслик лозим. Ҳар бир тажриба серияси ихтисослашган ЭХМ ёрдамида 20 марта амалга оширилади ва 500 мс давр ичидаги анализ қилиниб, ўртачалаштирилади.

Ишни расмийлаштиришға доир тавсиялар. Ижобий тебранишлар амплитудасини 300 мс латент даври билан (компонент Р 300) калибрөвка сигналига мос равишда миллиметрларни милливольтларга айлантириб ўлчанг. Натижаларни жадвалга күчиринг.

#### Семантик вазифада ЧП катталаиклари

Тажрибалар серияси	Чақирилған потенциал амплитудаси		
	(ЧП), Р	300 компонент	MKB
	C	01	02
1.			
2.			

I va 2 серияларда Р 300 компонентлари амплитудалари ўзгаришини анализ қилиб кўринг.

## ФИЗИОЛОГИК КИБЕРНЕТИКА. МАҚСАДГА ЭРИШИШГА ҚАРАТИЛГАН ФАОЛИЯТ

### 118-ИШ. МАҚСАДНИНГ ФАОЛИЯТ НАТИЖАСИГА БЎЛГАН ТАЪСИРИ

